


**АТ-ТАЙСИР ФИ  
УСУЛИТ ТАФСИР**

**(Тафсир усулини енгиллаштириш)**



# АТ-ТАЙСИР ФИ УСУЛИТ ТАФСИР

(Тафсир усулини енгиллаштириш)

(Бақара сураси)

Учинчи қисм

Ато ибн Холил Абу Рушта

## Иккинчи пора, тўртинчи қисм, иккинчи чорак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

﴿۱﴾ يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا  
أَكْبَرُ مِنْ نَفْعِهِمَا ﴿۲﴾ وَيَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلِ الْعَفْوَ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ  
الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿۳﴾ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ﴿۴﴾ وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْيَتَامَى قُلْ  
إِصْلَاحُهُمْ خَيْرٌ وَإِنْ تُخَالِطُوهُمْ فَإِحْوَانُكُمْ ﴿۵﴾ وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ الْمُصْلِحِ وَلَوْ  
شَاءَ اللَّهُ لَأَعْتَبْتَكُمْ ﴿۶﴾ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿۷﴾ وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَةَ حَتَّىٰ يُوْمِنَ  
وَلَأَمَةٌ مُّؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبَتْكُمْ ﴿۸﴾ وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُوْمِنُوا  
وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ ﴿۹﴾ أُولَٰئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ وَاللَّهُ يَدْعُوا  
إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ ﴿۱۰﴾ وَيُبَيِّنُ ءَايَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿۱۱﴾ وَيَسْأَلُونَكَ  
عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَىٰ فَأَعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ  
يَطْهَرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ ﴿۱۲﴾ إِنَّ اللَّهَ تَحِبُّ التَّوْبِينَ وَحُبُّ  
الْمُتَطَهِّرِينَ ﴿۱۳﴾ نَسَاؤُكُمْ حَرَّتْ لَكُمْ فَاتُوا حَرَثَكُمْ أَنَّىٰ شِئْتُمْ ﴿۱۴﴾ وَقَدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ  
وَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ مُّلتَقُونَ ﴿۱۵﴾ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿۱۶﴾ وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً  
لِّأَيْمَانِكُمْ أَنْ تَبَرُّوا وَتَتَّقُوا وَتُصَلِّحُوا بَيْنَ النَّاسِ ﴿۱۷﴾ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿۱۸﴾ لَا  
يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا كَسَبَتْ قُلُوبُكُمْ ﴿۱۹﴾ وَاللَّهُ غَفُورٌ  
حَلِيمٌ ﴿۲۰﴾ لِلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِنْ نِسَائِهِمْ تَرَبُّصُ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ ﴿۲۱﴾ فَإِنْ فَأَوْ فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ  
رَّحِيمٌ ﴿۲۲﴾ وَإِنْ عَزَمُوا الطَّلَاقَ فَإِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿۲۳﴾ وَالْمُطَلَّقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ  
بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ ﴿۲۴﴾ وَلَا يَحِلُّ لَهُنَّ أَنْ يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ اللَّهُ فِي أَرْحَامِهِنَّ إِنْ كُنَّ يُؤْمِنَنَّ

بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۚ وَبُعُولَتُهُنَّ أَحَقُّ بِرَدِّهِنَّ فِي ذَلِكَ إِنْ أَرَادُوا إِصْلَاحًا ۚ وَهُنَّ مِثْلُ  
 الَّذِي عَلَيْهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ ۚ وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ ۗ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢١٩﴾ أَلطَّلِقُ مَرَّتَانِ  
 فَإِمْسَاكٌ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَانٍ ۗ وَلَا يَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا بِمَا آتَيْتُمُوهُنَّ  
 شَيْئًا إِلَّا أَنْ يَخَافَا أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ ۗ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ  
 عَلَيْهِمَا فِيهَا إِفْتَدَتْ بِهِ ۗ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا ۚ وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ  
 فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٢٠﴾ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدِ حَتَّى تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ  
 ۗ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يَتَرَاجَعَا إِنْ ظَنَّا أَنْ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ ۗ وَتِلْكَ  
 حُدُودُ اللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٢٢١﴾ وَإِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ  
 بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرِّحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ ۚ وَلَا تُكْسِبُوهُنَّ ضِرَارًا لَتَعْتَدُوا ۚ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ  
 ظَلَمَ نَفْسَهُ ۚ وَلَا تَتَّخِذُوا آيَاتِ اللَّهِ هُزُوعًا ۚ وَادْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَا أَنْزَلَ  
 عَلَيْكُمْ مِنَ الْكِتَابِ وَالْحِكْمَةِ يَعِظُكُمْ بِهِ ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ  
 ﴿٢٢٢﴾ وَإِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ زَوْجَهُنَّ إِذَا  
 تَرَاضُوا بَيْنَهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ۗ ذَلِكَ يُوعِظُ بِهِ مَنْ كَانَ مِنْكُمْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ  
 ذَلِكَمُ أَرْكَانُ لَكُمْ وَأَطْهَرُ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٢٢٣﴾

— 219—220. Сиздан ароқ (ичкилик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир». Ва Сиздан (эй Муҳаммад) нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. (Ўзингиздан) ортганини, деб жавоб қилинг! Шундай қилиб, дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади. Сиздан етимларнинг (моллари) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз (зарари йўқ). Зеро, улар биродарларингиздир: Аллоҳ ким бузгунчи,

ким ўнглолчи — ислоҳ қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатга солган бўлур эди. Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир. 221. То имонга келмагунларича муширика аёлларга уйланмангиз! Шубҳасиз, озод муширика аёлдан — гарчи у сизга ёқса-да,— имонли чўри яхшироқдир. То имонга келмагунларича муширик эрларни (қизларингизга) уйламангиз! Шубҳасиз, озод муширикдан — гарчи у сизга ёқса-да, — имонли кул яхшироқдир. Улар (мушириклар) дўзахга чақирадилар. Аллоҳ ўз изни-иродаси билан жаннатга даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади. 222. Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади». 223. Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг ва ўзингиз учун яхши амаллар тақдим қилинг! Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, сизлар Унга рўбарў бўлгувчисиз. (Эй Муҳаммад) имонли кишиларга (жаннат) хушxabарини етказинг! 224. Яхшилик қилиш, тақводор бўлиш ва одамлар орасини ислоҳ қилиш (каби амаллардан тўсувчи бўлган) қасамларингиз учун Аллоҳни баҳона қилмангиз! Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 225. Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки дилларингиз билан қилган нарсангиз (қасамингиз) билан жазолайди. Аллоҳ мағфиратли, ҳалим зотдир. 226. Хотинларидан қасам билан юз ўгирган кишилар учун тўрт ой муҳлат бор. Агар (шу муддат ичида хотинларига) қайтсалар (жоиздир). Зеро, Аллоҳ шубҳасиз мағфиратли, раҳмлидир. 227. Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 228. Талоқ қилинган аёллар уч ҳайз муддатида ўзларини кузатадилар. Агар Аллоҳга ва охират кунига ишонсалар, улар учун Аллоҳ бачадонларида яратган нарсани (ҳомилани ёки ҳайзни) яширишлари ҳалол бўлмайди. Агар эрлари ислоҳни (оилани тиклашни) истасалар, шу муддат ичида уларни қайтариб (никоҳларига) олишга ҳақлидирлар. Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир. 229. (Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талоқ икки

*мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим). Ва сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингизда (уларнинг маҳрларидан) бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг (эр-хотиннинг) Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсангизлар, у ҳолда хотин (эридан ажрашиш учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир. Бу Аллоҳнинг қонун-чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир. 230. Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди. Сўнг агар (кейинги эр ҳам) талоқ қилса, бу ҳолда Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар, (у хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг, яъни қайта турмуш қуришларининг гуноҳи йўқдир. Булар Аллоҳнинг чегараларидирки, буларни биладиган қавм учун баён қилади. 231. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан кузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қилса ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил деб билманглар! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизларга ваъз-насиҳат этиб нозил қилган Китоб ва (у китобдаги ҳикматдан иборат нарсани) ёдингизда тутингиз! Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, албатта Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир. 232. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, (эй ота-оналар) уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг! Бу ҳукмлардан сизларнинг ораларингиздаги Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган зотлар ваъз-насиҳат оладилар. Бу ҳукм (яъни эр-хотинни ярашиб олишларидан тўсмаслик) сизлар учун энг тоза ва покловчи ҳукмдир. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз“.* [2:219-232]

**Тафсири:**

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا  
 أَكْبَرُ مِنْ نَفْعِهِمَا ۗ وَيَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلِ الْغَفْوُ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ  
 الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١٩﴾ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْيَتَامَىٰ قُلْ  
 إِصْلَاحُهُمْ خَيْرٌ وَإِنْ خُلِطُوهُمْ فَإِحْوَانُكُمْ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ الْمُصْلِحِ ۗ وَلَوْ  
 شَاءَ اللَّهُ لَأَعْتَبْتَكُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٠﴾﴾

– „219–220. Сиздан ароқ (ичкилик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир». Ва Сиздан (эй Мухаммад) нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. (Ўзингиздан) ортганини, деб жавоб қилинг! Шундай қилиб, дунё ва охираат ҳақида тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади. Сиздан етимларнинг (моллари) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз (зарари йўқ). Зеро, улар биродарларингиздир: Аллоҳ ким бузгунчи, ким ўнгловчи — ислоҳ қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатга солган бўлур эди. Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир“.

[2:219-220]

Бу улуғ сурада Пайғамбар ﷺ га бир неча масалалар хусусидаги шаръий ҳукмларни баён қилувчи оятлар бардавом нозил бўлиб турди. Улар исломий шахсиятни эътиқод жиҳатидан ҳам, амалиёт – шаръий ҳукмлар жиҳатидан ҳам пухта шакллантирувчи, бир сўз билан айтганда, исломий ақлия ва исломий нафсияни бино қилувчи омиллар эди. Токи, мусулмоннинг имони содиқ, ҳақиқий бўлсин, исломий ҳукмлар билан жуда қаттиқ боғлансин, уларни сидқидилдан бажарсин.

1. Айрим мусулмонлар ароқ, қимор ҳақида сўрашди. Аллоҳ Таоло улар ҳақида бундай жавоб берди:

﴿فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ﴾

(Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор). Аллоҳ Таоло, улар гуноҳдир, демади. Шунинг учун мусулмонлар бу оятдан ароқнинг ва қиморнинг ҳаром қилинмаганини, лекин ароқни ичишдан кўра ичмаслик, қиморни ўйнашдан кўра ўйнамаслик афзаллигини, чунки

﴿إِنَّهُمَا أَكْبَرُ مِنْ نَفْعِهِمَا﴾

(Буларнинг гуноҳи фойдасидан катгароқдир) эканини тушунишди.

Улардан бўладиган фойда шундан иборат эдики, улар ароқ билан савдо қилиб, фойда олардилар. Қиморда эса машаққатсиз қўлга кирган мол-давлатдан камабағалларга ҳам берардилар.

Улардаги гуноҳ эса шундан иборат эдики, ичиб олган одам ёмон, фаҳш ишларни қиларди. Қиморда эса бошқанинг мулки ноҳақ йўл билан олинарди. Бу нарса адоватни, нафратни келтириб чиқарарди.

Воҳидий айтади: Бу оят Умар ибн Хаттоб, Муоз ибн Жабал ва бир неча ансорийлар ҳақида нозил бўлган. Улар Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб шундай дейишган: Бизга ароқ ва қимор ҳақида фатво беринг. Бу икки нарса ақлни кетказди, мол-давлатдан жудо қилади. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилган.<sup>1</sup>

Хомр сўзи ёпиш, беркитиш маъносини англатувчи сўздир. Аёлнинг юзини ёпиш ҳақидаги гапда ҳам шу сўз қўлланади. Идишларингни ёпиб қўйинглар, дейилганда ҳам шу сўз ишлатилган. Демак, хомр – ароқ ақлни ёпиб, беркитиб қўяди.

Майсир сўзи мавъид сўзи каби масдардир. Аслида бу сўз осонлик, енгиллик маъноларини англатади. Демак, қимор осонгина, енгил йўл билан бировнинг мулкига эга бўлиб олмоқдир.

2. Хомр сўзи ҳар бир маст қилувчи нарсага нисбатан қўлланаверади.

﴿كُلُّ خَمْرٍ مُسْكِرٌ﴾

«**Ҳар бир маст қилувчи нарса ароқдир**».<sup>2</sup> Ўша пайтдаги арабларга ўхшаб узум, хурмо, арпа, бугдой, донлардан қилинадими, бошқа йўллар билан қилинадими, маст қиладиган ҳар қандай ичимлик ҳаромдир. Бу ҳадисдан шундай маъно чиқади.

Шунинг учун бугунги кундаги коньяк каби спиртли ичимликлар ҳам ароқ ҳисобланади ва уларга ҳам ароқ хусусидаги ҳукмлар тўғри келади.

(1) Тафсири Байзовий: 1/235.

(2) Муслим: 3733, 3735. Термизий: 1784. Насоий: 5488. Ибн Можа: 3381. Аҳмад: 2/31, 29.

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ ۖ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا  
أَكْبَرُ مِنْ نَفْعِهِمَا﴾

Ароқ бу оят билан ҳаром қилинмади. У Моида сурасидаги мана бу оят билан ҳаром қилинди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْحَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ  
الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٦٧﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ  
الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَن ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ ۖ فَهَلْ أَنْتُمْ  
مُنْتَهُونَ﴾

– „Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиши), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниши) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиши) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, назот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!“

[5:90-91]

Бу ерда тақиқнинг энг кучли услублари қўлланган.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْحَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ﴾

﴿مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ﴾

﴿فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ﴾

﴿وَيَصُدَّكُمْ عَن ذِكْرِ اللَّهِ﴾

﴿وَعَنِ الصَّلَاةِ﴾

﴿فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

Бу услубларнинг ҳар бири ароқнинг ҳаромлигига кифоя қилади. Шунинг учун ҳам бу гапни эшитган саҳоба «Тийилдик,

эй Роббим», деб юборган. Уларнинг ароқдан тийилишлари, юз ўгиришлари жуда ҳайратланарли бўлган. Кимдир йиллар мобайнида ароқ ичиб юрган ва ароқ ҳаром қилингани хусусидаги хабар келиши билан ўша заҳоти оғзидаги ҳўплаб турган ароқни ҳам тупуриб юборган. Шунини ичиб олай, кейин амал қиламан, деб ўтирмаган.

Ароқ ўн ўринда ҳаром қилинган. Буни Пайғамбар ﷺ мана бундай ифодалаганлар: **«Пайғамбар ﷺ ароқни ва у билан бирга ўн тоифа одамларни лаънатлаганлар. Улар қуйидагилар: Ароқ сотувчи, сотиб олувчи, сотиб олдиртирувчи, сиқувчи, сиқдирувчи, қуовчи, ичувчи, ташувчи, ташитувчи, пулини ювчи».**<sup>3</sup>

Ароқ ичган кишининг жазоси қирқ ёки саксон даррадир. Қирқ ва саксон даррадан бошқа жазо қўллаб бўлмайди. Масалан, эллик дарра уриш мумкин эмас. Негаки, саҳиҳ ривоятга кўра, **Пайғамбар ﷺ ароқ ичган одамга қирқ ва саксон дарра ҳад белгилаганлар.**<sup>4</sup>

Ароқ сотган ва ўша ўн тоифадаги бошқаларнинг жазоси таъзирий бўлади. Чунки ҳар бир ҳаром иш учун Ислом давлати, хилофат томонидан жазо тайинланади. У тўрт хил бўлади. Ҳад, жиноят, таъзир ва қонунбузарлик. Булар «Исломдаги жазолар низоми» китобида батафсил баён қилинган.

3. Ҳамма қимор майсирга киради. Ўша пайтдаги қимор бўладими, ҳозирги замонавий қиморлар бўладими, фарқи йўқ.

Олдинги арабларда кенг тарқалган қимор тури қуйидагича эди: Битта сўйиладиган ҳайвонни сотиб олардилар. Унинг нархини тайин қилардилар. Кейин бир неча ўқ ясаб, ҳар бир ўққа муайян миқдорни англатувчи белгини қўярдилар. Масалан, бир ўққа бир ҳисса, бошқа бир ўққа икки ҳисса, учинчи ўққа эса умуман ҳисса йўқ қилиб белги қўярдилар. Кейин ўқларни ўқдонга ўхшаган халтачага солардилар. Кейин ўзлари бир одамни танлардилар. Ўша одам халтачага қўлини солиб, ундаги ўқларни икки ёки уч марта аралаштирарди. Кейин битта-биттадан чиқариб берарди.

Ҳар ким қандай ўқ чиққанига қараб улуш оларди. Агар ўққа бир улуш белгиси қўйилган бўлса, сўйилган ҳайвоннинг гўшtidан бир улуш олинарди. Агар ўққа икки улуш белгиси қўйилган бўлса, икки улуш олинарди. Хуллас, ўққа қанча улуш белгиси қўйилган бўлса, ўшанча улуш олинарди. Ҳеч қандай

---

(3) Термизий: 1295.

(4) Абу Довуд: 3883.

улуш белгиланмаган ўқ чиқса, ҳеч нарса олинмас эди. Лекин сўйиладиган ҳайвоннинг нархи бериларди.

Ютуқдан камбағалларга ҳам берардилар. Уларнинг қиморларидан камбағалларга бироз фойда етарди. Ўқига ҳеч нарса чиқмаган кишилар ўзлари ҳеч нарса олмасалар ҳам сўйиладиган ҳайвоннинг нархини берардилар.

Ўша пайтда машҳур бўлган қимор тури мана шу бўлган. Майсир сўзи қандай восита билан ўйналишидан қатъий назар, ҳамма қиморни ўз ичига олади. Қандай ўйин бўлишидан қатъий назар, унга муайян миқдорда пул тикилса, у қимор бўлади. Масалан, лотерея чипталарини олайлик. Уни одамлар пулга сотиб оладилар. Бу чипталарнинг айримларида ютуқ бор. Аксариятида эса йўқ. Олган лотереясига ютуқ чиқмаган одам уни сотиб олган пулига куйиб қолаверади. Агарчи ундан тушган фойдаларнинг бир қисми камбағалларга ёки қандайдир хайрия ишларига сарф қилинса-да, модомики, унда ютиш ва ютқазिश бор экан, у қимордир.

Мана шуларнинг ҳаммаси майсир сўзи англатувчи маънонинг остига дохил бўлади. Негаки, ўша пайтда майсир сўзи қуйидагича маънода эди:

Ўқига улуш чиққан одам ўша улушини оларди.

Ўзларига теккан насибадан, гўштдан камбағалларга ҳам берардилар.

Воқе битта. Улуш қўшиладиган ҳамма қимор бир хил.

Лекин қиморнинг воқеи қуръанинг, чек ташлашнинг воқеига ўхшамайди. Ҳадисда шундай келади: «**Пайғамбар ﷺ (сафарга) чиқадиған бўлсалар, аёллари ўртасида қуръа, чек ташлардилар**».<sup>5</sup> «**Бир ансорий киши ўлаётган пайтида олтига қулни озод қилди. Ўзининг ўшалардан бошқа моли йўқ эди. Бу хабар Пайғамбар ﷺга етиб келгач, уларни чақиртириб, қисмларга ажратдилар-да, қуръа, чек ташладилар. Шу йўл билан иккитасини озод қилдилар, тўрттасини қул бўйича қолдирдилар**».<sup>6</sup>

Қуръа, чек ташланганда ҳаммага бир хил ташланади. Ҳамманинг чеки бир хил бўлади. Улар ўзлари олдиндан ҳам ўша нарсанинг эгалари бўладилар, унга қимор йўли билан эришмайдилар. Фақат бир неча эгалардан бирини ёки бир нечтасини ажратиб олиш учун чек ташланади. Хуллас, чек ташлашнинг воқеи майсирнинг воқеидан мутлақо ўзгачадир.

(5) Муслим: 2446. Аҳмад: 6/114, 117. Ибн Ҳиббон: 10/13.

(6) Термизий: 1364. Ибн Ҳиббон: 10/407.

Чек ташлаш ҳалолдир, покдир, майсир эса ҳаромдир, ифлосдир. Аллоҳнинг инояти билан буни қуйида баён қиламиз.

Қиморнинг ҳамма тури ҳаромдир. Лекин унинг ҳаромлиги мана шу биз тафсир қилаётган оят билан эмас, юқорида айтиб ўтганимиз Моида сурасидаги мана бу оят биландир:

﴿إِنَّمَا الْحَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ﴾

(Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) ҳаром ишдир).

Биз тафсир қилаётган бу оятда эса унинг зарари фойдасидан кўпроқлиги айтилган, холос.

Юқорида оятнинг шаклида қандай таъкидли маънолар борлигини кўрсатиб, қиморнинг нақадар қаттиқ ҳаромлиги хусусида тўхталган, у билан шуғулланган кишининг таъзирий жазога тортилиши ҳақида ҳам айтиб ўтган эдик. Исломда таъзирий жазонинг миқдорини қози белгилайди. Жазо жиноятга қараб бўлади. Токи, бошқалар бу жазони кўриб, ўша жиноятни қилишдан тийилсинлар. Хуллас, жазо жиноятга яраша қаттиқ бўлиши керак.

**Бу мавзунинг хотимасида қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман:**

Шу кунларда кенг тарқалган хайрия лотереяларни қиморга кирмайди, чунки улардан мақсад айрим камбағалларни фойдалантиришдир, дейдиганлар қаттиқ адашадилар. Уларнинг ҳужжати мағлубдир, сўзлари ботилдир. Чунки қимор ҳаром қилинган пайтдаги қимордан ҳам камбағалларга фойда бўлган. Ҳатто айрим қиморда ютган кишилар ютиб олган улушларидан – гўштдан ўзлари емаганлар. Ҳаммасини камбағалларга бериб юборганлар ва шу ишлари билан фахрланиб юрганлар. Шундай қилмаганларни айблаганлар ҳам. Шундай бўлса-да, қимор ҳаром қилинган.

Шунинг учун лотерея ҳам ҳаром қилинган майсирга, қиморга киради. Ундан камбағалларга бироз наф етиши уни қимордан чиқариб ололмайди. Чунки қиморнинг воқеи унга ҳам тўғри келади.

4. Шундан кейин Аллоҳ Таоло бошқа бир масалани баён қиляпти. Олдинги оятда У Зот шундай деганди:

﴿يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلَّوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ وَالْيَتَامَىٰ

وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ﴾

– „Сиздан (эй Мухаммад), нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: «Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи-мусофирларга қилингиз»“.

[2:215]

Яъни, сарф, инфоқ энг аввал мана шу одамларга – ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, мусофирларга қилинади.

Бу муборак оятда эса бошқа бир ишни баён қиляпти.

﴿وَسَأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلِ أَلْعَفْوُ﴾

– „Ва Сиздан (эй Мухаммад) нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. (Ўзингиздан) ортганини, деб жавоб қилинг!“.

[2:219]

Бу олдинги саволдан бошқа бир саволга жавобдир. Бу оятда сарф, инфоқ қилишнинг миқдори ҳақидаги саволга жавоб берилияпти. (الْعَفْوُ) яъни, сарф, инфоқ молнинг ортиқча қисмидан, одатдаги харажатдан ортиб қолган жойидан бўлиши лозимлиги айтиляпти.

Ибн Исҳоқ Ибн Аббос رضي الله عنهдан қилган ривоятда шундай дейилган: Бир неча саҳобалар Аллоҳ Таолонинг йўлида инфоқ қилишга буюрилдилар. Улар Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, биз ўз молимиздан қанчасини инфоқ қилишимиз лозимлигини билмаймиз, қанчасини инфоқ қилайлик, деб сўрашди. Шунда мана шу оят нозил бўлди. Бундан олдин кимлардир шу даражада эҳсон қилиб юборардики, ҳатто садақа қилгани ҳам моли қолмасди. Шундай ҳолатлар ҳам юз берардики, егани ҳам ҳеч нарсаси қолмасдан, ўзи садақага муҳтож бўлиб ўтирарди.

Бу ердаги жавобда инфоқ, эҳсон молнинг ортиқча қисмидан, одатдаги харажатдан ортиб қолган жойидан бўлиши айтиляпти.

Пайғамбар ﷺдан шу маънода кўп ҳадислар ривоят қилинган. Ҳар икки шайх, Абу Довуд ва Насоий Абу Ҳурайрадан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«خَيْرُ الصَّدَقَةِ مَا كَانَ عَنْ ظَهْرِ غَنَىٰ وَابْتَدَأَ بِمَنْ تَعُولُ»

**«Садақанинг яхшиси беҳожатлик ортидан бўлганидир. Уни ўз қарамоғингдагилардан бошла».**<sup>7</sup> Яъни, гўё садақа кучли орқага таяниши, бинобарин, ўзининг қарамоғидагиларга мол ташлаб қўйиши керакдек.

(7) Бухорий: 2303,8086. Муслим: 1034. Абу Дрвуд: 1676. Насоий: 2534.

Аллоҳ Таоло ароқ, қимор ҳукмларини ва ундан олдин бошқа ҳукмларни баён қилди. Токи, мўминлар дунёю охиратга доир ишларини қандай ислоҳ қилиш мумкинлиги ҳақида фикр юритсинлар, дунёнинг ўткинчилигидан, фонийлигидан ибрат олиб, Аллоҳдан қўрқсинлар, охиратга интилсинлар, яхши ишларни қилишга ошиқсинлар. Токи, Аллоҳ улардан рози бўлган ҳолда Аллоҳга рўбарў бўлсинлар.

5. Кейин Аллоҳ Таоло мана шу улуғ сурадаги бир неча шаръий ҳукмлар оқидамида бошқа бир масалани баён қиляпти. Бу масала етимлар ҳақида берилган саволга жавобдир. Етимларга валийлик қилаётган мусулмонлар Аллоҳдан ва Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, уларнинг мол-давлатига тега олмасдилар. Негаки, бу борада бир неча оятлар нозил бўлганди.

﴿وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ﴾

– „*Етимнинг молига фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз!*“ [6:152]

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتِيمِ ظُلْمًا إِنَّهُمْ يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا

وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا﴾

– „*Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!*“ [4:10]

Шунинг учун ўзларининг овқатлари ва ичимликларини уларнинг овқатлари ва ичимликларидан ажратиб алоҳида қўярдилар. Валийларнинг етимлар овқатига тегинишдан қўрққанлари сабаб етимларнинг овқатлари айниб қолиш ҳоллари ҳам юз берарди. Шунинг учун Пайғамбар ﷺ дан бу ҳақда сўрадилар. Шунда мана шу оят нозил бўлди. Абу Довуд Ибн Аббосдан қилган ривоятда шундай дейилган. Унда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қилади:

а) Валийлар етимларнинг молини яхшилайдиган, кўпайтирадиган, сақлайдиган ишларни қилишлари мумкин. Агар бу ишни ихлос билан, эътибор билан бажарсалар, уларга савоб бўлади.

б) Етимлардан ажралиб олганларидан кўра улар билан аралашиб юришлари афзалроқдир. Ейиш, ичиш борасида ҳам, яшаш жойи масаласида ҳам яхшилик билан етимларга аралашиб юриш афзалдир. Бу афзаллик Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِنْ خَالَطُوهُمْ فَوَجَّهْهُمْ﴾

(Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз) деган гапидан чиқади. (فَإِجْهَزْهُمْ) деган иборанинг ишлатилишида бир оиланинг аъзоларидек бир-бирига эътибор билан яшашга, аралашиб юришга тарғиб қилиш, ундаш маънолари бор.

в) Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Ўзининг ким бузишни исташи ким тузатишни исташини билишлигини баён қияпти. (Яъни, уларнинг мол-давлатини тузатишни мақсад қилгани ҳам, уларнинг молларини ейиш мақсадида улар билан аралашиб юргани ҳам билишини билдирди).

г) Оятнинг охирида Аллоҳ Таоло уларга етимга валийлик қилишни осонлаштириб бергани, етимларга яхшилик билан аралашиб юришга рухсат бериш билан уларга қулайлик туғдириб бергани, бунинг учун уларга савоблар, мукофотлар тайёрлаб қўйгани Ўзининг фазлидан эканини баён қилди. Агар Аллоҳ истаса, уларнинг ризқини қисиб қўйиши ҳам мумкин эди. (لَأَعْتَبَنَّكُمْ) яъни, етимга валийлик қилишда. Улар билан аралашиб юришнинг жазосини қаттиқ қилиб қўйиши ҳам мумкин эди. Зеро, Аллоҳ Ўз ишига ғолибдир. У Зотнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. У Зот Ўзининг ҳар бир ишида етук ҳикмат соҳибидир.

﴿إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

(Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир).



﴿وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَةَ حَتَّىٰ يُؤْمِنَ ۚ وَلَا مُمۡنَةً حَيَّرَ مِّنۢ مُّشْرِكَةٍ وَلَا أَعۡجَبَتۡكُمۡ ۗ

وَلَا تُنكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا ۚ وَلَعَبۡدٌ مُّؤۡمِنٌ حَيَّرَ مِّنۢ مُّشْرِكٍ وَلَا أُعۡجَبَتۡكُمۡ ۗ

أُولَٰئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ ۖ وَاللَّهُ يَدْعُوٓا إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذۡنِهِ ۗ وَيُبَيِّنُ ۖ

لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢٢١﴾

– „221. То имонга келмагунларича мушрика аёлларга уйланмангиз! Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан — гарчи у сизга

*ёқса-да,— имонли чўри яхшироқдир. То имонга келмагунларича мушрик эрларни (қизларингизга) уйламангиз! Шубҳасиз, озод мушрикдан — гарчи у сизга ёқса-да, — имонли қул яхшироқдир. Улар (мушриклар) дўзахга чақирадилар. Аллоҳ ўз изни-иродаси билан жаннатга даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади “.* [2:221]

Аллоҳ Таоло бу муборак оятда қуйидаги ишларни баён қилади:

1. Мўминанинг мушрикка узатилиши ва мўминнинг мушрикага уйланиши ҳаром қилинган. Мушрику мушрикалар мол жиҳатдан бўлсин, обрў жиҳатдан бўлсин, ҳар қанча юқори, ҳайратланарли, ажабланарли бўлмасин, улар билан жуфтлашиш, никоҳланиш ҳаромдир.

Ҳаром қилинган, деган гап

﴿وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ﴾

**(Мушрика аёлларга уйланмангиз!).**

﴿وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ﴾

**(мушрик эрларни (қизларингизга) уйламангиз!),** деган гаплардан олинган. У ерда бу тақиқнинг қатъийлигини билдирувчи қарина ҳам бор. У

﴿أُولَئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ﴾

**(Улар (мушриклар) дўзахга чақирадилар),** деган гапдир. Шу билан тақиқ қатъий, яъни, бу иш ҳаром бўлади.

2. Бу ердаги мушрик ва мушрика ҳамма кофирни ўз ичига олади.

﴿أُولَئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ﴾

деган гапдан шу маъно чиқади. Яъни, улар дўзахга олиб борадиган куфрга чақирадилар. Дўзах жаннатнинг муқобилидир. Ҳеч қачон жаннатга кирмайдиганлар кофирлардир. Шунинг учун

﴿أُولَئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ﴾

деган гап бундай никоҳнинг ҳаромлигини, чўри мўмина ҳатто хур мушрикадан, қул мўмин ҳатто хур мушрикдан яхшироқ эканини кўрсатади. Бу гаплар уйланиш ва никоҳга доир гаплардир.

Яъни,

## ﴿أَوْلَاتِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ﴾

деган гап мўминларнинг яхшилигига, мўминларнинг мушрикаларга уйланиши ёки мўминаларнинг мушрикларга узатилиши ҳаромлигига иллатдир.

Мана шу маънодаги, яъни, дўзахга олиб борадиган куфрга қақирадилар, деган маънодаги бу иллат ҳамма кофирга баббаробар тегишлидир.

Мушрик сўзи аҳли китобни ўз ичига олмайди, шунинг учун мушрик ва мушрикалар билан никоҳланиш ҳаромлиги ҳақидаги бу гап аҳли китобларга тегишли эмас, дейилмайди. Мушрикларни аҳли китоблардан ажратиб келтирилган оятлар ҳам бор, Аллоҳ Таолонинг

﴿مَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ﴾

– „*Аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофирлар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик (яъни ваҳий) тушишини истамайдилар*“ . [2:105]

деган гапи бунинг мисолидир, деган гап ҳам айтилмайди. Шундай дейилмаслигининг икки сабаби бор. Улар қуйидагилар:

а) Яҳудлар ва насоролар ҳам Қуръон ҳужжати билан мушриклардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَالَتِ الْيَهُودُ عِزَّىٰرُ بْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصَارَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ يُضَاهِئُونَ قَوْلَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قَتَلْتَهُمُ اللَّهُ أَنَّى يُؤْفَكُونَ﴾

﴿أَتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا

أَمْرًا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَّا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحٰنَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

– „*Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Насронийлар: «(Исо) Масих Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ҳужжат-далилсиз) гапларидир. Уларнинг бу гаплари худди аввалги кофир бўлган кимсаларнинг гапига ўхшайди. Уларни Аллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а! Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих бинни Марямни Парвардигор деб билдилар. Холбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга*

**маъмур (буюрилган) эдилар. Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У Зот уларнинг шерикларидан покдир“.** [9:30-31]

Демак, яҳуд ва насоролар ҳам мушриклардир.

б) Мушриклар сўзи қариналардан холи келса, Аллоҳга ширк келтирган кимсаларни англатади. Аллоҳга ширк келтириш куфрнинг бир туридир. Агар у қарина билан келса, унинг маъноси қаринага қараб бўлади. Бу ерда у сабаби билан, белгиси билан келяпти. Уларнинг белгиси дўзахга чақирадилар, жаннатга кирмайдилар. Бу белги дўзахга кирадиган, жаннатга кирмайдиган ҳамма кофирга тегишлидир.

Бақара сурасидаги

﴿مَا يُوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ﴾

– „**Аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофирлар устамайдилар“.** [2:105]

деган оятда куфрнинг турларига аҳли китоблар, мушриклар каби номлар берилган. Ҳар бир ном ўз мусаммосини англатади. (Мусаммо ном берилган нарса ёки одам). Шунинг учун оятдаги (الْمُشْرِكِينَ) ва (الَّذِينَ) сўзлари аҳли китоб бўладими, бошқа бўладими, ҳамма кофирларни ўз ичига олади.

Яъни, бу оят қуйидагиларни ифодалайди:

Мўминнинг кофирага уйланиши ҳаромлигини;

Мўминанинг кофирга узатилиши ҳаромлигини.

3. Бу умумий, ом маънодаги оят Моида сурасидаги бир оят билан хосланади. У мана бу оятдир:

﴿الْيَوْمَ أَحْلَأَ لَكُمْ الطَّيِّبَاتِ وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حِلٌّ لَكُمْ وَطَعَامُكُمْ حِلٌّ

لَهُمْ وَالْحَصْنَتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْحَصْنَتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ﴾

– „**Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва сизлардан илгари китоб берилган кимсалардан бўлган ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир“.** [5:5]

Бу ерда куфр турларидан бири хосланиб келяпти. Улар покиза китобийлардир. Шаръий истилоҳ билан айтганда, покиза яҳудийлар ва насронийлардир. Шунинг учун мусулмоннинг покиза китобийга уйланиши жоиз.

Муслиманинг кофирга узатилиши масаласи эса умумийлигича, омлигича қолди, хосланмади. Аҳли китоб бўладими, бошқа бўладими, ҳамма кофирга шу ҳукм тегишлидир.

4. Хўш, нима учун биз

﴿الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ﴾

дейилганда яҳудлар ва насороларни тушунамиз, дедик. Чунки бунга Куръондан ҳам, суннатдан ҳам далиллар кўп. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتِ التَّوْرَةُ وَالْإِنجِيلُ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

– „Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим хусусида (у бизнинг динимизда бўлган, деб) талашасизлар! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизларми?!“ [3:65]

Яъни, аҳли китоблар яҳудлар (Таврот) ва насоролар (Инжил)дир. Пайғамбар ﷺдан мажусийлар билан қандай муомала қилиш ҳақида сўралганда, у киши шундай жавоб бергандилар:

﴿سُنُّوا بِهِمْ سُنَّةَ أَهْلِ الْكِتَابِ غَيْرَ آكِلِي ذَبَائِحِهِمْ وَلَا نَاكِحِي نِسَائِهِمْ﴾

«Улар билан сўйган нарсаларини ейиш ва аёлларини никоҳлаб олишдан бошқа ишларда аҳли китоб билан қандай йул тутган бўлсангиз, ушандай йул тутинглар».<sup>8</sup>

Бу ердаги аҳли китоблардан мурод яҳудлар ва насоролардир. Булардан бошқа далиллар ҳам кўп.

5. Никоҳ ҳаром қилинганидан истисно қилинганлар аҳли китобларнинг покиза аёлларидир. Бу ердаги покиза сўзига диққат қилайлик. Айрим мусулмонлар шарқу ғарбдаги кофирларнинг юртларига борадилар-да, у ердаги аҳли китоб аёлларнинг покиза ёки покиза эмаслигига эътибор бермасдан, уларга уйланиб олаверадилар. Уларнинг бу ишлари шаръий ҳукмга зиддир. Чунки шахсий эркинлик ҳукм сурадиган, зино одатий ҳол ҳисобланадиган у юртларда жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Мусулмон ёшларимиз бунга алоҳида эътибор беришлари керак. Агар аҳли китоблардан покиза аёлни топсалар, уларга

(8) Муватто: 544. Табаронийнинг Мўъжамул Кабир китоби: 19/437. Байҳақий: 9/189. Ибн Аби Шайба: 3/224, 12/243. Абдураззоқ: 10025.

уйланишлари ҳалол. Агар покизасини топа олмасалар, уйланмасликлари лозим. Токи, шаръий ҳукмларга амал қилинсин. Токи, насаб бузилмасин. Токи, қулфатлар, фожеалар юз бермасин.

Ибн Атийя ривоят қилишича, Ҳузайфа ибн Ямон бир китобийяга уйланди. Умар уларни ажраштириб юбормоқчи бўлди. Шунда Ҳузайфа, эй мўминлар амири, бу ишимни ҳаром, деб биласизмики, мен уни қўйиб юборсам, деди. Бунга жавобан Умар, йўқ, ҳаром деб билмайман, лекин мен уларнинг фоҳишаларига илакишиб қолишинглардан қўрқаман, деди.

Ибн Аббосдан ҳам худди шундай ривоят қилинган. Яъни, Умар رضي الله عنه покиза бўлмаслиги эҳтимоли борлигини эътиборга олиб, шу ишни ёқтирмаган. Эҳтимол биланки, бу ишни улуғ саҳобий ёқтирмаган экан, бугунги кундаги кофирларнинг юртларида бу нарса аниқ кўриниб турган бўлса, қандоқ бўларкин?

Ибн Жарир чиқарган бошқа бир ривоятда у бир яҳудий аёлга уйланган. Шунда Умар унга мактуб йўллаб, қўйиб юбор, деган. У ҳам хат орқали, бу ишни ҳаром, деб биласизмики, мен уни қўйиб юборсам, деган. Умар унга, йўқ, мен бу ишни ҳаром деб билмайман, лекин мен мўминалардан юз ўгириб кетиб қолишинглардан қўрқаман, деган.

Умар رضي الله عنه бу ишни одамлар муслималардан юз ўгириб кетиб қолишларидан хавфсираб ёқтирмаган. Шундан кўриниб турибдики, мусулмон йигит китобийяга уйланмоқчи бўлса, олдин унинг покизалигига, зино қилмаганлигига ишонч ҳосил қилиб олсин. Агар бирон бир ёмон нарсани сезгудек бўлса, унга уйланиши мутлақо дуруст бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам муслимага уйланган яхшироқдир, афзалроқдир.

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«تُنكَحُ الْمَرْأَةُ لِرَبِّعٍ لِمَالِهَا وَلِحَسَبِهَا وَلِجَمَالِهَا وَلِدِينِهَا، فَظَفَّرُ بَدَاتِ الدِّينِ تَرَبَّتْ

يَدَاكَ»

**«Аёл кишига тўрт нарсаси учун уйланилади. Моли, насаби, жамоли ва дини учун. Диндорини танла, қўлинг қуригур».**<sup>9</sup>

6. Мана шу айтиб ўтганларимизга биноан, уйланиш, никоҳланиш ҳаром қилинганлиги борасида ҳамма кофир баб-баробар. Бундан фақат покиза китобийяларгина мустаснодир. Қолган барча кофирларнинг никоҳланиши ҳаромдир.

<sup>(9)</sup> Бухорий: 4700. Муслим: 2661. Термизий: 1006.

Оятнинг маъноси мана бундай бўлади:

Эй мўминлар, сизларга покиза китобийялардан ташқари барча кофирларга уйланиш ҳаром қилинди. Зеро, бир чўри мўмина ҳар қанча гўзал мушрикадан яхшироқдир. Шунингдек, сизларга мўминаларни кофирларга узатишингиз ҳам ҳаромдир. Кофирларнинг ҳамма турига. Аҳли китоб бўладими, мажусий бўладими, бошқа бўладими фарқи йўқ. Негаки, бир қул мўмин ҳар қандай зўр кофирдан яхшироқдир. Негаки, кофирлар дўзахга олиб борадиган ишларга чақирадилар. Мўминлар эса жаннатга ва Аллоҳнинг мағфиратига олиб борадиган йўлга даъват этадилар.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида кофирларнинг дўзахга, мўминларнинг эса жаннатга ва Аллоҳнинг мағфиратига олиб борадиган йўлга бошлашлари ҳақидаги бу гаплар мўминларни эслатма-ибрат олишга ундашлигини баён қиляпти. Бу оятни ўқиган мўмин ҳисоб-китоб кунини, жаннатни, дўзахни ёдга олади ва бундан таъсирланиб, жаннатга олиб борадиган, дўзахдан сақлайдиган ишларни қилишга ҳарис бўлади.

(وَلَا تَكْفُرُوا) яъни, уйланманглар.

﴿وَلَا مَآءٌ مُّؤَمِّنَةٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكَةٍ﴾

(Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан имонли чўри яхшироқдир). Чўри ҳурнинг муқобилидир, антонимидир. Бу ерда гап имон билан ширк ўртасидаги афзаллик устида кетяпти. Имон ҳатто чўрини ҳам юқори мартабаларга олиб чиқади. Ширк эса ҳурни ҳам пастлатади. Яъни, имон чўри мўминани ҳур мушрикадан юқорига олиб чиқади. Чўри мўминаки, ҳар қандай мушрикадан афзал экан, ҳур мўминанинг афзал бўлиши ўз-ўзидан аёндыр. (Мафҳумул-мувофақа).

(وَلَوْ أَعَجَبْتُمْ) шартнинг жавоби ҳазф қилинган. Унга ўтган жумла далолат қилиб турибди. Яъни, гарчи у ўзига мафтун этаётган бўлса ҳам унга уйланманглар. Зеро, чўри мўмина ҳам ундан яхшироқдир.

Уйланмоқчи бўлган кишининг кўзига ёққанки нарса эъжоб, қизиқиш, ёқтиришдир. У аёлнинг жамоли, моли ёки бошқа нарсаси бўлиши мумкин.

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«لَا تَزَوَّجُوا النِّسَاءَ لِحُسْنِهِنَّ فَعَسَىٰ حُسْنُهُنَّ أَنْ يُرْدِيَهُنَّ، وَلَا تَزَوَّجُوهُنَّ لَأَمْوَالِهِنَّ أَنْ تُطْغِيَهُنَّ، وَلَكِنْ تَزَوَّجُوهُنَّ عَلَى الدِّينِ وَأَلَمَّةٍ حَرَمَاءُ سَوْدَاءُ ذَاتِ دِينٍ أَفْضَلُ»

**«Аёлларга ҳусни учун уйланманглар. Ҳусни уларнинг (айбларини) ёпаётган бўлиши мумкин. Уларга мол-давлати учун ҳам уйланманглар. Мол-давлатлари ҳам уларнинг (айбларини) ёпаётган бўлиши мумкин. Уларга дин учун уйланинглар. Қоп-қора, бурни тешик диндор чўри афзалроқдир».**<sup>10</sup>

(وَلَا مَةَ مُؤْمِنَةٌ) бу ердаги қасам ломига ўхшаш лом билан бошлаш таъкидни ифодалаяпти. Унда мўминаларга ҳарис бўлишу мушрикаларга уйланишнинг ҳаромлигини муболаға билан кўрсатиш бор. Шунинг учун

﴿وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ﴾

(Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан – гарчи у сизга ёқса-да, – имонли чўри яхшироқдир) ҳам айнан шу маънони ифодалаш учун қўлланыпти. Мўминларга ҳарис бўлишу мўминани мушриikka узатишнинг ҳаромлиги.

﴿إِذَا جَاءَكُمْ مِنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَرَّوْجُوهُ إِنْ لَا تَفْعَلُوهُ تَكُنْ فِي الْآرْضِ وَفَسَادٌ عَرِيضٌ﴾

**«Агар сизларга дини ва хулқидан сизлар рози бўладиган бир одам (совчи бўлиб) келса, унга (қизларингизни) узатинглар. Агар шундай қилмасанглар, ер юзида фитна ва кенг кўламдаги фасод пайдо бўлади».**<sup>11</sup>

﴿وَيَبِّئُكُمْ أَيَّتِيهِمُ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ﴾

(Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади). Бу ерда (يَتَذَكَّرُونَ) дейиляпти. Олдинги оятда эса (تَتَفَكَّرُونَ) дейилганди. Негаки, олдинги оятда шу гапдан олдин ҳис этиладиган нарсалар – ароқ, қимор, етимлар, уларни ислоҳ қилиш каби ишлар ҳақида гапирилганди. Шу гаплардан кейин Аллоҳ Таоло

﴿يَبِّئُكُمْ اللَّهُ لَكُمْ آلَايَتٍ لِّعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿١٠﴾ فِي آلَدُنْيَا وَآلْآخِرَةِ﴾

(Шундай қилиб, дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади), деганди. Яъни, ўзларингиз ҳис эта оладиган шу ишлар ҳақида фикр юритинглар

(10) Ибни Можа: 1849. Дуррул Мансур: 2/616.

(11) Термизий: 1084. Ибни Можа: 1967. Ибни Ҳиббоннинг Сиқот китоби: 5/491.

ва шу тафаккурингларга асосланиб, дунёю охиратингларни ўнглайдиган амалларни бажаринглар.

Бу ерда эса Аллоҳ Таоло

﴿أُولَئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ وَاللَّهُ يَدْعُوا إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ وَيُبَيِّنُ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ﴾

**(Улар (мушриклар) дўзахга чақирадилар. Аллоҳ ўз изни-иродаси билан жаннатга даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади) деяпти.**

Негаки, жаннат ва дўзахни инсон ҳис эта олмайди, бинобарин, улар ҳақида фикр ҳам юритолмайди. Бу борада у фақат нақлга таянади ва ундан эслатма-ибрат олишдан нарига ўтолмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло

﴿لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ﴾

деяпти.



﴿وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَى فَأَعْتَرِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهَرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾ ﴿٢٢٢﴾ نَسَأُؤَكُم حَرَّتْ لَكُم فَآتُوا حَرَّتْكُمْ أَنَّى شِئْتُمْ  
وَقَدِمُوا لِأَنْفُسِكُمْ وَأَتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ مُلْقَوَةٌ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ﴾ ﴿٢٢٣﴾

– „222. Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади». 223. Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг ва ўзингиз учун яхши амаллар тақдим қилинг! Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, сизлар Унга рўбарў бўлгувчисиз. (Эй Муҳаммад) имонли кишиларга (жаннат) хушхабарини етказинг! “ [2:222-223]

Аллоҳ Таоло мўминларнинг кофирларга (покиза китобийлар бундан мустасно) уйланиши ва мўминаларнинг ҳеч бир истисносиз ҳамма кофирларга узатилиши ҳаром қилинганини баён қилганидан кейин мана бу икки оятда эр-хотин ўртасида бўладиган, эр-хотинлик муносабатларини тартибга соладиган, ҳар иккисини покиза, иноқ оилавий ҳаётга эриштирадиган ҳукмларни баён қиляпти.

Бу муборак икки оятда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қиляпти:

1. Маҳийзда аёл билан жимо қилишнинг ҳаромлиги. Маҳийз ҳайз кўриладиган жойдир. То қон тўхтагунига қадар фарж маҳийз ҳисобланади.

2. Қон тўхтаганидан кейин эркакнинг аёли билан жимо қилиши мумкинлиги. Қўшилишнинг ҳам қон тўхтагани ва ҳам гусл қилингандан кейин бўлиши мандублиги.

3. Аёлга экин жойидан яъни, фаржидан бошқа еридан келмаслик. Унга орқасидан келиш, яъни, орқасига жимо қилиш мумкин эмас. Унга фақат олдидан, насл қолдириладиган жойдангина келинади.

Бу муборак икки оятдан далил олиш тарзи эса қуйидагичадир:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَىٰ فَأَعْتَرِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَظْهَرْنَ﴾

(Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз!)

(الْمَحِيضِ) бу сўз ҳайз кўриладиган жой, яъни, фарж маъносини англатади. Мана шу тафсир уни масдар, деб тафсир қилишдан кўра рожиҳроқдир. Чунки савол аёллар билан қўшилиш ҳақида бўляпти ва Аллоҳ бошқа ишларда эмас, айнан жимо борасида уларга яқинлашмасликка буюряпти.

Агар (الْمَحِيضِ) сўзи масдар маъносида тафсир қилинадиган бўлса, бу ердаги савол қоннинг оқиши ҳақида бўлиб қолади. Жавоб ҳам саволга яраша бўлади. Хуллас, бу ердаги маъно қуйидагича бўлиб қолади: Улар қоннинг оқиши, аёлнинг ҳайз кўриши ҳақида сўрайдилар. Бу кунларда аёллардан четланинглар. Лекин оятда кўзда тутилаётган маъно бу эмас.

Чунки унда бу кунларда фақат жимо қилишдан қайтариляпти, холос. Агар савол ҳайзнинг ўрни ҳақида бўлса, жавоб аёллардан бошқа ишларда эмас, айнан шу ўринга алоқадор ишда, яъни, жимо ишида четланинглар, деган маънода бўлади.

Оятнинг мазмуни ва сабаби нузулига мана шу маъно муносиб. «Анас رضي الله عنهдан ривоят қилинишича, яҳудлар аёл киши ҳайз кўрган пайтида у билан бирга еб-ичмас эдилар. Уйларда у билан бирга яшамасдан, уни уйдан чиқариб юборардилар. Пайғамбар ﷺнинг саҳобалари бу ҳақда сўрашганида Улуғ ва Буюк Аллоҳ мана шу оятни нозил қилди.

﴿وَدَسَّوْنَاكَ عَنِ الْمَحِيضِ قَلَّ هُوَ أَذَىٰ فَاعْتَرَلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ﴾

Пайғамбар ﷺ,

﴿اصْنَعُوا كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا النِّكَاحَ﴾

«Қўшилишдан бошқа ҳамма ишни қилаверинглар», дедилар. Бу гап яҳудларнинг қулоқларига етиб боргач, улар, бу киши нимани истайди ўзи, қанақа иш бўлмасин, ҳаммасида бизга хилоф қилади, дейишди. Усайд ибн Ҳузайр ва Убод ибн Бишр Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, яҳудлар фалон, фалон, дейишяпти, аёллар билан жимо ҳам қилавермаймизми, дейишди. Пайғамбар ﷺнинг юзлари шу қадар ўзгариб кетдики, ҳатто у киши улардан хафа бўлиб қолди, деб ўйладик. Улар чиқишди. Улар чиқиб кетишаётганда Пайғамбар ﷺга сут ҳадя келиб қолди. Пайғамбар ﷺ уларнинг изидан одам юбориб, уларга сут бердилар. Шундан улар Пайғамбар ﷺ улардан хафа бўлмаганлигини билиб олдилар». <sup>12</sup>

﴿فَاعْتَرَلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ﴾

(Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз!), деган гапда фарж назарда тутиляпти. Чунки Пайғамбар ﷺ

﴿اصْنَعُوا كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا النِّكَاحَ﴾

«Қўшилишдан бошқа ҳамма ишни қилаверинглар», деб айтганлар.

(12) Муслим: 455. Насой: 286. Термизий: 2903.

Биз бу ишни ҳаром, дедик. Негаки, оятда ҳайз пайтида аёллар билан жимо қилишдан қайтариляпти. Бу шу ишни қилмасликни талаб қилишдир.

(قُلْ هُوَ أَذَى) яъни, нопокдир. Жимонинг тақиқланиши шу озорнинг ниҳоясига қадардир.

﴿وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ﴾

(то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз!). Тақиқ мана шу озор муддати билан боғланыпти. Бу қатъийликни ифодаловчи тавсифдир. Негаки, агар у қатъийликни ифодаламаса, эр бу ишни ҳайз пайтида ҳам қилиши мумкин бўлиб қолади ва натижада мазкур ғояда – муддатнинг белгиланишида ҳеч қандай маъно қолмайди. Модомики, жимо тақиқланиши ўша тавсифга ғоя билан боғланган экан, демак, у қатъийликни ифодалайди. Шу билан бу ердаги талаб қатъий талаб бўлади, яъни, ҳайз муддатида жимо қилиш ҳаром бўлади.

(وَسَّأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ) яъни, ҳайзнинг ўрни ҳақида.

(قُلْ هُوَ أَذَى) айтингки, у ҳайз муддати давомида озорнинг ўрнидир, нопок жойдир.

(فَاعْتَرَلُوا أَلْسِنَاءَ فِي الْمَحِيضِ) яъни, аёллардан ҳайз ўрни борасида четланинглр.

(فَاعْتَرَلُوا) яъни, жимо қилмаслик.

Шундай қилиб ҳаром қилинган иш бу жимодир. Ундан бошқа ишлар эса ҳалолдир. Оиша رضي الله عنها айтади: «**Ҳайз ҳолатимда суяк ғажирдим. Кейин уни Пайғамбар ﷺ га берардим. У киши оғизларини мен оғзимни теккизган жойимга теккизардилар. Ичимлик ичиб, уни ҳам у кишига узатардим. Оғизларини мен ичган жойга теккизардилар**».<sup>13</sup> Яъни, Пайғамбар ﷺ Оиша رضي الله عنها еган суякни охиригача еб қўярдилар ва Оиша رضي الله عنها ичган сувни онамиздан кейин ичардилар.

Яъни, эр билан ҳайз кўрган хотин ўртасидаги ишларда фақат жимогина ҳаромдир. Ундан бошқа ҳамма ишларни қилиш жоиз.

Жимо қон тўхтагунига қадар ҳаромдир. Қон тўхтаганидан кейин эса унинг ҳаромлиги қолмайди. Чунки Аллоҳ Таоло бу ишга муддат белгилаган.

<sup>(13)</sup> Муслим: 453. Насоий: 69.

## ﴿وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ﴾

Пок бўлгунларига қадар, дегани қон тўхтагунига қадар, деганидир. Пок бўлиш сўзи аёл кишига нисбатан ишлатилганда луғавий жиҳатдан ғусл қилишни англатмайди. У қон тўхташи маъносини англатади. Чунки пок бўлиш кир бўлишнинг аксидир. Хуллас, ҳайздан пок бўлиш қоннинг тўхташидир.

Бу оят икки хил мутавотир қироат билан ўқилади, деган гап ҳам бор. Улардан бири

## ﴿حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ﴾

бўлса, иккинчиси (يَطْهُرْنَ)дир. Бу гап тўғри. Биринчи қироат фақат қоннинг тўхташини англатади ва шу билан у муҳкамдир. Иккинчи қироат эса ҳам қоннинг тўхташини ва ҳам ғусл қилишни англатади ва шу билан у муташобихдир. Ҳар иккиси ҳам мутавотирлиги ва муҳкам муташобихни маҳв этиши эътибори билан бу ердаги маъно фақат қоннинг тўхташи бўлади.

Яъни, ҳаромлик қон тўхташи билан кетади.

## ﴿وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ﴾

Яъни, то қон тўхтагунига қадар улар билан жимо қилманглар. Демак, жимо ҳаромлигининг охириги нуқтаси қоннинг тўхташидир.

Қон тўхтамасдан туриб, хотини билан жимо қилган одам ҳаром ишни қилган бўлади. Агар бу иш Ислом давлатидаги қозигача етиб борса, унга таъзирий жазо белгиланади. Қози бирор садақа қилишга буюриши ҳам мумкин. Имом Аҳмад Ибн Аббосдан ривоят қилган мана бу мавқуф ҳадисда шундай дейилган:

«أَنَّ مَنْ أَتَىٰ امْرَأَتَهُ وَهِيَ حَائِضٌ يَتَصَدَّقُ بِدِينَارٍ إِنْ كَانَ دَمًا أَحْمَرًا أَوْ نِصْفَ دِينَارٍ إِنْ كَانَ دَمًا أَصْفَرًا»

**«Ким ҳайз ҳолатидаги хотини билан жимо қилиб қўйса, агар қизил қон бўлса, бир динор, агар сариқ қон бўлса, ярим динор садақа қилсин».**<sup>14</sup> Қози бу иш учун бошқа бир жазо тайинлаши ва шу билан бундай ишларнинг олдини олиши ҳам мумкин. Мабодо бу иш қозигача етиб бормаса, уни

(14) Аҳмад: 1928. Дуррул Мансур: 2/424.

қилган одам агар чин мўмин бўлса, Аллоҳга тавба қилсин, истиғфор айтсин. Шояд, Аллоҳ уни кечириб юборса.

﴿إِنَّ اللَّهَ مُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَمُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾

**(Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади).**

2. Оят ҳайздан кейин икки ҳолатда аёллар билан қўшилиш жоизлигини ифодалайди. Улар қуйидагилар:

а) Қон тўхташи билан.

﴿وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهُرْنَ﴾

**(То покланмагунларича уларга яқинлашмангиз!).** Бу гапнинг мафҳумидан қон тўхтаганидан кейин бу иш ҳалол, деган маъно чиқади.

б) Қон тўхташи билан бирга ғусл ҳам қилганидан кейин.

﴿فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ﴾

**(Пок бўлганларидан кейин уларга келингиз!).** Ҳар икки ҳолатда ҳам қўшилиш жоиз. Биринчи гапнинг мафҳуми билан кейинги гапнинг мантуқи ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ.

Фарқ шундаки, Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهُرْنَ﴾

деган гапи жимо ҳаромлигининг охириги нуқтаси қон тўхташи эканини баён қиляпти. Демак, шу нуқтага етиб келингач, аёл билан қўшилиш худди олдингидек ҳалолга айланади. Уни қилган одам гуноҳкор бўлмайди.

Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ﴾

деган гапи эса қон тўхташидан ташқари ғусл ҳам қилганидан кейин аёл билан қўшилиш мандуб эканини кўрсатяпти. Негаки, шу гапдан кейин Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّ اللَّهَ مُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَمُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾

деяпти. Бу гапда покланувчилар мадҳ этиляпти. Ундан эрнинг ўз аёли билан қон тўхташи билан бирга ғусл ҳам қилганидан кейин қўшилиши мақталаётгани англашилади. Қатъий қаринасиз фақат мақтовнинг ўзи мандубликни ифодалайди. Шунга кўра, бу иш мандуб ҳисобланади. Усул қондалари шуни кўрсатади.

Шуни айтиб ўтиш ва шунга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқки, мандуб билан мубоҳ бошқа-бошқа амаллардир. Мандуб амални қилган кишига савоб бор. Масалан, аёли билан ҳам қон тўхтаганидан ва ҳам у ғусл қилганидан кейин қўшилган киши савоб олади. Фақат мубоҳ амални қилган, яъни, ғусл қилишини кутмасдан қон тўхтаганидан кейиноқ аёли билан қўшилган киши учун эса савоб йўқ.

3. Аёлнинг экин жойидан яъни, бола бўладиган жойидан бошқа жойига жимо қилиш ҳаром. Негаки, Аллоҳ Таоло

﴿فَاتَوْهُبَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ﴾

(Уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз!), деяпти. Бунинг тафсирида Ибн Аббос, яъни, фаржга ундан бошқасига ўтманглар, деган. Иккинчи оятда эса бундай дейилапти:

﴿نَسَأُكُمْ حَرَّتْ لَكُمْ فَاتُوا حَرَّتَكُمْ أَنِّي شِعْتُمْ﴾

(Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг). Яъни, улар сизлар учун экинзордир. Демак, жимо қилиш экин жойга, насл қолдириладиган жойга белгиланди.

﴿فَاتُوا حَرَّتَكُمْ أَنِّي شِعْتُمْ﴾

(Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг). Яъни, қандай хоҳласанглар. Чалқанчасигами, ёнбошданми, олд томонданми, орқа томонданми, фарқи йўқ. Асосийси, экин жойга, насл қолдириладиган жойга бўлсин.

Шунга кўра, эрнинг ўз аёлининг орқа томонига жимо қилиши ҳаром. Бу иш кичик лўттилик, дейилади. Уни қилган одамга қози томонидан жазо тайинланади. Бу жиноятнинг олдини олиш учун жазонинг миқдорини қозининг ўзи белгилайди. Албатта, қози хабар топган пайтда шундай бўлади. Лекин агар бу иш қозигача етиб бормаса, унинг жазоси қиёмат кунига қолади. Аллоҳ кечириб юбориши ҳам мумкин. Аллоҳ Кечиримли, Раҳмли Зотдир. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, У Зот айни пайтда Шадидул-иқоб (жуда қаттиқ жазо берувчи) ҳамдир.

Хўш, биз нима учун бу оят аёлнинг орқа томонига жимо қилиш ҳаромлигини ифодалайди, дедик. Чунки унда экин жойдан бошқа жойга жимо қилишдан қайтариляпти. Бу гап

﴿فَاتُوا حَرَّتَكُمْ أَنِّي شِعْتُمْ﴾

оятининг мафҳумидан келиб чиқади. Бу буйруқнинг қатъийлигини кўрсатувчи қарина ҳам бор. У Аллоҳ Таолонинг

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ مُلْقَوَةٌ﴾

(Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, сизлар Унга рўбарў бўлгувчисиз), деган гапидир. Бу Аллоҳ томонидан У Зотга осийлик қилган кишига қаратилган ваиддир. У осий билиб қўйсинки, яқинда Аллоҳга рўбарў бўлади. Бу ваид ва тақвога буюриш Аллоҳ томонидан бўлган жазодан кўрқитишдир. Мана шу кўрқитиш экин жойдан бошқа ерга жимо қилиш қатъийян тақиқланганига, яъни бу ишнинг ҳаромлигига қаринадир.

Бу борада бу оятдан ташқари саҳиҳ ҳадислар ҳам ворид бўлган.

Бухорий ва бошқалар Жобир رضي الله عنهдан ривоят қиладилар: Яҳудлар, агар киши аёлининг орқа томонидан келиб қўйса, бола гилай туғилиб қолади, дейишарди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилди.

﴿نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأَتُوا حَرْثَكُمْ إِنِّي شَعْتُمْ﴾

Яъни, Аллоҳ уларнинг гапи ёлғонлигини баён қилди.

Ибн Аби Ҳотам Жобир ибн Абдуллоҳдан чиқарган мана бу ҳадисда шундай дейилган: «Яҳудлар мусулмонларга, ким аёлининг орқа томонидан келса, бола гилай туғилади, дейишди. Шунда Аллоҳ Таоло

﴿نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأَتُوا حَرْثَكُمْ إِنِّي شَعْتُمْ﴾

оятини нозил қилди. Пайғамбар ﷺ: «Олдидан келадими, орқадан келадими, фарқи йўқ, асосийси, фарзга келишдир», дедилар.<sup>15</sup>

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

﴿اسْتَحْيُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ، لَا يَحِلُّ أَنْ تَأْتُوا النِّسَاءَ فِي حُشُوشِهِنَّ﴾

«Ҳаё қилинглар. Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди. Аёлларнинг орқа томонига келишинглар ҳалол эмас».<sup>16</sup>

Имом Аҳмад Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿الَّذِي يَأْتِي امْرَأَتَهُ فِي ذُبْرِهَا هِيَ اللُّوْطِيَّةُ الصُّغْرَى﴾

«Аёлининг орқа томонига келган одам кичик луттидир».<sup>17</sup>

(15) Дуррул Мансур: 2/627.

(16) Дуррул Мансур: 2/632. Доруқутний: 3/288.

(17) Аҳмад: 1/187. Дуррул Мансур: 2/634.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида мўминларга аёллари билан кундалик ҳаётда ҳам, яқинлик қилинадиган пайтда ҳам яхши муносабатда бўлишларини, уларга яхшилик қилишларини, жимодан олдин уларни эритадиган ишларни қилишларини, ҳамма қилган ишларида Аллоҳдан тақво қилишларини, ҳар доим бир куни У Зотга рўбарў келишлари ва ҳар қандай хато, гуноҳ жазосиз қолмаслигини эслаб туришларини тайинляпти.

Айни пайтда Аллоҳга итоат этадиган, содиқ, мухлис мўминлар учун улуғ неъматлар борлигини, энг улуғ неъмат Аллоҳнинг ризоси эканини айтиб, уларга суюнчли хабарни етказяпти.

﴿وَدَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ﴾



﴿وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً لِأَيْمَانِكُمْ أَنْ تَبَرُّوا وَتَتَّقُوا وَتُصَلِّحُوا بَيْنَ النَّاسِ

وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٢٤﴾ لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَٰكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا

كَسَبَتْ قُلُوبُكُمْ ۗ وَاللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٢٥﴾﴾

– „224. Яхшилик қилиш, тақводор бўлиш ва одамлар орасини ислоҳ қилиш (каби амаллардан тўсувчи бўлган) қасамларингиз учун Аллоҳни баҳона қилмангиз! Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 225. Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки дилларингиз билан қилган нарсангиз (қасамингиз) билан жазолайди. Аллоҳ магфиратли, ҳалим зотдир“.

[2:224-225]

Аллоҳ Таоло мана шундай бир неча ҳукмларни баён қилиш оқими ичра мана бу оятларда қуйидагиларни баён қиляпти:

1. Аллоҳ Таоло бирор яхши ишни қилмасликка қасам ичишдан ва шу қасамим бузилади, деган баҳонани ишлатишдан, мана шундай қасамни ҳам бузиш гуноҳ, деб ўйлашдан қайтаряпти. (Шу қасамимнинг устидан чиқмасам, менга гуноҳ бўлади, деб ўйлаб, яхши ишни қилмай қўйишдан қайтаряпти).

Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло баён қиляптики, қасам одамни яхшиликдан, тақводан, одамлар ўртасини ислоҳ қилишдан қайтармаслиги керак. Шундай ҳолат юз бериб қолгудек бўлса, қасамни бузиб, каффоратини бериш лозим. Ҳадисда келади:

«مَنْ حَلَفَ يَمِينٍ فَرَأَى غَيْرَهَا مِنْهَا فَلْيَكْفُرْ عَنْ يَمِينِهِ وَيَفْعَلْ الَّذِي هُوَ خَيْرٌ»

**«Ким бир қасам ичиб қўйган бўлса, кейин бошқа иш ундан яхшироқлигини кўриб қолса, қасамига каффорат тўласин-да, ўша яхши ишни қилсин».**<sup>18</sup>

Калбий ривоят қилишича, бу оят Абдуллоҳ ибн Равоҳа хусусида нозил бўлган. Унинг куёви Башир ибн Нуъмон қизини талоқ қилиб юборгач, Абдуллоҳ у билан гаплашмасликка, унинг олдига кирмасликка, уни хотини билан яраштирмасликка қасам ичиб юборган. Башир эса талоғидан қайтиб ярашишни истаганди. Бу оятнинг сабаби нузулида мўмин кишини ичиб қўйган қасами яхши ишни қилишдан қайтармаслиги керак, деган маъно бор.

Бу муборак оятнинг якунида Аллоҳ Таоло Ўзининг улар ичаётган қасамларни Эшитгувчи, уларнинг аҳволини, мақсадларини Билгувчи, ботину зоҳир ҳамма нарсадан Хабардор эканини, У Зотдан ҳеч нарса махфий эмаслигини баён қиляпти.

﴿وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

*(Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир).*

(عُرْضَةً) Вазни эътибори билан гурфа (хона) сўзига ўхшайдиган бу сўз рўбарў қилиш, пана қилиш, балогардон қилиш маъносида келяпти.

﴿وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً لِأَيْمَانِكُمْ﴾

**(Қасамларингиз учун Аллоҳни баҳона қилмангиз!),** Яъни, қасам ичиб қўйганман, энди уни буза олмайман, деб Аллоҳ Таолони яхшилик, тақво, ислоҳ ишларини қилмаслигингларга парда қилманглар.

(لَا يَمِينِكُمْ) Бу ердаги лом сабабни билдириб келяпти. Яъни, қасаминглар сабабли.

﴿أَب تَبْرَأُ﴾

да ҳам бир лом тақдирда бор.

2. Иккинчи оятда Аллоҳ Таоло бу Умматга фазл кўрсатиб, ўйнаб қилинган яъни, кўнгилда ҳеч нарса бўлмаса ҳам тилдан чиқиб кетаверадиган қасамларни кечиришини баён қиляпти. Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилинади: «Бу оят яъни,

<sup>(18)</sup> Муслим: 3113. Ибн Ҳиббон: 10/196.

## ﴿لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ﴾

(*Аллоҳ сизларни тилларингиздаги бехуда қасамларингиз сабабли жазоламайди*), ояти кишининг, йўқ, Аллоҳга қасам, ҳа, Аллоҳга қасам, деган гапи туфайли нозил бўлган». 1 Бухорий: 4247,6170. Абу Қалобадан ривоят қилинади: Йўқ, Аллоҳга қасам, ҳа, Аллоҳга қасам, деган гаплар аслида қасам ирода қилинмаган, шунчаки сўзни сўзга боғлаш учун ишлатиладиган иборалардир. Аллоҳ Таоло мана шундай ўйнаб айтилган қасамларни кечиради. Бизни фақат дилларимиздан чиққан қасамларимизга қараб жазолайди.

Қасам бузилишининг турлича жазолари бўлади. Айримларида фақат каффорат тўлашнинг ўзи ҳам дунёвий ва ҳам ухровий жазонинг ўрнига ўтади. Айримларида эса каффорат фойда бермайди. Унинг учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазо берилади. Бу дунёда Ислом давлати томонидан жазо берилса, у дунёда Аллоҳнинг Ўзи жазо беради.

Биринчи турдаги қасам бузилиши яъни, каффорат билан тузаладиган бузилиш масалан, бирор кишининг фалон ишни қиламан, деб қасам ичиб, кейин ўша ишни қилмаслиги каби ишдир. Бундай қасам бузилиши учун фақат каффорат тўланади.

﴿لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا عَقَدْتُمُ الْأَيْمَانَ

فَكَفَرْتُمْ ۖ إِطْعَامَ عَشْرَةِ مَسْكِينٍ مِنْ أَوْسَطِ مَا تَطْعَمُونَ أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ

تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ ۗ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ۗ﴾

– „*Балки (дилларингиздаги) маҳкам туккан қасам сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўн та мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир. Ким (бу нарсаларни) топа олмаса, уч кун рўза тутсин!*“ [5:89]

Шундай қасамни бузган одам каффоратини тўласа, ҳам дунёвий ва ҳам ухровий жазодан қутулади.

Иккинчиси қасддан қилинган ёлғон қасамдир. Бунда киши бир ишга унинг ёлғонлигини билиб туриб, атайин қасам ичади. Бундай ёлғон қасамни ичган киши дўзах ўтида ёнади. Бундай қасам туфайли ҳуқуқлар поймол бўлади, бузғунчилик авж олади.

Бундай қасам каффорат билан ўнганмайди. Унга каффорат берилмайди. Унинг учун бу дунёда Ислом давлати томонидан жазо тайинланади. Жазонинг миқдорини қози тайинлайди. Шу йўл билан бу жиноятнинг олди олинади. Агар Ислом давлати бу ишдан хабардор бўлмай қолса, унинг учун Аллоҳ жуда қаттиқ азобни ваид қилган. Ибн Умар ҳадисиди келади:

«جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْكِبَائِرُ؟ فَذَكَرَ الْحَدِيثَ وَفِيهِ الْيَمِينُ الْعَمُوسُ وَفِيهِ قُلْتُ: وَمَا الْيَمِينُ الْعَمُوسُ؟ قَالَ: الَّذِي يَقْتَطِعُ بِهَا مَالَ امْرِئٍ مُسْلِمٍ هُوَ فِيهَا كَاذِبٌ»

«Бир аъробий Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, катта гуноҳлар қайсилар, деб сўради. Ўша ҳадис айтилиб, унда ёлгон қасам ҳам айтилди. Шу хусусда мен, ёлгон қасам нима, деб сўрадим. **Айтдиларки, у шундай қасамки, у туфайли бир мусулмон кишининг моли ноҳақ олинади, қасам ичган одам ёлгон қасам ичади**».<sup>19</sup>

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«خُمْسٌ لَيْسَ لَهُنَّ كَفَّارَةٌ: الشِّرْكُ بِاللَّهِ وَقَتْلُ النَّفْسِ بَعِيرٍ حَقٌّ وَبَهْتُ مُؤْمِنٍ وَالْفِرَارُ يَوْمَ الزَّحْفِ وَيَمِينٌ يَقْتَطِعُ بِهَا مَالًا بَعِيرٍ حَقٌّ»

«Пайғамбар ﷺ дедилар: Беш нарсага каффорат ўтмайди. Улар: Аллоҳга ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш, мўминга туҳмат қилиш, душман билан тўқнаш келинган кунда ортга чекиниш, бировнинг моли ноҳақ олинadиган қасам».<sup>20</sup> Яъни, ёлгон қасам.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг ўйнаб айтилган қасам учун эмас, қалбларимиздан чиқиб қилинган ишлар учун жазога тортишини баён қилиш билан яқунляпти. У Зот (غَفُورٌ)дир, бизни ўйнаб айтилган қасамлар учун жазога тортмайди. (حَلِيمٌ)дир. Жазога лойиқ одамни тез жазоламайди. Ҳалимликнинг бир маъноси жазони кечиктиришдир.



(19) Бухорий: 6409.

(20) Аҳмад: 2/362.

﴿لِّلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِن نِّسَائِهِمْ تَرَبُّصُ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ ۖ فَإِن فَاءُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿226﴾﴾  
 وَإِن عَزَمُوا الطَّلَاقَ فَإِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿227﴾﴾

– „226. Хотинларидан қасам билан юз ўғирган кишилар учун тўрт ой муҳлат бор. Агар (шу муддат ичида хотинларига) қайтсалар (жоиздир). Зеро, Аллоҳ шубҳасиз магфиратли, раҳмлидир. 227. Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир“. [2:226-227]

Аллоҳ Таоло бу икки муборак оятда юқорида айтиб ўтилган оқимда яна бошқа бир шаръий ҳукми баён қиляпти. Бу тўрт ойдан ортиқ хотин билан жимо қилмасликка қасам ичишнинг, бир сўз билан айтганда ийлонинг ҳукмидир. Бу ҳукм олдинги оят тафсирида айтиб ўтилган қасам ҳақидаги бошқа ҳукмлардан фарқ қилади. Бу ҳукм қасамнинг тўрт ойдан оз ёки кўп бўлишига қараб ҳар хил бўлади.

Биринчидан, агар жимо қилмаслик ҳақидаги қасам тўрт ой ёки ундан озроқ муддатга ичилган бўлса, у ийло дейилмайди. Бу қасам одатдаги бошқа қасамлардан фарқ қилмайди. Агар уни муддатидан олдин бузиб хотини билан жимо қилиб қўйса, каффоратини беради. Агар ўша муддат ичида жимо қилмаса, қасамининг устидан чиққан ҳисобланади. Бунинг учун унга ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Ҳар икки «Саҳиҳ»да собит бўлган мана бу ҳадис Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинган: «**Пайғамбар ﷺ аёллари билан бир ой қўшилмасликка қасам ичдилар. Йигирма тўққизинчи куни қайтиб, ой йигирма тўққиз кундир, дедилар**».<sup>21</sup>

Иккинчидан, хотини билан тўрт ойдан кўпроқ муддатга жимо қилмасликка қасам ичилса, шариатда бу иш ийло, дейилади. Ийлонинг ўз ҳукмлари бўлиб, уларни мана бу икки муборак оят баён қиляпти. Ҳукм қуйидагича бўлади:

а) Агар тўрт ойдан олдин жимо қилиб қўйса, қасамига каффорат беради. Шу билан иш тамом.

б) Агар тўрт ой ўтганидан кейин ҳам жимо қилмасликда давом этаверадиган бўлса, тўхтатилади ва икки ишдан бирига мажбур қилинади:

Ё олдинги ҳолатига қайтади ва қасами учун каффорат беради. Бу гап жимодан киноя, яъни олдингидек яна жимо қилишга қайтади.

Ёки талоқ қилади.

(21) Бухорий: 297, 365, 4803.

Агар шу иккала ишдан ҳам бош тортса, уни ҳоким талоқ қилдиртиради.

Айтиб ўтган гапларимиз мана шу икки муборак оятдан қуйидаги тарзда олинган:

﴿لِّلَّذِينَ يُؤَلُّونَ مِن نِّسَائِهِمْ﴾

(*Хотинларидан қасам билан юз ўзгирган кишилар учун*). Ийло сўзи аслида бирон ёмон ишни қилиш ёки яхши ишни қилмасликка қасам ичиш маъносини англатади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يَأْتِيَنَّكُمْ حَبَالًا﴾

– „*Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар*“.[3:118] Яна айтади:

﴿وَلَا يَأْتِيَنَّ أَوْلُوا الْفَضْلِ مِنكُمْ وَالسَّعَةِ أَن يُؤْتُوا أُولَى الْقَرْبَىٰ﴾

– „*Сизлардан фақл ва кенг-катта мол-давлат эгалари қариндошларга инфоқ-эҳсон қилмасликка қасам ичмасин*“.[24:22] Кейин бу сўз шаръий истилоҳга айланиб, аёлни жимо қилмасликка қасам ичиш маъносини англатадиган бўлди.

(*من نِّسَائِهِمْ*) яъни, хотинларидан. Бундан ийло фақат хотинларгагина хослиги, чўриларга тегишли эмаслиги англашилади.

(*تَرْبُصُ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ* *тўрт ой муҳлат бор*). Яъни, кутиб, пойлаб туриш. Яъни, унинг ихтиёрида фақат тўрт ой бор. Ундан кейин эса икки ишдан бирини қилиши шарт.

(*فَإِن فَاءُو* *Агар (шу муддат ичида хотинларига) қайтсалар (жоиздир)*). Яъни, олдинги ҳолга қайтиш. Бу жимодан киноя. Яъни, олдингидек яна жимо қилиш.

(*وَإِنْ عَزَمُوا الطَّلَاقَ* *Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар*)).

Бундан муддат ўтиши билан ўз-ўзидан талоқ тушмаслиги, талоқ тушиши учун ё эрнинг ўзи талоқ қилиши ёки ҳоким уни мажбурлаб талоқ қилдиртириши шартлиги англашилади.

Шу билан оятнинг маъноси қуйидагича бўлади:

Аёллари билан тўрт ойдан кўп муддатга жимо қилмасликка қасам ичганлар тўрт ой ўтганидан кейин тўхтаб, икки ишдан бирини бажаришлари лозим. Ё қасамларига каффорат берсинлар-да, олдинги ҳолларига қайтиб, яна жимо қиладиган

бўлсинлар ёки талоқ қилсинлар. Агар бош тортадиган бўлсалар, уларни ҳоким мажбурлаб талоқ қилдиртиради.

Аллоҳ Таоло бу икки оятни қўйидагича яқунляпти:

﴿فَإِنْ فَاءٌ وَفَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

*(Агар (шу муддат ичида хотинларига) қайтсалар (жоиздир). Зеро, Аллоҳ шубҳасиз мағфиратли, раҳмлидир).*

Улар қасам ичиб, аёлга зарар келтирган эдилар. Шунда ҳам Аллоҳ Кечиримли, Раҳмли Зотдир.

﴿وَإِنْ عَزَمُوا الطَّلَاقَ فَإِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

*(Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир).* Яъни, уларнинг талоққа айланган ийлоларини Эшитгувчидир. Бу ийлодан нимани мақсад қилганларини билгувчидир. Бас, уларнинг қилмишларига яраша жазоларини беради.



﴿وَالْمُطَلَّقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ ۚ وَلَا تَحِلُّ لَهُنَّ أَنْ يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ اللَّهُ فِي أَرْحَامِهِنَّ إِنْ كُنَّ يُؤْمِنُنَّ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۚ وَبُعُولَتُهُنَّ أَحَقُّ بِرَدِّهِنَّ فِي ذَلِكَ إِنْ أَرَادُوا إِصْلَاحًا ۚ وَهُنَّ مِثْلُ الَّذِي عَلَيْهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ ۚ وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ ۗ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٨﴾ الطَّلَاقُ مَرَّتَانٍ ۖ فَإِمْسَاكٌ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَانٍ ۗ وَلَا تَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا مِمَّا آتَيْتُمُوهُنَّ شَيْئًا إِلَّا أَنْ تَخَافَا أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ ۗ فَإِنْ خِفْتُمَا أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا افْتَدَتْ بِهِ ۗ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا ۚ وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٢٩﴾ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدِ حَتَّىٰ تَبْكَحَ رَوْحًا غَيْرَهُ ۗ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يَتَرَاجَعَا إِنْ ظَنَّا أَنْ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ ۗ وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٢٣٠﴾﴾

– „228. Талоқ қилинган аёллар уч ҳайз муддатида ўзларини қузатадилар. Агар Аллоҳга ва охират қунига ишонсалар, улар

*учун Аллоҳ бачадонларида яратган нарсани (ҳомилани ёки ҳайзни) яширишлари ҳалол бўлмайди. Агар эрлари ислоҳни (оилани тиклашни) истасалар, шу муддат ичида уларни қайтариб (никоҳларига) олишга ҳақлидирлар. Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир. 229. (Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим). Ва сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингизда (уларнинг маҳрларидан) бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрқсаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг (эр-хотиннинг) Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрқсангизлар, у ҳолда хотин (эридан ажрашиш учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир. Бу Аллоҳнинг қонун-чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир. 230. Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошиқа эр билан турмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди. Сўнг агар (кейинги эр ҳам) талоқ қилса, бу ҳолда Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар, (у хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг, яъни қайта турмуш қуришларининг гуноҳи йўқдир. Булар Аллоҳнинг чегараларидирки, буларни биладиган қавм учун баён қилади“.*

[2:228-230]

Ўтган оятларда эр-хотинликка, эр-хотинлик ҳаётига доир ҳукмлар баён қилинган бўлса, бу оятларда талоққа доир ҳукмлар баён қилинган.

1. Аллоҳ Таоло баён қиляптики, ҳайз кўрадиган ҳур хотинлар талоқ қилинсалар, уларнинг иддаси уч ҳайз кўриш муддати бўлади. Уларнинг ҳайз кўришлари ёки қоринларида ҳомилалари борлигини яширишлари ҳаромдир. Чунки идда уларнинг рост гапиришлари билан боғлиқдир. Ибн Умар رضي الله عنه бу оятни шундай тафсир қилган.

Кейин уларнинг эрлари шу идда орасида агар талоқ рожъий бўлган бўлса, яъни биринчи ёки иккинчи талоқ бўлса, уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар.

Аллоҳ Таоло эрларнинг ўз аёлларига қайтиши уларга тазйиқ ўтказиш мақсадида эмас, эр-хотинлик ҳаётини ислоҳ қилиш, яхшилаш мақсадида бўлиши лозимлигига ундапти. Хотинни ҳам истамаслик ва ҳам қўйиб юбормаслик мумкин эмас.

Оятнинг якунида Аллоҳ Таоло аёл ўзининг устидаги эрнинг ҳақини, эр эса ўзининг устидаги хотиннинг ҳақини адо этиши лозимлигини баён қиляпти. Аёл ҳам эр ҳам баб-баробар ўзларига тегишли шаръий ҳукмларни бажаришлари шарт. Шу билан бирга Аллоҳ Таоло эрларнинг аёлларга нисбатан устунлигини ҳам баён қиляпти. Буни Аллоҳ Таоло Нисо сурасида мана бундай ифодалаганди:

﴿الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ﴾

– „**Эркаклар хотинлари устида раҳбардурлар**“ [4:34]

Яъни, уларни бошқарувчидир. Уй учун жавобгар ҳам, уй ичида рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳам, уй ичини ўз қарамоғига олган одам ҳам эрдир. Булар фақат эргагина тегишли бўлган шаръий ҳукмлардир.

Махлуқотларини нима ўнглашию нима бузишини, эрга қандай ишлар муносибу аёлга қайси ишлар муносиблигини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аллоҳ Азиздир, Ўз ишида Ғолибдир. Эр ёки аёл бўлишидан қатъий назар, шаръий ҳукмларга амал қилмайдиганларни жазолаш У Зот учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Аллоҳ ишларнинг оқибатини, нима муносибу нима муносиб эмаслигини биладиган Алийм, ҳар бир ишни бир ҳикмат билан қиладиган Ҳакийм Зотдир.

(وَالْمُطَلَّقَاتُ) бу ердаги алиф-лом таниқликни ифодалаб келяпти.

Яъни, бу ерда гап ҳайз кўрадиган ва эри билан қўшилган ҳур аёллар устида кетяпти. Чунки мана шу тавсифга эга бўлмаган аёлларнинг иддаси бошқачадир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّتِي يَبْسَنَ مِنَ الْمَحِيضِ مِنْ نِسَائِكُمْ إِنْ آرْتَبْتُمْ فَعِدَّتُهُنَّ ثَلَاثَةَ أَشْهُرٍ وَالَّتِي لَمْ

تَحْضَنْ<sup>ع</sup> وَأُولَتْ الْأَحْمَالِ أَجَلُهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ﴾

– „**Аёлларингиз орасидаги (кексайиб қолгани сабабли) ҳайз кўришдан умид узганлари, агар сизлар (уларнинг иддалари қанча давом этиши хусусида) шубҳалансангизлар, бас (билингизки), уларнинг иддалари уч ойдир, яна (ҳали-ҳануз) ҳайз кўрмаган (аёллар)нинг (иддалари ҳам уч ойдир). Ҳомиладор (аёллар)нинг (идда) мuddатлари ҳомидаларини қўйишлари (яъни кўз ёришларидир)**“ [65:4]

Шунингдек эри ўлган аёлларнинг иддаси ҳам бошқачадир. Уларнинг иддаси тўрт ою ўн кундир.

﴿يَتَرَبَّنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

– „Улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар“.

[2:234]

Чўри эса икки ҳайз муддати идда ўтиради. Чунки ҳурнинг ярмига тенгдир. Доруқутний ва бошқалар Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«طَلِاقُ الْأَمَةِ تَطْلِيقَتَانِ وَعَدَّتْهَا حَيْضَتَانِ»

«Чўрининг талоғи икки талоқдир ва унинг иддаси икки ҳайздир».<sup>22</sup> Эри билан қўшилмаган аёлнинг эса иддаси бўлмайди. Чунки Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَتَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا نَكَحْتُمُ الْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ طَلَقْتُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ

تَمْسُوهُنَّ فَمَا لَكُمْ عَلَيْهِنَّ مِنْ عِدَةٍ تَعْتَدُونَهَا فَمَتَّعُوهُنَّ وَسَرَحُوهُنَّ سَرَاحًا

جَمِيلًا﴾

– „Эй мўминлар, қачон сизлар мўминаларни никоҳларингизга олсангизлар-у, сўнгра уларга қўл теккизишдан — яқинлашишдан илгари уларни талоқ қилсангизлар, у ҳолда сизлар учун уларнинг зиммасида санайдиган идда бўлмас. Бас сизлар уларни (озми-кўпми ҳадя билан) бахраманд қилиб, чиройли кузатиш билан кузатинглар!“

[33:49]

Биз (وَالْمُطَلَّقَاتُ)даги алиф-лом таниқликни ифодалаб келяпти, яъни, бу ерда гап махсус аёллар – ҳайз кўрадиган, эри билан қўшилган, ҳур аёллар устида кетяпти, деди. Бу гапни алиф-ломнинг олдин умумийликни ифодалаб, кейин хосланганлигидан кўра оғирроқ, рожиҳроқ, деган эътибор билан айтдик. Умумийликни ифодалаганда ҳурмаслар ҳам, эри билан қўшилмаганлар ҳам, ёши кичик ёки катта бўлишидан қатъий назар, ҳайз кўрмайдиганлар ҳам, ҳомиладормаслар ҳам назарда тутилавларди. Омни хослашда хослангандан кейин қоладиганлар кўпроқ бўлиши керак. Хосланганларнинг ўзлари кўп бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз алиф-ломнинг

(22) Термизий: 1102. Абу Довуд: 1872.

олдин умумийликни ифодалаб, кейин хосланганлигидан кўра, таниқликни ифодалашини рожиҳроқ кўрдик.

﴿يَتَرْتَضِينَ بِنَفْسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ﴾

(Уч ҳайз муддатида ўзларини кузатадилар), деган гапдан ҳам бу ердаги алиф-ломнинг истиғроқ (барчага дахлдорлик) ёки умумийликдан кўра таниқликни ифодалашини рожиҳроқ экани аён бўлади. Демак, бу ерда гап махсус аёллар, яъни, ҳайз кўрадиган аёллар устида боряпти.

﴿يَتَرْتَضِينَ بِنَفْسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ﴾

Уч ҳайз муддати кутадилар. Яъни, уларнинг иддаси уч ҳайз муддатидир.

Хўш, (القرء) сўзи қандай маънони англатади? У луғатда ҳайз маъносида ҳам, поклик маъносида ҳам келади. Бу ерда унинг ҳайз маъносида келаётгани рожиҳроқдир. Бу гапимизга қуйидагилар асос бўла олади:

а) «Ривоятга кўра, Абу Ҳабишнинг қизи Фотима, эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен тинимсиз қон кўриб турадиган аёлман, ҳеч пок бўлмайман, намозни тарк қилсам бўлаверадими, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ, йўқ, намозни фақат ҳайз кўрган кунларингдагина тарк қил, дедилар».<sup>23</sup> Шундан кўриниб турибдики, (القرء) сўзи ҳайз маъносини англатади. Мана бу ҳадисда ҳам бу сўз ҳайз маъносида қўлланган.

б) Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ:

«طَلَاقُ الْأَمَةِ تَطْلِيقَتَانِ وَعَدَّتْهَا حَيْضَتَانِ»

«Чўрининг талоғи икки талоқдир ва унинг иддаси икки ҳайздир», деганлар. Бу гап ҳурнинг иддасига муқобил тарзда айтиляпти. Ҳурнинг иддаси уч (القرء)дир, яъни, уч ҳайздир. Ҳур иддасининг яъни, уч ҳайзнинг ярми икки ҳайз бўлади. (Бир ярим ҳайз бўлмайди, шунинг учун икки ҳайз, дейиляпти). Шундан ҳам (القرء) сўзининг ҳайз маъносида экани англашилиб турибди. Бу ҳадис хусусида унинг ровийларидан бири Музоҳир ибн Аслам шу ҳадисдан бошқа жойда танилган эмас, деган гап ҳам бор. Шунга кўра, айримлар уни мажхул, дейдилар. Лекин Ибн Ҳиббон уни пухта ҳадис, деган. Ҳоким эса, Музоҳир басралик шайх бўлиб, олдинги шайхларимиздан бирортаси уни

(<sup>23</sup>) Аҳмад: 24500. Дорамий: Таҳорат китоби 192 рақам.

журҳ (нуқсон) туфайли тилга олмаган, деган гапни айтган. Шунга биноан, бу ҳадис ҳасан ҳадис бўлади.

﴿إِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَطَلِّقُوهُنَّ لِعَدَّتِهِنَّ﴾

– „Қачон сизлар (яъни мўминлар) аёлларингизни талоқ қилсангизлар уларнинг иддаларида (яъни поклик пайтларида) талоқ қилинганлар“ [65:1]

Бу ердаги (لِعَدَّتِهِنَّ)дан мурод идданинг аввалидир. Негаки, талоқ шариатга кўра, ҳайздан пок бўлингандан кейинги талоқдир, яъни, идданинг аввали покликдир. Шу билан (القرء) сўзининг поклик маъносини ҳам англатиши маълум бўлади. Ҳар икки шайх ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар (رضي الله عنه) хотинини ҳайз кўриб турган ҳолатида талоқ қилган. Умар (رضي الله عنه) буни Пайғамбар ﷺ га келиб айтган. Пайғамбар ﷺ аччиқланиб:

«مُرُهُ فَلْيُرَاجِعْهَا ثُمَّ لِيَمْسِكْهَا حَتَّى تَطْهَرَ قَبْلَ أَنْ تَمْسَ، فَلَئِكَ الْعِدَّةُ الَّتِي أَمَرَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يُطَلَّقَ لَهَا النِّسَاءُ»

«Унга буюр, хотинига қайтсин, то пок бўлгунига қадар ушлаб турсин, жинсий яқинлик қилмасин, мана шу Аллоҳ Таоло буюрган аёллар талоқ қилинадиган иддадир», дедилар.<sup>24</sup>

Бу гапга маъно бериш (لِعَدَّتِهِنَّ)даги ли сўзининг маъносига боғлиқдир. Биз аёллар талоқ қилинадиган иддадир, деб таржима қилинган иборанинг арабчасида идда сўзига шу қўшимча, ли қўшимчаси қўшилган. Бу қўшимча бундай ҳолатда бир неча маъноларни англатади. У айтилаётган вақтнинг аввалини англатиши ҳам, айтилаётган вақтдан олдинги пайтни англатиши ҳам, айтилаётган вақтдан кейинги пайтни англатиши ҳам мумкин. Масалан, саҳарлаб ёздим, деган гапда ёзиш иши тонгнинг энг олдинги пайтда бажарилганини билдиради. Кечадан мана мунча пайт ўтганида ёздим, дейилганда ёзиш иши айтилаётган вақтдан яъни, кечадан кейин бажарилганини билдиради. Кечага мана мунча пайт қолганда ёздим, дейилганда эса ёзиш иши айтилаётган вақтдан, яъни, кечадан олдин бажарилганини билдиради. Уччала гапнинг ҳам арабчасида

(24) Термизий: 4850, 4916. Муслим: 2675, 2676.

мазкур қўшимча қўлланган. Қўшимчанинг қайси маънони англатаётгани қаринага қараб бўлади.

Бу ерда бу қўшимча талоқ тушиши қаринаси билан иддалари бошланишидан олдин, деган маънони англатиб келяпти. Талоқ идда бошланишидан олдин тушади. Демак, «Аллоҳ буюрган аёллар талоқ қилинадиган идда мана шу», деган гапдан аёллар иддаларидан (иддалари бошланишидан) олдин талоқ қилинади, деган маъно чиқади. Бинобарин, олдинги икки ҳадисдаги (القرء) сўзининг ҳайз маъносида қўллангани билан кейинги икки шайх ривоят қилган Ибн Умар мавзусидаги ҳадис ўртасида зиддият йўқ. Чунки идда ҳайздан бошланади. Пайғамбар ﷺ Ибн Умарнинг хотинини ҳайзда талоқ қилганидан хабар топгач, уни қайтишга, то ҳайз кўриб, пок бўлгунига қадар ушлаб туришга, ундан кейин пок ҳолатида талоқ қилишга буюрдилар. Ана шунда идда кейинги ҳайздан бошланади. Шариатга кўра, талоқ аёл ҳайздан пок бўлганидан кейин, у билан қўшилмай туриб, кейинги ҳайздан идда бошланмасидан олдин қилинади. Шундан кейин икки ҳайз идда ўтирилади. Ҳаммаси бўлиб уч ҳайз бўлади. Шу билан ҳайз кўрадиган, жимо қилинган, ҳур аёлнинг иддаси ниҳоясига етади.

﴿يَتَرْتَضَى بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ﴾

Иборасида уч сўзи муаннас келяпти. Қандай қилиб, (القرء) сўзи ҳайз маъносида бўлсин, ахир (القرء) сўзи музаккар, ҳайз сўзи эса муаннаску, дейилмайди. (Уч сўзи муаннас келгани айтилаётганига сабаб шуки, араб тилида учдан ўнгача бўлган сон билан аниқланиб келган сўз жинс эътибори билан сонни ифодаловчи сўзга қарама-қарши бўлиши керак. Яъни, сонни ифодаловчи сўз муаннас (аёл жинси) бўлса, у музаккар (эркак жинси), аксинча, агар сонни ифодаловчи сўз музаккар бўлса, у муаннас бўлиши керак). Лекин агар сон билан аниқланиб келаётган сўз гарчи маъно эътибори билан муаннас бўлса-да, шакл эътибори билан музаккар бўлса, уни аниқлаб келаётган сонни ифодаловчи сўз муаннас келиши жоиз. Масалан, унда учта эркак ўрдак бор, деймиз. Шу ерда учта сўзини ўрдак сўзининг шаклига асосланиб, музаккар ҳолда ишлатяпмиз. Ўрдак сўзи шаклан муаннасдир. Худди шу каби (القرء) сўзи шаклан музаккардир. Демак, сонни ифодалаб келаётган сўз сон билан аниқланиб келаётган сўзнинг шаклига қараб ҳам, маъносига қараб ҳам музаккар ёки муаннас бўлиши мумкин

экан. Шаклига қараб шундай бўлишига мисол келтириб ўтдик. Энди маъносига қараб, шундай бўлишига мисол келтирамиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَطَّعْنَهُمْ أُنْتَىٰ عَشْرَةَ أَسْبَاطًا أُمَمًا﴾

– „Уларни (яъни Мусо қавмини) жамоа-жамоа қилиб ўн икки уруғ-авлодга бўлиб юбордик“: [7:160]

Бу ерда сон муаннас келяпти ва сон билан аниқланиб келаётган сўзнинг маъносига муносиб. Яъни, аниқланиб келаётган сўзнинг шакли музаккардир, маъноси эса (фирқа) муаннасдир.

Шунинг учун (القرء) сўзининг маъноси ҳайз экани рожиҳроқ, дедик. Чунки Пайғамбар ﷺнинг Абу Ҳабиш қизи Фотимага айтган гаплари ҳам

﴿دَعَى الصَّلَاةَ أَيَّامَ أَقْرَانِكَ﴾

«**Ҳайз кунларингда намозни тарк қил**», Оиша رضي الله عنهاнинг чўрининг иддаси ҳақидаги гапи ҳам (икки ҳайздир) фикримизни

қувватлайди. Бунинг устига (لِعَدَّتِي), деган иборадаги лом ҳам,

ҳар икки шайх ҳадисидаги «**Аёллар талоқ қилинадиган**» ибораси ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, аёлларнинг иддаси бошланишидан олдинги пайтни англатади. Шу билан далиллар бир-бири билан келиштирилганда (القرء) сўзининг ҳайз маъносида экани рожиҳроқ бўлади ва идда кетма-кет келадиган уч ҳайз муддати бўлади.

﴿وَيُعَوْلُنَّ أَحَقَّ بَرْدِهِنَّ فِي ذَٰلِكَ﴾

(Эрлари уларни қайтариб (никоҳларига) олишга ҳақлидирлар).

(وَيُعَوْلُنَّ) яъни, уларнинг эрлари. (بعل) сўзи эр маъносини англатади.

(أَحَقُّ) бу ерда ҳақдор маъносида. Исми тафзил бўлиб, -роқ қўшимчаси билан келиши муболаға учундир.

(بَرْدِهِنَّ) яъни, идда ичида уларни қайтариб олишга. Агар талоқ рожъий бўлса, албатта.

(فِي ذَٰلِكَ) яъни, кутиш замони – идда муддати.

Яъни, идда ичида уларни қайтаришга эрлари ҳақлидирлар. Бу гап рожъий талоққа доир гапдир.

(*إِنْ أَرَادُوا إِصْلَاحًا*). Бу ерда эрлар аёлларни идда ичида қайтариб олишдан ислоҳни, яхши яшашни мақсад қилишлари лозимлиги уқтириляпти.

Бу шартнинг мафҳуми йўқ. Яъни, қайтариш эрларнинг ислоҳни хоҳлашлари билан боғлиқ бўлмайди. Агар улар ислоҳни истамасалар ҳам қайтарилаверади. Ибн Умарнинг ҳадисида аёлини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилганди. Пайғамбар ﷺ Умарга ўғлига бориб, қайтариб олишини, хотини пок бўлиб, яна бир марта ҳайз кўриб, пок бўлганидан кейингина истаса олиб қолишини, истамаса, талоқ қилишини буюришини тайинладилар. Бу ерда очиқ кўриниб турибдики, қайтариб олиш эр-хотинлик ҳаётини яхшилаш, яъни, ислоҳ учун бўлмаяпти. Шундай бўлса-да, қайтариш мумкин бўляпти.

Лекин хотинини яхши яшаб кетиш учун, ислоҳ учун эмас, унга зарар қилиш учун, иддаси тугаб қутулиб қолмаслиги учун қайтариб оладиган эр гуноҳкор бўлади. Оятда бунга ҳужжат бор:

﴿وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ ۖ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرَحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ ۚ

وَلَا تُقْسِكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا ۚ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ ۚ وَلَا تَتَّخِذُوا

ءَايَاتِ اللَّهِ هُزُوًا ۗ﴾

– „*Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан қузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қилса ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил деб билманглар!*“

[2:231]

Бу қатъий тақиқдир, яъни, аёлни унга зарар қилиш учун ушлаб туриш ҳаромдир.

2. Аллоҳ Таоло иккинчи оятда баён қиляптики, эр фақат икки талоқдагина иддадаги хотинини қайтаришга ҳақлидир.

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ﴾

(*Талоқ икки мартадир*).<sup>25</sup> Бир марта талоқ қилганида идда асносида аёлини қайтариб олишга ҳақли. Бунда аёлнинг розилиги шарт эмас. Лекин иддаси чиқиб кетгунича ҳам қайтариб олмаса, аёл бегонага айланади. То янги никоҳ

(25) Талоқ татлиқ маъносида худди салом таслим маъносида бўлгани каби.

қилиниб, янги маҳр тайинланмагунича яъни, аёлнинг розилиги олинмагунича уни қайтариб ололмайди. Бу ҳолат фикҳда кичик боин талоқ, дейилади.

Иккинчи марта талоқ қилганда ҳам худди шундай бўлади. Исломда эркак киши шу икки талоқдан бошқасида аёлини қайтариб олишга ҳақли эмас.

Термизий Урвадан, у Оиша رضي الله عنها дан мана бу марфуъ ҳадисни ривоят қилган: «Одамлар шундай бўлишганди: Эр хотинини истаганича талоқ қилаверарди. Идда ичида қайтариб олса, яна аёл унинг хотини бўлиб қолаверарди. Юз марта талоқ қилса ҳам шундай бўлаверарди. Бир киши ўзининг хотинига, Аллоҳга қасамки, сени боин талоқ ҳам қилмайман, сен билан яшамайман ҳам, деди. Хотини, қандай қилиб, деб сўради. У, талоқ қилавераман, идданг тугай, деган пайтда яна қайтариб олавераман, деб жавоб берди. Аёл Оиша رضي الله عنها нинг олдига бориб, бўлган гапни айтиб берди. Оиша رضي الله عنها жим бўлиб қолди. Пайғамбар ﷺ келган эди, у кишига бўлган гапни айтди. Пайғамбар ﷺ ҳам жим бўлиб қолдилар. Кейин Қуръон нозил бўлди.

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانِ فَأَمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٍ بِإِحْسَنِ﴾

((Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим)). Шу билан эр учун рожъий талоқ қилиш ҳуқуқи энг кўпи икки марта бўлди». <sup>26</sup>

Аёлини икки марта талоқ қилиб, идда орасида қайтариб олган эр учун энди рожъий талоқ қилиш ҳуқуқи йўқ. Бинобарин, у қуйидаги икки ишдан бирини танлаши мумкин, холос:

(فَأَمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ) яъни, эр-хотинлик ҳаётини яхшилик билан,

яхши муносабат билан, эрнинг ҳуқуқлари ва вазифалари масаласида Аллоҳга ва Пайғамбар ﷺ га итоат билан давом эттириш.

Ёки (تَسْرِيحٍ بِإِحْسَنِ) яъни, аёлини учинчи марта талоқ қилиш. Учунчи оят шуни баён қилган.

﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ﴾

(26) Термизий: 1113.

*(Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, бундан кейин у аёл аввалги эрига ҳалол бўлмайди).*

(يَا حَسَنُ) деган сўзда талоқда аёлга зарар қилмаслик, ҳаққига тегмаслик маънолари бор. Буни кейинги оятлар баён қилади.

﴿وَلَا تَمْسُكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا﴾

*(Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз).*

Хўш, биз нима учун

﴿فَأَمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٍ يَا حَسَنُ﴾

*(Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим)),* икки талоқ ўтганидан кейинги ишлар, дедик. Уни биринчи ёки иккинчи талоқ билан боғламадик. Рожъий талоқда ҳам то иддаси чиққунига қадар тек қўйиб берилса, яхшилик билан ажралган бўлаверарди-ку. Шу билан аёл ўзига ўзи хўжайин бўлиб қолаверарди-ку.

Бунга сабаб шуки, Пайғамбар ﷺ дан шу оят ҳақида сўрашганида у киши, учинчи талоқ яхшилик билан ажрашишдир, деб жавоб берганлар. Бинобарин оятнинг маъноси биз айтгандек бўлади: Эрининг ҳасмидаги аёл икки марта талоқ қилинганидан кейин унинг эри учун фақат икки йўл қолади. Ё яхшилик билан яшайди ёки яхшилик билан ажрашади.

Ибн Мурдавиҳ Анас ибн Молик йўлидан ривоят қилади: Бир киши Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига келиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, Аллоҳ талоқ икки марта, деди, учинчиси қаерда, деб сўради. Шунда Пайғамбар ﷺ

﴿إِمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٍ يَا حَسَنُ﴾

**«Яхшилик билан олиб қолиш ёки яхшилик билан ажрашиш»**, дедилар.<sup>27</sup> Ибн Абу Ҳотимнинг Абу Разин Асадий йўлидан қилган ривоятида учинчиси қаерда, деган саволга Пайғамбар ﷺ,

﴿الْتَسْرِيحُ يَا حَسَنُ﴾

**«яхшилик билан ажрашиш»**, деб жавоб берганлар.

Шундан кейин Аллоҳ Таоло эрларнинг ўз аёлларига берган маҳрларидан бирор нарсани талоқ эвазига олишлари жоиз

(27) Дуррул Мансур: 2/664. Тафсири Ибн Касир: 1/273. Муҳаззаб: 2/78.

эмаслигини баён қияпти. Агар эр хотинини талоқ қилмоқчи бўлса, яхшилик билан талоқ қилсин. Аёлидан ўзи берган бирор нарсани олиш учун унга зуғум ўтказмасин.

﴿وَلَا تَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا مِمَّا آتَيْتُمُوهُنَّ شَيْئًا﴾

**(Ва сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингизда (уларнинг маҳрларидан) бирор нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди).**

Лекин Аллоҳ Таоло эр аёлидан эваз олиши мумкин бўлган бир ҳолатни истисно ҳам қилиб қўйяпти. Бу ҳолатнинг номи хульдир. Унда аёл эрини ёмон кўриб қолади, эри билан яшашни истамайди. Ажралишга эри эмас, унинг ўзи сабабчи бўлади. Мана шу ҳолатда аёл эрига, мени қўйиб юборсангиз, берган маҳрингизни қайтариб бераман, деган таклифни қилиши мумкин. (Маҳрдан – эрнинг ўзи аёл учун сарфлаган маблағдан ортиққаси олинмайди). Халифанинг ёки халифа ноибининг изни билан эридан ажрашади ва никоҳ бекор қилинади. Шундан кейин эр уни қайтариб ололмайди. Қайтариб олиши учун қайтадан никоҳ қилиниши, қайтадан маҳр тайинланиши шарт бўлади.

Хўш, нима учун хуль аёл сабабли бўлади, дедик. Бу гапимизга Қуръондан ҳам, суннатдан ҳам далил бор. Қуръондан далил шуки, талоқ қилиш эрнинг қўлидадир. Агар у аёлини ёқтирмаса ёки у билан яшашни истамаса, уни талоқ қилиш имконига эга. Аллоҳ унга аёлига зарар қилишни, унга берган бирор нарсасини қайтариб олиш учун унга зуғум ўтказишни ҳаром қилди. У хоҳласа, аёлини яхшилик билан олиб қолсин, хоҳламаса, яхшилик билан ажрашсин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرَ حَوْهِنَّ بِمَعْرُوفٍ وَلَا

قُسْكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا﴾

– „Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан кузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз“. [2:231]

Яъни, уларни хотин қилишни истамасанглар, ажрашмоқчи бўлсанглар, яхшилик билан талоқ қилинглар. Уларни ҳуқуқига тажовуз қилиш, уларни талоқ қилишинглар эвазига ўзларининг айрим ҳуқуқларидан воз кечиртириш учун атайин ушлаб қолманглар.

Шунинг учун бу ерда сабабчи эркак бўляпти. У аёли билан яшашни истамаса, унга берган нарсасидан ҳеч нарсани олмай талоғини берсин. Худо хоҳласа, бу оятнинг тафсилотига сал кейинроқ яна тўхталамиз.

Модомики, талоқ эрнинг қўлида экан, агар у аёли билан яшашни истамаса, уни яхшилик билан талоқ қилиш имконига эга экан, демак, хуль яъни, аёлнинг эрига эваз тўлаши эр аёлни ёқтириб турган бўлса-да, аёл эрни ёқтирмаган ҳолатда бўладиган бир ишдир.

Суннатдан далил шуки, бу оятнинг нозил бўлиш сабаби аёлнинг эрни ёқтирмай қолишидир.

Ибн Можжа яхши иснод билан Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Салулнинг қизи Жамила Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, Аллоҳга қасамки, мен Собит ибн Қайсни на динида ва на хулқида айблай оламан, лекин мен Исломда туриб кўрнамак бўлишни ёқтирмайман, уни ёмон кўрганлигимдан унга тоқат қилолмайман, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ, унга боғини қайтариб берасанми, дедилар. У, ҳа, деб жавоб берди. Шу билан Пайғамбар ﷺ унга (эрига) боғини олиб, ундан ортиқчасини олмасликни буюрдилар».<sup>28</sup>

Ибн Жарир Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Исломда биринчи хуль Абдуллоҳ ибн Убайнинг синглиси Собит ибн Қайсининг хотинида бўлганди. У Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, менинг бошим билан унинг бошини ҳеч нарса ҳеч қачон қовуштира олмайди, мен Хобаъ тарафга чиқиб, унинг бир жамоа ичида мен тарафга келаётганини кўрдим, қарасам, у энг ранги қораси, энг бўйи паканаси, энг юзи хунуги экан, деди. Унинг эри, эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен унга энг сара бойлигимни – боғимни берганман, бўлмаса, менга боғимни қайтариб берсин, деди. Пайғамбар ﷺ аёлга қараб, бунга нима дейсан, дедилар. У, мен розиман, агар истаса қўшиб беришим ҳам мумкин, деди. Шу билан Пайғамбар ﷺ уларни ажратиб юбордилар».<sup>29</sup> Худди шунга ўхшаш ҳадисни имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Амр йўлидан ва Саҳл ибн Абу Хосма йўлидан ривоят қилган.

Шунинг учун аёл киши эрини ёмон кўрганлиги туфайли у билан яшашни истамаса, эр эса у билан яшашни истаб турган бўлса, бундай ҳолда эр ўзи берган маҳрни аёлидан қайтариб олишга ҳақлидир.

---

(28) Ибн Можжа: 2046.

(29) Аҳмад: 4, 315513. Дуррул Мансур: 2/617. Тафсири Табарий: 2/461.

Аллоҳ Таолонинг

﴿إِلَّا أَنْ تَخَافَ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ﴾

(**Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган** (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсаларгина (дурустдир)), деган гапида ҳар иккиси ҳам тилга олин्याпти-ку, бу гап фақат аёлгагина қаратилмаяпти-ку, дейилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, аёлнинг эрни ёқтирмаслиги, ундан нафратланиши, унга итоат қилмаслиги бориб-бориб эрга ҳам таъсир қилади. Натижада ҳар иккисининг Аллоҳнинг ҳадларига риоя қила олмай қолишлари хавфи туғилади. Аллоҳ Таолонинг

﴿إِلَّا أَنْ تَخَافَ﴾

(**қўрқсаларгина**), деган гапи шу ҳолатга тушиб қолишлари маъносида. Яъни, аёл эрни ёқтирмаслиги, эрни истамаслиги натижасида эр-хотин Аллоҳнинг ҳадларига риоя қила олмайдиган аҳволга тушиб қолмасинлар. Шу билан Аллоҳ Таолонинг

﴿إِلَّا أَنْ تَخَافَ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ﴾

деган гапи билан эр билан яшамасликни хоҳлаш аёл томонидан бўлаётгани ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқдир.

Тўғри, аёл киши эрини ёқтирмаслиги натижасида эр-хотин Аллоҳнинг ҳадларига риоя қила олмасликлари хавфи туғилган пайтда аёлнинг эрдан ажралишни талаб қилишига рухсат этилган.

Лекин бу дегани бўлар-бўлмасга эрдан ажралишни талаб қилавериш дегани эмас. Агар Аллоҳнинг ҳадларига риоя этолмай қолиш хавфи туғилмайдиган бўлса, бесабаб ажралишни талаб қилиш ҳаром.

﴿إِلَّا أَنْ تَخَافَ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ﴾

Пайгамбар ﷺ айтган мана бу гап худди шундай аёллар ҳақида:

«إِنَّ الْمُخْتَلِعَاتِ الْمُتَزِّعَاتِ هُنَّ الْمُنَافِقَاتِ»

«**Мухталиа мунтазиалар мунофиқалардир**».<sup>30</sup> (Мухталиа – эридан ажралишни, хулни талаб қилган аёл. Мунтазиа – эридан ажраган, узилган аёл). Бу ҳадисни Уқба ибн Омир

(30) Насоий: 3407. Дуррул Мансур: 2/676. Тафсири Табарий: 2/467.

Жуҳаний ривоят қилган. Пайғамбар ﷺнинг озод қилган қуллари Савбон ривоят қилган яна бир ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«الْمُخْتَلَعَاتُ هُنَّ الْمُنَافِقَاتُ»

«**Мухталиалар мунофиқалардир**», деганлар.<sup>31</sup> Яъни, эридан эр- хотинлик ҳаётида Аллоҳнинг ҳадларига риоя этолмай қолишга олиб борадиган сабабсиз хульни, ажралишни талаб қиладиган аёллар. Олдинги ҳадисдаги аёлнинг хульни, ажралишни талаб қилиши жоизлиги ҳақидаги гап билан, кейинги икки ҳадисдаги бу ишнинг ҳаромлиги ҳақидаги гап мана шу тарзда тушунилади.

Хўш, нима учун эрга ҳам, хотинга ҳам ажралиш мумкин, жоиз, дедик, фарз, демадик. Негаки, Аллоҳ Таоло айтяпти:

﴿فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيهَا أَفْتَدَتْ بِهِ﴾

(У ҳолда хотин (эридан ажралиши учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир). Яъни, аёлнинг маҳрни қайтариб бериши ва эрнинг уни қабул қилиб олиб, хотинини қўйиб юбориши мумкин.

Иккинчи томондан модомики, эр аёлининг ҳуқуқларига риоя қилаётган экан, гарчи аёли унга итоат этмаса-да, у билан яшашни истамаса-да, Аллоҳ унга талоқ қилишни ёки ажралишни фарз қилгани йўқ. Бундай ҳолатда Аллоҳ эрга мана бундай йўл тутишни фарз қилди:

﴿فَعِظُوهُنَّ ۖ وَاهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَاصْرِبُوهُنَّ﴾

– „Аввало уларга панд-насихат қилинглар, сўнг (яъни насихатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар“. [4:34]

Хўш, нима учун аёлдан ўзи берган нарсадан ортиқчасини олиш дуруст эмас, дедик. Чунки Пайғамбар ﷺ юқоридаги Ибн Можа ривоят қилган Ибн Аббос ҳадисиди маҳрга берган боғинигина олиб, **ундан ортиғини олмасликка буюрди**лар. Доруқутний чиқарган Абу Зубайрнинг ҳадисиди эса мана бундай дейилган: «Пайғамбар ﷺ Собит ибн Қайсинг хотинига унга сенга берган боғини қайтариб берасанми, дедилар. У, ҳа, ортиқчаси билан бераман, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ, ортиқчаси

(31) Термизий: 1107. Тафсири Табарий: 2/467.

**керак эмас** (мумкин эмас), **дедилар**». Мана шулар эрнинг ўзи берган махрдан ортиқчасини олиши дуруст эмаслигини кўрсатади.

﴿فَلَا جُنَاحَ عَلَيْمَا فِيمَا أَفْتَدْتُمْ بِهِ﴾

оятдаги (ما) умумийликни ифодалайди, шундай бўлгач, эр ўзи берган махрдан ортиқчасини олса ҳам бўлаверади, дейилмайди. Негаки, гарчи бу гап умумийликни ифодаласа-да, лекин у барибир юқорида биз айтиб ўтган ўзи берган махрдан ортиқчасини олиб бўлмаслиги ҳақидаги ҳадислар билан хосланяпти.

Энди хулънинг, ажралишнинг халифа ёки унинг ноиби, масалан, қози рухсати билан амалга ошиши ҳақида тўхталиб ўтамыз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِلَّا أَنْ سَخَّافًا أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ

عَلَيْمَا فِيمَا أَفْتَدْتُمْ بِهِ﴾

*(Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг (эр-хотиннинг) Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсангизлар, у ҳолда хотин (эридан ажралиши учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир), яъни, эр-хотин Аллоҳ белгилаган эр-хотинликка доир ҳадларга риоя қила олмай қолишдан қўрқсалар.*

Лекин Аллоҳ Таоло ажралишни шу эр-хотиннинг, ўзларининг хавфсирашлари билан боғламади. Балки бу ишга бошқа бир шартни ҳам қўйди. Бу шарт

﴿فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْمَا﴾

деган гапда ўз ифодасини топган. Яъни, Аллоҳ Таоло ажралишни ташқаридаги, четдаги кишиларнинг шу эр-хотиннинг Аллоҳ белгилаган ҳадларга риоя қила олмай қолишларига қаноат ҳосил қилишлари билан боғлади. Бу маъно хитобнинг тасниядан жамга, иккиликдан кўпликка кўчганидан очиқ кўриниб турибди. Кўплик эр-хотиндан бошқа тарафни англатиши ўз-ўзидан аён.

Эр-хотинлик ҳаётини тугатиш, оилани бузиш ваколоти эрдан ташқари халифага ёки унинг ноиби масалан, қозига берилган.

Бу фикрни Пайғамбар ﷺ замонларида содир бўлган ажралиш воқеалари ҳам қувватлайди. Бу масала Пайғамбар ﷺга кўтарилган ва у киши ажрим қилганлар. Пайғамбар ﷺ бир вақтнинг ўзида ҳам пайғамбар ва ҳам ҳоким бўлганлар.

Шунинг учун бир аёл эрини ёқтирмаганлигидан у билан ажрашмоқчи бўлса ва ўзи ҳам, эри ҳам Аллоҳ белгилаган оилавий ҳаётга доир ҳадларга риоя қила олмай қоламиз, деган хавфда бўлсалар, демак, биринчи шарт топилибди.

﴿إِلَّا أَنْ سَخَفَا الْإِلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ﴾

Шундан сўнг аёл эри билан ажралиш учун халифа ёки қозига арз қилади ва бу иш ўрганиб чиқилади.

﴿فَإِنْ خِفْتُمْ الْإِلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ﴾

Ундан кейин аёлга эри берган маҳрни қайтариб бериш ва эридан ажралиш таклиф қилинади.

Бу борада бир қанча воқеалар ривоят қилинган. Хулафои рошидинлар аёл хулъни, эри билан ажралишни талаб қилиб келган пайтда эр-хотиннинг Аллоҳ белгилаган оилавий ҳаёт ҳақидаги ҳадларга риоя қилолмай қолишларига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар хил услубларни қўллаганлар.

Ибн Жарир ривоят қилишича, Умарнинг олдига эри билан ажрашмоқчи бўлган бир аёлни олиб келишди. Умар уни кўп ахлат тўкилган хонага қамаб қўйишни буюрди. Эртасига уни чақиртириб, ўзингни қандай ҳис қилдинг, деб сўради. Аёл, унга текканимдан буён мана шу қамалган кечамдек ором олмадим, деб жавоб берди. Шунда Умар унинг эрига, исирғасини олиб бўлса ҳам уни қўйиб юбор, деди.

Энди хулъ талоқ эмас, никоҳни бекор қилиш экани хусусида тўхталамиз. Биз бунда қуйидаги сабабларга асосландик:

а)

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ فَإِمْسَاكٌ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَنِ ۗ وَلَا سِجْلٌ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا

مِمَّا آتَيْتُمُوهُنَّ شَيْئًا إِلَّا أَنْ سَخَفَا الْإِلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَإِنْ خِفْتُمْ الْإِلَّا يُقِيمَا حُدُودَ

اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا أَفْتَدْتُمْ بِهِ ۗ﴾

– „(Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (лозим). Ва сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингизда (уларнинг маҳрларидан)

*бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрқсаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг (эр-хотиннинг) Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрқсангизлар, у ҳолда хотин (эридан ажрашиш учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир“.* [2:229]

Бу оятда Аллоҳ Таоло талоқ икки марта бўлишини, ундан кейин эса хуль хусусида гапиряпти. Лекин кейинги оятда

﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ﴾

деяпти. Яъни, учинчи марта талоқ қилса, то бошқа бир эрга тегиб чиқмагунича қайтиб ярашиш мумкин эмас.

Бу нарса хульнинг талоқ эмаслигини кўрсатади. Агар хуль ҳам талоқ бўлганида

﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ﴾

(Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди), оятидаги талоқ тўртинчи талоқ бўларди. Бундай бўлиши эса мумкин эмас.

б) Абу Довуд Абдурахмон ибн Саъд ибн Зуроранинг қизи Амрадан, у Саҳл Ансорийнинг қизи Ҳабибадан ривоят қилади: «Ҳабиба Собит ибн Қайс ибн Шаммоснинг ҳасмида бўлган экан. Пайғамбар ﷺ тонгда ташқарига чиқсалар, ғира-шира пайтида Саҳлнинг қизи Ҳабиба эшигининг олдида турганмиш. Пайғамбар ﷺ, кимсан, дебдилар. У, мен Саҳлнинг қизи Ҳабибаман, дебди. Нима қилиб турибсан, дебдилар Пайғамбар ﷺ. У мен ҳам, Собит ибн Қайс ҳам (бир-биримизга мос эмасмиз), деди. Собит ибн Қайс келгач, Пайғамбар ﷺ унга, мана бу Саҳлнинг қизи Ҳабиба Аллоҳ нимани айтишлигини ирода қилган бўлса, ўшани айтди, дедилар. Ҳабиба, эй Аллоҳнинг пайғамбари, менга нима берган бўлса, ҳаммаси турибди, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ Собит ибн Қайсга, нарсаларингни ол, дедилар. У олди. Шу билан аёл ўзининг оиласида ўтирди (оиласига қайтди)».

Насоий ва имом Аҳмад ҳам бу ҳадисни шу лафз билан чиқарган. Фақат унда айрим маънони ўзгартирмайдиган фақат харфлар ўзгариши бор, холос.

Насойй Муҳаммад ибн Абдурахмон йўлидан чиқарган мана бу ҳадисда Муаввиз ибн Афронинг қизи Рубаййиъ хабар берадики, «Собит ибн Қайс ибн Шаммос хотинини уриб, қўлини синдирди. Унинг хотини Абдуллоҳ ибн Умайнинг қизи Жамила эди. Аёлнинг акаси Пайғамбар ﷺнинг олдиларига шикоят қилиб, арз қилиб келди. Пайғамбар ﷺ Собитга одам юбориб, олиб келтирдилар ва, аёлинга берган нарсангни олгин-да, уни қўйиб юборгин, дедилар. У, хўп, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ аёлга бир ҳайз муддати кутишни, кейин ўз уйига, оиласига қўшилишни (ота-онасининг уйига кетишни) буюрдилар».

Мана бу ҳадислардан очиқ кўриниб турибдики, уларда талоқ сўзи тилга олинмади, фақат «қўйиб юбор», «уйингга кетавер» каби ажралиш ҳақидагина гап бўлди, холос.

Талоқ сўзи ишлатилган ривоят ҳам бор. Бухорий ва Насойй чиқарган ҳадисда Ибн Аббос ривоят қиладики, Пайғамбар ﷺ Собитга:

«أَقْبِلِ الْحَدِيقَةَ وَطَلَّقْهَا تَطْلِيقَةً»

«**Богни олиб, уни бир талоқ қил**», деганлар.<sup>32</sup> Бу гап унинг хотини ҳақида айтилган гап эди. Ибн Аббоснинг бу ривояти маржухдир (маржух рожиҳнинг акси). Чунки Насойй, Абу Довуд ва Молик «Муваттаъ»да қилган ривоятлар бевосита Собит ибн Қайс хотинининг тилидан бўлганди. У ривоятларнинг охирларида «қўйиб юбор», «уйига кетказиб юбор», «уйида ўтирди» каби иборалар ишлатилганди. «**Бир талоқ қўй**», деган гап айтилмаганди. Қиссани бошқалар ривоят қилганидан кўра бошидан ўтказган одамнинг ўзи ривоят қилиши кучлироқдир, рожиҳроқдир. Усул фанидаги таржиҳ бобида шундай дейилган. Шунинг учун хулъ талоқ эмас.

в) Пайғамбар ﷺ ажрашмоқчи бўлган аёлга уч эмас, бир ҳайз муддати кутишни буюрдилар. Бу ҳам унинг талоқ эмаслигини кўрсатади.

Бу гап юқорида айтиб ўтганимиз Насойй ривоятида бор эди. Шунингдек, Термизий Ибн Аббос дан ривоят қилган ҳадисда Собит ибн Қайснинг хотини эри билан ажрашмоқчи бўлиб келганида Пайғамбар ﷺ унга бир ҳайз муддати идда ўтиришни буюрганлар. Бу ҳам хулънинг талоқ эмаслигини кўрсатади. Агар у ҳам талоқ бўлганида уч ҳайз муддати идда ўтириш керак бўларди. Модомики, хулъ талоқ эмас, никоҳни бекор қилиш ҳисобланар экан, демак, хулъдан кейин иддада бўлиши ёки

(32) Ибни Можа: 2046.

бўлмаслигидан қатъий назар аёлни қайтариб олиш мумкин бўлмайди. Энди шу ишга доир шаръий ҳукмлар асосида яна унинг розилигини олиш, яна янги никоҳ ўқиш ва унга яна янги маҳр тайинлаш лозим бўлади.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида булар Аллоҳнинг ҳудудлари эканини, улардан ўтмаслик, уларга риоя қилиш лозимлигини, улардан ўтиб кетганлар аламли азобга лойиқ бўладиган золимлардан бўлиб қолишларини баён қиляпти.

﴿تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

***(Бу Аллоҳнинг қонун-чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир).***

3. Аллоҳ Таоло бу муборак оятда рухсат этилган чегарадан ўтиб, учинчи марта талоқ қилган кимсанинг хотини катта боин талоқ бўлишини, қайтиб у билан яраша олмаслигини, ҳатто янги никоҳ, янги маҳр билан ҳам бу иш амалга ошмаслигини, бунинг учун бошқа бир эрга тегиши ва ўша янги эри боин талоқ қилганидан кейингина унга совчи қўйиб, қайтадан янги никоҳ ва янги маҳр билан уни никоҳлаб олиш мумкин бўлишини баён қиляпти.

Шу ерда бир масала туғилади. Катта боин талоқ уч марта алоҳида-алоҳида қилинган талоқ билан тушадими ёки бир сўз билан яъни, уч талоқ дейишнинг ўзи билан ҳам тушаверадими?

Бу масала устида олимлар жуда кўп ихтилоф қилишган. Уларни чуқур ўрганиш билан тавфиқни Аллоҳдан сўраб, қуйидагиларни айтаман:

Гап шундаки, алоҳида-алоҳида бўладими, бирданига бўладими, фарқи йўқ, уч талоқ катта боин талоқдир. Бунга далил қуйидагичадир:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ فَإِمْسَاكٌ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَانٍ﴾

***((Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим)).***

Аллоҳ Таоло

﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا نَحْلُ لَهُ مِنْ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ﴾

***(Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди),***

деяпти. Яъни, икки талоқ. У алоҳида ёки бирданига бўлиш билан қайдланмаяпти. Шунингдек, учинчи талоқни англатувчи (مَرَّتَانِ) сўзи ҳам мусбат феъл бўлиб, қайдланмаяпти.

### ﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا﴾

Яъни, алоҳида бўладими, бирданига бўладими, учинчи талоқни қилса...

Оят алоҳида ёки бирданига бўлишидан қатъий назар, уч талоқнинг катта боин талоқлигини ифодаляпти.

Марта билан қайдлаш ворид бўлган, шунинг учун алоҳида-алоҳида уч марта қилинган талоққина катта боин талоқ бўлади, битта лафз билан бирданига қилинган уч талоқ эса катта боин талоқ бўлмайди, балки у битта талоқ ҳисобланади, Пайғамбар ﷺнинг айрим ҳадисларида шундай келган, дейилмайди.

Негаки, бу борадаги барча ҳадислар заиф ҳадислар бўлиб, иккитасидан ташқари барчаси ҳасан ёки саҳиҳ даражасига чиқмаган. Ибн Аббосдан ривоят қилинган у икки ҳадис ҳам бу ҳукми қайдлашга ярамайди, уларга амал қилинмайди. Буни Аллоҳнинг изни ила баён қиламиз.

У икки ҳадис қуйидагилардир:

Биринчиси Муҳаммад ибн Исҳоқ ҳадиси бўлиб, унда Довуд ибн Хусайн Икримадан, у Ибн Аббосдан ривоят қилади: Ракона бир ўтиришда хотинини уч талоқ қилиб юборди, кейин бу қилмишидан хафа (пушаймон) бўлди. Унга Пайғамбар ﷺ, у бир талоқдир, дедилар. Бу имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида ривоят қилган.

Иккинчиси Товуснинг ҳадиси бўлиб, унда Абу Саҳбо Ибн Аббосга, биласанми, Пайғамбар ﷺнинг ва Абу Бакрнинг замонларида бирданига уч талоқ қилиш бир талоқ ҳисобланарди, Умарнинг халифалигидан бошлаб эса уч талоқ ҳисобланадиган бўлди, деди. Бунга жавобан Ибн Аббос, ҳа, деб жавоб берди.

Мана шу Ибн Аббосдан ривоят қилинган икки ҳадисдан бошқа бирданига айтилган уч талоқнинг бир талоқ ҳисобланишини англатувчи биронта ҳам саҳиҳ ёки ҳасан ҳадис ривоят қилинмаган. Лекин бу эътибор, яъни, бирданига айтилган уч талоқнинг бир талоқ ҳисобланиши маржухдир. Негаки, ўз исботини топган Ибн Аббос фатволарида бирданига айтилган уч талоқ уч талоқ, деб эътибор қилинган ва унинг натижасида катта боин талоқ юзага келган. Қуйида ана шу фатволардан айримларини айтиб ўтаман:

1. Абдуллоҳ ибн Касир Мужоҳиддан ривоят қилади: Ибн Аббоснинг олдида эдим. Унинг олдига бир киши келиб, хотинини уч талоқ қилганини айтди. Ибн Аббос жим бўлиб қолди. Хотинини қайтариб берса керак, деб ўйлаб қолдим. Шунда у бундай деди: Кимингиздир аҳмоқликни қилади-да, кейин, эй Ибн Аббос, эй Ибн Аббос, дейди!!... Аллоҳ Таоло

﴿وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا﴾

– „**Ким Аллоҳдан қўрқса У зот унинг учун (барча гам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур**“.

[65:2]

деган. Сен Аллоҳдан тақво қилмагансан. Сен учун ҳеч қандай махражни тополмадим. Ҳам ўзинг Парвардигорингга гуноҳкор бўлгансан, ҳам хотининг боин талоқ бўлган. Аллоҳ Таоло талоқ аёлларнинг иддаларидан олдин бўлиши ҳақида

﴿يَتَأْتِيَ النَّبِيَّ إِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَطَلَّقُوهُنَّ لِعَدَّتِهِنَّ﴾

– „**Эй пайгамбар, қачон сизлар (яъни мўминлар) аёлларингизни талоқ қилсангизлар уларнинг иддаларида (яъни поклик пайтларида) талоқ қилинглр**“.

[65:1]

деган. Яъни, Ибн Аббос бирданига бўлган уч талоқни уч талоқ, боин талоқ ҳисоблаган.

2. Шунга ўхшаш гапни Ҳамид Аъраж ва бошқалар Мужоҳиддан, у эса Ибн Аббосдан ривоят қилганлар.

3. Шуъба Амр ибн Мурра, Айюб, Ибн Журайжлардан, улар Икрима ибн Холиддан, у Саид ибн Жубайрдан, у Ибн Аббосдан қилган ривоят ҳам бор.

4. Ибн Журайж Абдулҳамид ибн Рофеъдан, у Атодан, у Ибн Аббосдан қилган ривоят ҳам бор.

5. Аъмаш Молик ибн Ҳорисдан, у Ибн Аббосдан қилган ривоят ҳам бор.

6. Ибн Журайж Амр ибн Динордан, у Ибн Аббосдан қилган ривоят ҳам бор.

Мана шуларнинг ҳаммалари Ибн Аббоснинг уч талоқни уч талоқ ҳисоблаганини, хотининг боин талоқ бўлди, деганини айтганлар.<sup>33</sup>

Ибн Аббосдан қилинган бу ривоятларда бирданига уч талоқ қилиш уч талоқ ҳисобланган. Бу ривоятларнинг машҳурлиги ва саҳиҳлигини эътиборга оладиган бўлсак, Пайгамбар ﷺнинг бирданига қилинган уч талоқни бир талоқ ҳисоблашлари ҳақидаги Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадиснинг маржух

(33) Абу Довуд: 2197.

эканлиги ойдинлашади. Чунки модомики, саҳоба ўзи ривоят қилган гапдан бошқасига амал қилибдими, демак унинг ўша ривояти маржухдир. Бу масаладаги рожиҳ гап муборак оятнинг мазмунидир. Унда алоҳида ёки бирданига қилинишидан қатъий назар, уч талоқ қилиш катта боин талоқ бўлиши ифодаланган. Кўп фақиҳлар, олимлар шунга амал қилганлар, яъни, уч талоқ дейиш билан уч талоқ тушади, деб билганлар.

Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»ида уч талоққа рухсат берган киши бобида

### ﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانِ﴾

лион (эр-хотин бир-бирини лаънатлаши ) ҳадисини зикр қилади: (Саҳл ибн Саидис Соидий айтади: ... биз лаънатлашдик... шундан сўнг у хотинини Росулulloҳ ﷺ буюрмасдан туриб уч талоқ қилди). Ибн Шиҳоб айтади: Бу нарса аввалгиларни суннати бўлиб қолди.<sup>34</sup>

Товуснинг Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисини Муслим чиқарган, лекин Бухорий чиқармаган. Шунга изоҳ бериб, Байҳақий, менимча, Бухорий бу ҳадисни Ибн Аббосдан қилинган бошқа ривоятларга тўғри келмагани учун тарк қилган бўлса керак, деган ва юқорида биз айтиб ўтган ривоятларни келтирган.<sup>35</sup>

Хулоса шуки, алоҳида ёки бирданига бўлишидан қатъий назар, уч талоқ қилиш уч талоқ, катта боин талоқ ҳисобланади. Лекин бирданига қилинган талоқ билан, алоҳида-алоҳида қилинган талоқ ўртасида фарқ бор. Бирданига, бир ўтиришда уч талоқ қилиш қатъий тақиқланган ишдир, яъни, ҳаром амалдир. Лекин айтиб ўтганимиздек, барибир уч талоқ тушаверади. Бундай талоқни қилган одам гуноҳкор бўлади. Маҳмуд ибн Лабид ривоят қилган ҳадисда келади: **«Пайғамбар ﷺ га бир киши хотинини уч талоқ қилиб юборгани хусусида хабар келди. Шунда у зот газабланиб туриб кетдилар ва, ҳали мен орангизда бўлиб туриб, Аллоҳнинг Китоби билан ўйнашадими, дедилар. Шу қадар газабландиларки, ҳатто бир киши ўрнидан туриб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, уни ўлдирайми, деди»**.<sup>36</sup>

Шу нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, бирданига қилинган уч талоқ бир талоқ ҳисобланади, дейдиганларнинг

(34) Бухорий: Талоқ, тўртинчи боб: 5259.

(35) Байҳақий: 7/336.

(36) Насоий: 3401.

чала бўлса ҳам далиллари бор. Лекин уларнинг гаплари маржухдир. Бундай талоқни ҳам уч талоқ ҳисоблаш рожиҳдир.

﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ حَتَّى تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ﴾

Бу Аллоҳ Таолонинг ўтган оятдаги

﴿أَوْ تَسْرِيحُ بِإِحْسَنٍ﴾

деган гапининг тафсиридир ва у юқорида айтиб ўтганимиздек, уни учинчи марта талоқ қилса, деган маънодадир.

﴿حَتَّى تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ﴾

Яъни, то бошқа эрга тегиб, у билан жимо қилмагунича.

Эрга тегиш (زَوْجًا) сўзидан, жимо қилиш (تَنْكِحَ) сўзидан олинди.

Никоҳ жимо билан ҳам, битим билан ҳам бўлаверади-ку, нега энди бу ерда айнан жимо кўрсатиляпти, дейилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, бу бобда Пайғамбар ﷺнинг жуда кўп ҳадислари никоҳдан мурод жимо эканлигини кўрсатади. Агар никоҳ ўқилсаю жимо қилинмасдан туриб кейинги эр хотинни талоқ қилса, бу хотин олдинги эрига ҳалол бўлмайди.

Мана бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Оиша رضي الله عنهاдан чиқарганлар: «Рифоа Қурозийнинг хотини Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, мен Рифоада эдим, у талоғимни берди, кейин мени Абдурраҳмон ибн Зубайр олди, унинг узун кипригидан бошқа ҳеч вақоси йўқ, деди. Пайғамбар ﷺ кулиб:

«لَا، حَتَّى تَذُوقَ عَسِيَلَتَهُ وَيَذُوقَ عَسَلَتِكَ»

**«Рифоага қайтмоқчимисан? Йўқ. Энди то сен унинг асалидан тотмагунингча, у эса сенинг асалингдан тотмагунича (орқага йўл йўқ), дедилар».**

Аҳмад, Насоий ва Ибн Жарирлар Ибн Фаррдан ривоят қиладилар: «Пайғамбар ﷺдан бир киши хотинини уч талоқ қўйса, кейин унга бошқаси уйланиб, эшикни ёпиб, пардани тушириб, кейин жимо қилмасдан талоқ қилса, у хотин олдинги эрига ҳалол бўладими, деб сўрадилар. Пайғамбар ﷺ «حَتَّى تَذُوقَ الْعَسِيَلَةَ» **То асалидан тотмагунича бўлмайди**», деб жавоб бердилар».

Асалидан мурод жимо лаззатидир. Имом Аҳмад ва Насоий Оиша رضي الله عنهاдан қилган ривоятда Пайғамбар ﷺ:

«أَلَا إِنَّ الْعَسِيَلَةَ الْجَمَاعُ»

**«Асали(дан тотиш) жимодир»**, деганлар.

Шунинг учун агар хотин уч талоқ қўйилган бўлса, то бошқа эрга тегиб, у билан жимо қилмагунича олдинги эрига ҳалол бўлмайди. Агар кейинги эри жимодан кейин талоғини берса, бу хотинга олдинги эри совчи қўйиб, янгидан никоҳ ўқитиб, янгидан маҳр тайинлаб олиши мумкин. Бу розилик ва ўз ихтиёри билан бўладиган ишдир. Агар оилавий ҳаётни қайта тиклашга, яхши яшаб кетишларига кўзлари етса, олдинги эр-хотинлар яна қайтадан оила қуришлари жоиз.

﴿فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يَتَرَاجَعَا إِنْ ظَنَّا أَنْ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ﴾

**(Бу ҳолда Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар, (у хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг, яъни қайта турмуш қуришларининг гуноҳи йўқдир).** Яъни, агар улар Аллоҳ белгилаб қўйган чегарадан чиқмасдан, шариатга мувофиқ яшаб кетишларига кўзлари етса, яна қайтадан турмуш қуришлари мумкин, мубоҳ.

﴿إِنْ ظَنَّا أَنْ يُقِيمَا﴾

Яъни, кўзлари етса. Чунки (إن) масдария бўлиб, бу ерда кўзлари етса, маъносини билдириб келяпти.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло оятни ҳукмлар Аллоҳнинг ҳадлари эканини, уларда тўхташ, ўтиб кетмаслик лозимлигини баён қилиш билан яқунляпти. Аллоҳ бу хитобини илм эгаларига хосляпти. Чунки бу баённи тушунадиганлар ва ундан фойдалана биладиганлар ана ўшалардир.

﴿وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ﴾

**(Булар Аллоҳнинг чегараларидирки, буларни биладиган қавм учун баён қилади).**



﴿وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَلَبِغْنَ أَجْلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرِّحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَلَا فُجُورٍ ۚ وَإِذَا لَبِغْتُمْ أَهْلَهُنَّ فَلَبِغْنَ أَجْلَهُنَّ ۚ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ ۚ وَلَا تَتَّخِذُوا آيَاتِ اللَّهِ هُزُوعًا ۚ وَادْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْكُمْ مِنَ الْكِتَابِ وَالْحِكْمَةِ يَعِظُكُمْ بِهِ ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٦﴾ وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَلَبِغْنَ أَجْلَهُنَّ

فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَزْوَاجَهُنَّ إِذَا تَرَاضَوْا بَيْنَهُمْ بِالْمَعْرُوفِ ۗ ذَٰلِكَ يُوعَظُ بِهِ  
 مَنْ كَانَ مِنْكُمْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۗ ذَٰلِكُمْ أَزْكَىٰ لَكُمْ وَأَطْهَرُ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا  
 تَعْلَمُونَ ﴿٢٣١﴾

– „231. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда мuddатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан қузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қилса ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил деб билманглар! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизларга ваъз-насиҳат этиб нозил қилган Китоб ва (у китобдаги ҳикматдан иборат нарсани) эсда тутинг! Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, албатта Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир. 232. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда мuddатлари битиб қолса, бас, (эй ота-оналар) уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг! Бу ҳукмлардан сизларнинг ораларингиздаги Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган зотлар ваъз-насиҳат оладилар. Бу ҳукм (яъни эр-хотинни ярашиб олишларидан тўсмаслик) сизлар учун энг тоза ва покловчи ҳукмдир. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз“. [2:231-232]

Аллоҳ Таоло бу икки оятда қуйидагиларни баён қилади:

1. Эр хотинини бир ёки икки талоқ қилган бўлса ва унинг иддаси чиқиб кетай деб қолган бўлса, ё уни яхшилик билан, яхши яшаб кетиш нияти билан қайтариб олсин, ёки иддаси тугагунига қадар тек қўйиб берсин ва шу билан аёл ўзига ўзи эга бўлиб олсин, ҳеч қандай тазйиқсиз, безовталиқсиз ажралсинлар.

Аллоҳ эрга хотинини унга зарар қилиш учун ушлаб туришни ҳаром қилади. Яхшиликни истамайдиган эр хотинини атайин унга тазйиқ ўтказиш учун иддаси тугашидан олдинроқ қайтариб олади. Бу билан талоқ эвазига аёлнинг ўзига тегишли айрим ҳуқуқларидан воз кечдирмоқчи бўлади. Бу билан эр ўзига, ўз жонига зулм қилади. Негаки, у ўзини, ўз жонини охиратдаги Аллоҳнинг азобига рўбарў қилади. Бунинг устига мана шу дунёнинг ўзида ҳам аёлининг ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан одамларга ўзининг бадхулқ эканини намойиш қилиб қўяди.

Кейин Аллоҳ Таоло эрларни Аллоҳнинг оятлари ва аҳкомлари билан ўйнашишдан огоҳлантиряпти. Эрлар Аллоҳнинг оятлари билан ўйнашмасинлар, яъни, Аллоҳ берган ҳуқуқни суистеъмол қилиб, аёлларини уларга зарар етказиш учун, тазйиқ ўтказиш учун иддалари тугай деб қолганда қайтариб олмасинлар.

Аллоҳ Таоло бизга Ўзининг Китоби ва пайғамбарининг суннатида мужассамлашган Исломдек буюк неъматни ато қилганини эслатяпти. Токи, биз бу неъматга шукр қилайлик, У Зотнинг шариатига эргашайлик, У Зотнинг оятларидан, аҳкомларидан ибратланайлик.

Бу муборак оятнинг якунида Аллоҳ Таоло бизни тақвога буюряпти. Токи, биз ҳар ишимизда, ҳар бир сўзимизда Аллоҳдан қўрқайлик. Аллоҳ Таоло учун ҳеч нарса махфий эмас. У

﴿بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

**(Барча нарсани билгувчи)** Зотдир. Бу гапда аёллари билан бўлган муносабатда Аллоҳнинг шариатидан четлаганлар учун огоҳлантириш бор.

**(فَبَلَّغْنَ أَجَلَهُنَّ ва уларнинг иdda муддатлари битиб қолса).** Яъни, иддаларининг охирги пайти. Луғат китобларида ажал сўзи бутун муддат маъносини англатиши ҳам, муддатнинг охирги қисми маъносини англатиши ҳам айтилган. Демак, бу сўз омоним, муштарак сўздир. Унинг қайси маънони англатаётгани қаринага қараб бўлади. Бу ердаги қарина

﴿فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ﴾

**(Бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг),** деган гапдир. Мана шу қарина бу сўзнинг бу ерда иdda муддатининг охирги қисмини англатиб келаётганини кўрсатади. Чунки эр фақат иdda ичидагина хотинини қайтариб олиши, ушлаб қолиши мумкин. Иdda муддати тугаганидан кейин эса эрнинг бу ишга ҳаққи қолмайди.

Демак, **(فَبَلَّغْنَ أَجَلَهُنَّ)**нинг маъноси иdda муддатининг тугамасидан олдинги охирги қисмидир.

﴿فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرَحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ﴾

**(Бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан кузатинг).** Яъни, уларнинг иdda муддатлари тугай деб қолган

пайтда ё уларни олиб қолинглар ёки идда муддати тугагунига қадар тек қўйинглар. Шу билан уларни қўйиб юборган бўласизлар ва улар ўзларига ўзлари эга бўладилар (боши очиқ хотинга айланадилар).

Бу гапларнинг ҳаммаси рожъий талоққа доир гаплардир.

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانِ﴾

(*Талоқ икки мартадир*). Фақат рожъий талоқ қилингандагина эр идда ичидаги хотинини қайтариб олиши мумкин.

﴿وَلَا تُسْكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا﴾

(*Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз*). Яъни, уларга зарар қилиш учун уларни қайтариб олманглар. Шундай ҳолатлар бўладики, эр аслида хотинини хоҳламайди, лекин хотиним менинг устимдаги айрим ҳақларидан воз кечиб қолар, деган илинжда уни атайин ушлаб қолади, жавобини бермайди. Шу билан хотинининг ҳақларига тажовуз қилган бўлади.

(*ضِرَارًا*) яъни, уларга зарар қилиш учун жавобларини бермасдан атайин ўзларингизда қолиш муддатларини чўзманглар.

(*لِّتَعْتَدُوا*) яъни, уларни сизлардан талоқларини олиш эвазига ўзларининг ҳуқуқларидан воз кечишларига мажбур қилиш учун.

﴿وَأَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ﴾

(*Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсда тутинг!*), Яъни, Исломни. Бунинг учун Аллоҳга шукр қилинглар ва У Зотнинг шариатига амал қилинглар.

﴿وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْكُمْ مِّنَ الْكِتَابِ وَالْحِكْمَةِ﴾

(*Ва сизларга ваъз-насиҳат этиб нозил қилган Китоб ва ҳикматни (ҳам эсда тутинг)*). Яъни, сизларга нозил қилган Қуръон ва суннатни. Бу гап олдинги

﴿نِعْمَتَ اللَّهِ﴾

дан атфи баёндр.

2.

﴿وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَلْيَعْنَ أَجْلَهُنَّ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَزْوَاجَهُنَّ﴾

**(Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, (эй ота-оналар) уларни эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг!)**. Иккинчи оятда Аллоҳ Таоло талоқ қилинган ва идда муддати охирига етган аёлларга доир бошқа бир ҳукми баён қиляпти.

Биринчи оятда эрларнинг хотинларига зарар етказиш учун, уларни ўз ҳуқуқларидан воз кечишларига мажбурлаш учун ушлаб қолмасликлари ҳақида гапирилган эди.

Энди бу оятда Аллоҳ Таоло бошқа бир ҳукми баён қиляпти. У шундан иборатки, талоқ қилинган хотинларнинг идда муддатлари тугагач, яна олдинги эрлари уларни янги никоҳ ва янги маҳр билан қайтариб олишни хоҳлаб қолишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолатда Аллоҳ Таоло бу аёлларнинг валийларига модомики, эр ҳам, хотин ҳам Ислом одобларига риоя қилганлари ҳолда шуни иташаётган экан, бу никоҳга қаршилиқ кўрсатмасликларини буюради.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло бундай никоҳга розилик бериш баракали ва манфаатли бўлишини, розилик берилмаган тақдирда юз бериши мумкин бўлган гуноҳлару шубҳалардан холи бўлишини баён қиляпти.

Аллоҳ Таоло бу муборак оятнинг якунида ишларнинг моҳиятини ҳар қандай нуқсондан Пок Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмаслигини, киши яхши кўрган ишнинг оқибати воӣ бўлиши ёки аксинча, у ёмон кўрган ишнинг натижаси яхши бўлиб чиқиши мумкинлигини баён қиляпти. Аёлнинг валийлари ҳам бундай никоҳда ҳеч қандай яхшилик йўқ, фақат ёмонлик бор, деб ўйлаб қолишлари мумкин. Аслида эса ҳақиқат ва натижалар улар айтгандек бўлавермайди. Ишларнинг моҳиятини, натижаларини, нима яхшию нима ёмон бўлишини биладиган ягона зот Аллоҳ Таолодир. Аллоҳнинг шариатига эргашиш фарздир. Ҳамма-ҳамма яхшилик мана шу ишда мужассамдир.

﴿وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

– „Аллоҳ билур, сизлар билмассиз“ . [2:232]

**(Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса)** яъни, иддалари тўла бўлса. Бунга қарина

﴿فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَزْوَاجَهُنَّ﴾

(*Бас, (эй ата-оналар) эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг!*), деган гапдир. Чунки эр идда асносида хотинини ҳеч бир монеъсиз қайтариб олишга ҳақли. Модомики, бу ерда монеъ вужудга келган экан, демак, уларнинг идда муддатлари тугабди. Азл сўзи қамаш, тазйиқ ўтқазиш маъноларини англатади. Бу ердаги маъно мана бундай: Агар сизлар аёлларни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари тўла ўтса, уларни ўзларининг бир ёки икки талоқ қилган ўша эрларига қайтадан тегишларига монеълик қилманглар.

*إِذَا تَرَاصُوا بَيْنَهُمْ بِالْعُرُوفِ* (бўлсалар). Яъни, агар ҳар иккиси ҳам бир-бирига янги никоҳ билан қўшилишга ҳақиқий рағбат билдирса ва бу рағбат яхшилик билан яъни, Ислом одоблари доирасида бўлса.

*ذَلِكَ أَرْزَى لَكُمْ وَأَطَهْرُ* Бу ҳукм сизлар учун энг тоза ва покловчи ҳукмдир). Яъни, валийларнинг талоқ қилинган хотинни яна қайта ўша ўзининг эрига никоҳланишига рози бўлишлари. Бу иш кўп баракали, манфаатли, гуноҳлару шубҳалардан анча узоқ ишдир.

Бу муборак оятнинг нозил бўлиши сабаби ҳақидаги мана бу ҳадисни Бухорий чиқарган. Маъқал ибн Ясор айтади: «Менинг бир синглим бор эди. Амакимнинг ўғли (совчи бўлиб) келганди, унга никоҳлаб бердим. Қанчадир муддат унинг ҳасмида бўлди. Кейин у синглимни бир талоқ қўйди. Иддаси ўтиб кетди ҳамки, қайтариб олмади. Кейин эса у ҳам синглимни хоҳлаб қолди, синглим ҳам уни хоҳлаб қолди. У яна совчи қўйди. Шунда мен унга, эй аблаҳ, сени ҳурмат қилиб, синглимни бергандим, сен уни талоқ қилдинг, энди яна уни сўраб келдингми, Аллоҳга қасамки, ҳеч қачон синглим сенга қайтмайди, дедим. У ёмон одам эмасди. Синглим ҳам унга қайтиб боришни истарди. Уларнинг бир-бирларига муҳтожликларини Аллоҳ билиб, мана шу оятни нозил қилди. Бу оят мен ҳақимда нозил бўлган. Шундан сўнг қасамимга каффорат тўлаб, синглимни яна унга никоҳлаб бердим». Яна бир лафзда: «Бу оятни эшитган Маъқал, хўп бўлади, Раббим, бош устига, деб, уни чақирди-да, синглимни сенга бераман ва сени ҳурмат қиламан, деди», дейилган.<sup>37</sup>

Бу оят мавзу эътибори билан ким ҳақда нозил бўлган бўлса, ўша одамни ҳам, бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Сабабнинг хусусийлиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборлидир. Бу қоида усул фанида машҳурдир.



(37) Дуррул Мансур: 2/685.

## Иккинчи пора, тўртинчи қисм, учинчи чорак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

﴿۱﴾ وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَّمَّ الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا لَا تُضَارَّ وَالِدَةٌ بِوَالِدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بِوَالِدِهِ وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِّبَّهَمَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَنْ تَسْتَرْضِعُوا أَوْلَادَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَّمْتُمْ مَا آتَيْتُم بِالْمَعْرُوفِ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿۲﴾ وَالَّذِينَ يَتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا ﴿۳﴾ فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿۴﴾ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا عَرَّضْتُمْ بِهِ مِنْ خِطْبَةِ النِّسَاءِ أَوْ أَكْنَنْتُمْ فِي أَنْفُسِكُمْ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ سَتَذْكُرُونَهُنَّ وَلَكِنْ لَا تُوَاعِدُوهُنَّ سِرًّا إِلَّا أَنْ تَقُولُوا قَوْلًا مَعْرُوفًا وَلَا تَعْرِمُوا عُقْدَةَ النِّكَاحِ حَتَّى يَبْلُغَ الْكِتَابُ أَجَلَهُ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ فَاحْذَرُوهُ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿۵﴾ لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً وَمَتَّعُوهُنَّ عَلَى الْمَوْسِعِ قَدَرُهُ وَعَلَى الْمُقْتِرِ قَدَرُهُ مَتَّعًا بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى الْمُحْسِنِينَ ﴿۶﴾ وَإِنْ طَلَقْتُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَمْسُوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْتُمْ لَهُنَّ فَرِيضَةً فَنِصْفُ مَا فَرَضْتُمْ إِلَّا أَنْ يَعْفُونَ أَوْ يَعْفُوا الَّذِي بِيَدِهِ عُقْدَةُ النِّكَاحِ وَأَنْ تَعْفُوا أَقْرَبُ لِلتَّقْوَى وَلَا تَنْسُوا الْفَضْلَ بَيْنَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿۷﴾ حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ ﴿۸﴾ فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا فَإِذَا أَمِنْتُمْ

فَاذْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴿٣٤﴾ وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ  
 مِنْكُمْ وَيَذُرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتَّعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ فَإِنْ خَرَجْنَ  
 فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ مَّعْرُوفٍ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ  
 ﴿٣٥﴾ وَالْمُطَلَّقَاتُ مَتَّعٌ بِالْمَعْرُوفِ ۗ حَقًّا عَلَى الْمُتَّقِينَ ﴿٣٦﴾ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ  
 لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٣٧﴾

– „ **Оналар болаларини тўла икки йил эмизидилар.** (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириши отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташиқари нарса таклиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин. Меросхўр — ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор. Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан болани сутдан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (эмизувчи энагага) эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўқис тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир. 234. Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар. Энди қачон (идда) муддатлари битса улар ўз хусусларида яхшилик билан қилган (бошиқа турмуш қуриши хусусидаги) ишларида сизлар (яъни ўлган эрининг уруғлари) учун гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. 235. У аёлларга (яъни, эрлари ўлиб, идда сақлаб турган аёлларга) совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда (совчилик ҳақида) ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Аллоҳ сизлар у аёлларга (совчилик ҳақида) зикр қилишингизни билди. Лекин улар билан ҳуфёна ваъдалашмангиз! Фақат яхши гаплар гапиришингиз (жоиздир). То идда муддати битмагунча никоҳ боғлашга қасд қилманг! Ва билингизки, албатта Аллоҳ ичларингиздаги нарсани билади. Бас, Унинг (азобидан) эҳтиёт бўлинг! Ва билингизки, албатта Аллоҳ мағфиратли, ҳалимдир. 236, Агар хотинларингизни уларга қўл текизмай туриб ёки улар учун махр белгиламай туриб талоқ қилсангиз (ҳам) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва (бу ҳолда) уларни бой борица, йўқ ҳолича

яхшилик қилиш билан фойдалантиринг! (Бу ҳукм) яхшилик қилгувчилар зиммасига бурч бўлди. 237. Агар уларни маҳрни белгилаб қўйган ҳолингизда қўл тегизишдан илгари талоқ қилсангизлар, белгиланган маҳрнинг ярми (зиммангиздадир). Магар улар (ярим маҳрни олишдан) кечиб юборса ёки никоҳ қўлида бўлган зот (яъни эр ўзига қайтган ярим маҳрдан) кечса, (яъни бутун маҳрни тўласа жоиздир). Кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир. Ўзаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни нуутмангиз! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир. 238. Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) сақланглар — ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда туринглар! 239. Энди агар (душман ҳужумидан) хавфда қолсангиз, ниёда ёки отлиқ ҳолингизда (ибодат қилаверингиз!) Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб) Аллоҳни зикр қилингиз! 240. Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар. Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир. 241. Талоқ қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириш тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир. 242. Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади “ [2:233-242]

### Тафсир:

﴿ وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنْمِيَ الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا لَا تُضَارَّ وَالِدَةٌ بَوْلِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بَوْلِهِ ۗ وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ ۗ فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِّنْهُمَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا ۗ وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَنْ تَسْتَرْضِعُوا أَوْلَادَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَّمْتُمْ مَا آتَيْتُم بِالْمَعْرُوفِ ۗ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ۗ وَالَّذِينَ يَتُوفَوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَضَّعْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا ۗ ﴾

فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيْمَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٣٣﴾ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيْمَا عَرَّضْتُم بِهِ مِنْ خِطْبَةِ النِّسَاءِ أَوْ أَكْنَنْتُمْ فِي أَنْفُسِكُمْ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ سَتَذْكُرُونَهُنَّ وَلَكِنْ لَا تُوَاعِدُوهُنَّ سِرًّا إِلَّا أَنْ تَقُولُوا قَوْلًا مَعْرُوفًا وَلَا تَعْزِمُوا عُقْدَةَ النِّكَاحِ حَتَّى يَبْلُغَ الْكِتَابَ أَجَلَهُ ۚ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ فَاحْذَرُوهُ ۚ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٣٤﴾

– „233. Оналар болаларини тўла икки йил эмизادилар. (Бу ҳужм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириши отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса тақлиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин. Меросхўр — ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор. Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан болани сундан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (эмизувчи энагага) эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўқис тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир. 234. Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзлариغا қараб (идда сақлаб) турадилар. Энди қачон (идда) муддатлари битса улар ўз хусусларида яхшилик билан қилган (бошиқа турмуш қуриши хусусидаги) ишларида сизлар (яъни ўлган эрининг уруғлари) учун гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. 235. У аёлларга (яъни, эрлари ўлиб, идда сақлаб турган аёлларга) совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда (совчилик ҳақида) ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Аллоҳ сизлар у аёлларга (совчилик ҳақида) зикр қилишингизни билди. Лекин улар билан ҳуфёна ваъдалашмангиз! Фақат яхши гаплар гапиришингиз (жоиздир). То идда муддати битмагунча никоҳ боғлашга қасд қилманг! Ва билингизки, албатта Аллоҳ ичларингиздаги нарсани билади. Бас, Унинг (азобидан) эҳтиёт бўлинг! Ва билингизки, албатта Аллоҳ мағфиратли, ҳалимдир“.

[2:233-235]

**Бу оятларда Аллоҳ Таоло қўйидагиларни баён қилади:**

1. Аёл талоқ қилинган пайтда унинг эмадиган чақалоғи бўлса, то сутдан чиқарилгунига қадар ота онага ейимлик ва кийимлик каби нафақа бериб туриши, бир сўз билан айтганда онанинг эмизишига ҳақ тўлаб туриши лозим. Эмизиш муддати агар ота шу муддатни мукамал қилмоқчи бўлса, тўла икки йилдир.

Ота ўз боласининг онасига кучи етганича нафақа беради. Агар ота йўқ бўлса, эмизиш учун ҳақ тўлаш унинг меросхўрлари зиммасига тушади.

Бола сабабли она ҳам, ота ҳам зарар кўрмаслиги керак. Яъни, ота онага ёки аксинча она отага зарар қилмаслиги керак. Отанинг онага зарар қилиши она хоҳлаб турса ҳам уни болани эмизишдан ё кўришдан тақиқлаши бўлса, онанинг отага зарар қилиши бола ундан бошқасига кўнмай турса ҳам уни эмизишдан бош тортиши каби ишдир.

Шу билан бирга агар ҳар иккиси келишилган ҳолда маслаҳат билан болани икки йилдан олдин сутдан чиқармоқчи бўлсалар ҳечқиси йўқ.

Шунингдек, ота ўз боласини эмиздириш учун бошқа аёл ёллаши ҳам мумкин. Агар ўз онаси эмизмаслигига бирор шаръий узр топилса, албатта. Бундай ҳолатда ота онага эмизган муддатига ҳақини тўлайди-да, болани олиб, бошқа аёлга беради. Янги эмизувчига ҳам ҳақини беради.

Аллоҳ Таоло бу оятни ота-оналарга тақвони эслатиб қўйиш билан яқунлаяпти. Токи, улар ўз болаларига меҳрибон бўлсинлар, уни ёмон тарбия қилиб қўймасинлар, бир-бирларига ҳам зарар етказмасинлар. Зеро, ҳеч нарса, ҳеч иш Аллоҳдан махфий эмас. У Зот ҳамма нарсани билади ва ҳар бир ишга ўзига лойиқ жазо ёки мукофот беради.

﴿وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

*(Ва билингизки, албатта Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир).*

*(وَأَوْلَادَاتٌ يُرْضَعْنَ أَوْلَادَهُنَّ) Оналар болаларини эмизадилар).* Бу буйруқ маъносидаги дарак гапдир. Яъни, талоқ қилинган оналар болаларини эмизсинлар. Бу буйруқ мандубликни ифодалайди. Негаки, онани шу ишни қилишга мажбурлайдиган қарина йўқ. Лекин шунга айтиб ўтиш керакки, болага қарашга модомики, бошқа эрга тегмаган экан, она ҳақдорроқдир. Негаки, оятда эмизиш ҳақидаги хитоб биринчи бўлиб оналарга қаратилаяпти.

(وَأَلْوَالِدَاتُ) бу сўз ҳамма оналар учун умумийдир. Лекин бу ерда хосланиб, фақат талоқ қилинган оналарнигина билдириб келяпти. Бунинг икки сабаби бор. Улар қуйидагилар:

а) Бу оят талоқ ҳақидаги оятлардан кейин нозил бўляпти. Оқим бу ердаги оналардан мурод талоқ қилинган оналар эканини кўрсатиб турибдики, уларнинг ҳаққини, нафақасини бериш эрнинг зиммасидадир.

б) Оят эмизиш учун ейимлик ва кийимлик тўлаш ҳақида гапиряпти.

﴿وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

(Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир). Бу гап

(وَأَلْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ) деган гапнинг ортидан бўляпти. Шундан кўриниб турибдики, бу ердаги оналардан мурод талоқ қилинган эмизувчи оналардир. Чунки ҳатто эмизмайдиган пайтида ҳам хотинни едириш ва кийдириш эрнинг бурчидир. Модомики, оят едириш ва кийдиришни эмизиш билан боғлаётган экан, демак, бу ердаги онадан мурод эрнинг ҳасмидаги аёл эмас.

Шунга кўра, оят талоқ қилинган эмизикли боласи бор аёлларнинг болаларини эмизиш учун ҳақ олишга ҳақли эканликларини баён қиляпти.

(وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ) (Бу иборани унинг учун туғилган, туғилганнинг эгаси, боланинг эгаси, деб таржима қилиш мумкин). Бу гапда боланинг онага эмас, отага мансуб бўлишига ишора бор.

(أَلْوَالِدَاتُ) ва (أَلْوَالِدُ لَهُ) сўзларининг мантуқида ота-онанинг меҳрибонлиги, бир-бирларига зарар етказмаган ҳолларида болага ғамхўр, эътиборли бўлишлари акс этган.

﴿وَعَلَى الْوَالِدِ وَالِدَاتُ الْوَالِدَاتُ وَالْوَالِدَاتُ مِمَّا رَزَقْنَ مِنْهُنَّ بِمَا رَزَقْنَ مِنْهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾ *ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч)*

**бор**). Яъни, агар ота вафот этса, боланинг ва онанинг зарур эҳтиёжига яраша маблағ бўлмаса, эмизувчига ҳақ бериш меросхўрнинг зиммасига тушади. Бу ерда меросхўр сўзи умумий маънода бўлиб, ҳамма меросхўрга тегишлидир.

﴿لَا تَضَارَّ وَالِدَةٌ بَوْلِدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَهُ بَوْلِدِهِ﴾

(Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин). Яъни, бола сабабли ота онага зарар қилмасин ва она отага зарар қилмасин. Масалан, ота едириш ва кийдириш масаласида

зиқналик қилмасин ёки аёл эмизишни истаб турса ҳам болани тортиб олмасин, она эса ортиқ даражада кўп ҳақ талаб қилмасин ёки бола ўзига ўрганиб қолганидан кейин атайин, тазйиқ ўтказиш мақсадида унга бошқа эмизувчи топинг, деб туриб олмасин.

Бу тақиқ қатъий тақиқдир. Яъни, ота-онанинг бир-бирларига зарар етказишлари ҳаром амалдир.

(بَوْلِدِهَا) ва (بَوْلِدِهِ) ибораларидаги бо сабабни англатувчи ҳарфдир. Яъни, бола сабабли, бола сабабидан, деган маънода.

﴿فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِّنْهَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا﴾

(Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан болани сутдан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар). Яъни, агар ота-она юқорида айтиб ўтилган икки йилдан олдин болани сутдан чиқармоқчи бўлсалар,

﴿فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا﴾

уларга ҳеч қандай гуноҳ йўқдир, яъни, шундай қилиш улар учун мубоҳдир.

﴿حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمَّ الرِّضَاعَةَ﴾

(Тўла икки йилдир. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир). Бу оятда болани сутдан чиқариш фақат бир тарафнинг қарори бўлиб қолмаслигига ишора бор.

﴿وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَنْ تَسْتَرْضِعُوا أَوْلَادَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَّمْتُمْ مَا آتَيْتُمْ

بِالْعُرْفِ﴾

(Агар болаларингизни (эмизувчи энагага) эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўқис тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз).

Аллоҳ Таоло тўла эмизиш муддатини баён қилди.

﴿وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمَّ الرِّضَاعَةَ﴾

Шундан кейин Аллоҳ эр-хотин маслаҳат билан болани икки йилдан олдин сутдан чиқаришлари ҳам мумкинлигини баён қиляпти.

﴿فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِّنْهَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا﴾

Шу ўринда аёлнинг қандайдир бир сабаб билан тўла икки йил эмизишдан бош тортиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Эр эса боласи тўла икки йил эмизилишини истайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло айтяптики, агар ота боласи учун бошқа бир эмизувчи ёлласа, ҳечқиси йўқ, бунинг учун у гуноҳкор бўлмайди.

﴿إِذَا سَلَّمْتُمْ مَا آتَيْتُمْ بِالْعُرُوفِ﴾ **берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўқис тўлаб турсангиз**). Яъни, агар эмизувчига бермоқчи бўлган нарсангизни яхшилик билан берсангиз. ﴿آتَيْتُمْ﴾ сўзининг мозийда, ўтган замонда келиши икки ишни ифодалайди. Улар қуйидагилар:

Биринчидан, бу ҳақни эмизишнинг биринчи кунидан бошлаб эрларнинг зиммаларига юклаш;

Иккинчидан, эмизувчининг ҳақини олдиндан беришнинг афзаллигига ишора қилиш.

Демак, оналарга болани эмиза бошлаган кундаёқ ҳақларини беринглар. Бошқа эмизувчи ёллайдиган бўлсангизлар, унга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлинглар.

﴿تَسْتَرْضِعُونَ أَوْلَادَكُمْ﴾

Яъни, болаларингиз учун. Бу ерда учун маъносини англатувчи жар қилувчи ҳарф ҳазф қилинган, олиб ташланган. Бу Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِذَا كَالُوهُمْ﴾

– „Уларга тортиб берган вақтларида“.

[83:3]

деган ояти кабидир.

2. Аллоҳ Таоло иккинчи оятда эри вафот этган хотиннинг иддаси тўрт ою ўн кун эканини баён қиляпти. Шу муддат ичида аёлнинг янги кийим кийиш, атир сепиш, пардоз қилиш каби ишлар билан эрга тегишга тайёргарлик қилиши дуруст эмас. Эри ўлган хотин уйда аза тутиб ўтириши лозим.

﴿لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ تُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ تُحَدِّثَ عَلَى مَيِّتٍ فَوْقَ ثَلَاثِ إِلَّا عَلَى زَوْجٍ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

«Бирор аёлга бирор ўлик учун уч кундан ортиқ аза тутиш мумкин эмас. Фақат эр бундан мустасно. Эр учун тўрт ою ўн кун аза тугилади».<sup>38</sup> Идда муддати тугаганидан кейин

(38) Бухорий: 1201, 4918. Муслим: 273.

аёлнинг ўзи ҳам, валийлари ҳам худди бошқа аёллар каби ўзининг хусусий ва умумий ҳаётини шариат чегараларидан чиқмаган ҳолда яхшилик билан ўзи истаганича йўлга қўйиши мумкин.

Аллоҳ Таоло бу муборак оятни Ўзининг ҳар ишдан хабардор, огоҳ эканини баён қилиш билан якунляпти:

﴿وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ﴾

– „Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир“. [2:234]

(وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ) Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар). Яъни, жонлари олинган. Бу сўз луғатда олиш маъносини англатади. Фалончидан молимни олдим, деган гапда ҳам шу сўз қўлланиши мумкин. Молни олиш бўладими, жонни олиш бўладими, унинг маъноси қариналарга қараб тушунилади. У жонни эмас, уйқудаги ушлаш бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَهُوَ الَّذِي يُتَوَفِّيكُمْ بِاللَّيْلِ وَيَعْلَمُ مَا جَرَحْتُمْ بِالنَّهَارِ ثُمَّ يَبْعَثْكُمْ فِيهِ لِقَاصَىٰ

أَجَلٌ مُّسَمًّى﴾

– „У кечаси «жонингизни оладиган» (яъни уйқу берадиган), кундузи қилган ишингизни биладиган зотдир. Сўнгра айтилган ажал (яшаиш учун берилган муҳлат) адо қилиниши учун унда (яъни кундузи) сизларни «тирилтирур»“. [6:60]

Уйқуда ёки уйғоқликда бўлишидан қатъий назар, жисмни ушлаш бўлиши ҳам мумкин. Исо ﷺ билан шундай ҳол юз берганди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِذْ قَالَ اللَّهُ يٰعِيسَىٰ إِنِّي مُتَوَفِّيكَ وَرَافِعُكَ إِلَيَّ وَمُطَهِّرُكَ مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا﴾

– „(Эй Муҳаммад), Аллоҳ айтган бу сўзларни эсланг: «Ё Исо, албатта Мен сени вафот қилдиргувчи ва Ўз ҳузуримга кўтаргувчиман. Ва кофирлар ёмонлигидан халос қилгувчиман»“. [3:55]

Аллоҳ уларнинг (кофирларнинг) ўлдиришларидан нажот бериб, у кишини тириклайин Ўзига олиб чиқиб кетганди. Саҳиҳ ҳадисларга кўра, у киши тайин қилинган куни яна дунёга тушади.

(يَتَرْتَضَىٰ بِأَنْفُسِهِنَّ) улар ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар).

Эрга тегмасдан кутадилар. Яъни, уларнинг иддаси

﴿أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

Бу ерда миқдор тунлар билан белгиланяпти. (Ўн сўзининг музаккар келиши шунга англатади. Агар миқдор кунлар билан белгиланганда ўн сўзи муаннас келарди). Араблар саналаётган нарсанинг номини айтмасдан гапирсалар, дилларида кечаларни, тунларни назарда тутиб гапирадилар. Чунки ойлар яққол кўринадиган пайтлар тунлардир, кечалардир. Кун туннинг кириши билан бошланади. Шунинг учун бундай пайтларда араблар дилларида тунларни назарда тутиб, сонни англатувчи сўзни музаккар келтирадилар. Масалан, улар, рамазондан ўн тунни ўтказдик, дейдилар. Фарро шундай деган. Ҳолбуки, рўза кундузида тугилади. Уларнинг кўп гапларида шундай бўлади. Аллоҳ Таолонинг

﴿إِن لَّبِئْتُمْ إِلَّا عَشْرًا﴾

– „(Дунёда) ўн кунгина турдинлар“ . [20:103]  
деган гапи ҳам шу қабилдандир.

Ҳар бир эри вафот қилган хотин тўрт ою ўн кун идда ўтиради. Фақат ҳомиладор аёллар бундан мустасно. Улар туққунларига қадар идда ўтирадилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар). Бу оят омдир, умумий маънодадир.

﴿وَأُولَاتُ الْأَحْمَالِ أَجَلُهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ﴾

(Ҳомиладор (аёл)ларнинг (идда) муддатлари ҳомидаларини қўйишлари (яъни кўз ёришларидир)), ояти эса уни хослаб келяпти.

(فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ) Энди қачон (идда) муддатлари битса) яъни, иддалари чиқса.

(فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ) сизлар учун гуноҳ йўқдир) эй валийлар.

(فِيمَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ) улар ўз хусусларида яхшилик билан қилган ишларида). Яъни, идда пайтида тақиқланган ишларни қилсалар. Улар энди бошқа аёллар каби шариат чегараларидан чиқмаган ҳолда яхшилик билан чиройли кийимлар кийишлари,

пардоз қилишлари, атир сепишлари хуллас, одатий ҳаёт тарзига ўтишлари мумкин.

3. Учинчи оятда Аллоҳ Таоло эри ўлган хотинга тегишли бошқа бир ҳукми баён қиляпти. Яъни, бундай хотинга идда тугаганидан кейин сенга уйланаман, дегандек таъриз, ишора қилиш, шунингдек, иддаси тугаганидан кейин уйланишни кўнгилга тугиш мумкинлигини айтяпти.

Таъриз<sup>39</sup> мантуқидан кўра мафҳумига эгилганроқ бир гапни айтишдир. Таъриз бу гапни ўз йўлидан бошқа тарафга эгишдир. Масалан, эри ўлиб, идда ўтирган аёлга ўзингизнинг уйланмоқчи эканингизни, бир яхши солиҳа аёл қидираётганингизни, агар уйлансангиз, ҳеч қачон зулм қилмаслигингизни ва ҳоказоларни айтасиз. Мана шу гапларингиз дилингиздаги ҳали айтмаган гапингизга яъни, унинг ўзига уйланмоқчи эканингизга воситадир. Шундай қилиб, эри ўлган хотинга очиқчасига унга уйланиш ҳақида гапириш ҳаром. Лекин айтиб ўтганимиздек, таъриз қилиш мумкин.

Аллоҳ Таоло уйланмоқчи бўлган киши жим тура олмаслигини билиб, унга таъриз одобини беряпти. Очиқ ваъда бериш ва уйланишни эълон қилувчи дастлабки ишларни бажаришни эса ҳаром қиляпти.

Аллоҳ Таоло бу муборак оятнинг якунида Аллоҳнинг буйруғини бажармасликдан огоҳлантиряпти. Аллоҳ хоинларни ҳам, диллардаги яширин сирларни ҳам билади.

﴿وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي أَنْفُسِكُمْ فَاحْذَرُوهُ﴾

**(Ва билингизки, албатта Аллоҳ ичларингиздаги нарсани билади. Бас, Унинг (азобидан) эҳтиёт бўлинг!).** Бу гапда Аллоҳ дилимдагини билмайди, деб ўйлаб, кўнглида йўқ нарсани изҳор қилган кимсаларга нисбатан таҳдид бор.

Шунга қарамасдан, Аллоҳ Таоло хатосидан тавба қилганлар учун кечиримли, мағфиратли Зотдир. Аллоҳ ҳалим зотдирки,

---

(39) Таъриз кинояга ўхшайди. Фарқ шундаки, кинояда мантуқ ҳақиқатга кўра бўлмайди. Мажозга кўра бўлади. Гарчи уни ҳақиқатга кўра қўллаш ҳам дуруст бўлса-да, лекин барибир мақсад у бўлмайди. Таъризда эса мантуқ ҳақиқатга кўра бўлса ҳам бўлаверади. Лекин ундан мақсад мафҳумга етиб бориш бўлади. Масалан, кинояда тушгача ухлайдиганлардан, деб қўямиз. Аслида у тушгача ухламаслиги ҳам мумкин. Бу гапдан мақсад унинг эркатойлигини, дангасалигини ифодалашдир. Кули кўп, деган ибора ҳам шунга ўхшайди. Эҳтимол кулни ҳосил қилувчи ўт ёқилмас. Лекин кишининг сахийлигини билдириш учун шундай дейилади. Таъризда эса ҳақиқатга кўра қўллаш мумкин бўлган ибора айтилади. Масалан, иддадаги аёл олдида, мен бир яхши солиҳа аёл қидиряпман, дейсиз. Мақсадингиз унга уйланиш бўлади. Лекин сиз мақсадингизни очиқ айтмайсиз. Уйланишга рағбатингиз борлигини билдириб қўясиз, холос.

жазони тез, шошилинч бермайди. Шояд у гуноҳига тавба қилиб, яхши амалларни қиладиган бўлиб қолса.

﴿وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ﴾

(*Ва билингизки, албатта Аллоҳ мағфиратли, ҳалимдир*).

﴿تَوَاعَدُوهُنَّ سِرًّا﴾ лекин улар билан хуфёна ваъдалашмангиз!). Яъни, идда пайтида уларга уйланишни махфий тарзда ваъда қилманглар. Бу ерда уйланишдан, никоҳдан мурод жимодир. Ибн Аббос رضي الله عنهдан шундай ривоят бор.

﴿إِلَّا أَنْ تَقُولُوا قَوْلًا مَّعْرُوفًا﴾ фақат яхши гаплар гапиришингиз (жоиздир)). Истисно қилиняпти. Яъни, яхши гапларни гапиришинглар мумкин. Бу хусусда юқорида айтиб ўтдик. Яъни, очиқ уйланиш ҳақида гапирмасдан таъриз қилиш жоиз.

﴿وَلَا تَعْرِمُوا عُقْدَةَ النَّكِاحِ﴾ никоҳ боғлашга қасд қилманг!). Яъни, аниқ уйланишга олиб борадиган ишларни қилманглар. Айрим уйланиш учун керакли бўлган нарсаларни харид қилиш, тайёргарлик кўриш каби ишлар шулар жумласидандир.

Шу билан Аллоҳ Таоло эракларга икки ишни ҳаром қилди. Улар қуйидагилар:

Иддада ўтирган хотинга уйланиш ҳақида очиқ айтмаслик;

Идда пайтида аниқ уйланишга олиб борадиган муқаддималарни (олдиндан қилинадиган ишларни) очиқ тарзда қилмаслик, бир сўз билан айтганда уйланишга очиқ тайёргарлик кўрмаслик.

Бир ишнинг муқаддималаридан қайтариш ўша ишнинг ўзидан ҳам қайтариш эканлиги ўз-ўзидан аён. Бу нарса иддадаги аёлга уйланиш ҳаромлигини, катта гуноҳлигини, бундай никоҳ ботил никоҳлигини кўрсатади.

(حَتَّىٰ يَبْلُغَ الْكِتَابَ أَجَلَهُ) яъни, то идда муддати тугагунига қадар.



﴿لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً<sup>ج</sup> وَمَتَّعُوهُنَّ عَلَى الْمَوْسِعِ قَدَرُهُ وَعَلَى الْمَقْتَرِ قَدَرُهُ مَتَّعًا بِالْمَعْرُوفِ<sup>ط</sup> حَقًّا عَلَى

﴿۱۳۱﴾ وَإِنْ طَلَّقْتُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَمْسُوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْتُمْ لَهُنَّ فَرِيضَةً  
 فَنِصْفُ مَا فَرَضْتُمْ إِلَّا أَنْ يَعْفُونَ أَوْ يَعْفُوا الَّذِي بِيَدِهِ عُقْدَةُ النِّكَاحِ وَأَنْ تَعْفُوا  
 أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ وَلَا تَنْسُوا الْفَضْلَ بَيْنَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿۱۳۲﴾

– „236. Агар хотинларингизни уларга қўл текизмай туриб ёки улар учун маҳр белгиламай туриб талоқ қилсангиз (ҳам) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва (бу ҳолда) уларни бой борича, йўқ ҳолича яхшилик қилиш билан фойдалантиринг! (Бу ҳукм) яхшилик қилгувчилар зиммасига бурч бўлди. 237. Агар уларни маҳрни белгилаб қўйган ҳолингизда қўл тегизишдан илгари талоқ қилсангизлар, белгиланган маҳрнинг ярми (зиммангиздадир). Магар улар (ярим маҳрни олишдан) кечиб юборса ёки никоҳ қўлида бўлган зот (яъни эр ўзига қайтган ярим маҳрдан) кечса, (яъни бутун маҳрни тўласа жоиздир). Кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир. Ўзаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни нуутмангиз! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир“. [2:236-237]

Аллоҳ Таоло бу икки оятда қуйидагиларни баён қилади:

1. Аёлини қўшилмасдан ва маҳр белгиламасдан туриб талоқ қилган кишиларнинг устида маҳр тўлаш мажбурияти йўқ. Улар бундай ҳолатда аёлларни шунчаки юпатиш учун нима биландир фойдалантириб қўядилар. Фойдалантириш аниқ бир миқдор билан белгиланмаган. У фойдалантирувчининг бой ёки камбағал бўлиши билан боғлиқ ишдир.

Бу фойдалантириш эрга фарздир. Ибн Жарир ривоят қилади: «Аллоҳ Таолонинг

﴿مَتَّعْنَا بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَىٰ الْحَسَنِينَ﴾

(яхшилик қилиш билан фойдалантиринг!), деган ояти нозил бўлганида бир киши, яхшилик қилмоқчи бўлсам қиламан, истамасам, қилмайман, деди. Шунда Аллоҳ Таоло

﴿وَلِلْمُطَلَّقَاتِ مَتَعٌ بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَىٰ الْمُتَّقِينَ﴾

– „Талоқ қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириш тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир“. [2:241]

оятини нозил қилди. Шу билан фойдалантиришнинг фарзлиги билинди».<sup>40</sup>

Фойдалантириш борасида бой борича, йўқ ҳолича йўл тутади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдалантириш маҳрнинг ярмидан ортиб кетмаслиги керак. Чунки кейинги оятда қўшилмасдан туриб талоқ қилинган хотинга маҳр белгиланган бўлса, унинг ярми берилиши айтиляпти.

Хўш, биз нима учун (لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ) деган гапни уларнинг зиммасида маҳр тўлаш мажбурияти йўқ, деб тафсир қилдик, уларга гуноҳ йўқ, деб айтмадик? Бунинг икки жиҳати бор:

Биринчидан, умуман олганда модомики, шаръий ҳукмлар доирасида бўлган экан, талоқ қилиш гуноҳ бўлмайди. Бунда қўшилган бўладими, бошқа бўладими, фарқи йўқ. Хуллас, гуноҳ йўқ, деган гап талоққа нисбатан айтиладиган гап.

Иккинчидан, шаръий далилларга кўра, маҳрни гарчи у белгиланмаган бўлса-да, қўшилиб кейин талоқ қилинган аёлга бериш вожибдир. Ҳадисда келади: «**Маҳр белгиланмаган, лекин қўшилган аёлга нисбатан Пайғамбар ﷺ ўзига яраша маҳр белгилаганлар**».<sup>41</sup>

Маҳр белгилангану лекин ҳали қўшилмаган аёл талоқ қилинса, унга ўша белгиланган маҳрнинг ярми берилади.

Мана бу қўшилмасдан ва маҳр ҳам белгиланмасдан туриб талоқ қилинган аёлга эса Исломда маҳрнинг ярми берилмайди. Уни имкон қадар фойдалантириб қўйилади, холос. Фойдалантиришни маҳр дейилмайди. Шунинг учун ҳам

﴿لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ أَوْ تَفَرِّضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً﴾

деган оятни (*Агар хотинларингизни уларга қўл текизмай туриб ёки улар учун маҳр белгиламай туриб талоқ қилсангиз сизларнинг зиммангизда маҳр тўлаш мажбурият йўқ*). деб тафсир қилдик.

(مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ) яъни, модомики, улар билан жимо қилмаган эканлар.

(أَوْ تَفَرِّضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً) ёки уларга маҳр белгиламаган эканлар. Бу ерда (أَوْ) ва маъносида. Яъни, (لَا جُنَاحَ) ва (مَتَّعُوهُنَّ) икки шартнинг бири билан эмас, ҳар икки шарт билан боғланыпти. Улардан

(40) Дуррул Мансур: 2/739.

(41) Байҳақий: 7/195. Дуррул Мансур: 2/701.

бири қўшилмаслик бўлса, иккинчиси маҳрнинг белгиланмаслигидир.

2. Кейин Аллоҳ Таоло қўшилмасдан туриб талоқ қилинган аёлга агар маҳр белгиланган бўлса, маҳрнинг ярми берилишини баён қиляпти. Лекин аёлнинг кечириши ҳам яъни, маҳрдан бутунлай воз кечиб юбориши ҳам ёки эрнинг кечириши ҳам, яъни, белгиланган маҳрнинг ҳаммасини бериши ҳам мумкин.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло эр ёки аёлнинг мана шундай кечириб юборишлари афзал эканини, тақвога яқинлаштирадиган савобли иш эканини баён қиляпти. Унда кечиришнинг мандублиги ҳам ифодаланган. Бунга қарина шуки,

﴿أَقْرَبُ لِلتَّقْوَى﴾

**(тақвога яқинроқ ишдир)**, деган иборада Аллоҳ Таоло томонидан шу ишни қилган киши мақталапти. Лекин уни қилмаган кишига жазо берилиши айтилмаяпти. Шунинг учун бу иш мандубдир. Айниқса, шу гапнинг ортидан Аллоҳ Таоло

﴿وَلَا تَسْأُوا الْفَضْلَ بَيْنَكُمْ﴾

**(ўзаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни унутмангиз!)** деяпти. Яъни, уларни бир-бирларига нисбатан марҳаматли бўлишга ундаяпти.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида уларга Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларини кўриб туришини, ҳар бир ишга яраша жазо ёки мукофот беришини эслатяпти. **Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир.**

**(Магар улар (ярим маҳрни олишдан) кечиб юборса).** Яъни, талоқ қилинган аёл ўзи олиши мумкин бўлган ярим маҳрдан воз кечиб, уни олмаса.

**(Ау никоҳ қўлида бўлган киши кечса).**

Яъни, эр ўзига қолаётган ярим маҳрдан кечиб, бутунича берса.

Биз қўйидаги сабабларга кўра,

﴿بِيَدِهِ عَقْدَةُ النِّكَاحِ﴾

**(никоҳ қўлида бўлган зот)**дан мурод валий эмас, эр, дедик.

а) Аллоҳ Таоло **﴿فَنِصْفُ مَا فَرَضْتُمْ﴾** сизлар белгиланган маҳрнинг ярми) деяпти. Яъни, ҳали қўшилмасдан ва маҳр белгиланмасдан туриб талоқ қилинган аёл учун. Демак, бундай аёл учун маҳрнинг ярми берилади. Шундан кейин Аллоҳ Таоло

﴿إِلَّا أَنْ يَعْفُونَ أَوْ يَعْفُوا الَّذِي بِيَدِهِ عُقْدَةُ النِّكَاحِ﴾

(Магар улар (ярим махрни олишдан) кечиб юборса ёки никоҳ қўлида бўлган зот (яъни эр ўзига қайтган ярим махрдан) кечса, (яъни бутун махрни тўласа жоиздир)), деяпти. Яъни, махр борасида кечиб юборишга ҳақли бўлган икки тараф бор. Биринчи тарафнинг талоқ қилинган аёллар экани аниқ қилиб айтилди.

﴿إِلَّا أَنْ يَعْفُونَ﴾

Шунинг ўзи иккинчи тарафнинг яъни, никоҳ битими қўлида бўлган зотнинг эр эканини кўрсатиб турибди. Чунки талоқ қилинган аёлнинг нариги тарафи эрдан бошқаси бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра, бу ердаги маъно ё талоқ қилинган аёлнинг ўзига қарашли ярим махрдан кечиб, уни бутунлай олмаслиги ёки талоқ қилган эрнинг ўзи олиб қолиши мумкин бўлган ярим махрдан кечиб, уни бутунлай бериб юборишидир.

б) Аллоҳ Таоло бошқа оятларда ҳам никоҳ битимининг махр борасида тасарруф ҳуқуқига эга бўлган икки тарафини баён қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدَقَتِهِنَّ نِحْلَةً فَإِنْ طِبَّنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ هَنِيئًا

مَرِيئًا﴾

– „Хотинларингизга махрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгулдан, мамнунлик билан) берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у махрдан бирон нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар“.

[4:4]

Бу ерда аёлнинг ўз махрдан кечишга ҳаққи борлиги айтиляпти.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ أَرَدْتُمْ اسْتِبْدَالَ زَوْجٍ مَّكَانَ زَوْجٍ وَآتَيْتُمْ إِحْدَاهُنَّ قِنطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا

مِنْهُ شَيْئًا﴾

– „Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноксиз молу дунёни (махр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олмангизлар!“.

[4:20]

Бу ерда махр бериш иши эрга мансублиги, аёлини талоқ қилмоқчи бўлса, уни қайтариб олмаслиги баён қилиняпти.

Яъни, маҳр борасидаги тасарруф эр ва хотинга мансубдир. Шунга кўра, маҳрдан кечиш ҳам шу иккисига тегишли ишдир.

в) **وَ أَنْ تَعْفُوا أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ** кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир). Яъни, ҳақсизнинг эмас, ҳақдорнинг кечиши. Агар кечиш аёлнинг валийси томонидан бўлса, бу иш тақвога яқинлаштирадиган иш бўлмайди. Негаки, у ўзининг эмас, бировнинг ҳақидан кечяпти. Шундай қилиб, агар валий кечсаю аёл бу кечишни рад этса, унинг кечишида ҳеч қандай маъно қолмайди. Негаки, маҳр валийнинг эмас, аёлнинг мулкидир. Бинобарин валийнинг кечиши тақвога яқин иш бўлмайди.

Абу Ҳанифа ўзининг мазҳабида мана шу фикрни, яъни, никоҳ битими қўлида бўлган зот эрдир, деган фикрни танлаган. Шофийий ҳам «Жадид»да шу фикрни олган.

**وَلَا تَسْأُوا الْفَضْلَ بَيْنَكُمْ** ўзаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни унутмангиз!). Яъни, бир-бирингизга марҳаматли бўлишни тарк қилманглар.



﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾ فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُمْ مَا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ



– „Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) сақланглар — ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда туринглар! 239. Энди агар (душман ҳужумидан) хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлиқ ҳолингизда (ибодат қилаверингиз!) Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб) Аллоҳни зикр қилингиз!“ [2:238-239]

Намоз ҳақидаги бу икки оят никоҳ, ийло, талоқ, хуль, болалар, эмизувчи ёллаш каби ҳукмлар орасида келяпти. Уларнинг мана шундай ҳодисалар орасида келишидан қуйидагиларни тушунса бўлади:

Биринчидан, киши ўз ҳаётида бўлиб ўтадиган ҳар қандай ҳодисалар орасида ҳам намозини унутмасин. Муаммолари билан бўлиб, динининг таянчини ёддан чиқармасин. Намоз ёлғиз

Ягона Аллоҳ учун қилинадиган амалдир. У Ислоннинг буюк рукнидир.

Иккинчидан, намозга эътибор бериш, унга таяниш Ислонда ўта муҳим ишдир. Айниқса, муаммолар, бахтсиз ҳодисалар юз берганда намозга таяниш янада кучайиши лозим. Пайғамбар ﷺ қачон бошларига иш тушса, намозга таянардилар. Бундан ташқари намоз одамни Парвардигорига яқинлаштиради, тақвосини кучайтиради. Шу билан у аёли билан бўладиган муносабатиди ҳам, болалари билан бўладиган муносабатиди ҳам Аллоҳдан тақво қилади-да, никоҳ, талоқ, болалар борасидаги ишларда зулмдан, бошқаларга зарар қилишдан ўзини тортади, ҳақиқатдан четга чиқмайди.

Учинчидан, киши ҳар доим ёдда тутсинки, бу буюк Ислон дин билан сиёсатни, ибодат билан муносабатни, шахсий ишлар билан жиҳоду байъатни бир-биридан ажратмайди. Ҳукм билан ҳукм ўртасида, вожиб билан вожиб ўртасида, фарз билан фарз ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Никоҳ, талоқ, эмизувчи ёллаш каби ишларга доир ҳукмларни баён қилган ҳам, намоз, жиҳод, закот каби ишларга доир ҳукмларни баён қилган ҳам Ўша Аллоҳдир. Бу ҳукмларни бажаришда ҳам, уларга имон келтиришда ҳам бир-бирларидан ажратиб бўлмайди.

﴿أَفْتَوْمُنُونَ بَعْضُ الْكُتُبِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خِزْيٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَىٰ أَشَدِّ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَفِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٢٨٥﴾ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ فَلَا يَخَفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

– „Ё китобнинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиш, қиёмат кунда эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасдир. Ана ўшалар охират ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Бас, азоблари енгиллатилмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди“ [2:85-86]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:**

1. Аллоҳ ҳамма намозларни, хусусан, ўрта намозни – аср намозини ўз вақтида адо этишга, шу ишга алоҳида эътибор беришга, шу билан бирга намозни хушуъ билан, ортиқча гап-сўз қўшмасдан ўқишга буюрпти.

## ﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ﴾

(Барча намозларни сақланглар). Яъни, уларни ўз вақтида, рукнларию ҳукмларига риоя қилган ҳолингизда адо этинглар. Мана бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Ибн Масъуд رضي الله عنهдан чиқарганлар, матн Бухорийники:

«قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ: أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: الصَّلَاةُ عَلَى مِيقَاتِهَا، قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: بَرُّ الْوَالِدَيْنِ، قُلْتُ ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، فَسَكَتَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَلَوْ اسْتَزِدُّهُ لَزَادَنِي»

**«Пайгамбар ﷺдан, эй Аллоҳнинг пайгамбари, қайси амал энг афзал амал, деб сўрадим. Ўз вақтида ўқилган намоз, дедилар. Кейин қайси, дедим. Ота-онага яхшилик қилмоқ, дедилар. Кейин қайси, дедим. Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилмоқ, дедилар. Шундан кейин жим бўлдим. Агар яна савол бераверганимда, у зот жавоб бераверган бўлардилар».**

(**وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى**) Ўрта намоз хусусида бир неча ривоятлар бор. Уни бомдод деганлар ҳам, пешин деганлар ҳам, аср деганлар ҳам, хуфтон деганлар ҳам, бошқа намоз деганлар ҳам бор. Бу мавзуни тадқиқ этадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, Пайгамбар ﷺдан уни фақат аср ва пешин намози, дейилгандан бошқа ҳадис ривоят қилинмаган. Шу икки намоздан бошқаси хусусидаги ривоятлар мавқуф ривоятлардир. (Пайгамбар ﷺгача бормасдан йўлда тўхтаб қолган ривоят). Улар саҳобаларга бориб тўхтаб қолган. Саҳобанинг гапи эса шаръий далил эмас, фақат фикр бўлади. Шунинг учун уларнинг гапларига тўхталиб ўтирмаймиз.

Энди аср намози ва пешин намози хусусида ворид бўлган шаръий далилларни келтирамиз ва уларни солиштириб, ўрта намоз хусусидаги қайси гап рожиҳроқ эканини аниқлаб оламиз.

Биринчидан, Муслим Али رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ Аҳзоб кунида шундай деганлар:

«شَعَلُونَا عَنِ الصَّلَاةِ الْوُسْطَى صَلَاةِ الْعَصْرِ مَلَأَ اللَّهُ تَعَالَى بُيُوتَهُمْ نَارًا»

**«Бизни ўрта намоздан — аср намозидан чалғитишди. Аллоҳ уларнинг уйларини ўтга тўлдирсин».**

Термизий Сумрадан ривоят қилади: «Пайгамбар ﷺдан ўрта намоз хусусида сўраганида, у асрдир, деганлар».

Иккинчидан, Аҳмад ва Абу Довуд яхши санад билан Зайд ибн Собитдан ривоят қиладилар: «Пайғамбар ﷺ пешинни туш пайтида (кун қизиган пайтда) ўқирдилар. Саҳобалар учун шундан оғирроқ намоз йўқ эди. Шунда мана шу оят нозил бўлди

﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَى﴾

**(Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни сақланглар).**

Бу далилларни ўрганадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадик, биринчи гуруҳдаги ҳадисларда Пайғамбар ﷺ ўрта намозни аср намози, деб очиқ айтганлар. Иккинчи гуруҳдаги ҳадисда эса саҳоба оятнинг нозил бўлиш сабабини пешин намози билан боғлаган.

Биринчи гуруҳдаги ҳадислар мавзуга кўпроқ далолат қилади. Чунки уларда гап очиқ айтиляпти. Шунинг учун улар иккинчи гуруҳдаги ҳадисдан рожиҳроқдир.

Тўғри, ҳақиқий маънони тайинлашда сабаби нузул рожиҳроқ бўлади. Лекин бунинг учун биринчи гуруҳдаги ҳадислар ҳам эҳтимолли мазмундаги гаплар бўлиши керак эди. Улар эса ҳеч қандай эҳтимолга ўрин қолдирмасдан очиқ лафз билан айтилган. Шунинг учун бу ердаги рожиҳ гап ўрта намознинг аср намози эканлигидир. Аср намозининг фазлини таъкидловчи бошқа ҳадислар ҳам ворид бўлган.

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

﴿مَنْ فَاتَتْهُ صَلَاةُ الْعَصْرِ فَكَأَنَّمَا وَتَرَ أَهْلَهُ وَمَالَهُ﴾

**«Кимки аср намозини ўтказиб юборган бўлса, гўё у оиласию мол-давлатидан Мосуво бўлибди».**<sup>42</sup> Яна айтадилар:

﴿بَكَّرُوا بِالصَّلَاةِ فِي الْيَوْمِ الْغَيْمِ، فَإِنَّهُ مَنْ تَرَكَ صَلَاةَ الْعَصْرِ حَبَطَ عَمَلُهُ﴾

**«Булутли кунда намозни эртароқ ўқинглар. Чунки аср намозини тарк қилган одамнинг амали ҳабата кетади».**<sup>43</sup>

﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَى﴾

Бу ерда ордан кейин хос зикр қилиняпти. Аллоҳ Таоло олдинига ҳамма намозларни вақтида ўқишга буюриб, ордидан Ўзи билган бир ҳикмат туфайли ўрта намозни хослаб қўйяпти.

(42) Муслим: 992, Насоий: 474, Аҳмад: 2/145.

(43) Бухорий: 520. Насоий: 470. Ибн Можа: 686.

(وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ) ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда туринглари!).

Ҳақиқат билан, ортиқча гап-сўз қўшмасдан. Мана бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Зайд ибн Арқамдан чиқарганлар:

«Пайғамбар ﷺнинг замонларида то

﴿وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾

оятти нозил бўлгунига қадар (намозда ҳам) гапирар эдик. Шундан кейин жим бўлишга буюрилдик, гапиришдан қайтарилдик».

Ибн Жарир Ибн Масъуддан ривоят қилади:

«أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَهُوَ يَصَلِّي فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيَّ، فَلَمَّا قَضَى الصَّلَاةَ قَالَ: إِنَّهُ لَمْ يَمْنَعْنِي أَنْ أَرُدَّ عَلَيْكَ السَّلَامَ إِلَّا أَنَا أَمَرْنَا أَنْ نَقُومَ لِلَّهِ قَانِتِينَ لَا نَتَكَلَّمُ فِي الصَّلَاةِ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига борган эдим. У киши намоз ўқиётган эканлар. Салом берган эдим, алик олмадилар. Намозларини тугатиб бўлгач, мени саломингга алик олишдан фақат бир нарса қайтарди, биз намозда Аллоҳга бўйсунган ҳолда туришга, гапирмасликка буюрилдик, дедилар».<sup>44</sup>

2. Иккинчи оятда Аллоҳ Таоло хавф кучайган пайтда намоз қандай ўқилишини баён қиляпти. Аллоҳ намознинг уч ҳолатдаги шаклини баён қилган:

Биринчиси, тинч пайтдаги одатий ҳолат. Бундай ҳолатда намознинг ҳамма шартлари, рукнлари бажарилади. Қиём, қироат, руку, сужуд ва бошқа намозга доир ҳукмларнинг барчаси адо этилади.

Иккинчиси, душман томонидан хавф бўлиб турган, мусулмонларга ҳужум бўлиб қолиши ва шунинг учун бепарво бўлмасдан ҳимояланиш зарур бўлиб қолган ҳолат.

Аллоҳ Таоло бундай ҳолатда намознинг қандай ўқилишини мана бу оятда баён қилган:

﴿وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلْتَقُمْ طَائِفَةٌ مِنْهُمْ مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا أَسْلِحَتِهِمْ فِإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِنْ وَرَائِكُمْ وَلْتَأْتِ طَائِفَةٌ أُخْرَى لَمْ يُصَلُّوا فَلْيُصَلُّوا مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتِهِمْ ۗ وَذَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ

(44) Тафсири Табарий: 2/570. Дуррул Мансур: 2/720. Насой: 1220.

وَأَمْتَعْتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً ۖ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن كَانَ بِكُمْ أَذَىٰ  
 مِّن مَّطَرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَّرْضَىٰ أَن تَضَعُوا أَسْلِحَتَكُمْ ۗ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ أَعَدَّ  
 لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿٤٥﴾

– „(Эй Мухаммад), қачон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқимоқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуролланган ҳолларида сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач (яъни намознинг бир ракаатини ўқиб бўлишгач), орқаларингга бориб, (сизларни кўриқлаб) турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан зафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёгингарчиликдан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуролларингизни ечиб қўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёт чорангизни кўриб қўйинглар. Албатта Аллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир“ . [4:102]

Бу оят Зотур-риқоъ газотида тўртинчи ҳижрий сананинг жумодул-уло ойида нозил бўлганди. Ибн Исҳоқ ривоятида ва Ибн Ҳишомнинг «Сийрат»ида шундай дейилган.

Ибн Можадан бошқа муҳаддислар Зотур-риқоъда Пайғамбар ﷺ мана бундай намоз ўқиганларини ривоят қилганлар: «Бир тоифа Пайғамбар ﷺ билан бирга саф тортиб, иккинчи тоифа душман билан жанг қилиб турган. Пайғамбар ﷺ саф тортган тоифа билан бир ракат ўқиб, жойларида туриб турганлар. Сафдагилар ўзларича намозларини тугатишиб, душман билан жанг қилишга кетганлар. Кейин иккинчи тоифа келган. Улар билан намознинг қолган ракатини ўқиганлар. Улар ҳам ўзларича тугатганлар. Пайғамбар ﷺ улар билан бирга салом берганлар».<sup>45</sup>

Намознинг бошқа шакллари баён қилувчи бошқа ҳадислар ҳам бор. Модомики, ҳадис саҳиҳ экан, уларнинг ҳаммаси тўғри бўлаверади. Намозни ўша ҳадисларда баён қилинган шаклда адо этиш дуруст бўлаверади.

Учинчиси, душман билан уруш қилиниб турган ҳолат. Бу ҳолатнинг ўзи икки ҳолатга бўлинади.

(45) Бухорий: 3817. Муслим: 1375. Абу Довуд: 1238. Насоий:1537.

а) Агар хавф қаттиқ бўлса, душман мусулмонларга қарши ҳужум қилиб турган бўлса, жанг давом этаётган бўлса ва айни пайтда оёқда туриб ёки отни минган ҳолда намоз ўқиш имкони бўлса, намоз ишора билан ўқилади. Бош саждада рукуъдагига нисбатан кўпроқ эгилади. Агар имкони бўлса, мана шу қаттиқ хавф намози ўқилади.

﴿فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا﴾

(Энди агар (душман ҳужумидан) хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлиқ ҳолингизда (ибодат қилаверингиз!)).

Ибн Можа Ибн Умардан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ وَصَفَ صَلَاةَ الْخَوْفِ وَقَالَ: فَإِنْ كَانَ الْخَوْفُ أَشَدَّ مِنْ ذَلِكَ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا»

«Пайғамбар ﷺ хавф намозини тавсифлаб туриб: **Агар хавф ундан ҳам қаттиқроқ бўлса, оёқда туриб ёки (от) минган ҳолда ўқилади**», дедилар. Яъни, Пайғамбар ﷺ Нисо сурасидаги хавф намозини тавсифлаганлар. Агар хавф ундан ҳам қаттиқроқ бўлса, деган гаплари Бақара сурасидаги оятга ишора.

Мана шу ҳадис Бухорийда Бақара сурасининг тафсирида мана бундай лафз билан келади:

«فَإِنْ كَانَ الْخَوْفُ أَشَدَّ مِنْ ذَلِكَ فَصَلُّوا رِجَالًا قِيَامًا عَلَى أَقْدَامِكُمْ أَوْ رُكْبَانًا مُسْتَقْبِلِي الْقِبْلَةِ وَغَيْرِ مُسْتَقْبِلِيهَا»

«Агар хавф ундан ҳам қаттиқроқ бўлса, қиблага юзланибми, юзланмайми оёқларингда туриб ёки (отга) минган ҳолингларда намоз ўқинглар». Шу ерда Бухорий Молик орқали Нофеънинг, Абдуллоҳ ибн Умар буни фақат Пайғамбар ﷺ дан олиб айтган, деб ўйлайман, деган гапини ҳам қўшиб қўйган.

б) Агар жанг жуда қаттиқ бўлса, намоз ўқилган тақдирда ҳалокат юз бериши хавфи туғилса, ҳатто бошни эгиб, ишора билан ўқишнинг ҳам иложи қолмаса, бундай ҳолатда намозни то вазият юмшагунига қадар кечиктириш мумкин. Аҳзоб ғазотида Пайғамбар ﷺ шундай қилгандилар. Шофеий саҳиҳ иснод билан Абу Саид Худрийдан ривоят қилади: «Хандақ кунда кечанинг ...и ўтгунига қадар ушланиб қолдик. Кейин жангдан тўхтадик. Аллоҳ Таолонинг

– „Аллоҳ мўминларга жанг тўғрисида кифоя қилди“. [33:25] деган гапи шу ҳақда. Шундан сўнг Пайғамбар ﷺ Билолни чақириб, пешинга такбир айтишни буюрдилар ва уни олдин қандай ўқиб юрган бўлсалар ўшандай ўқидилар. Кейин (Билол) асрга иқомат айтди. Уни ҳам олдингидек ўқидилар. Кейин шомга иқомат айтди. Шомни ҳам худди ўшандай ўқидилар. Кейин хуфтонга иқомат айтди. Уни ҳам худди ўшандай ўқидилар. Яна бир лафзда ҳар бир намозни ўз вақтида қандай ўқиган бўлсалар, ўшандай ўқидилар, дейилган».<sup>46</sup>

Бу ерда бу ҳолат Нисо сурасидаги хавф намози ҳақидаги оят нозил бўлишидан олдин юз берганди, дейилмайди. Чунки Хандақ жанги ҳижратнинг бешинчи йилида бўлган, Нисо сурасидаги оят эса Зотур-риқоъ ғазотида ҳижратнинг тўртинчи йилида нозил қилинган. Шунинг учун юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир ҳолатда ўша ҳолатга хос тарзда намоз ўқилади.

Форслар билан юз берган Тустар воқеасида ҳам шундай ҳолат юз берганди. Бухорий Анас ибн Молик رضي الله عنهдан ривоят қилади: «Тустар қўргони жангига тонг ёришаётган пайтида бордим. Уруш қизиб кетиб, мусулмонлар намоз ўқиёлмай қолдилар. Намозни кун чиққандан кейин ўқидик. Абу Мусо билан бирга эдик. Кейин биз ғалаба қилдик. (У бизга фатҳ сурасини ўқиб берди). Мени дунёю дунёдаги бор нарсалар ҳам ўша намозчалик хурсанд қила олмайди».

(فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا) яъни, агар бир ерда туриб намоз ўқишдан қўрқсангизлар, пиёда юрган ёки (отга) минган ҳолингларда намоз ўқинглар. Бу ердаги ҳазф (гапнинг бир қисмини олиб ташлаш) «إن خيراً فخير إن شراً فشر» яхши бўлса, яхши, ёмон бўлса, ёмон» жумласидаги ҳазф кабидир. Яъни, «إن تفعل خيراً، إن تفعل شرًا» яхшилик қилсангизлар... ва ёмонлик қилсангизлар маъносида.

﴿فَإِذَا آمِنْتُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ﴾

(Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб) Аллоҳни зикр қилингиз!) Яъни,

(46) Ал-Умм: 1 / 106. Ибн Хузайма: 2 / 88. Дорамий: 1 / 430.

душман хавфи ўтиб кетганидан кейин одатдаги тарзда намоз ўқинглар ҳамда сизларга берган неъматини учун, сизларга намоз борасида енгиллик бергани учун, сизларга билмаган нарсаларингизни билдиргани учун Аллоҳга шукр қилинглар.



﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتَّعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرَ إِخْرَاجٍ فَإِنْ خَرَجْنَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ مَّعْرُوفٍ ۗ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾  
﴿وَلَمَّا طَلَّقْتَ مَتَّعٌ بِالْمَعْرُوفِ ۗ حَقًّا عَلَى الْمُتَّقِينَ﴾  
﴿كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ ۗ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

– „240. Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар. Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир. 241. Талоқ қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириши тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир. 242. Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади“.

[2:240-242]

### **Бу оятларда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қилади:**

1. Эрлар вафот қилаётган пайтларида хотинларига бир йилгача нафақа ва жой бериб турилишини васият қилишлари лозим. Маййитнинг эгалари уларни – хотинларни жойни ташлаб чиқиб кетишга мажбурлашлари ва уларнинг нафақаларини бермай қўйишлари дуруст эмас. Фақат аёлларнинг ўзлари ўз ихтиёрлари билан ташлаб чиқиб кетсалар бўлаверади. Унда уларга бериладиган нафақа ҳам тўхтайдди. Шундан кейин уларнинг ўзларига ҳам, маййитнинг эгаларига ҳам гуноҳ бўлмайди. Яъни, аёлларнинг чиройли кийимларни кийишлари, пардоз қилишлари жоизга айланади. Умумий ва шахсий ҳаётларига доир шаръий ҳукмлар доирасидан чиқмаганлари ҳолда, албатта.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг Ўз ишига Ғолиб эканини, Ўзига қарши чиққан, буйруғини бажармаган одамни жазолашини,

бандаларга фақат фойдали бўлган ишларнигина буюришини баён қилиш билан якунляпти.

﴿وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

(Аллоҳ қудратли, ҳикматли Зотдир).

﴿وَصِيَّةٌ لِّأَزْوَاجِهِمْ﴾ хотинларига васият қилсинлар). Яъни, бир васият қилсинлар. Аллоҳ Таоло ўлимга юз тутаётганларга ўзларидан кейин қолаётган хотинлари учун васият қилишларини буюряпти.

Бу талаб қатъийдир. Аллоҳ Таоло

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ﴾

(Сизлардан вафот қилган кишилар) деяпти. Бу гапнинг мантуқида васиятнинг оқибати борлигига ишора бор, яъни, шу ишни бажармасдан ўлиб кетсалар, у бўйинларида кетиб қолишини англатувчи мафҳум бор. Негаки, Аллоҳ Таоло ўлим келган пайтда, деган иборани қўлламади. Балки

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ﴾

деди. Гарчи

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ﴾

нинг мантуқидан мақсад ўлимга юз тутаётганлар бўлса-да, лекин барибир унинг шундай қўлланишида юқорида айтиб ўтганимиздек бу ишнинг оқибати борлигини яъни, бу иш уни бажармасдан ўлиб кетган кишининг бўйнида кетиб қолишини англатувчи ишора, мафҳум бор.

﴿مَتْنَعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ﴾

(Бир йилгача (эрнинг уйдан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани). Яъни, бир йилгача уларга нафақа ва жой бериш. Исломнинг аввалида киши вафот этаётган пайтда ўздан кейин хотинига бир йилгача нафақа ва жой берилишини васият қилиши вожиб эди. То

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذُرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

– „Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларида қараб (идда сақлаб) турадилар“.

[2:234]

деган оят нозил бўлгунга қадар шундай бўлиб келди. Бу оятда Аллоҳ Таоло аёлларга эрларидан кейин тўрт ою ўн кун идда ўтиришни вожиб қилди. Мана шу муддат ичида эр унга нафақа ва жой бериши вожибдир. Чунки бу муддат идда муддатидир.

Аллоҳ Таоло бу ишни эрларнинг васиятига ташлаб қўймади. Энди идда

﴿وَصِيَّةٌ لِّأَزْوَاجِهِمْ مَّتَعًا إِلَى الْوَلَدِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ﴾

**(Хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар)** оятида акс этганидек, эрларнинг васиятига қараб белгиладиган бўлмади. Иддани Аллоҳнинг Ўзи белгилади. Идда пайтида аёлга нафақа ва жой берилишини вожиб қилди. Нафақа ва жойдан ортиғини эмас.

Шундай бўлгач,

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذُرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

**(Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар)** ояти

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذُرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةٌ لِّأَزْوَاجِهِمْ مَّتَعًا إِلَى الْوَلَدِ غَيْرِ

إِخْرَاجٍ﴾

**(Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар)** оятини насх қилди. Аёлга нафақа ва жой берилиши вожиб бўлган идда муддати тўрт ою ўн кунга айланди. Шу муддат ўтганидан кейин эри ўлган аёлга жой ҳам, нафақа ҳам берилиши вожиб бўлмайди. У фақат меросдан ўз насибасини олади. Агар боласи (набираси, чевараси, хуллас, фаръий ворис) бўлмаса, унга эридан қолган меросдан тўртдан бири тегади. Агар боласи (набираси, чевараси, хуллас, фаръий ворис) бўлса, эридан қолган меросдан саккиздан бирини олади. Бу ҳукм мана бу оятда баён қилинган:

﴿وَلَهُنَّ الرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ

الثُّمْنُ مِمَّا تَرَكْتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةِ تَوْصُونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ﴾

– „Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан — агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири тегур. (Бу тақсимотлар) сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо қилингандан кейин бўлур“.

[4:12]

Қандай қилиб олдин тиловат қилинадиган Бақара сурасидаги оятни кейин тиловат қилинадиган оят насх қила олади, дейилмасин. Чунки Бақара сурасидаги оят гарчи тиловат қилиниш жиҳатидан олдинда турса-да, нозил бўлиш жиҳатидан кейинда туради. Фақат Пайғамбар ﷺ уни тиловатда мана шу жойга қўйишни буюрганлар. Чунки суралардаги оятлар тартиби тавқифийдир (Аллоҳнинг кўрсатмаси билан бўладиган ишдир). Унинг остидаги ҳикматни Аллоҳнинг Ўзи билади.

Бу худди мана бу оятга

﴿سَيَقُولُ السُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَّيْنَاهُمْ عَنْ قِبَلَتِهِمُ الَّذِي كَانُوا عَلَيْهَا﴾

– „Одамлардан ақлсизлари: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўғиртирди?» — дейдилар“.

[2:142]

ўхшаб, мана бу оятдан келган

﴿قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ ۖ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا ۚ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ

الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ ۚ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ﴾

– „Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Макка) томонга бурунг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурунгиз!“.

[2:144]

аниққи кейинги оят аввалги оятдан аввал тушган, бу нарса унинг маъносидан ҳам кўриниб турибди.

Мана бу ҳадисни Ибн Жарир Ибн Аббосдан чиқарган: «Олдин мана бу оят нозил бўлганди.

﴿فَإِنْ خَرَجَنْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْتُمْ فِي أَنْفُسِهِمْ ۖ مِنْ مَعْرُوفٍ﴾

(Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир) Киши вафот қилса ва унинг орқасидан хотини қолган бўлса, у эрининг уйида бир йил идда ўтирарди.

Шу бир йил ичида у нафақа ва жой билан таъминланарди.  
Кейин Аллоҳ Таоло

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

**(Сизлардан (муслмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар)** оятини нозил қилди. Бу эри ўлган хотиннинг иддасидир. Фақат ҳомиладор аёл бундан мустасно. Ҳомиладор аёлнинг иддаси туғишидир. Эри ўлган аёлнинг мероси хусусида Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَهُنَّ ٱلرُّبُوعُ مِمَّا تَرَكَتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ

ٱلتُّمُنُ﴾

– „Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан — агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга саккиздан бири тегур“.

[4:12]

Шу билан Аллоҳ Таоло аёлнинг мерос олиши ҳамда васият ва нафақа тарк қилинганини баён қилди». <sup>47</sup>

Шунинг учун биз бу оят Исломнинг аввалида нозил бўлган, унда бу ишнинг оқибати борлиги айтилган, яъни, эрининг орқасидан қолган аёллар тўла бир йил жой ва нафақа билан таъминланишлари эрнинг зиммасида бўлган, меросхўрларга модомики, аёлларнинг ўзлари уйдан чиқиб кетмас эканлар, уларни уйдан ҳайдашлари ёки уларнинг нафақаларини бермай қўйишлари ҳаром бўлган.

Агар улар ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетсалар ва ўзларига тайин қилинган жойни тарк этсалар, уларга нафақа қилиш вожиблиги ниҳоясига етади. Бундай пайтда валийларга ҳам, аёлларнинг ўзларига ҳам ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Масалан, аёллар шариат чегараларидан четламаганлари ҳолда янги кийимлар кийсалар ёки пардоз қилсалар, уларга гуноҳ йўқ.

﴿فَإِنْ خَرَجْنَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ مَّعْرُوفٍ﴾

**(Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир).** Шу ҳолат

(47) Дуррул Мансур: 2/691. Тафсири Табарий: 2/580. Байҳақий: 7/427.

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرْتَضْنَ بِنَفْسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар) ояти нозил бўлгунига қадар давом этди. Бу оят олдинги нафақа ва жой ҳақидаги оятни насх қилди. Идда муддати

﴿أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(тўрт ою ўн кун) бўлди. Мана шу муддат ичида аёлни нафақа ва жой билан таъминлаш вожиб бўлди.

Молик «Муваатто»да келтиришича, Молик ибн Сионнинг қизи, Абу Саид Худрийнинг синглиси Қурайъа Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, Бану Худрадаги ўз уйига кетаверишини сўради. Чунки унинг эри қочиб кетган қулларини қувиб, уларга Қудум тарафида етиб олган ва қуллари уни ўлдиришган эди. Аёлнинг ўзи ҳикоя қилади: Пайғамбар ﷺдан Бану Худрадаги ўз уйимга қайтаверай, чунки эрим менга уй ҳам, нафақа ҳам ташлаб кетгани йўқ, дедим. Пайғамбар ﷺ майли, дедилар. (Уйимга бориб) хонамда ўтирсам, мени Пайғамбар ﷺ чақирдилар ёки чақиртирдилар ва нима дединг, дедилар. Мен у кишига эрим ҳақидаги ўша гапни қайтардим. Шунда Пайғамбар ﷺ, муддат етгунича уйингда ўтир, дедилар. Шу билан тўрт ою ўн кун идда ўтирдим. Усмон ибн Аффон даври келганида у менга одам юбориб, ўша воқеа ҳақида сўради. Унга бўлган воқеани айтиб бердим. У шу гапим билан ҳукм чиқарди.<sup>48</sup> Термизий бу ҳадисни ҳасан ҳадис, деган.

Аллоҳ Таоло оятни

﴿وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

деган гап билан якунляпти. Яъни, Аллоҳ Ўз ишига Голибдир, Ўзига қарши чиққанларни жазолайди ва бандалари учун фақат фойда бўладиган, яхши бўладиган ҳукмларни чиқаради. Бас, бандалар У Зотнинг буйруғини бажарсалар, қайтарганидан қайтсалар, дунёю охиратда зафар қучадилар.

2. Аллоҳ Таоло иккинчи оятда талоқ қилинган, лекин ҳали қўшилмаган ва маҳр белгиланмаган аёлларни ҳам фойдалантириш вожиблигини таъкидляпти. Ўтган оятда

(48) Муваатта: 1971.

﴿وَمَتَّعُوهُنَّ عَلَىٰ الْمَوْسِعِ قَدَرُهُنَّ وَعَلَىٰ الْمُقْتَرِ قَدَرُهُنَّ مَتَّعًا بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَىٰ  
الْحَسَنِ﴾

(Ва (бу ҳолда) уларни бой борица, йўқ ҳолича яхшилик қилиш билан фойдалантиринг! (Бу ҳукм) яхшилик қилгувчилар зиммасига бурч бўлди) дейилганди. Мусулмонлардан бири, яхшилик қилмоқчи бўлсам, қиламан, истамасам, қилмайман, деганди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилиб, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳамма талоқ қилинган хотинни фойдалантириш фарзлигини айтган.

﴿حَقًّا عَلَىٰ الْمُتَّقِينَ﴾

(тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир). Буни ўша оятнинг тафсирида айтиб ўтгандик.

Бу оят билан олдинги оят талоқ ҳақидаги оятларда туташадилар. Олдинги

﴿وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِم﴾

ояти ўзидан олдинги

﴿يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

ояти билан насх қилинган.

﴿وَالْمُطَلَّقَاتِ مَتَّعٌ﴾

(Талоқ қилинган аёлларни фойдалантириш) ояти эса

(﴿مَتَّعُوهُنَّ﴾ фойдалантиринг) оятидаги тушунмовчиликка барҳам бериб, бундай фойдалантириш вожиб эканлигини баён қилади.

3. Аллоҳ Таоло охирги оятда Ўзининг бу ҳукмларни бандалар улар ҳақида тадаббур қилишлари, ақл юритишлари ва уларни бажаришлари учун нозил қилганини, уларда бандалар учун ҳам дунёвий ва ҳам ухровий манфаат, фойда мужассамлигини, улар эрларнинг аёллари ва болалари билан иноқ, аҳил яшашларига асос бўлишини баён қияпти.

﴿كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ ءَايَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

– „Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади“.

[2:242]



## Иккинчи пора тўртинчи қисм тўртинчи чорак

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿١﴾  
﴿٢﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ خَرَجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ الْمَوْتِ فَقَالَ لَهُمُ اللَّهُ  
مُوتُوا ثُمَّ أَحْيَاهُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا  
يَشْكُرُونَ ﴿٣﴾ وَقَتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٤﴾ مَنْ ذَا  
الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضْعِفُهُ لَهُ أَمْضَاعًا كَثِيرَةً ۗ وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْصُطُ  
وَالِيهِ تُرْجَعُونَ ﴿٥﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ آمَلُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَى إِذْ قَالُوا  
لِنَبِيِّ هُمْ أَبْعَثْ لَنَا مَلِكًا نُقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ۗ قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ كُتِبَ  
عَلَيْكُمْ الْقِتَالُ أَلَّا تُقَاتِلُوا ۗ قَالُوا وَمَا لَنَا أَلَّا نُقَاتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَدْ أُخْرِجْنَا مِنْ  
دِيَارِنَا وَأَبْنَاؤُنَا ۗ فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقِتَالُ تَوَلَّوْا إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ  
بِالظَّالِمِينَ ﴿٦﴾ وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ اللَّهَ قَدْ بَعَثَ لَكُمْ طَالُوتَ مَلِكًا ۗ قَالُوا أَنَّى  
يَكُونُ لَهُ الْمَلِكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمَلِكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتَ سَعَةً مِنَ الْمَالِ ۗ قَالَ  
إِنَّ اللَّهَ أَصْطَفَاهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالْجِسْمِ ۗ وَاللَّهُ يُؤْتِي مُلْكَهُ  
مَنْ يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ وَسِعَ عَلَيْهِمْ ۗ وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ آيَةَ مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ  
الطَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ آءَالُ مُوسَىٰ وَآلُ هَارُونَ تَحْمِلُهَا  
الْمَلَائِكَةُ ۗ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٧﴾ فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ  
بِالْجُنُودِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ مُبْتَلِيكُمْ بِنَهَرٍ ۗ فَمَنْ شَرِبَ مِنْهُ فَلَيْسَ مِنِّي ۗ وَمَنْ لَّمْ يَطْعَمْهُ  
فَإِنَّهُ مِنِّي إِلَّا مَنْ اغْتَرَفَ غُرْفَةً بِيَدِهِ ۗ فَشَرِبُوا مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ فَلَمَّا جَاوَزَهُ هُوَ  
وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ قَالُوا لَا طَاقَةَ لَنَا الْيَوْمَ بِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ ۗ قَالَ الَّذِينَ

يُظُنُّونَ أَنَّهُمْ مُلْقُوا اللَّهَ كَمَا مِنْ فِتْنَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فِتْنَةٌ كَثِيرَةٌ بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ  
 الصَّابِرِينَ ﴿٢٤٤﴾ وَلَمَّا بَرَزُوا لِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ قَالُوا رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبِّتْ  
 أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٤٥﴾ فَهَزَمُوهُمْ بِإِذْنِ اللَّهِ وَقَتَلَ دَاوُدُ  
 جَالُوتَ وَءَاتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَهُ مِمَّا يَشَاءُ وَلَوْلَا دَفْعُ اللَّهِ النَّاسَ  
 بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَكِنَّ اللَّهَ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٢٤٦﴾  
 تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٤٧﴾

– „243. Ўлимдан (яъни вабога йўлиқшидан) қочиб, ўз диёрларидан чиққан мингларча кишининг ҳоли-хабарини билмадингизми? Бас, Аллоҳ уларга «Ўлинглар!» — деди. Сўнгра уларга ҳаёт ато қилди. Албатта Аллоҳ одамларга фазлу қарам қилгувчидир. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар. 244. Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 245. Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса. Ҳолбуки, (ризқингизни) тор ва кенг қиладиган Аллоҳдир. Ва унга қайтарилажаксиз. 246. Бану Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики, улар ўзларининг (Шамъун исмли) пайгамбарларига: «Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз (у билан бирга) Аллоҳ йўлида жанг қилайлик», дейишди. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмассиз?» — деди (пайгамбар). Улар айтдилар: «Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан (ажралиб) турибмиз-ку, нега Аллоҳ йўлида урушмас эканмиз?» Қачонки уларга уруш фарз қилинганда озгина кишидан ташқари ҳаммалари бош тортдилар. Аллоҳ зулм қилгувчиларни билгувчидир. 247. Пайгамбарлари уларга айтди: «Албатта Аллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади». «У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди. Пайгамбар айтди: «Албатта Аллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Аллоҳ мулкни Ўзи истаган кишига беради». Аллоҳ (фазлу қарам) кенг, билгувчидир. 248. Пайгамбарлари уларга айтди: «Унинг подшоҳ бўлиб

сайланганлигининг аломати — сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фааришталар кўтариб турадилар. Агар чиндан имон эгалари бўлсангиз, шубҳасиз бу воқеада сизлар учун оят-аломат бордир. 249. Қачонки Толут аскарлари билан (шаҳардан) чиққач, айтди: «Албатта Аллоҳ сизларни бир дарё билан имтиҳон қилади. Бас, ким ундан сув ичса менинг (аскарим)дан эмас ва ким ундан ичмаса, у мендандир. Магар ким кўли билан фақат бир ҳовуч олса (жоиздир)». Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдилар. У имон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач (аскарлар) айтдилар: «Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди». (Шунда) Аллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», дедилар. 250. Қачонки Жолут ва унинг лашкарига кўринганларида айтдилар: «Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдиргил, қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу кофир қавм устига золиб қил!» 251. Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва (Толутнинг аскарларидан бўлган) Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайгамбарлик ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Аллоҳ барча оламлар устида фазлу карам соҳибидир. 252. (Эй Муҳаммад) булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз шак-шубҳасиз пайгамбарлардандирсиз “.

[2:243-252]

### Тафсир:

﴿الَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ خَرَجُوا مِن دِيَرِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ الْمَوْتِ فَقَالَ لَهُمُ اللَّهُ مُوتُوا ثُمَّ أَحْيَاهُمْ﴾ إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٢٤٣﴾ وَقَتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٤﴾ مَن ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضِعْفَهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرَةً وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْصُطُ ﴿٢٤٥﴾ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٤٦﴾

– „243. Ўлимдан (яъни вабога йўлиқшидан) қочиб, ўз диёрларидан чиққан мингларча кишининг ҳоли-хабарини билмадингизми? Бас, Аллоҳ уларга «Ўлинглар!» — деди. Сўнгра уларга ҳаёт ато қилди. Албатта Аллоҳ одамларга фазлу карам қилгувчидир. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар. 244. Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 245. Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса. Холбуки, (ризқингизни) тор ва кенг қиладиган Аллоҳдир. Ва унга қайтарилажаксиз“ . [2:243-245]

### **Бу оятларда қуйидагилар баён қилиняпти:**

1. Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва мўминларга хитоб қилиб, уларни сонлари минг-минглаб бўлишига қарамасдан ватанларига бостириб келаётган душман билан жанг қилишдан қўрқиб ватанларини ташлаб қочган, тинч жой деб ўйлаган ерларига етиб борганларидан кейин эса тўсатдан ўша ўзлари қочиб бораётган ўлимнинг рўбарўсидан чиққан кимсалардан ибрат олишга чақиради. Уларни Аллоҳ бир муддатдан кейин яна тирилтирди. Токи, улар Ўлдирувчи ҳам, Тирилтирувчи ҳам Аллоҳ эканини, ажаллари келиб қолса, уни бир соатга ҳам тезлата ёки кечиктира олмасликларини билиб қўйсинлар.

Бу ерда мўминларни Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга ундаш бор. Ўлимдан қочиб қутулиб бўлмаслигини кўрсатиш бор.

﴿أَيْنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكَكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشِيدَةٍ﴾

– „Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур“ . [4:78]

Токи, мўмин икки гўзалликнинг бирига ноил бўлиш учун жангга ошиқсин, қўрқоқ, қочқин бўлмасин, жангдан қочиш ажални даф қила олмаслигини англасин.

﴿الَّذِينَ قَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ وَقَعَدُوا لَوْ أَطَاعُونَا مَا قُتِلُوا ۗ قُلْ فَادْرَءُوا عَنِّي أَنْفُسِكُمْ

الْمَوْتِ إِنَّ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

– „(Эй Муҳаммад), ўша ўзлари ўтириб олиб дўстлари ҳақида: «Агар бизнинг гапимизга кириб (жанг қилишдан бош тортганларида) ўлдирилмаган бўлар эдилар», дейдиган кимсаларга: «Агар айтган гапларингиз рост бўлса, ўзларингдан ўлимни даф қилингларчи», деб айтинг!“ . [3:168]

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида Ўзининг одамларга нисбатан Марҳаматли Зот эканини, уларга масаллар зарб қилиб беришини, уларга Ўзининг оятларини эслатишини, дунёю охират зафарига олиб борадиган йўлни кўрсатиб беришини, шунга қарамасдан, ибратланувчилар озлигини баён қиляпти.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ﴾

– „Албатта Аллоҳ одамларга фазлу карам қилгувчидир. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар.“ [2:243]

(*أَلَمْ تَرَ* билмадингизми), бу ерда сўроқ гап тан олдириш ва ажабланиш маъносида қўлланяпти. Масалан, кимдир бир ҳақиқатни ўз кўзи билан аниқ кўради. Сиз унга ўша кўрганини айтасиз. Бу билан унга кўрганлигини тан олдирасиз ёки ажабланганлигингизни билдирасиз. Шунингдек, бир одамга бир ҳақиқатни агар аниқ кўрадиган бўлса, қандай бўлишини англатиш, ҳис қилдириш учун ҳам шундай гапни ишлатасиз. Бу ерда ҳам худди шундай. Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбари Муҳаммад ﷺга зарбул-масал бўлган бир қавм ҳақида хабар беряпти. Токи, уларнинг аҳволини кўз ўнгиларига келтириб, улардан ибрат олсинлар. Шунинг учун кўриш маъносини англатувчи руъя сўзи жар қилувчи ҳарф билан мутааддийга, ўтимли феълга айланиб, идрок қилиш маъносини англатяпти.

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَىٰ﴾

Агар у ҳақиқий кўриш маъносини англатганида жар қилувчи ҳарф билан мутааддийга айлантирилмаган бўларди. Балки ўз ҳолича мутааддий бўлган бўларди.

(*حَرَجُوا مِن دِيَرِهِمْ* ўз диёрларидан чиққан кишилар) Аллоҳ Таоло уларнинг ўз диёларидан чиқиш сабабларини баён қилмади. Бу хусусда бир неча ривоятлар бор. Улардан айримлари Пайғамбар ﷺга нисбат берилган. Ўшалардан бирида уларнинг касаллик яъни, вабо туфайли чиқиб кетганлари айтилган. Яна бирида эса душманга рўбарў келишдан қўрқиб чиқиб кетганлар, дейилган. Оят оқимиға қараганда рожиҳ гап шуки, улар ўзлари томон бостириб келаётган душмандан қўрқиб чиқиб кетганлар. Чунки кейинги оят жанг ҳақида сўзляяпти.

﴿وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

(Аллоҳ йўлида жанг қилингиз).

(**مِنْغْلَارچَا** وَهَمْ **أَلُوفٌ**). Бу гап уларнинг жуда кўп бўлганини кўрсатади. Яъни, уларнинг сони кўп бўлган. Лекин имонлари заиф бўлгани туфайли бостириб келаётган душмандан қўрқиб қочганлар. (**أَلُوفٌ**) сўзи жуда кўпни ифодалайдиган кўпликдир. (**آلَافٌ**) сўзи унча кўп бўлмаган кўпликни ифодалайди.

Уларнинг сони ҳақида бир неча ривоятлар бор. Лекин улар орасида собит санадлиги йўқ. Рожих гап шуки, улар ўн мингдан ортиқ бўлганлар. Чунки араблар минг сўзини ифодаловчи (**أَلْفٌ**) сўзининг кўплигини ўн баробардан кўп бўлмаса, (**أَلُوفٌ**) сўзи билан ифодаламайдилар, (**آلَافٌ**) сўзи билангина ифодалайдилар. (**أَلُوفٌ**) сўзи ўн мингдан ортиқ сонни ифодалайди. Шунинг учун уларнинг сони ҳақида гапирилганда улар ўн мингдан ортиқ бўлган, дейишдан нарига ўтолмаймиз.

(**حَدَرَ أَلْمَوْتِ**) яъни, ўлимдан қўрқиб, уруш майдонига кирсак, душман бизни ўлдиради, деган хавф билан.

2. Бу муборак оятда Аллоҳ Таоло Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга буюряпти.

﴿وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

(Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир). Жанг сидқидилдан, ихлос билан, холис Худо учун бўлиши лозим. Риё, манфаат ёки хўжакўрсинга бўлмаслиги керак. Чунки Аллоҳ Таоло холис Ўзи учун қилинган жиҳоднигина қабул қилади. Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод Аллоҳ учун қилинган жиҳоддир.

«سَتَلَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنِ الْقِتَالِ أَيُّهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ قَالَ: مَنْ قَاتَلَ لَتَكُونَ كَلِمَةَ اللَّهِ هِيَ الْعَلِيَا فَهَوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Пайгамбар ﷺ дан қандай уруш Аллоҳнинг йўлидаги жанг ҳисобланади, деб сўрадилар. У зот, Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун курашган одамнинг жанги Аллоҳнинг йўлидаги жангдир, деб жавоб бердилар».<sup>49</sup> Аллоҳ ҳамма нарсани эшитгувчидир. Ўзига ёрдам берган кишига ёрдам беради. Ҳамма нарсани билгувчидир. Ниятнинг тўғри ёки

(49) Бухорий: 120, 2599. Муслим: 3525.

нотўғрилигини, холис ёки нохолислигини билади. У Зот учун ҳеч нарса махфий эмас.

3. Шундан кейин Аллоҳ мўминларни Аллоҳнинг йўлида, жиҳод йўлида инфоқ қилишга ундаяпти. Бу ишнинг савоби улуғлигини, уни қилган киши худди Аллоҳни қарздор қилиб қўйгандек бўлишини билдирапти.

Инфоқ қилган одам молим бекор кетди, деб хавотирланмасин. Чунки ризқни чеклаб берадиган ҳам, кенг қилиб берадиган ҳам Аллоҳдир. У Зот банданинг қилган сарфига яраша қайтаради.

«مَا مِنْ يَوْمٍ إِلَّا يَنْزِلُ مَلَكَ بِأَمْرِ اللَّهِ لِيُعْطِيَ مُنْفِقًا خَلْفًا وَمُمْسِكًا تَلْفًا»

«**Бирор кун йўқки, Аллоҳнинг фармони ила (осмондан) бир фаришта тушиб, мунфиққа халаф, мумсикка талаф бермаса**».<sup>50</sup> (Мунфиқ – инфоқ қилгувчи, сарфлагувчи. Халаф – қилинган яхшиликка яраша жавоб, ўринбосар, эваз, бадал ва ҳоказо. Мумсик – бахил, зиқна, хасис. Талаф – талофат, йўқ бўлиш, емирилиш). Бундан ташқари охирада жуда катта ажр бор. У бир куники у кунда одамлар Роббиларига қайтариладилар.

﴿وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْضُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

(Ҳолбуки, (ризқингизни) тор ва кенг қиладиган Аллоҳдир. Ва унга қайтарилажаксиз).

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضِعْفَهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرَةً﴾

(Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса). Яъни, Аллоҳга ўз ихтиёри билан қарз берадиган одам борми? Агар бўлса, Аллоҳ унинг қарзини бир неча баробар қилиб қайтаради. Бу ерда бир неча баробар қилиш қайтариш маъносини англаувчи (يضاعفه) сўзи истифҳом жавоби ўлароқ насб ҳолатида келяпти. Аканг ким, уни ҳурмат қилай, дейсиз. Фасиҳ қовлда агар атф қилинадиган келаси замон феъли келмаган бўлса, истифҳомнинг шартига фо киради ва насб ўқилади.

Абу Ҳотам Ибн Умардан ривоят қилади:

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَتَتْتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ﴾

<sup>(50)</sup> Бухорий: 1374. Муслим: 1019. Аҳмад: 2/305. Ибн Ҳиббон: 2/462.

– „Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эхсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди еттига бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди“.

[2:261]

ояти нозил бўлгач, Пайғамбар ﷺ, «رَبِّ زِدْ أُمَّتِي» Парвардигоро, Умматимга зиёда қилгин», дедилар.<sup>51</sup>

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا﴾

ояти нозил бўлганидан кейин ҳам, «Парвардигоро, Умматимга зиёда қилгин», дедилар. Шунда

﴿إِنَّمَا يُوفَّى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

– „Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур“.

[39:10]

ояти нозил бўлди.

Холис Худо учун Пайғамбар ﷺга садоқат билан Аллоҳнинг йўлида қилинган сарфга, инфоққа бериладиган савоб жуда улуф савобдир.

(وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْصُطُ) яъни, ризқни чеклаб берадиган ҳам, кенг

қилиб берадиган ҳам Аллоҳдир. Шунинг учун мўминлар ер юзида ризқ учун ҳаракат қилар эканлар, Аллоҳнинг тақсимотига қониққан ҳолларида кўнгиллари хотиржам бўлади. Зеро, ризқ Аллоҳнинг қўлидадир.

﴿إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ ذُو الْقُوَّةِ الْمَتِينُ﴾

– „Зеро Аллоҳнинг Ўзигина (барча халойиққа) ризқу рўз бергувчи, куч-қувват соҳиби ва қудратлидир“.

[51:58]



﴿الَمْ تَرَ إِلَى الْمَلَاِ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَى إِذْ قَالُوا لِنَبِيِّ هُمْ أَبَعَثْ لَنَا

مَلِكًا نُقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ أَلَّا

تُقَاتِلُوا قَالُوا وَمَا لَنَا أَلَّا نُقَاتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَدْ أُخْرِجْنَا مِنْ دِينِنَا وَأَنَا فَلَئِمَّا

(51) Ибн Ҳиббон: 10/550.

كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقِتَالُ تَوَلَّوْا إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ ﴿٢٤٦﴾ وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ اللَّهَ قَدْ بَعَثَ لَكُمْ طَالُوتَ مَلَكًا ۖ قَالُوا أَنَّى يَكُونُ لَهُ الْمُلْكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمُلْكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتَ سَعَةً مِّنَ الْمَالِ ۗ قَالَ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالْجِسْمِ ۗ وَاللَّهُ يُؤْتِي مَلِكَهُ مَن يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٤٧﴾ وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ آيَةَ مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ آءَالُ مُوسَىٰ وَآءَالُ هَارُونَ تَحْمِلُهُ الْمَلَائِكَةُ ۗ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّكُم ۖ إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٤٨﴾

— „246. Бану Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики, улар ўзларининг (Шамъун исмли) пайгамбарларига: «Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз (у билан бирга) Аллоҳ йўлида жанг қилайлик», дейишди. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмассиз?» — деди (пайгамбар). Улар айтдилар: «Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан (ажралиб) турибмиз-ку, нега Аллоҳ йўлида урушмас эканмиз?» Қачонки уларга уруш фарз қилинганда озгина кишидан ташқари ҳаммалари бош тортдилар. Аллоҳ зулм қилгувчиларни билгувчидир. 247. Пайгамбарлари уларга айтди: «Албатта Аллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади». «У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди. Пайгамбар айтди: «Албатта Аллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Аллоҳ мулкини Ўзи истаган кишига беради». Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир. 248. Пайгамбарлари уларга айтди: «Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати — сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фаришталар кўтариб турадилар. Агар чиндан имон эгалари бўлсангиз, шубҳасиз бу воқеада сизлар учун оят-аломат бордир“ . [2:246-248]

Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:

1. Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлидаги жангга доир бошқа бир масални зарб қияпти. Ўтган оятдаги зарб қилинган масал душманга рўбарў келишдан қўрқиб ватанларини ташлаб қочиб чиққан қавм хусусида эди. Улар ўзлари тинч деб ўйлаган жойга етиб борганларида рўбарўларидан ўша ўзлари қочиб бораётган ўлим чиқиб қолганди. У масалда Аллоҳнинг йўлидаги жангчи учун ибрат бор эди. Ундан ибратланган жангчи душман билан курашишдан қўрқмайди. Чунки у ўз ажали Аллоҳнинг қўлида эканини, ўзича яъни, қочиш ёки жангга чиқмаслик билан уни бир соатга бўлсин тезлаштира ёки кечиктира олмаслигини билади. Шунинг учун ҳам мўминнинг жангга отилиб кириши душманниқига нисбатан бир неча баробар шиддатлироқ бўлади.

﴿وَلَا تَهِنُوا فِي ابْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِنْ تَكُونُوا تَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا تَأْلَمُونَ﴾

﴿وَتَرَجُّونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ﴾

– **„Бу кофир қавми қувишда сусткашлик қилмангиз! Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар ҳам сизлар қийналганингиздек қийналмоқдалар. (Шу билан бирга) сизлар Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, галаба қозонишни) умид қилмоқдасизлар-ку?! Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир“.** [4:104]

Бу оятда Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва мўминларга Мусо ﷺнинг қавми ҳақидаги қиссани айтиб беряпти. Уларга жанг қилиш буюрилганида, байроғи остига кириб жанг қилайлик десак, бир подшоҳимиз йўқ, деб баҳона қилишди ва пайғамбарларидан Аллоҳ бизга бир подшоҳ юборсин, у билан бирга жанг қилайлик, деган талабни қўйишди. Ўзларича улар гавдали, жанг илмидан хабардор, тажрибали бир қўмондон сўрашди. Шунда уларга пайғамбарлари худди улардан нимани кутиш мумкинлигини билгандек, Аллоҳ сизларга бир подшоҳ юборганидан кейин ҳам жанг қилмасанглар-чи (қилмасанглар керагов), деди. Лекин улар ўзларининг бўйсуниларини таъкидлаб-таъкидлаб айтдилар ва шундай қилишларига диёрлари босиб олинганини, ўзларининг қувғинга учраганларини, хотин бола-чақаларидан мосуво бўлганларини сабаб қилиб кўрсатдилар. Ҳақиқатда бу айтиб ўтилган гаплар Аллоҳ уларга бир подшоҳ юборса ва уларга уруш фарз қилинса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга жиддий қарашларини тақозо қиладиган омиллар эди. Лекин улар уруш фарз қилинганидан кейин олдинги сийратларига қайтдилар. Озчилик қисми

айтилмаса, буйруққа бўйсунмадилар. Шу билан улар Аллоҳнинг буйруғига бўйсунмаганлари учун золимлар сафига қўшилдилар.

Бу оятда ундаги қавм олдинги

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ خَرَجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ الْمَوْتِ﴾

оятда айтиб ўтилган қавмнинг айнан ўзи эканлигига далолат қиладиган ҳеч қандай ишора йўқ. Гарчи ҳар икки қисса уруш ва урушдан қочмаслик мавзусида бўлса-да, улардаги қавмлар бошқа-бошқа қавмлардир.

Биринчи оят душман билан рўбарў келишдан қўрқиб қочган, мағлубиятга учраб, дунёсини бой берган, қочиб бораётиб ўша ўзлари қочиб бораётган ўлимнинг рўбарўсидан чиққан кимсалар хусусида эди. Унда ажал келса, уни тезлатиб ҳам, кечиктириб ҳам бўлмаслиги ҳақидаги ибрат бор. Бу нарса мўминни душманга қарши жангга шиддат билан отилиб кириб боришга ундайди.

Бу оят эса урушмаслик учун баҳоналар қидирадиган кимсалар хусусидадир. Улар ўлимдан қочмайдилар, лекин урушни кечиктириш учун баҳоналар қидирадилар.

2. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг кейинги оятидир. Унда Аллоҳ Таоло уларга Толутни подшоҳ қилиб юборганидан кейин, у бой эмас, подшоҳликка ундан кўра биз ҳақлироқмиз, дейишга ўтиб олганлари айтилади. Шунда уларга пайғамбарлари Толутни бу вазифага Аллоҳ Таолонинг Ўзи танлаб қўйгани ва унга шу ишнинг уддасидан чиқа олишига яраша қобилият – илмий ва жисмоний куч берганини хабар бердилар. Лекин улар бу гапдан қониқмадилар.

3. Аксинча, улар юборилган кишининг ҳақиқий подшоҳ эканига белги-аломат талаб қилдилар. Шунда пайғамбарлари уларга, унинг белги-аломати шуки, Аллоҳ сизларга Мусо ва Ҳорун ларнинг осорлари жойлашган ўша буюк тобутни қайтаради, уни Аллоҳнинг изни ила фаришталар олиб келадилар, деди.

Шундай қилиб, қилган талаблари қондирилиб, баҳоналарнинг ҳамма йўллари тўсилгач, пайғамбарларига қулоқ солиб, подшоҳлари билан бирга Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга отландилар.

(أَلَمْ تَرَ) бу жумланинг маъносини юқорида айтиб ўтдик.

(أَلَمْ لَا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ) **Бану Исроилдан бўлган, бир жамоатнинг).**

Обрўлилари, улуғлари. (مَلَأَ) сўзи жамоани, кўпликни англатади.

Унинг бирлиги бўлмайди. Араб тилида бу сўз қавмнинг обрўлилари, улуғларига нисбатан ҳам қўлланган. Чунки оммадан фарқли ўлароқ, одатда уларнинг ҳайбати қалбларни тўлдиради.

(مِنْ بَعْدِ مُوسَى) яъни, Мусо ﷺ вафот этганидан кейин.

(أَبَعَثَ لَنَا مَلَكًا نَقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ) **Биз учун бир подшоҳ тайинлагин,**

**биз** (у билан бирга) **Аллоҳ йўлида жанг қилайлик**) Талабнинг жавоби. Уларнинг агар ўзларига подшоҳ юборилса урушни таъкидлашларига (аниқ урушамиз, деяётганларига) далолат қилиш учун жазм бўлиб келяпти.

﴿قَالَ هَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ كَتَبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ أَلَّا تُقَاتِلُوا﴾

(Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмасиз? деди). Яъни, сизларга уруш фарз қилинганидан кейин эҳтимол урушмай қоларсизлар. Бу гапда пайғамбарлари улардан нимани кутиш мумкинлигини яъни, уларнинг барибир бўйсунмасликларини ва урушмасликларини олдиндан сезгани (сезгандек бўлгани) англашилади.

(أُخْرِجْنَا مِنْ دِينِنَا وَأَنْتَابِنَا) **диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан**

(ажралиб) **турибмиз-ку**). Яъни, диёримиздан ҳайдалдик, хотин бола-чақаларимиздан Мосуво бўлдик. Улар биз билан бирга чиқолмай қолишди.

(طَائِفَتٍ) ажам номи, муъраб. Ажам бўлгани учун ғайри мунсариф.

﴿قَالُوا أَنَّى يَكُونُ لَهُ الْمُلْكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمُلْكِ مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتَ سَعَةً مِنَ

الْمَالِ﴾

(У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди). Унинг подшоҳлигини тан олишмади. Бу ишларига унинг подшоҳлар хонадонидан эмаслигини, бой эмаслигини далил қилишди. Шунда Аллоҳ Таоло уларга энг балоғатли гап билан жавоб қилди:

Биринчидан, уни сизларга Аллоҳнинг Ўзи танлади;

Иккинчидан, Аллоҳ унинг илмини зиёда қилди, токи, у пухта сиёсат олиб борсин;

Учинчидан, Аллоҳ унинг жисмини зиёда қилди, токи, у душманга қарши шиддат билан жанг қилишга, ҳикмат ва куч билан саркардалиқ қилишга яроқли бўлсин.

Аввалда ҳам, охирда ҳам ҳамма иш Аллоҳнинг қўлидадир. У Зот Ўзи истаганча иш тутади. Подшоҳликни Ўзи хоҳлаган бандасига беради.

﴿إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاهُ عَلَيْكُمْ وَزَادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالْجِسْمِ وَاللَّهُ يُؤْتِي مَلَكَهُ  
مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

*(Албатта Аллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Аллоҳ мулкани Ўзи истаган кишига беради. Аллоҳ (фазлу қарами) кенг, билгувчидир).*

Шу ўринда икки нарсани мулоҳаза қилиб ўтайлик:

а) Аллоҳ подшоҳлик учун керакли бўлган нарсалар орасида улар тилга олган бойликни қайд қилмади. Демак, бойлик бу борада иккинчи даражали нарсадир. Ҳокимиятни бошқариш учун бойлик бирламчи нарса эмас. Балки ишлашга қувват бўлиши учун бир егулик топилса, шунинг ўзи кифоя. Қобилиятли камбағал қобилиятсиз бойдан устундир.

б) Аллоҳ илмни жисмдан олдинга қўйяпти. Негаки, халқни зафар ва нажот сари бошлаб боришда илм жисмдан кўра кераклироқ омил.

﴿إِنَّ آيَةَ مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ  
آلُ مُوسَىٰ وَآلُ هَارُونَ تَحْمِلُهُ الْمَلَائِكَةُ﴾

*(Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати — сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фаришталар кўтариб турадилар).*

Аллоҳнинг Китобида ҳам, Пайғамбар ﷺнинг суннатларида ҳам бу тобут хусусида ҳеч нима дейилмаган. Оятнинг оқимидан ва луғатдан тушунилиши мумкин бўлган маъно шуки, (التَّابُوتُ) сандиқ, деган маънони англатади. Бу сандиқ улар учун жуда улуғ нарса бўлган. Унинг мавжудлигининг ўзи дилларга хотиржамлик бахш этган. Уруш пайтида душманларидан қўрқмаганлар. Бу сандиқда Мусо ва Ҳорун ﷺлардан қолган осорлар сақланиб қолган.

Бу сандиқ йўқолиб қолганди. Аллоҳ унинг қайтарилишини Толутнинг Аллоҳ томонидан юборилган подшоҳлиги ҳақиқийлигига далил қилди.

Аллоҳнинг белгиси-аломати амалга ошди. Фаришталар тобутни олиб келишди. Шу билан улар Толутнинг ўзларига подшоҳ қилиб юборилганига имон келтиришиб, уни тасдиқлашиб, у билан бирга душман билан жанг қилишга жўнадилар.

Фаришталарнинг тобутни қандай, қай тарзда, қаердан олиб келганлари ҳақида оятлар ҳам ҳеч гап айтмаган, Пайғамбар ﷺ дан ҳам ҳеч қандай ҳадис ворид бўлмаган. Шунинг учун ҳужжатда нима дейилган бўлса, ўша билан чекланамиз-да, бундай ҳолатлар ҳақидаги санадсиз ривоятларга ўтмаймиз.

(الْكَافُوتُ) сандиқ. Аслида бу сўз қайтиш маъносини англатади.

Чунки сандиқдан чиққан нарса яна унга қайтади. Унинг эгаси керак бўлган пайтда унга қўйган нарсасига қайтади, мурожаат қилади. (فعلوت) вазнидаги бу сўз аслида (توبوت) бўлиб, вов ҳаракатли, ўзидан олдинги ҳарф фатҳали бўлгани учун алифга қалб қилинган.

Тобут сўзи қурайшликлар тилида бор. Пайғамбар ﷺ нинг замонларида Қуръон мана шу тилда ёзилган. Ансорлар бу сўзни (تابوه), деб айтадилар. Зайд ибн Собит Усмон ибн Аффон (رضي الله عنه) дан уни ҳо билан ёзиш жоизми, деб сўраганида Усмон ибн Аффон (رضي الله عنه), у қурайшликлар тилида қандай ёзилган бўлса, ўшандай қолсин, деб жавоб берган. Унинг вазни ансорлар луғатига кўра, (فاعول) бўлади. Замахшарий айтади: «(فاعولا) вазни жуда кам ишлатилади. Машҳур гап шуки, у қурайшликлар тилига кўра, (فعلوت) вазнида бўлган. Ўзаги (التوب) бўлиб, қайтиш маъносини англатади».



﴿فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ بِالْجُنُودِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ مُبْتَلِيكُمْ بِنَهَرٍ فَمَنْ شَرِبَ مِنْهُ فَلَيْسَ مِنِّي وَمَنْ لَمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُ مِنِّي إِلَّا مَنْ اغْتَرَفَ غُرْفَةً بِيَدِهِ ۗ فَشَرَبُوا مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ فَلَمَّا جَاوَزَهُ هُوَ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ قَالُوا لَا طَاقَةَ لَنَا الْيَوْمَ بِجَالُوتَ

وَجُنُودِهِ ۚ قَالَ الَّذِينَ يُظُنُّونَ أَنَّهُمْ مُلْتَقُوا اللَّهَ كَم مِّن فِتْنَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فِئَةٌ كَثِيرَةٌ بِإِذْنِ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٢٤٩﴾ وَلَمَّا بَرَزُوا لِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ قَالُوا رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٥٠﴾ فَهَزَمُوهُمْ بِإِذْنِ اللَّهِ وَقَتَلَ دَاوُدُ جَالُوتَ وَآتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَهُ مِمَّا يَشَاءُ ۗ وَلَوْلَا دَفَعَهُ اللَّهُ النَّاسَ بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لَّفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٢٥١﴾

– „249. Қачонки Толут аскарлари билан (шаҳардан) чиққач, айтди: «Албатта Аллоҳ сизларни бир дарё билан имтиҳон қилади. Бас, ким ундан сув ичса менинг (аскарим)дан эмас ва ким ундан ичмаса, у менадир. Магар ким қўли билан фақат бир ҳовуч олса (жоиздир)». Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдилар. У имон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач (аскарлар) айтдилар: «Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди». (Шунда) Аллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», дедилар. 250. Қачонки Жолут ва унинг лашкарига кўринганларида айтдилар: «Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдиргил, қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу кофир қавм устига голиб қил!» 251. Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва (Толутнинг аскарларидан бўлган) Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайгамбарлик ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Аллоҳ барча оламлар устида фазлу карам соҳибидир“.

[2:249-251]

**Бу оятларда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қилади:**

1. Мусо дан кейин Бану Исроилга Толут уларнинг подшоҳлари эканига қатъий ҳужжат келгач, уни тасдиқлашиб, у билан бирга душман билан рўбарў бўлишга жўнадилар. Бу ҳужжат уларга тобутнинг келтирилиши эди.

Кейин Толут уларга Аллоҳ уларнинг садоқатлари ва ихлослари қанчалик эканини билиш учун уларни бир дарё

билан синашини билдирди. Бу синов дарёдан бевосита оғиз солиб ичмасликдан иборат эди. Толут уларга, ким дарёдан бевосита оғзи билан сув ичса, у менинг тобеим, саҳобам эмас, ким ундан сув ичмаса ёки қўли билан ҳовучлаб ичса, у менинг тобеимдир, деди.

Синов натижаси шундан иборат бўлдики, фақат озгина қисмидан бошқа ҳаммалари бевосита оғизлари билан дарёдан сув ичдилар. Имон келтирганлар Толут билан бирга душман билан жанг қилишга йўл олдилар. Улар душманни ўз кўзлари билан кўргач, улардан бир қисми, биз Жолут ва қўшинига бас кела олмаймиз, дейишди. Имони кучли, дунёдан кўра кўпроқ охиратга интиладиган бошқа бир қисми эса, нариги қўрқоқ гуруҳни шижоатлантириб, соннинг кўплиги аҳамиятли эмас, балки, Аллоҳнинг мадади, нусрати аҳамиятли, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир, дейишиб, Толут ортидан жангга шиддат билан кириб борар эканлар, Аллоҳга дуо-илтижо айлашиб, устимиздан сабру тоқат ёғдиргин, қадамларимизни собит қилгин ва бизга кофирлар устидан ғалаба бергин, дедилар.

Аллоҳ уларнинг дуоларини ижобат айлади. Аллоҳнинг изни ила душманни мағлуб этдилар. Довуд عليه السلام Жолутни ўлдирди. Аллоҳ Довудга подшоҳликни ва пайғамбарликни берди. Бундан ташқари унга дунёси учун керак бўладиган, Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодда асқотадиган қурол ясаш, темирчилик каби ишларни ҳам ўргатди.

Аллоҳ Таоло бу оятларнинг сўнгида агар жиҳод бўлиб турмаса, ернинг бузилиб кетишини, лекин Аллоҳ Ўзининг фазлу марҳамати ила одамларга пайғамбарлар юбориб турганини, улар одамларни Аллоҳнинг динига даъват қилиб, мўминлар билан биргаликда золимларнинг зулмию бузғунчиларнинг бузғунчилигига йўл қўймаслик учун кураш олиб боришларини баён қиляпти.

﴿فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ بِالْجُنُودِ﴾

(Қачонки Толут аскарлари билан (шаҳардан) чиққач). Яъни, улар билан бирга шаҳарни тарк этди ва душман билан жанг қилишга йўл олди.

﴿إِنَّ اللَّهَ مُبْتَلِيكُمْ بِنَهَرٍ﴾

(Албатта Аллоҳ сизларни бир дарё билан имтиҳон қилади). Яъни, сизларни бир дарёдан ўтаётганларингизда синаб кўради.

(فَمَنْ شَرِبَ مِنْهُ) **бас, ким ундан сув ичса**). Яъни, ким дарёдан бевосита оғзи билан сув ичса. Чунки дарёдан сув ичишнинг ҳақиқий маъноси шундай бўлади. Ҳовучлаб ичиш ҳақиқий маъно бўлмайди.

(فَإِنَّهُ مِنِّي) **у мездандир**). Яъни, менинг тобеларимдан.

(وَمَنْ لَّمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُ مِنِّي) **ким ундан ичмаса, у мездандир**). Яъни, татимаса. Азҳарий ҳикоя қилишича, ейиш бўладими, ичиш бўладими, ундан татиниш. Бу ерда мувофақа мафҳуми бор. Сувни бевосита оғиз билан татинишдан қайтариш уни оғиз билан ичишдан яна ҳам қаттиқроқ қайтарилаётганини билдиради.

(إِلَّا مَنْ أَعْرَفَ غُرْفَةَ بَيْدِهِ) **магар ким қўли билан фақат бир ҳовуч олса (жоиздир)**). Яъни, қўлида олиб, ҳовучлаб ичса. Бу истисно мунқатиъ (узилган) истиснодир. Чунки оғиз билан бевосита ичишдан ҳовучлаб ичиш истисно қилиняпти. Ҳовучлаб ичиш оғиз билан ичишнинг ичига кирмайди. Шунинг учун бу истисно мунқатиъ истиснодир. Бу гап, лекин кимки қўли билан олиб, ҳовучлаб ичса, деган маънода.

Мадиналиклар ва басраликларнинг ҳаммаси (Абу Амр, Ибн Касир ва Нофеълар) гайнни насб қилиб ўқишган. Бу ҳолатда фақат бир марта олиб ичиш маъноси англашилади.

Бошқалар эса гайнни замма билан ўқишган. Бу ҳолатда неча марта бўлишидан қатъий назар сувни қўлда олиб ичиш маъноси англашилади. Ҳар икки қироат ҳам мутавотир. Маъно эса бир. Бу икки қироат ўртасидаги муштарак муҳкам маъно сувдан фақат бир марта олиб ичиш бўлади. (Яъни, бир неча марта ичишнинг ичида бир марта ичиш ҳам бор. Шу эътибор билан у муштарак. Бир марта ичишнинг ичида эса кўп марта ичиш йўқ. Шу эътибор билан у муҳкам. Айни пайтда бу маъно ҳар икки сўзда ҳам мавжуд. Шу эътибор билан у ҳам муштарак, ҳам муҳкам).

(بَيْدِهِ) Бу ибора (غُرْفَةَ) сўзига боғланияпти ((غُرْفَةَ) сўзини қайдлаяпти). (غُرْفَةَ) сўзининг ўзи мусбат оқимида накра келяпти.

Шундай экан, у мутлақликни, умумийликни ифодалайди. (Хуллас, бу ерда мутлақ қайдланияпти). Демак, бу ердаги мустасно қўли билан сув олиб, уни бир марта ичган кимсадир. Яъни, Толутнинг тобеларидан бўлиб қоладиганлар дарёдан

сувни оғзи билан ичмасдан ўтиб кетадиганлар ёки фақат қўли билан сув олиб бир мартагина ичиб, ўтиб кетадиганлардир.

﴿الَّذِينَ يَطْمَئِنُّونَ أَنَّهُمْ مُلْقُوا لِلَّهِ﴾ **Аллоҳга рўбарў бўлишларига**

**ишонадиган зотлар**). Яъни, Аллоҳ билан учрашишларига аниқ ишонадиганлар. Бундай кишилар дунёдан кўра кўпроқ охиратга интиладилар. Парвардигорлари билан бўладиган учрашув уларнинг ақлларини ҳам, қулоқларини ҳам, кўзларини ҳам эгаллаб олади.

Бу ерда (ظَنَ) сўзи аниқ ишонч маъносиди келяпти. Бунга қарина Аллоҳ Таолонинг

﴿كَم مِّن فَعَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فَعَّةً كَثِيرَةً بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

**(Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир)** деган гапидир. Яъни, улар Аллоҳ билан учрашишларига шубҳа қилмайдилар. Мана шу бу ердаги (ظَنَ) сўзи аниқ ишонч маъносиди келаётганига қаринадир.

(جَالُوتَ) мўъраб ажам сўз. Толут сўзи хусусиди айтилган гаплар бу сўзга ҳам тўғри келади.

(الْحَكَمَةَ) пайғамбарлик. Аллоҳ Таоло Довуд عليه السلامни Бану Исроил устидан ҳам пайғамбар ва ҳам подшоҳ қилди. Аслида подшоҳлик пайғамбарликдан алоҳида бўларди. Буни олдинги оятларда айтилган пайғамбарларига, бизга бир подшоҳ юбор, деган гапнинг шарҳида айтиб ўтдик.

﴿وَلَوْلَا دَفَعُ اللَّهُ النَّاسَ بَعْضَهُم بِبَعْضٍ﴾

**(Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан).** Яъни, агар ёмонларнинг ёмонлигини, бузғунчиларнинг бузғунчилигини тийиб қўйиш учун Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш фарз қилинмаганида.



﴿تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَنْتَلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

– „252. (Эй Муҳаммад) булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз шак-шубҳасиз пайғамбарлардандирсиз“. [2:252]

Оятнинг якунида Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺга нозил қилинган ҳукмлар ва оятлар у кишининг пайғамбарлигига далолат қилувчи белги-аломатлар эканини баён қиляпти.

Қуръоннинг тилию услубида, келтирган ғайб хабарларининг тўғрилигида, Аллоҳдан бўлган ваҳисиз уни одам боласи айтолмаслигида мўъжиза экани хусусида, имоннинг ақлу табиатга мослиги хусусида, қуръоний хабарлару ҳукмлар ўртасидаги мутаносиблик, қарама-қаршилиқнинг йўқлиги хусусида тадаббур қилишнинг ўзи Пайғамбар ﷺнинг ҳақлигини, бандаларни зулматлардан нурга олиб чиқиш учун юборилган пайғамбарлардан бири эканини кўрсатиб турибди.

﴿وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

**(Ва Сиз шак-шубҳасиз пайғамбарлардирсиз).**

Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз улар айтаётган сифатлардан (яъни, ҳар қандай айбу нуқсондан) покдир. Барча пайғамбарларга (Аллоҳ томонидан) салом бўлгай! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳ учундир!



(Тафсир усулини қулайлаштириш китоби.  
Бақара сураси).  
Аллоҳ Таолонинг

﴿وَاذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَّعْدُودَاتٍ﴾

деган гапидан (Бақара 203) бошланиб

﴿تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَتْلُوهَا عَلَيْكَ﴾

деган гапига (Бақара 252) келиб тугаган иккинчи пора тўртинчи қисм тафсири ниҳоясига етди.

Уни ёзишдан 1417 ҳижрийнинг йигирма биринчи сафари 1996 милодийнинг еттинчи июлида кун ботган пайтида бўшадим.

Энди учинчи пора бешинчи қисм тафсирига киришаман.

У Аллоҳ Таолонинг

﴿تِلْكَ آيَاتُ الرُّسُلِ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ﴾

деган гапидан (Бақара 253) бошланиб,

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾


деган гапида (Бақара 286) ниҳояланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

# Ат-Тайсир фи усулит тафсир

Учинчи пора, бешинчи қисм  
Бақара сурасидан

1417 ҳижрийнинг 7 рабиул-аввалида 1996  
милодийнинг 23 июлида сешанба кечасида бошланди  
253 оятдан 286 оятгача



## Учинчи пора, бешинчи қисм, биринчи чорак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ  
 ﴿۱﴾ تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ اللّٰهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ  
 دَرَجَاتٍ ۗ وَآتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيِّنَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللّٰهُ مَا  
 أَقْتَتَلَ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ اٰخْتَلَفُوا فَمِنْهُمْ مَنْ  
 ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللّٰهُ مَا أَقْتَتَلُوا وَلٰكِن اللّٰهُ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴿۲﴾ يٰٓأَيُّهَا  
 الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمْ يَوْمٌ لَّا بَيْعُ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا  
 شَفَعَةٌ ۗ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿۳﴾ اللّٰهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُ  
 سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ ۗ لَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا  
 بِإِذْنِهِ ۗ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۗ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا  
 شَاءَ ۗ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمٰوٰتِ وَالْأَرْضَ ۗ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا ۗ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ  
 ﴿۴﴾ لَّا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ ۗ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ ۗ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّغُوتِ وَيُؤْمِرْ  
 بِاللّٰهِ فَقَدْ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَّا انفصامَ لَهَا ۗ وَاللّٰهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿۵﴾ اللّٰهُ وَلِيُّ  
 الَّذِينَ ءَامَنُوا يُخْرِجُهُمْ مِنَ الظُّلُمٰتِ إِلَى النُّورِ ۗ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَوْلِيَآؤُهُمُ  
 الطَّغُوتُ يُخْرِجُونَهُمْ مِنَ النُّورِ إِلَى الظُّلُمٰتِ ۗ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ ۗ هُمْ فِيهَا  
 خٰلِدُونَ ﴿۶﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِي حٰجَّ إِبْرٰهِيْمَ فِي رِيْبَةٍ أَن ءَاتَهُ اللّٰهُ الْمُلْكَ ۗ إِذْ  
 قَالَ إِبْرٰهِيْمُ رَبِّي الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أُحْيِي وَأُمِيتُ ۗ قَالَ إِبْرٰهِيْمُ فَإِنَّ  
 اللّٰهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ ۗ وَاللّٰهُ لَا  
 يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿۷﴾ أَوْ كَالَّذِي مَرَّ عَلَىٰ قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا قَالَ

أَنَّى يُحْيِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ ۖ قَالَ كَمْ لَبِثْتَ ۖ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ ۖ قَالَ بَلْ لَبِثْتَ مِائَةَ عَامٍ فَانظُرْ إِلَى طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ يَتَسَنَّهْ ۖ وَانظُرْ إِلَى حِمَارِكَ وَلِنَجْعَلَكَ آيَةً لِلنَّاسِ ۖ وَانظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكْسُوهَا لَحْمًا ۖ فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ ۖ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٥٤﴾ وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ أَرِنِي كَيْفَ تُحْيِي الْمَوْتَىٰ ۖ قَالَ أُولَٰئِكَ تُؤْمِنُ ۖ قَالَ بَلَىٰ وَلَٰكِن لِّيَطْمَئِنَّ قُلُوبِي ۖ قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ الطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ أَجْعَلْ عَلَىٰ كُلِّ جَبَلٍ مِّنْهُنَّ جُزْءًا ثُمَّ ادْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا ۖ وَاعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٥٥﴾ مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أُنْبِتَتْ سَبْعَ سَاوِلٍ فِي كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةُ حَبَّةٍ ۗ وَاللَّهُ يُضْعِفُ لِمَن يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ وَسِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥٦﴾ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يَتَّبِعُونَ مَآ أَنفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذَىٰ ۖ هُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٥٧﴾

- „253. Ўша пайгамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юсак даражаларга қўтарди. Ийсо бинни Марямга хужжатлар бердик ва уни Рухул-қудс (Жаброил) билан қувватлантирдик. Агар Аллоҳ хоҳлаганда у пайгамбарлардан кейин ўтган одамлар хужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам. Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади. 254. Эй мўминлар, на олди-сотди, на ошна-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган кун келишидан илгари ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эхсон қилинглар! Кофир бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир. 255. Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурини ҳеч ким (бировни) Унинг

изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг ариши-курсиси осмонлар ва ердан кенгдир. Ва уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриши қийнамайди. У энг юксак ва буюкдир. 256. Динга зўрлаб (киритиши) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 257. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар. 258. Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг (Намруднинг) ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Аллоҳ куёшни Маширқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди. 259. Ёки бир зот (Узайр пайгамбар) ҳақидаги масални (билмадингизмики), у зот томлари йиқилиб хувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: «Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирар экан-а?» деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?» «Бир кун ё ярим кун», деди у. Аллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара — бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин. (Бу ҳодисани Аллоҳнинг қудратини кўрсатиши) ва сени одамлар учун оят — ибрат қилиши учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин. Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди. 260. Эсланг (эй Мухаммад), Иброҳим: «Парвардигор, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсат», деганида, Аллоҳ: «Ишонмайсанми?» — деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонаманку, лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун». Аллоҳ айтди: «Тўртта кушни олиб, ўзингга бургин (ва уларни бош, оёқ, қанот ва патларини тортиб, узиб, сўнгра бир-бирларига аралаштириб), кейин (атрофдаги тоғлардан) ҳар бир

тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, дарҳол келадилар. Билгилки, Аллоҳ шубҳасиз қудратли ва ҳикматлидир». 261. Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эхсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир. 262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуг ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. [2:253-262]

### Тафсир:

﴿ تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُمْ مَّنْ كَلَّمَ اللَّهُ ۖ وَرَفَعَ بَعْضُهُمْ دَرَجَاتٍ ۗ وَآتَيْنَا عِيسَىٰ ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيِّنَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْنَا الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ اٰخْتَلَفُوا فَمِنْهُمْ مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَّنْ كَفَرَ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْتُمْ وَلَكِنْ اللَّهُ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴿٢٥٣﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِّنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعَ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفِيعَةٌ ۗ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٥٤﴾ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ ۗ لَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ مَن ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ ۗ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۗ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ ۗ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمٰوٰتِ وَالْأَرْضَ ۗ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا ۗ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ ﴿٢٥٥﴾ لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ ۗ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ ۗ فَمَن يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمَرْ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥٦﴾ اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ ءَامَنُوا يُخْرِجُهُمْ مِنَ الظُّلُمٰتِ إِلَى النُّورِ ۗ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَوْلِيَاؤُهُمُ

الطَّغُوتُ يُخْرِجُونَهُمْ مِنَ النُّورِ إِلَى الظُّلُمَاتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا  
خَالِدُونَ ﴿٢٥٣﴾

– „253. Ўша пайгамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди. Ийсо бинни Марямга хужжатлар бердик ва уни Рухул-қудс (Жаброил) билан қувватлантирдик. Агар Аллоҳ хоҳлаганда у пайгамбарлардан кейин ўтган одамлар хужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам. Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади. 254. Эй мўминлар, на олди-сотди, на ошина-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган кун келишидан илгари ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эхсон қилинглар! Кофир бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир. 255. Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг ариши-курсиси осмонлар ва ердан кенгдир. Ва уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир. 256. Динга зўрлаб (киритиши) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 257. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар“.

[2:253-257]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:**

Аллоҳ Таоло ўтган

﴿تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾

– „(Эй Муҳаммад) булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз шак-шубҳасиз пайғамбарлардандирсиз“.

[2:252]

деган оятда Ўзи нозил қилган оятлар ва ҳукмлар Пайғамбар ﷺнинг ҳақлигига, у кишининг пайғамбарлигига далолат қилиши ҳақида гапирган бўлса,

﴿تِلْكَ أَلْسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ﴾

(Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик), деган бу оятда Аллоҳнинг пайғамбарлари уларнинг ҳақлигига далолат қилувчи оятларнинг нозил қилиниши, нозил қилинган шариатларнинг хилма-хиллиги эътибори билан айримлари айримларидан афзал бўлиши ҳақида гапиряпти. Улардан айримлари билан Аллоҳнинг Ўзи сўзлашган, айримларига ваҳи юборган, айримларини фақат ўз қавмига юборган бўлса, яна бошқасини ҳамма одамларга юборган. Бирининг пайғамбарлигига аломат-белги сеҳргарларнинг сеҳри бекор қилиниши бўлса, яна бирига касалнинг шифо топиши, яна бошқасига эса ҳаммани ожиз қолдирган Қуръон бўлди.

Шунингдек Аллоҳ Таоло Ўзининг бандалар устидан Ғолиб эканини, Ўзининг мулкида бирон бир ҳодиса У Зотнинг иродасисиз бўлмаслигини баён қиляпти.

Пайғамбарларининг ҳақлигига далолат қилгувчи аломат-белгиларни кўрганларидан кейин ҳам уларга қарши чиққан, пайғамбарлардан кейин бир-бири билан урушган кимсалар бу ишларини Аллоҳнинг иродасига қарши тарзда қилмаганлар. Улар бу ишларини ўз ихтиёрлари билан қилганлар ва айни пайтда улар Яратувчининг иродасига қарши тарзда амалга ошмаган. Зеро, агар Аллоҳ истаганида уларни ҳидоят топган қилиб яратарди, улар ҳеч қачон пайғамбарларига қарши бормасдилар. Лекин Аллоҳнинг ҳикмати пайғамбарлар орқали одамларга яхшилик нимаю ёмонлик нималигини баён қилиб, кейин уларни ўз ихтиёрларига ташлаб қўйишни тақозо этди. Истасалар, яхшиликни танласинлар ва Аллоҳдан савоблар олсинлар. Истасалар, ёмонликни танласинлар ва Аллоҳнинг жазосини, азобини олсинлар. Модомики, улар ўз ихтиёрлари билан иш қилаётган эканлар, қилган ишларидан масъул бўладилар.

Шу ерда икки ишни қайтадан шарҳлаб ўтишимиз зарур. Уларни юқорида шу тафсир китобимизда айтиб ўтгандик. Лекин улар эътиборли бўлгани туфайли яна бир бор такрорлаб ўтамиз.

а) Банда бирор ишни Аллоҳнинг иродасига қарши ўлароқ ёки Аллоҳни мажбурлаб қила олмайди. Банданинг ишлари Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан бўлади, деган гапнинг маъноси мана шу. Яъни, банда Аллоҳни мажбурлаб бир иш қила олмайди, дегани у ҳамма ишни Аллоҳнинг розилиги билан қилади, дегани эмас. Масалан, фалончи Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан ўғирлик қилибди, дегани Аллоҳни мажбурлаб ўғирлик қилибди, дегани ҳам эмас, айни пайтда Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан қилибди, дегани ҳам эмас. Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси, деган иборанинг шаръий маъноси бор. Яъни, бу ибора Аллоҳнинг мулкида бирор иш Аллоҳ мажбур бўлиб қолгани ҳолда юз бермайди, аксинча, ҳамма иш Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан юз беради, деган маънони англатади. Унинг луғавий маъносига келсак, ирода қилди ёки хоҳлади, дегани рози бўлди, дегани эмас.

б) Банда ўзининг барча ихтиёрий ишларига жавобгардир. Яхши бўлса, мукофотини олади, ёмон бўлса жазосини олади.

﴿كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِيْنَةٌ﴾

– „*Ҳар бир жсон ўзи (ҳаёти-дунёда) касб қилган амали сабабли (дўзахда) ушлангувчидир*“.

[74:38]

﴿لَيْسَ بِأَمَانِيكُمْ وَلَا أَمَانِي أَهْلِ الْكِتَابِ ۗ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ وَلَا يَجِدْ لَهُ

مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ۗ وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ

وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا﴾

– „*Сизларнинг хомхаёлларингиз ҳам, аҳли китобнинг хомхаёллари ҳам ҳақ эмас — кимки ёмон амал қилса, жазосини олур ва ўзи учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, ана ўша кишилар жаннатга кирурлар ва уларга заррача зулм қилинмас*“.

[4:123-124]

Шундай қилиб, пайғамбарларнинг пайғамбарлигини тасдиқловчи оят-аломатлар келганидан кейин ҳам мўмин ва кофирга ажралиб кетганлар имон ёки куфрни танлаганларига жавобгардирлар ва қилмишларига яраша жазо ёки мукофот оладилар. Имон аҳли жаннатга киради, куфр аҳли эса дўзахга.

Лекин уларнинг имон ёки куфрни танлашлари Аллоҳнинг иродасига қарши борилган ҳолда ёки Аллоҳни мажбурлаган ҳолда юз бермайди. Негаки, агар Аллоҳ истаса, уларни бундай

хилма-хилликдан қайтариб, ҳаммасини ҳидоят устидаги битта уммат қилиб қўйган бўларди.

Лекин Аллоҳнинг ҳикмати бундан бошқа нарсани тақозо этди. Аллоҳ олдин одамларга пайғамбарларни юбориб, улар орқали оятларни баён қилиб, уларга қарши ҳужжатни тайёрлаб қўйди, ундан кейин куфр ёки имонни танлашни уларнинг ўз ихтиёрларига қўйиб берди ва уларга танловларига қараб савоб ёки жазо беради. Аллоҳ Ўзи истаган ишни қилади.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَتَلُوا وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ﴾

(Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади).

(*Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик*) яъни, бир неча ишларда уларни бир-бирларидан бошқача қилдик. Масалан, Мусо عليه السلام билан Аллоҳнинг Ўзи гаплашди.

﴿وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا﴾

– „Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди“. [4:164]  
Муҳаммад عليه السلامга ваҳини Жаброил عليه السلام олиб келди.

﴿قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِجِبْرِيْلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَيَّ قَلْبًا بِإِذْنِ اللَّهِ﴾

– „Айтинг (эй Муҳаммад): «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душмандир). Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга Қуръонни нозил қилди“.[2:97]

Олдинги пайғамбарлар фақат ўз қавмларига юборилган бўлсалар, Муҳаммад عليه السلام ҳамма одамларга юборилдилар.

﴿أَعْطَيْتُ خَمْسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ مِنْ قَبْلِي: كَانَ كُلُّ نَبِيٍّ يُرْسَلُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَبُعِثْتُ إِلَى كُلِّ أَحْمَرَ وَأَوْسَدَ، وَجَعَلْتُ لِي الْأَرْضَ مَسْجِدًا وَ طَهُورًا، وَأَعْطَيْتُ الشَّفَاعَةَ، وَنَصَرْتُ بِالرُّعْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ، وَأَحِلَّتْ لِي الْغَنَائِمُ وَلَمْ تُحَلْ لِأَحَدٍ مِنْ قَبْلِي﴾

«Мендан олдин ҳеч кимга берилмаган беш нарса менга берилди. Ҳар бир пайғамбар ўзининг қавмигагина юборилар эди. Мен қизил танлигу қора танликка, ҳаммага юборилдим. Менга ер саждагоҳ ва пок қилиб берилди. Менга шафоат (қилиш ҳуқуқи) берилди. Бир ойлик масофадан туриб, (душманнинг ичига) қўрқув тушиши билан нусратландим, мададландим. Менга ўлжалар ҳалол

**қилинди. Мендан олдин ҳеч кимга** (ҳеч бир пайғамбарга) **ҳалол қилинмаганди».**<sup>52</sup>

﴿تِلْكَ أَلْرُّسُلُ فَضَلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ﴾

**(Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик),** ояти

﴿لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ﴾

– „Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз“.

[2:285]

оятига ҳам

﴿لَا تَفْضَلُوا بَيْنَ أَنْبِيَاءِ اللَّهِ﴾

**«Аллоҳнинг пайғамбарларини ажратманглар** (бирини иккинчисидан ортиқ кўрманглар)»,<sup>53</sup> деган ҳадисга ҳам зид эмас.

Негаки, луғатда фазл нуқсоннинг антоними, зидди. Ким кимдан қайси бир ишда ортиқ бўлса, афзал ҳисобланаверади. Масалан, ризқ борасида.

﴿وَاللَّهُ فَضَّلَ بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ فِي الرِّزْقِ﴾

– „Аллоҳ айримларингиздан айримларингизни ризқда устун қилиб қўйди“.

[16:71]

Демак, афзаллик қандайдир бир ишдаги ортиқликдир. Бошқа ишда эса бошқаси афзал бўлиши ҳам мумкин.

Пайғамбарлар пайғамбарликлари жиҳатидан бир-бирларидан ортиқ-кам эмаслар.

﴿لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ﴾

– „Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз“.

[2:285]

деган оят ва

﴿لَا تَفْضَلُوا بَيْنَ أَنْبِيَاءِ اللَّهِ﴾

**«Аллоҳнинг пайғамбарларини ажратманглар** (бирини иккинчисидан ортиқ кўрманглар)» деган ҳадис мана шу маънода. Лекин улардан бирини Аллоҳ Таоло қайсидир бир ишда ортиқ қилди. Бошқасини бошқа ишда ортиқ қилди.

(52) Бухорий: 323. Муслим: 810.

(53) Бухорий: 3162. Муслим: 4376.

﴿تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ﴾

(Ўша пайгамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик).

﴿وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ النَّبِيِّنَ عَلَى بَعْضٍ وَءَاتَيْنَا دَاوُدَ زُبُورًا﴾

(Ҳақиқатан, Биз айрим пайгамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик), Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисда ҳам шу маъно ифодаланган.

– (كَلَّمَ اللَّهُ) уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор) яъни, Мусо ﷺ

– (وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَاتٍ) ва (уларнинг) айримларини (Аллоҳ) юксак даражаларга кўтарди). Ибн Аббос айтишича, у Муҳаммад ﷺдир.

– (وَءَاتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْكِتَابَ) Ийсо бинни Марямга ҳужжатлар бердик) яъни, ўликни тирилтириш, пес ва моховни даволаш, Аллоҳнинг изни ила лойдан қуш яратиш.

(وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ) ва уни Рухул-қудс (Жаброил) билан қувватлантирдик) яъни, уни Жаброил ﷺ билан қувватладик.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْنَا الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ أَخْتَلَفُوا فَهُمْ مِنْ ءَامِنٍ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ﴾

(Агар Аллоҳ хоҳлаганда у пайгамбарлардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам) яъни, уларнинг уруш қилишлари Аллоҳнинг иродасига қарши чиқа олганларидан ёки Аллоҳни мажбур қила олганларидан бўлмади. Зеро, Аллоҳ уларни уруш қилишдан қайтаришга қодир. Лекин Аллоҳ уларнинг ўз ихтиёрлари билан иш қилишларига қўйиб берди. Бас, улар ихтилоф қилишиб уришишди. Кимдир имон келтирди, кимдир кофир бўлди.

﴿وَلَكِنْ أَخْتَلَفُوا﴾

(Аммо улар ихтилоф қилдилар) иборасининг ишлатилиши мана шу ихтилофлари уларнинг уришишларига сабаб бўлганини кўрсатади.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلُوا﴾

(Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар) олдинги оятда айтилган Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг иродасисиз ҳеч иш бўлмаслигини таъкидлаяпти.

Бу таъкид шунчаки такрорнинг ўзи эмас. Унда арабларнинг гапириш услубларига мувофиқлик бор. Фасиҳ араб тилида бир иш айтилиб, унинг ортидан бошқа бир иш айтилиши зарурати туғилиб қолса ва айтилса, шундан кейин яна ўша биринчи ишга ўтилмоқчи бўлинса, у яна бир марта такрорланади. Хуллас, гапнинг узилиб қолган жойи билан улаш учун биринчи гапнинг ўзи ёки унинг қабилидаги бошқа бир гап такроран айтилади.

Бу Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ўхшайди:

﴿مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا﴾

– „**Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин** (яна қайтиб) **кофир бўлса** (Аллоҳнинг газабига дучор бўлур). **Лекин ким қалби имон билан ором олгани ҳолда** (куфр калимасини айтишга) **мажбур қилинса**, (унинг имонига зиён етмас). **Аммо кимнинг кўнгли куфр билан** (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиши билан) **ёзиладиган бўлса**“.

[16:106]

Гапнинг бошланиши имон келтирганидан кейин яна кофир бўлган кимса устида боряпти. Кейин мажбурланиш ҳолати айтиляпти. Ундан кейин эса оят бошланишдаги гапни охирига етказяпти.

﴿وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا﴾

– „**Аммо кимнинг кўнгли куфр билан** (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиши билан) **ёзиладиган бўлса**“.

[16:106]

Бу оятда ҳам худди шундай бўляпти. Аллоҳ Таоло олдин бажарилишнинг Ўз иродасига боғлиқлигини айтяпти.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلَتِ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ﴾

(Агар Аллоҳ хоҳлаганда у пайгамбарлардан кейин ўтган одамлар уришишмаган бўлардилар) кейин уларнинг ихтилоф қилганларига ўтяпти. Ундан кейин эса яна бошдаги гапга қайтяпти.

﴿وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا اقْتَتَلُوا﴾

(Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар) бу араб тилининг энг етук, фасиҳ услубидир.

(وَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُن فَيَكُونُ) ҳар қандай нуқсондан пок Аллоҳни ҳеч нарса ожиз қолдира олмайди, Унинг ҳукмини рад қилувчи йўқ.

﴿وَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُن فَيَكُونُ﴾

– „Бирор ишни ҳукм қилса унга фақатгина «Бўл» дейди, холос. Бас, у иш бўлади“.

[2:117]

2. Аллоҳ Таоло ўтган оятда умматларнинг аҳволини, ихтилоф қилганларини, мўмин кофирга ажралганларини баён қилганидан кейин кейинги оятларда мўминлар ва кофирларга тегишли айрим ишларни айтиб ўтганти. Имон келтирган зотлар закотни охиратларини обод қилиш учун берадилар. Зеро, охиратда орттирган моллари ҳам, дўстлари ҳам асқотмайди. У пайтда фақат қилган яхши амалларигина асқотади. Фақат Аллоҳ изн берганларигина шафоат қила оладилар ва шу билан нажот топгувчилар сафидан жой оладилар.

Кофирлар эса ишни ва нарсани ўз ўрнига қўймаган, ўз ўрнида ишлатмаган золимлардир. Улар ўзларини яратган Зотга куфр келтирдилар. Шайтоннинг қадамларига эргашдилар. (Шайтоннинг изидан эргашдилар). Натижада қилган ёмон ишлари уларни ҳалокатга олиб борди.

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ﴾

(Эй мўминлар, ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эҳсон қилинглар!). Бу мўминларга қаратилган хитоб. Унда инфоқ қилиш талаб қилиняпти.

﴿مَنْ قَبِلَ أَن يَأْتِيَ يَوْمَ لَا بَيْعَ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَعَةٌ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

(На олди-сотди, на ошина-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиған кун келишидан илгари. Кофир бўлған кимсаларигина зулм қилгувчилардир) қаттиқ вайд. Бу талабнинг қатъийлигига қаринадир.

Яъни, бу муборак оятда талаб қилинаётган инфоқ фарзидир. У закотдир. Ундан мақсад нафл садақа эмас.

﴿لَا بَيْعَ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَعَةٌ﴾

*(на олди-сотди, на ошна-огайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган)* бу ердаги (ﻻ) сўзи лайса сўзининг ишини қилади.

Бу ҳолатда умумий нафий бўлиши ҳам, умумий бўлмаган нафий бўлиши ҳам мумкин. Демак, у муташобих. Лекин у фатҳага мабний қилиниб ҳам ўқилган. Бу ҳолатда у фақат умумий нафийнигина ифодалайди. Бу жиҳатдан у муҳкамдир.

Ҳар икки қироат ҳам мутавотир, маъно эса бир. Муҳкам муташобихни босиб кетади, деган қоидага кўра, бу ердаги нафий умумий бўлади, яъни, у кунда ҳеч қандай савдо ҳам, дўст ҳам, шафоат ҳам фойда бермайди.

Бу ердаги нафийнинг умумийлигини дўст ва шафоатни хослаб келгани ҳам таъкидлайди. Қайсидир бир сўз хосланиб келибдими, демак, у олдин ом, умумий бўлган. Дўстлар сўзи Аллоҳ Таолонинг

﴿الْأَخْلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ﴾

– „У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Аллоҳ йўлида дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстдирлар)“. [43:67] деган гапида хосланяпти. Шафоат эса Аллоҳ Таолонинг

﴿يَوْمَئِذٍ لَا تَنْفَعُ الشَّفَاعَةُ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَرَضِيَ لَهُ قَوْلًا﴾

– „У Кунда оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У зот рози бўлган кишигагина (фойда берур)“. [20:109] деган гапи ва

﴿أُعْطِيَتِ الشَّفَاعَةُ﴾

«**Менга шафоат** (қилиш ҳуқуқи) **берилди**»,<sup>54</sup> деган ҳадис билан хосланяпти.

У кунда фақат тақводорларгина дўстлик қила оладилар. У кунда фақат меҳрибон Зот изн берган кимсагина ва Пайғамбар ﷺ гина шафоат қила олур.

(خلة) сўзи чин дўстликни англатади. Аралашшиш маъносининг дўстликка дахли борлиги шундаки, дўстлар орасида сирлар аралашиб юради.

﴿وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

*(Кофир бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир)* яъни, кофирлар ишларни, нарсаларни ўз ўрнига қўймайдилар, ўз ўрнида ишлатмайдилар, Яратувчига куфр келтирадилар,

<sup>(54)</sup> Бухорий: 313. Муслим: 810.

махлуқларга қуллуқ қиладилар, Аллоҳга ширк келтирадилар, Холиқнинг шариати ўрнига махлуқнинг шариатини қўядилар. Шу ишлари билан улар золимлардир.

3. Шундан кейин Аллоҳ Таоло буюк оятни зикр қияпти. Унда Аллоҳнинг улуғ, олий сифатлари баён қилинган. Ёлғиз Аллоҳгина ибодат қилинишга ҳақли бўлган маъбуддир. У Зот махлуқларнинг ишларини бошқариб турадиган, ҳеч қачон ухламайдиган, мудрамайидган, мудом тирик, қоим, абадий тургувчи Зотдир. Осмонлару ер ҳамда улар ичидаги ва орасидаги нарсаларнинг эгасидир. У Зот шу қадар буюк, шу қадар улуғ Зотдирки, Унинг ҳузурида Унинг изнисиз ҳеч ким ҳеч кимни шафоат қила олмас. У Зот Ўзининг ҳамма махлуқотларини биладиган, бўлиб ўтгану энди бўладиган ҳамма нарсадан хабардор Зотдир. Аллоҳнинг илмидан (ниманидир) билиш, ўрганиш Аллоҳнинг изнисиз бўлмайди, амалга ошмайди. У Зот ҳамма-ҳамма нарсани қамраб олган зотдирки, осмонлару ерни, улар ичидагию орасидаги нарсаларни бошқариш У Зот учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ўз мулки ва салтанатида олийдир. Ўз иззати ва буюклигида улуғдир. Ўзининг буюклигига, олийлигига, улуғлигига ярашмайдиган ҳар қандай нуқсондан покдир.

Бу оят Қуръондаги энг буюк оятдир. Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Абу Зар йўлидан мана бу ҳадисни чиқарган: Мен Пайгамбар ﷺ дан, эй Аллоҳнинг пайгамбари, сизга нозил қилинган энг буюк оят қайси оят, деб сўраган эдим, у киши, **оятул-курсидир, Аллоҳу ла илаҳа илла хувал ҳайюл қойюм оятидир**, деб жавоб бердилар. Бу ҳадисни Убай йўлидан ҳам, Абу Умома رضي الله عنه йўлидан ҳам чиқарган. Шунга ўхшаш ҳадисни Дорамий ўзининг «Сунан»ида чиқарган.

Бу гап билан оятларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг каломи эканлигида ҳеч қандай зиддият йўқ. Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Шу эътибор билан ундаги ҳамма оятлар ҳам бир хил улуғ. Лекин Аллоҳ Таоло Ўзи билган бир ҳикмат туфайли айрим оятларининг ажрини айримлариникидан каттароқ қилишни хоҳлаган.

Пайгамбар ﷺ дан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда у киши Абу Саид ибн Муаллога:

«لَأَعْلَمَنَّكَ أَكْبَرُ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ قَبْلَ أَنْ تَخْرُجَ مِنَ الْمَسْجِدِ»

«**Сенга шу масжиддан чиқишингдан олдин Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатаман**» дедилар, кейин

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

сурасини айтдилар.<sup>55</sup>

Юқоридаги ҳадисда айтиб ўтилганидек оятул-курсий Қуръондаги энг буюк оятдир.

Бунинг маъноси ажри, савоби улуғроқдир, деганидир. Бу гап билан Қуръондаги ҳамма оятлар Аллоҳнинг каломидир, деган гап ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ.

Бу оят Аллоҳнинг каломи бўлганлиги жиҳатидан бошқа оятлар билан бир хил. Лекин унинг Аллоҳ хоҳлаганичалик афзаллиги бор. Бу икки ҳолат ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ.

Бу муборак оят ўтган оятдаги

﴿وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

деган гапнинг сўнггида келяпти. Бу гапда кофирларни сўкиш, уларнинг Аллоҳнинг махлуқотларини

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ﴾

**(Ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг (Аллоҳнинг) ўзи бордир. У тирик ва абадий турғувчидир)** бўлган буюк Яратувчи ўрнига қўйиш билан нақадар тубан залолатга кетганларини кўрсатиш бор. Қандай қилиб, улар Аллоҳга куфр келтирган эканлар! Қандай қилиб, Аллоҳнинг махлуқотларига ибодат қилар эканлар! Қандай қилиб, Аллоҳга У Зотнинг махлуқотларини тенглаштирар эканлар! Ва шу билан ишларни, нарсаларни ўз ўрнига қўймасдан золимларга айланар эканлар!

Ягона Аллоҳгини ибодат қилинишга ҳақлидир. У Зот улуҳиятда ягонадир. Кофирлар золимлардир.

﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

**(Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир)** яъни, ёлғиз Аллоҳгина ибодат қилинишга ҳақлидир.

(اللَّهُ) мубтадо, (لَا إِلَهَ) эса иккинчи мубтадо. Унинг хабари ҳазф қилинган. У (معبود) ёки (موجود) сўзлари бўлиши мумкин. (لَا) нафийга айлантирувчи ҳарф. Феълга ўхшаш ҳарфлар ишини қилади. (إِلَهَ) эса (لَا)нинг исми, фатҳага мабний, хабари ҳазф қилинган. Ҳазф қилинган хабар мавжудун ёки маъбудун раф

<sup>(55)</sup> Бухорий: 4280, 4334.

ҳолатда. Араблар нафийга айлантирувчи (يَ) билан унинг исми ўрнига мубтадони қўядилар. Бундай пайтда (يَ)нинг ҳазф қилинган хабари мубтадонинг ҳам хабари бўлади. (هُوَ) маҳаллан раф, (لَا إِلَهَ)дан бадал. Мубтадонинг биринчи хабари (لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ)дир. Бу ерда (يَ) ҳарфи истисно бўлиб, (يَ)ни ишдан чиқаради. ((يَ)нинг феълга ўхшаш ҳарфлардек ишлашини бекор қилади).

(يَ)нинг (هُوَ)нинг икки сифати. *У тирик ва абадий турғувчидир* (يَ)нинг икки сифати.

(يَ) *тирик* ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган доимий барҳаёт. Аслида сўзнинг охирида ё ва вов ҳарфлари бўлган. Сарф қонунларига кўра вов ёга қалб қилиниб, алмаштирилиб, икки ё бир-бирига идғом қилинган. Шунинг учун ҳаёт сўзи ҳам ё билан айтилади, ёзилади. Ҳайвон сўзи ҳам бу сўзнинг асли шундай бўлганлигини қўллайди.

(يَ) *абадий турғувчи* қиём сўзидан олинган муболага сийғаси. Аслида қойюм сўзи (فِعْوَل) вазнида. Вов билан ё бир жойда келгани учун вов ёга қалб қилинган ва иккиси идғом қилинган. Бу сўз яратилмишларнинг ишларини юритиш, идора қилиш маъносини англатади.

(يَ) *Уни на мудроқ, на уйқу олмайди* бу сўз уйқудан олдин бўладиган мудраш маъносини англатади. У уйқу эмас. Оят нафийнинг умумийлигини ифодалаяпти. Яъни, Аллоҳ Таолода уйқу ҳам, уйқуга олиб борадиган ёки олиб бормайдиган мудраш ҳам йўқ.

(يَ) сўзи аслида (وَسَنَة) бўлиб, вов ҳазф қилинган. Шунинг учун унинг тасниясини (وَسَنَان) ҳам дейилади.

(يَ)нинг такрорланиб келиши нафийнинг ҳар иккисига тегишли эканини ифодалайди. Яъни, бу икки сифат биргаликда бўладими, алоҳида-алоҳида бўладими, Аллоҳда йўқ. Агар ла такрорланмасдан келганида бу икки сифатнинг алоҳида-алоҳида ҳолати нафий қилинмаган бўларди, фақат биргаликдаги ҳолатигина нафий қилинган бўлиб қоларди. Яъни, У Зотни бир

вақтнинг ўзида ҳам мудраш ва ҳам уйқу олмайди, деган маъно чиқиб қоларди. Аммо ояти карима

﴿لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ﴾

(*Уни на мудроқ, на уйқу олмайди*) бўлиб келяпти ва шу билан нафий мудраш ва уйқунинг алоҳида-алоҳида ҳолатига ҳам, биргаликдаги ҳолатига ҳам бир хил тегишли бўляпти. Демак, Аллоҳ Таоло уйқуга олиб борадиган мудрашдан ҳам, уйқуга олиб бормайдиган мудрашдан ҳам, уйқунинг ўзидан ҳам покдир.

*самовот ва ердаги бор нарсалар* مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

*Унингдир*) яъни, Аллоҳ Таоло ҳамма нарсанинг, осмонлару ернинг ҳам, улар ичидаги нарсаларнинг ҳам, улар орасидаги нарсаларнинг ҳам эгасидир. Унингдир дегани, Унинг мулкидир, деганидир.

Бу ердаги (ما) сўзи Аллоҳ Таоло осмонлару улардаги нарсаларнинг ва ернинг эгасимикин ёки осмонлару улардаги нарсаларнинг ҳамда еру ундаги нарсаларнинг эгасимикин, деган англашилмовчиликни бартараф этиш учун такрорланяпти. Агар бу сўз такрорланмаганида Аллоҳ Таоло осмонлару улардаги нарсаларнинг ва ернинг Эгасидир, деган маъно чиқиб қолган бўларди. Унинг такрорланиши билан Аллоҳ Таолонинг осмонлару ернинг ҳамда осмонлару ердаги нарсаларнинг Эгаси экани англашиляпти.

Оят Аллоҳ Таоло осмонлару ернинг ҳамда улардаги нарсалару кимсаларнинг эгасидир, деган маънони англатади, дедик. Ҳолбуки, бу ердаги (ما) сўзи фақат ақлсиз нарсаларга нисбатангина қўлланади. Бундай дейишимизнинг икки сабаби бор:

Биринчидан, борлиқдаги ақлсиз нарсаларни ақлли нарсалардан устун қўйиш орқали Аллоҳ Таолонинг ақлли махлуқотлари ақлсиз махлуқотларига нисбатан камлигини кўрсатиш;

Иккинчидан, ундан кейин келаётган

﴿يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ﴾ *У уларнинг (барча одамларнинг)*

*олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади*), деган гапдаги кўплик замири ақллиларга хосдир. Бу нарса

﴿مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ﴾

(*Самовот ва ердаги бор нарсалар*) сўзининг ақлликларни ҳам ўз ичига олишига қаринадир.

Оят шуни ифодалайдики, ҳамма нарса Аллоҳнинг мулкидир. Бировнинг мулки бўлган нарса маъбудликка нолайиқдир. Бу ерда кофирларнинг санамларга, юлдузларга ва бошқа махлуқотларга ибодат қилишлари қаттиқ танқид остига олинапти.

(*Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни)*

*Унинг изнисиз оқлай олмайди*). Истинкорий (инкор қилиш) истифҳом. Яъни, Аллоҳнинг ҳузурида Аллоҳнинг изнисиз ҳеч ким шафоат қилишга журъат эта олмайди. Бу гапда Аллоҳнинг улуғлигига, буюклигига, олийлигига ишора бор. Ҳадисда келади:

«*آتِي تَحْتَ الْعَرْشِ فَأَخْرُ لَهُ سَاجِدًا فَيَدْعُنِي مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَدْعَنِي ثُمَّ يَقُولُ: اِرْفَعْ رَأْسَكَ وَقُلْ تُسْمَعُ وَاشْفَعُ تُشَفِّعُ. قَالَ: فَيَحْدُ لِي حَدًّا فَأُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ*»

**«Аршнинг остига бориб сажда қилиб йиқиламан. Шунда Аллоҳ мени Ўзи истаган муддат ўз ҳолимга ташлаб қўяди. Кейин менга, бошингни кўтар, гапир, гапингга қулоқ солинади, шафоат қил, шафоатинг инобатга олинади, дейилади ва мен учун бир ҳад белгиланади. Шу билан уларни жаннатга олиб кириб кетаман».**

Оят шафоат борлигини ва айни пайтда у Аллоҳнинг изнисиз бўлмаслигини ифодаляпти. Ҳадисда эса Пайғамбар ﷺ га рухсат этилиши ва у кишининг шафоат қилишлари айтиляпти.

(*У уларнинг (барча одамларнинг)*

*олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади*) ҳар икки замир

﴿*لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ*﴾

(*Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир*), деган гапдаги ақлли махлуқларга қайтади.

﴿*مَا يَبْنَ أَيَدِيهِمْ*﴾

(*олдиларидаги бор нарсани*) яъни, Аллоҳ Таоло улардан олдинги ишларни ҳам билади.

﴿*وَمَا خَلْفَهُمْ*﴾

(*орқаларидаги бор нарсани*) яъни, Аллоҳ Таоло улардан кейин бўладиган ишларни ҳам билади.

﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾ **ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар**) яъни, агар Аллоҳ хоҳламаса, бирор кимса Аллоҳ билган нарсалардан бирор нарсани ҳам била олмас. Фақат Аллоҳнинг Ўзи унга билдиришни хоҳласагина била олур. Аллоҳнинг билимидан бирор нарсани унга бирор одам фақат Аллоҳнинг изни ила етказа олур.

﴿عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ﴾

– „**У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди**“. [96:5]

﴿وَقُلْ رَبِّ زِدْنِي عِلْمًا﴾

– „**Ва айтингки: Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин**“.

[20:114]

﴿وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ﴾

**(Унинг ариши-курсиси осмонлар ва ердан кенгдир)** даги (﴿كُرْسِيُّهُ﴾)

сўзи муташобих сўздир. Муқаддимада айтиб ўтганимиздек, мўътамад тафсир усули шундан иборатки, муташобих сўзларга маъно беришда аввало шаръий ҳақиқатга мурожаат қиламиз. Яъни, унинг маъносини Пайғамбар ﷺнинг ҳадисларидан қидирамиз. Агар курсий сўзининг тафсири хусусида Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадислар бор бўлса, уларни оламиз, бўлмаса, араб тилига мурожаат қиламиз. Негаки, Қуръон араб тилида нозил бўлган.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

– „**Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) ақлларингизни юргизишингиз учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик**“. [12:2]

﴿نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ ﴿۱﴾ عَلَى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴿۲﴾ بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُبِينٍ﴾

– „**(Эй Муҳаммад), сиз (охират азобидан) огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни Қуръонни) Рухул-Амин-Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди**“.

[26:193-195]

Курсий сўзининг тафсири хусусида бир неча ҳадислар ворид бўлган. Агар улар саҳиҳ бўлганида тафсир учун мўътамад бўлардилар. Лекин улар устида ҳар хил гаплар бор. Ҳақиқатга яқинроғи қуйидагилар:

• Байхақий мана бу ҳадисни ўзининг «Номлар ва сифатлар» номли китобида Абу Зар йўлидан чиқарган: Мен Пайғамбар ﷺдан, эй Аллоҳнинг пайғамбари, сизга нозил қилинган оятлар ичида энг улуғи қайси, деб сўраган эдим, у киши, **оятул-курси (курси ояти)**, деб жавоб бердилар. Кейин яна шундай дедилар:

«يَا أَبَا ذَرٍّ مَا السَّمَاوَاتُ السَّبْعُ مَعَ الْكُرْسِيِّ إِلَّا كَحَلْقَةٍ مُلْقَاةٍ بِأَبْرَضِ فَلَاةٍ، وَقَصَلَّ  
الْعَرْشَ عَلَى الْكُرْسِيِّ كَفَضْلِ الْفَلَاةِ عَلَى الْحَلْقَةِ»

**«Эй Абу Зар, курсининг олдида етти осмон саҳрога ташланган бир узукка ўхшайди. Аршнинг курсига нисбатан катталиги эса саҳронинг узукка нисбатан катталиги кабидир».**

• Шунингдек, бу ҳадисни Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Уни Ибн Ҳиббондан нақл қилиб Ибн Ҳажар ҳам «Фатҳул-борий»да келтирган ва унга, унинг Мужоҳиддан гувоҳи бор, уни Саид ибн Мансур тафсирда чиқарган, деган гапни ҳам қўшиб қўйган.

Агар бу ҳадис саҳиҳ бўлганида уни олардик ва курсининг маъноси осмонлару ер унинг олдида саҳрога ташланган бир узукдек бўлган Аллоҳ Таоло яратган улкан бир махлуқ бўларди. Шу билан биз курсининг мана шу маъносига имон келтирардик-да, ундан нарига ўтмаган бўлардик.

Бироқ Байхақий бу ҳадисни икки санад билан айтган. Улардан бирида Яҳё ибн Саид Саъдий Басрий бор. Ақилий бу одам хусусида, унга эргашилмайди, деган. Ибн Ҳиббон эса, у мақлуб ва мулзақларни ҳам ривоят қилаверади, агар фақат ўзи ёлғиз ривоят қилган бўлса, унинг гапини ҳужжат қилиб бўлмайди, деган. Бу ерда унинг ёлғиз ўзи Ибн Журайждан ривоят қиляпти. Ибн Адий бу ҳадисга таъриф берар экан, у мана шу йўлдан келганлиги эътибори билан мункардир, деган. «Лисонул мезон» китобига қаралсин. 316 бет.

Иккинчи санадда Иброҳим ибн Ҳишом бор. Унинг ривояти ҳам ҳужжатга олинмайди. Абу Заръа, Абу Ҳотим ва Заҳабийларда ворид бўлган. «Лисонул мезон» китобига қаралсин.

Ибн Ҳиббон ҳам ўзининг ҳадисида Иброҳим ибн Ҳишомни зикр қилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг гапи ҳужжатга олинмайди.

Энди Саид ибн Мансурни қараб чиқайлик. Унинг «Сунан»ида келишича, Абу Муовия Аъмашдан, у Мужоҳиддан ривоят қилади: Курсига нисбатан еру осмонлар саҳрога ташланган бир

узук кабидир. Бу санад заиф. Абу Ҳотим Розий رحمته айтади: «Аъмаш Мужоҳиддан жуда кам эшитган. Унинг Мужоҳиддан қилган ривоятларининг ҳаммаси мудалласдир». Ибн Аби Ҳотимнинг «Илалул Ҳадис» китобига қаралсин. Уни доктор Саъд Ол Ҳумаид тадқиқ қилган.

Шунга кўра, курси сўзининг тафсири хусусида ворид бўлган ҳадислар гап-сўздан холи эмас. Шундай экан, энди курси сўзини тафсир қилишда луғатга мурожаат қиламиз.

Луғат китобларида келишича, араблар курси сўзини илм маъносига қўллашган. Чунки курсида ўтирадиганлар олимлар бўлишган, яъни, илм бу сўзга жой муносабати билан боғланган. Дафтар, рисола сўзлари ҳам шу ўзакдан олиниб, уларнинг ҳам илмга алоқадорлиги бор.

Шу билан

﴿وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ﴾

(Унинг ариши-курсиси осмонлар ва ердан кенгдир) унинг илми осмонлару ердан кенгдир, деган маънода бўлади. Айниқса, Аллоҳ Таолонинг ундан олдинги гаплари Аллоҳнинг илми ва У Зотнинг Ўз илми билан ҳамма нарсани қамраб олгани устида борганлиги шу маънони янада таъкидлайди.

﴿يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾

(У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар). Шундай қилиб, оятнинг кетма-кет тизилиб келаётган қисмлари қуйидаги маънони англатади: Аллоҳ Ўзининг махлуқотлари хусусида ҳамма нарсани билади. Улар Аллоҳнинг илмини иҳота қила олмайдилар. Аллоҳнинг илми осмонлару ердан ҳам кенгдир. Бу ерда Аллоҳнинг илми ҳаддан зиёд кенглиги ва уни иҳота қилиб олиш мумкин эмаслигига ишора бор. Шунга биноан, курси сўзини илм маъносига, деб тафсир қилиш тўғрироқ бўлади.

Курсий сўзининг тафсирида биз мана шу гапни рожиҳ кўрамиз, яъни, у илм маъносига келяпти. Рожиҳ кўрамиз, деган гапимизни шунга асосланиб айтяпмизки, муташобиҳ сўзга маъно беришда қатъий гап айтилмайди, балки, фақат рожиҳ кўрилади, холос. Чунки у муташобиҳдир.

Ибн Аббосдан ҳам бу сўзнинг илм маъносини англатиши хусусида нақл бор. Яъни, Ибн Аббос, Унинг курсиси Унинг илми, деган маънода, деган.

وَلَا يُؤَدُّهُ حِفْظُهُمَا) **ва уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда**

**сақлаб туриш қийнамайди**) яъни осмонлару ердан ҳам улкан бўлган буюк махлуқни – курсини яратган Зот учун осмонлару ерни, улардаги жамики нарсаларни тутиб, сақлаб туриш қийин иш эмас.

(**يُؤَدُّهُ** қийнамайди) яъни, оғирлик қилмайди. Менга фалон иш оғирлик қилди, ундан қийналиб кетдим, деган гапда шу сўз ишлатилади.

(**وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ** **У энг юксак ва буюқдир**) яъни, қудрат ва манзилатда.

(**الْعَلِيُّ** юксак) нарсалар устидан голиб, қаҳқор. Араблар фалончи пистончидан олий бўлди, дейишади. Бу билан фалончининг пистончи устидан голиблигини, устунлигини кўрсатадилар.

(**الْعَظِيمُ** буюқ) буюқлик эгаси. Ҳамма нарса Унинг қаршисида ҳақирдир, арзимасдир. У Зот Ўз мулкида олийдир, салтанати, иззати ва жалолатида буюқдир.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бу буюқ Қуръон ҳақида тадуббур қилган киши унинг мўъжизалиги ақлларни лол қолдиришини англайди. Мана бу муборак оятда бешта мустақил жумла атф ҳарфларисиз кетма-кет зикр қилинапти.

﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ ۗ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا

فِي الْأَرْضِ ۗ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ ۗ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا

خَلْفَهُمْ ۗ

**(Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий турғувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг хузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади).** Оят жуда кучлидир, буюқдир.

Бошқа оятда олти вовни ўқиймиз.



таъкидлайди. Ибн Жарир, Абу Довуд ва Байҳақийлар Ибн Аббосдан ривоят қиладилар: “Боласи турмайдиган (ўлиб қолаверади) аёл агар ўғлим туриб қолса (яшаб кетса), уни яҳудий қиламан, деб кўнглига тугиб қўярди. Бану Назир сургун қилинган пайтда уларнинг орасида ансорларнинг фарзандлари ҳам бор эди. Улар фарзандларимизни қўйиб юбормаймиз, дейишди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилди:

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ﴾

(*Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди*) яна бир ривоятда, биз уларнинг динини ўзимизнинг динимиздан устун кўрардик, лекин мана, Аллоҳ Исломни нозил қилди, энди уларни Исломга киришга мажбурласак ҳам бўлар, дейишди. Шунда мана шу оят нозил бўлди.

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ﴾

(*Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир*) ким хоҳласа, уларга қўшилади, ким хоҳласа, Исломга киради. Абу Довуд миқлот боласи турмайдиган аёл, деган.<sup>56</sup>

Лекин бу умумийлик икки ҳолатда хосланяпти.

а) Гарчи Исломга эътиқод қилишга мажбур қилинмаса-да, зиммийлар шаръий ҳукмларга бўйсунушга мажбур қилинади. Уларнинг шаръий ҳукмларга бўйсунушлари ўзлари истайдиларми, истамайдиларми, вожиб.

﴿حَتَّىٰ يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَن يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ﴾

– „*То улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!*“.

[9:29]

яъни, шаръий ҳукмларга бўйсунувчилар. Улар ўз эътиқодларида қолишлари мумкин. Ибодатлари, ейиш-ичишлари, кийинишлари Пайғамбар ﷺ рухсат берган чегара ичида бўлса, бўлаверади. Бу ишларини тарк қилишга ва Исломни қабул қилишга мажбур қилинмайдилар. Лекин уларнинг умумий ҳаётда, оммавий ҳаётда Исломдан бошқасидан ҳукм сўраб боришлари мумкин эмас. Улар фақат шариатдангина ҳукм сўрашга мажбур қилинадилар.

(56) Абу Довуд: 2037. Тафсири Табарий: 3/14. Байҳақий: 9/186.

б) Араб мушриклари Исломга киришга мажбур қилинадилар ёки ўлдириладилар. Муборак оятда келади:

﴿قُلْ لِلْمُخَلَّفِينَ مِنَ الْأَعْرَابِ سُدَّةٌ وَعَوْنٌ إِلَىٰ قَوْمِ أُولَىٰ بِأَسِ شَدِيدٍ تَقْتُلُوهُمْ أَوْ يُسْلَمُونَ﴾

– „**Яқинда сизлар куч-қувват эгалари бўлган бир қавм (билан жанг қилиш)га даъват этилурсизлар. (Ўшанда ё) улар билан уришурсизлар, ёки улар (жанг-жадалсиз) Исломга кирурлар**“.  
[48:16]

Бу оят араб мушриклари ҳақида нозил бўлган.

Шу билан оят мазкур икки ҳолатдан бошқа ҳамма ҳолатлар учун умумий бўлади. Яъни, араб мушриклари ё Исломга кирадилар ёки ўлдириладилар. Улардан шу икки ишдан бошқаси қабул қилинмайди.

Бошқа кофирлардан эса Исломга киришлари ёки жизя беришлари қабул қилинади. Агар шу икки ишдан бирини қилмасалар, улар билан уруш қилинади. Агар жизя беришни қабул қилсалар, улар Исломга киришга мажбур қилинмайдилар. Лекин умумий (оммавий) ҳаётда Ислом ҳукмларига бўйсунисга мажбур қилинадилар.

Демак, бу оят ом (умумий маънода), лекин мазкур икки ҳолатда хосланган.

(الزُّنْدُ قَدْ تَبَيَّنَ الزُّنْدُ مِنَ الْغَىِّ) *(Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди*

яъни, имон куфрдан, тўғри хатодан ажралди. (الزُّنْدُ) бу сўз ҳалокат йўлига юриш маъносини англатувчи (الغَىِّ) – адашиш сўзининг антонимидир.

(فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ) *бас, ким шайтондан юз ўгириб*) Аллоҳдан бошқа барча ибодат қилинадиган нарса, ҳар бир залолатбоши тоғут ҳисобланади.

﴿كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظٍ﴾

– „**Дарҳақиқат (кофир) инсон албатта тугёнга тушар — ҳаддидан ошар**“.  
[96:6]

Бу ерда бу сўз ҳаддан ошиш маъносида келяпти. Унинг асли (طغوت) бўлиб, лом олдинга айн эса кейинга ўтказилган. Шу билан (طغوت) бўлиб қолган. (جذب) сўзининг (جذب) бўлиши ва (صاعقة)

) сўзининг (صاقعة) бўлиши ҳам шу қабилдандир. (طبعوت)нинг вазни (فبعوت)дир. Ё ҳаракатли бўлиб, ўзидан олдинги ҳарф ҳаракатли бўлгани учун алифга қалб қилинган. Шу билан (طاغوت) сўзи вужудга келган.

(فَقَدَرِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ) у *мустаҳкам ҳалқани ушлабди*) яъни, ўта, охирига етказиб маҳкам ушлаган.

(بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ) *мустаҳкам ҳалқани*) таяниладиган, осиладиган нарса.

(الْوُثْقَىٰ) фуъла вазнида. Музаккари (أوثق), муаннаси (وثقى) бўлади. (أوضلى) (فضلى) сўзига ўхшаш.

Бу ерда ташбиҳ санъати қўлланяпти. Яъни, тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга имон келтирган кимса мустаҳкам, ишончли арқонга осилгандек бўлади.

Аллоҳга имон келтиришдан тоғутга куфр келтиришнинг олдинга қўйилиши тоғут билан курашиш Аллоҳга имон келтиришдан кўра оғирроқ меҳнат талаб қилишини кўрсатади. Зеро, имон табиат билан келишади, ақлни эса қаноатлантиради. Куфр бўлса, табиат учун ёввойидир. Ким тоғутларга ибодат қилишдан холи бўлиб, ўзининг соғлом табиатига қайтса, имонга олиб борадиган йўлни топади. Кимки тоғутлардан ҳам ниманидир ушлаб қолиб, имондан ҳам ниманидир ушлаб қолмоқчи бўлса, боши айланиб, гангиб, адашади ва ҳалокатга учрайди.

Бу оятда тоғутга кофир бўлиб, Аллоҳга имон келтирадиган кимсаларнинг салобати нақадар улуғ бўлиши акс этапти. Улар Аллоҳнинг мустаҳкам арқонидан тутган кимсалардир. У ҳеч қачон узилмайдиган, нозиклашмайдиган, титилмайдиган, пухта, мустаҳкам дастадир.

(لَا أَنْفِصَامَ هَذَا) *ҳеч ажраб кетмайдиган*) яъни, унинг учун синиш, ёрилиш ётдир. Бу ердаги нафий фақат узилишнинг ўзигагина алоқадор бўлмай, унгача бўлган ёрилиш, нозиклашиш каби ишларга ҳам тааллуқлидир.

Луғатда бир нарса очиқ синса, унга нисбатан (انقسام) сўзи ишлатилади. Агар тўла синмасдан ёриқ тушса, унга нисбатан (انقسام) сўзи ишлатилади. Шунга кўра, бу ердаги нафий балиғ нафийдир, етук нафийдир.

Яъни, тоғутга кофир бўлиб, Аллоҳга имон келтирган кимсанинг имони мустаҳкам дастани ушлаб, ҳеч қачон ундан ажралмайдиган, унинг бир қисмига айланиб кетган кимса каби қаттиқ имондир.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг улар ошкора қилаётган ишлардан ҳам, яширин қилаётган ишлардан ҳам Хабардорлигини айтиш билан яқунлаяпти. Аллоҳ учун ҳеч нарса сир эмас. У Зот мўминларнинг содиқлигини ҳам, мунофиқларнинг мунофиқлигини ҳам, кофирларнинг кофирлигини ҳам билади.

﴿وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

*(Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир).*

5. Оятлар мўминларнинг аҳволини баён қилишда давом этади. Аллоҳ уларнинг Дўстидир. Уларни зулматлардан нурга, залолатдан ҳидоятга, ботилдан ҳаққа олиб чиқиб, жаннатга киритади ва улар жаннатда абадий қолурлар.

Шунингдек, тоғутларга ибодат қиладиган кофирларнинг ҳам аҳволини баён қилади. Тоғутлар уларни нурдан зулматларга, ҳидоятдан залолатга бошлаб, ҳалокат чоҳига қулатади ва улар жаҳаннам ўтига тушиб, у ерда абадий қолурлар.

*(Аллоҳ мўминларнинг дўстидир)* яъни, уларнинг ёрдамчиси, мудофаачиси, ҳимоячиси. Бу мана бу оят кабидир:

﴿إِنَّا لِلَّهِ يُدْفَعُ عَنِ الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

– „*Албатта Аллоҳ имон келтирган зотларни мудофаа қилур*“.

[22:38]

Яъни, ҳар қандай ёмонликдан Аллоҳнинг Ўзи паноҳ беради.

*Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик*

*(нурга чиқаради)* уларни тўғри йўлга ҳидоят қилади, эзгуликка муяссар айлайди, имонда барқарор этади ва улар куфру залолатга йиқилмайдилар.

*Кофирларнинг дўстлари эса*

*шайтонлардир*) яъни, кофирларнинг таянчи, ҳимоячиси тоғутлардир, инсу жин шайтонларидир. Улар фақат адашиш ва йўлдан озишнигина зиёда қиладилар. *(Алпъғот)* сўзи луғатда муфрад ҳам, жам ҳам бўлиб келади. Муфрад бўлиб келганда

кўплиги (طواغيت) бўлади. Шу ҳолатининг ўзида кўплик бўлиб ҳам ишлатилади. Масалан, шу оятда мана шундай кўплик маъносида қўлланяпти. Негаки, (يُخْرِجُوهُمْ) сўзи кўпликда келяпти.

Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғу-зулматларга чиқарадилар) Яъни, уларни покиза табиатдан куфр сари буриб юборадилар. Зеро, киши тоза табиат ила дунёга келади. Агар у ўз ҳолига ташланса, Аллоҳга бўйсунадиган мусулмон бўлади.

«يُؤَلِّدُ الْإِنْسَانَ عَلَى الْفِطْرَةِ وَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ أَوْ يُنصِّرَانَهُ أَوْ يُمَجِّسَانَهُ»

«Инсон фитрат (покиза табиат) ила дунёга келур. Ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний ёки мажусий қилур».<sup>57</sup> Мана шу покиза табиат нурдир. Кофирларнинг дўстлари бўлган тоғутлар уларни мана шу нурдан залолат ва ҳалокат сари бошлайдилар. Уларга ёвузликни чиройли қилиб кўрсатадилар. Кофирлар эса тоғутларга қулоқ солиб, оқибатда дўзах ўтида абадий ёнадилар. Нақадар ёмон, мудҳиш оқибат!



﴿الْم تَر إِلَى الَّذِي حَآجَّ إِبْرَاهِيمَ فِي رَبِّهِ أَنْ آتَاهُ اللَّهُ الْمَلَكَ إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أُحْيِي وَأُمِيتُ ۗ قَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾<sup>(٢٥٨)</sup> أَوْ كَالَّذِي مَرَّ عَلَى قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّى يُحْيِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا ۗ فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ ۗ قَالَ كَمْ لَبِثْتُ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ ۗ قَالَ بَلْ لَبِثْتُ مِائَةَ عَامٍ فَانظُرْ إِلَى طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ يَتَسَنَّه ۗ وَانظُرْ إِلَى حِمَارِكَ وَلِنَجْعَلَكَ آيَةً لِلنَّاسِ ۗ وَانظُرْ إِلَى الْعِظَامِ

(57) Бухорий: 1270. Муслим: 4803. Термизий: 2064.

كَيْفَ نُنْشِرُهَا ثُمَّ نَكْسُوهَا لِحَمًا فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٥٨﴾ وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ أَرِنِي كَيْفَ تُخْرِجُ الْمَوْتَىٰ قَالَ أُولَئِمُتُؤْمِنُونَ ط قَالَ بَلَىٰ وَلَئِن لِّيَطْمِئِنَّ قُلُوبُ ط قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ الطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ أَجْعَلْ عَلَىٰ كُلِّ جَبَلٍ مِّمَّهِنَّ جُزْءًا ثُمَّ ادْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا وَأَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٥٩﴾

– „258. Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Аллоҳ қуёшни Машириқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди. 259. Ёки бир зот (Узайр пайгамбар) ҳақидаги масални (билмадингизмики), у зот томлари йиқилиб хувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: «Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирар экан-а?» деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?» «Бир кун ё ярим кун», деди у. Аллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара — бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин. (Бу ҳодисани Аллоҳнинг қудратини кўрсатиши) ва сени одамлар учун оят — ибрат қилиши учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшит билан қоплашимизни кўргин. Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди. 260. Эсланг (эй Мухаммад), Иброҳим: «Парвардигор, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсат», деганида, Аллоҳ: «Ишонмайсанми?» — деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонаманку, лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун». Аллоҳ айтди: «Тўртта қушни олиб, ўзингга бургин (ва уларни бош, оёқ, қанот ва патларини тортиб, узиб, сўнгра бир-бирларига аралаштириб), кейин (атрофдаги тоғлардан) ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, дарҳол келадилар. Билгилки, Аллоҳ шубҳасиз қудратли ва ҳикматлидир» “.

[2:258-260]

Аллоҳ Таоло бу оятларда мўминлар тоғутларга дуч келган пайтларида қандай қилиб уларнинг қадамларини собит

қилишини, кофирларнинг ҳужжатлари ҳеч нарсага ярамаслигини баён қиляпти.

Кейин Аллоҳ Ўзининг яратувчилигидаги, ўликларни тирилтиришидаги буюклигини азиз, ҳаким ва ҳар ишга қодир Зот эканини билдирыпти.

1. Биринчи оятда Аллоҳ Таоло Иброҳим عليه السلام билан ҳужжат талашган тоғут кофирни зикр қиляпти. У ўзига подшоҳликни берган Аллоҳга шуқр қилиш ўрнига ҳаддидан ошди, ўзини катта олди, кофир бўлди, худоликни даъво қилди.

Иброҳим عليه السلام унга ҳужжат келтириб, Аллоҳнинг ўликларни тирилтиришини айтди. Бунга раддия билдириб, тоғут ўзининг кимнидир ўлимга буюриши ва кимнингдир гуноҳидан ўтиб юбориши мумкинлигини билдирди. Бу устамонлик, фирибгарлик эди. Шунда Аллоҳ Иброҳим عليه السلامга тоғутнинг устамонлиги, фирибгарлиги иш бермай қоладиган бир йўлни кўрсатди.

Иброҳим عليه السلام Аллоҳнинг таълими билан тоғутга, Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради, агар сен худо бўлсанг, уни мағрибдан чиқар, деди.

Мана шу ерда тоғут подшоҳ кўзига дунё қоронғу бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетяпти. Кўзи очиқ кимсалар учун ҳақ ғолиб бўлиб, кофирларнинг ҳақиқатларни, мезонларни алмаштириб қўяётганлари, ишларни ўз оқимидан бошқа томонларга буриб юбораётганлари фош бўляпти. Улар Ўлдирадиган, Тирилтирадиган, Яратувчи Аллоҳга имон келтириш ўрнига куфр келтиряптилар, У Зотнинг махлуқотларини ўзларига илоҳ қилиб оляптилар. Нақадар ёмон қарорга келяптилар!

(**أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا فَحَدَّثُوا كَلِمًا بَيْنَهُمْ لَعَنَ اللَّهُ كَلِمًا كَثِيرًا سَوِيًّا** *билмадингизми*) Бу ердаги сўроқ гап сўраб билиш учун эмас, инкор учун қўлланяпти. Яъни, Иброҳим билан ҳужжат талашганларни кўрдингизми? Сўроқ гапда ажабланиш маъноси ҳам бўлади. Бу ердаги кўриш кўз билан кўриш эмас, қалб билан, фикр билан, кўнгил кўзи билан кўришдир. Шунинг учун ҳам унга жар қилувчи ҳарф киритиляпти.

(**أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا فَحَدَّثُوا كَلِمًا بَيْنَهُمْ لَعَنَ اللَّهُ كَلِمًا كَثِيرًا سَوِيًّا** *Иброҳим билан талашган кимсанинг ҳоли-хабарини билмадингизми?*) араблар бу сўзни ажабланиш маъносида қўлламоқчи бўлсалар, унга мана шу жар қилувчи ҳарфни киритиб, мана буни кўрмайсаними, деб гапирадилар. Бу гап шунга ўхшаганини ҳеч кўрганмисан, деган маънони англатади.

﴿الَّذِي حَاجَّ إِبْرَاهِيمَ﴾ у Нумруд.

Нумруз бўлиши ҳам мумкин. Ибн Аббос رضي الله عنه шундай деган.

Унинг мунозараси ҳужжатсиз бўлса ҳам ҳужжатлашиш, деб номланди. Негаки, лаънати тоғут уни ҳужжат ўрнида қўллади. Тортишаётган кофирлар айтаётган гаплар далил, исботларсиз бўлса ҳам ҳужжат, дейилаверади. Чунки улар бу гапларни ҳужжат сифатида келтирадилар. Аллоҳ Таолонинг мана бу гаплари ҳам шу қабилдандир.

﴿يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتِ التَّوْرَةُ وَالْإِنْجِيلُ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

– „Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим хусусида (у бизнинг динимизда бўлган, деб) талашасизлар! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизларми?!“.

[3:65]

﴿هَاتَانِ مَثَلًا هَتُولا ۖ حَبَجَجْتُمْ فِيمَا لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ فَلِمَ تُحَاجُّونَ فِيمَا لَيْسَ لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ﴾

– „Ҳой (яхудий ва насронийлар) сизлар биладиган нарсаларингиз (Мусо ва Исо пайгамбарлар) ҳақида-ку талашдингиз. Энди нима учун билмайдиган нарсангиз (Иброҳимнинг қайси динда бўлганлиги) хусусида талашмоқдасиз?“.

[3:66]

﴿مُحْتَمِّمٌ دَاخِضَةً﴾

– „Ҳужжатлари ботил-беҳудадир“.

[42:16]

﴿أَنْ آتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ﴾ Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб) яъни,

Аллоҳ унга подшоҳликни бергани учун. Бу ерда учун маъносини англатувчи ли ҳарфи олиб ташланган. Ан ва ин сўзлари билан келиб, сабабни ифодалаган пайтда у кўпинча ҳазф қилинади.

Яъни, Аллоҳнинг унга подшоҳликни берганлиги уни кибрга, ҳаддан ошишга, ўзидан кетишга ундади. У Аллоҳнинг берган неъматларига шуқр қилиш ўрнига худоликни даъво қилди, Аллоҳ хусусида талашиб, тортишди.

﴿وَهُمْ يُجَنِّدُونَ فِي اللَّهِ وَهُوَ شَدِيدُ الْحَالِ﴾

– „У кимсалар Аллоҳ хусусида талашиб-тортишиб турган ҳолда бўладилар“. [13:13]

бу ердаги (محال) сўзи ҳийла, тадбир, қудрат маъноларида.

﴿إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ﴾

«**Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деди**) Иброҳим عليه السلام дастлаб мана шу ҳужжатни келтиришдан бошлади. Лекин тоғут ўзини катта олди, саркашлик қилди ва ўзининг ҳам қатл қилиш ёки кечириб юбориш билан ўлдириб, тирилтиришга қодирлигини айтди.

﴿قَالَ أَنَا أَحْيِي وَأُمِيتُ﴾

(У: «**Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди**) аслида унинг бу гапи Иброҳим عليه السلام келтирган ҳужжатга жавоб бўла олмас эди. Чунки тирилтириш йўқдан бор қилиш ёки ўлиб бўлган одамни қайта тирилтиришдир. Нумруднинг қилган иши эса бундай иш эмас. Унинг гапи катта кетиш, саркашлик қилишдан бошқа нарса эмас.

Иброҳим عليه السلام бир ҳикмат билан Нумруднинг мана шу гапининг ўзида тўхтаб қолмади. Унга, сенинг бу ишинг ўликни тирилтириш ҳисобланмайди, деб ўтирмади. Бунинг ўрнига тирилтирадиган ва ўлдирадиган Зот нарсаларнинг ҳолатини умуман тескари тарафга буриб юборишга ҳам, тамоман бошқа махлуқни дунёга келтиришга ҳам Қодир бўлишини айтди.

﴿فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ﴾

(**Албатта Аллоҳ қуёшни Машириқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?**) мана шу ерда кофир гангиб, довдираб қолди. Негаки, энди саркашлик ҳам, фирибгарлик ҳам, устамонлик ҳам иш бермасди. Шу билан тоғут подшоҳнинг йиқилгани фош бўлди.

(**فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ**) шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди) яъни,

мағлуб бўлди. Келтирилган ҳужжатнинг зўрлигидан довдираб, чора тополмай гангиб қолди.

Ҳар доим золимларнинг аҳволи мана шундай бўлиб келган. Уларда ҳеч қачон тош босадиган, бирор қимматга эга бўладиган ҳужжат, далиллар бўлган эмас. Улар ҳар доим ўзларининг фирибгарлик билан, устамонлик топиб айтган гапларини ҳужжат, далил, деб келганлар. Уларнинг бундай ҳужжатлари ҳеч нарсага арзимайдиган, заиф, ночор ҳужжатлардир. Улар

ишларни ўз оқимидан бошқа томонга буриб юборадилар, ҳақиқатлар ва мезонларни ҳам алмаштириб қўядилар.

﴿وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

(*Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди*).

2. Аллоҳ Таоло кейинги оятларда Яратувчининг ўликларни тирилтиришига қодирлигига далолат қилувчи очиқ ҳужжатларни баён қиляпти. Уларни мўминлар ўз кўзлари билан кўрадиларми ёки Аллоҳнинг буюк Китобидаги оятлардан ўқиб биладиларми, фарқи йўқ, ҳар икки ҳолатда ҳам улар мўминлар учун ҳужжат бўлади. Улардан Аллоҳнинг улуғлигини, буюклигини билиб оладилар.

﴿أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

(*Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир*) бу муборак оятда Аллоҳ Таоло томлари йиқилиб, аҳолиси йўқлигидан ҳувиллаб қолган қишлоқдан ўтган бир одамнинг қиссасини айтиб боряпти. Бу вайронагарчиликларни кўриб, у одам, энди Аллоҳ бу қишлоқни қандай қилиб яна олдинги биноларию одамлари билан обод бўлган ҳолига қайтарар экан-а, деди.

Аллоҳ уни юз йилга ўлдириб, кейин яна қайта тирилтирди. Қанча турганлиги ҳақидаги саволга у, бир кун ёки ундан озроқ муддат турганини айтди. Шунда унга юз йил турганлиги билдирилди. Кейин унга ўз ишига қараш, нарсалари хусусида тадаббур қилиш буюрилди. Овқати – ейимлиги ва ичимлиги юз йил мобайнида ҳам ўзгармаган эди. Эшагининг эса суяклари чириб, майда-майда бўлиб кетганди.

Кейин Аллоҳ Таоло унга унинг ўлдирилганлиги, кейин яна қайта тирилтирилганлиги, эшаги не аҳволга тушганлигию овқати қандай ҳолатда қолганлиги – мана шуларнинг ҳаммаси унинг ўзига ва уни ўлишидан олдин ҳам, кейин ҳам кўрган қавмига, шунингдек, улардан кейин келиб бу хабарни Пайгамбар ﷺдан эшитганларга ибрат бўлиши учун қилинганини айтяпти. Токи, уларга имонга келсинлар.

Бу жуда ғаройиб иш. Уни осмонлару ерни яратган Зотдан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Ичимлик ва ейимлик юз йил мобайнида боягидек сақланиб қолса-да, худди шу жойдаги эшак ўлиб, чириб кетса!

Шундан сўнг Аллоҳ унга бундан ҳам ғаройиброқ ҳолни намойиш қилади. Юз йилдан кейин эшакнинг суяклари тўпланиб, ердан кўтарилиб, жасадаги ўз ўрнига қайтиб, кейин

унга ғўшт кийдирилиб, (эт битиб), худди олдинги тирик эшак холига қайтади!

Мана шуларнинг ҳаммасини у ўз кўзи билан кўради ва қувват ва қудрат Соҳибига имон келтириб, Яратувчини улуғлаб, шундай дейди:

﴿فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

**(Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди).**

**(وَإِذْ يُرَىٰ الْبَيْتَ عَالِيًا فِي الْوَادِعِ وَالْمَلَكُ عَلَىٰ أَرْسَالِهِمْ فَأَنزَلْنَا فِيهَا آيَاتِنَا لِقَوْمٍ يُذَكَّرُونَ)** *Узайр пайғамбар) ҳақидаги масални (билмадингизмики), у зот томлари йиқилиб хувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан)* бу ердаги ав маҳаллан юқоридаги маънога атф қилиб келяпти. Яъни, Иброҳим билан Парвардигори хусусида ҳужжат талашган кимсага ўхшаганни ёки томлари йиқилиб, хувиллаб қолган қишлоқдан ўтган одамга ўхшаганни кўрганмисан?

**(مَرَّ عَلَىٰ قَرْيَةٍ)** *бир қишлоқдан ўтаркан)* Аллоҳ Таоло Ўзининг Китобида бизга ўтган одамнинг ўзи кимлиги ҳақида ҳам, у қишлоқнинг қайси қишлоқлиги ҳақида ҳам хабар бермади. Бу борада Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисни ҳам топмадик. Саҳобалар ва тобеинлардан қилинган турли ривоятлар бор. Буни билиш у қадар муҳим ҳам эмас. Оятнинг оқимида асосий эътибор одам ёки қишлоққа эмас, ўлдириш ва тирилтиришга қаратилган. Айнан мана шу ўлдириш ва тирилтириш хусусида тадаббур қилиш, унга аҳамият бериш керак бўлади. Айнан мана шуни Аллоҳ одамларга оят-аломат қилди. Шунинг учун Аллоҳ айтган шу гапларнинг ўзи билангина кифояланамиз.

**(وَإِذْ يُرَىٰ الْبَيْتَ عَالِيًا فِي الْوَادِعِ وَالْمَلَكُ عَلَىٰ أَرْسَالِهِمْ فَأَنزَلْنَا فِيهَا آيَاتِنَا لِقَوْمٍ يُذَكَّرُونَ)** *У* ерда ҳеч ким йўқ эди. Ҳовли бўм-бўш эди, деган гапда ҳам шу сўз ишлатилади.

**(مَرَّ عَلَىٰ قَرْيَةٍ)** *томлари йиқилиб)* яъни, олдин томлари тушиб кетиб, кейин унинг устига деворлари йиқилган.

**(عَرِشٍ)** сўзи уйнинг шифтини англатади. Соябон сифатида қурилган ҳар бир нарса **(عَرِشٍ)** ҳисобланади. Соя солиб турадиган узум новдаси ҳам шундан олинган. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمِمَّا يَعْرِشُونَ﴾

деган гапи ҳам шу қабилдандир.

(أَنْ يُحْيِيَ هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا) **Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирар экан-а?**). Қандай қилиб Аллоҳ буларни ўлганларидан кейин тирилтирар экан-а?

(ثُمَّ بَعَثَهُ) кейин уни тирилтирди.

(قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ) **«Бир кун ё ярим кун турдим», деди**). Гўё у ўзини ухлаб турдим, деб ўйлади. Одатдаги уйқу у айтган муддатдан кўп бўлмайди. Аллоҳ уни тирилтирган пайтда қуёшнинг ботмаганини кўриб, ўша гапини айтган бўлиши мумкин.

(قَالَ بَلْ لَبِثْتُ مِائَةَ عَامٍ) **Аллоҳ деди: Йўқ, юз йил турдинг**). Шунда Аллоҳ унга юз йил турганини билдирди. Балки сўзи тескари маънони билдириб келяпти. Яъни, сен ўзинг айтганингдек (بِإِثْنِ يَوْمٍ أَوْ بَعْضِ يَوْمٍ) **бир кун ё ярим кун**) эмас, балки, аксинча, (مِائَةَ عَامٍ) **юз йил**) турдинг.

Аллоҳ унга бу ишни қай тарзда билдирганини билмаймиз. Чунки бу иш ғайб ишларидандир. Аллоҳ Таоло бу оятда унинг қай тарзда кечганини бизга билдирмаяпти.

(لَمْ يَبْسُتْ) **бузилган эмас**) яъни, мана шу узоқ муддатда у ўзгармаганди. (لَمْ يَبْسُتْ) сўзи хусусида ҳар хил гаплар бор. Унинг ўзаги ҳо ҳарфи билан якунланади, дейдиганлар ҳам, вов ҳарфи билан якунланади, дейдиганлар ҳам бор. Ҳо ҳарфи билан якунланадиган бўлса, бу сўз муфрад (бирлик) бўлиб, ҳо ҳарфи аслий ҳарф бўлади ва феъл жазм ҳолатида бўлгани учун сукун билан ўқиладиган бўлади.

Вов ҳарфи билан якунлайдиган бўлса, бу сўз кўпликда бўлиб, феъл жазм ҳолатида бўлгани учун вов ҳазф қилинган ва ҳо сакта учун келган бўлади. Рожих гап ҳонинг сакта учун зоида қилингандир. Негаки, бу сўзнинг икки хил мутавотир қироати бор.

Биринчи қироатда (يَبْسُتْ) васл ҳолатда ҳам, вақф ҳолатда ҳам ҳо билан ўқилган.

Иккинчи қироатда (يَبْسُتْ) вақф ҳолатда ҳо билан, васл ҳолатда эса ҳосиз ўқилган.

Ҳар икки қироат ҳам мутавотир ва ҳар иккиси ҳам фасиҳ араб тилига тўғри келади.

Ҳони вақф ҳолатида айтиб, васл ҳолатида айтмасдан ўқиш унинг зоида (қўшимча) эканини билдиради.

Ҳони вақф ҳолатида ҳам, васл ҳолатида ҳам айтиб ўқишда у аслий бўлиши ҳам, зоида бўлиши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам айтилаётганлиги эътибори билан аслий бўлади. Арабларнинг гоҳида гапга ортиқча ҳарфларни қўшиб гапиришлари эътибори билан зоида бўлади.

Ҳонинг зоидалигини англатувчи биринчи қироат муҳкамдир.

Ҳонинг зоида ёки аслий бўлиши мумкинлигини англатувчи иккинчи қироат эса муташобихдир. Муҳкам муташобих устидан ҳукмрондир, деган қоидага кўра, (لَمْ يَسْتَه) даги ҳо зоида бўлиб, жазм ҳолати бўлгани учун иллат ҳарфи ҳафз қилинган бўлади.

(وَأَنْظُرْ إِلَى حِمَارِكَ) **Энди эшагингни кўргин**). Яъни, Бизнинг қандай қилиб, суякларни тўплашимизга, уларга қандай қилиб гўшт кийдиришимизга, (эт битдиришимизга) ва уни қайта тирилтиришимизга қара. Худди шундай бўлганди.

(وَلْتَجْعَلْكَ آيَةً لِلنَّاسِ) **ва сени одамлар учун оят — ибрат қилиш учун** (келтирдик)) яъни, ўлгандан кейин қайта тирилишга далолат ва ибрат бор.

(وَأَنْظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ نُنْشِرُهَا ثُمَّ نَكْسُوها لَحْمًا) **бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин**) яъни, суякларни қайта тирилтириш учун бири-бирининг устига кўтараётганимизга қара. (نَشْرٌ) сўзи кўтарилиш маъносини англатади. Демак, бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Эшакнинг суякларига, Биз уларни қандай ердан кўтариб, бир-бирига қўшиб, жасаддаги олдинги, тирик ҳолидаги ўз ўрнига қўяётганимизга қара.

(قَدِيرٌ) **қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди**). Яъни, унга ишлар ойдинлашгач, Аллоҳнинг ўликларни қандай тирилтиришини, ейимлик ва ичимликни қандай сақлаганини, уларнинг худди йиллар ўтмагандек ўзгармасдан қолганини кўргач, мана энди Аллоҳнинг ҳар нарсага Қодир эканини аниқ биламан, деди.

Бу мантуқнинг мафҳуми шуки, у олдин ҳам Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини далолатлар орқали биларди. Энди эса

уни ҳиссий мушоҳада билан, ўз кўзи билан кўриш орқали билди. Мана шу нарса унинг олдин ҳам мўмин бўлгани рожиҳ эканини кўрсатади. У,

(أَنِّي يُحْيِي ۚ هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا) **Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай**

**тирилтирар экан-а?**), деган гапни кофирлигидан, Аллоҳнинг қудратини инкор қилганидан эмас, У Зотнинг қудратини улуғлаб, махлуқотларнинг Аллоҳ Таоло ўликларни қандай тирилтиришини билишдан ожиз эканликларини эътироф этиб, айтди. Ичида Аллоҳ шуни менга кўрсатса, деган рағбат билан айтди.

Ўша қишлоқдан ўтган одам кофир бўлган ва

(أَنِّي يُحْيِي ۚ هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا) **Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай**

**тирилтирар экан-а?**), деган гапни Аллоҳнинг қудратини инкор қилганидан айтган, шунда Аллоҳ у имонга келиши учун шу ишларни қилган, деган гапдан кўра, шу гап рожиҳроқ.

3. Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Иброҳим عليه السلامнинг Аллоҳдан ўликларни қандай тирилтиришини сўраганини зикр қиляпти. Ошкоралару сирлардан Воқиф Аллоҳ ундан

(أَوَلَمْ نُؤْمِن) **ишонмайсанми?**), деб сўради. Шунда Иброҳим عليه السلام

ўзининг мўминлигини, ишонишини, лекин шу ишни ўз кўзи билан кўриб, қалби таскин топишини истаётганини билдирди. Бу муборак оят имонга келиш учун ғайб ишларини кўз билан кўриш шарт эмаслигини, далолат орқали ҳам имон бўлаверишини кўрсатяпти. Чунки Иброҳим عليه السلام ўликларнинг тирилишини ўз кўзи билан кўрмасидан олдин ҳам мўмин эди.

Ғайб ишларини кўз билан кўриш шундай бир мақомдирки, унга Аллоҳ Таоло Ўзи билган бир ҳикматга кўра, Ўзи истаган одамни ноил айлайди.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдирки, ғайб ишлари кўрилганлигини исботлаш учун нақлий далил керак бўлади. Агар бизга Қуръони Карим Аллоҳ Таолонинг Иброҳим عليه السلامга шу ишни кўрсатганини айтиб бермаганида биз бу гапни гапирмаган бўлардик. Чунки ғайб ишлари ҳис қилиш майдони ичида эмаски, улар ақлий изланишлар билан исботланса. Уларни исботлаш учун нақлий далил зарур.

Ақл воқе хусусида баҳс юритади ва бир натижа чиқаради. Ҳис этиладиган воқеси бўлмаган ишлар исботи учун эса нақлга таянилади.

Биз Аллоҳ Таолога У Зотнинг олдимизда гавдаланиб турган махлуқотлари хусусида баҳс юритиш, изланиш орқали имон

келтирганмиз. Махлуқотларнинг маҳдудлиги, муҳтожлиги ва ожизлигидан уларнинг бир Азалий, Қадим, Ягона Зот томонидан яратилганлигини ва У Зотнинг Аллоҳ Таоло эканлигини билганмиз.

Кейин арабларнинг энг фасоҳатли гапирадиган, энг моҳирларини мусобақага чақириб, мағлуб этган мана шу мўъжиза Калом хусусида фикр юритиб, унинг – Қуръоннинг Аллоҳнинг Каломи эканига имон келтирамиз. Чунки ўша энг зўр сўз усталари ҳам унинг мислини келтира олмадилар. Шундан биз Қуръоннинг Аллоҳнинг Каломи эканини англадик ва унга имон келтирдик.

Бинобарин, уни олиб келган зот Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар эканлигига ҳам имон келтирдик.

Шундан сўнг ғайб ишларига қатъий нақлий далиллар орқали ишонадиган бўлдик.

Ҳис этиладиган воқеси бўлмаган ғайб ишларига имон келтириш йўли нақлий далил йўлидир.

Шундай қилиб, агар кимдир ўзининг фаришталарни, жинни ёки Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир ғайб ишни кўрганини айтадиган бўлса, то Аллоҳнинг Китоби ёки Пайғамбар ﷺнинг суннатларидан бир далил келтирмагунича уни рад этамиз.

Шунга биноан, биз Аллоҳга, Унинг пайғамбарига, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшию ёмон қадарга ва қатъий далиллар билан келган барча ғайб ишларига ҳам ақлий йўл билан ва ҳам нақлий йўл билан имон келтирган бўламиз.

Имонга келиш учун ғайб ишларини кўз билан кўриш шарт эмас. Чунки Иброҳим عليه السلام ўликларнинг тирилтирилишини ўз кўзи билан кўришидан олдин ҳам мўмин эди.

﴿قَالَ أَوْلَمْ تُؤْمِنُوا قَالَ بَلَىٰ﴾

(Аллоҳ: «Ишонмайсанми?» — деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонаман»).

Иброҳим عليه السلام фақат ўликларнинг тирилтирилишини кўришни истарди. Аллоҳ Таоло унинг мана шу истагини амалга ошириб беришини ва далолат орқали таскин топган қалби энди ўз кўзи билан кўриш орқали ҳам таскин топишини хоҳларди.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ أَرِنِي كَيْفَ تُحْيِي الْمَوْتَىٰ

**Иброҳим:** «Парвардигор, менга ўликларни қандай қилиб

**тирилтиришингни кўрсат», деди) (رَبِّ)** меҳру шафқат уммонини ўзида мужжасам этган сўз. Ижобат давомийлигидаги муболаға учун дуодан олдин зикр қилинади.

(**كُورَسَات** أَرِي) кўз билан кўриш маъносида. Унинг иккита мафъули бор. Биринчиси мутакаллим замири иккинчиси

﴿كَيْفَ تُحِي الْمَوْتَى﴾

**(ўликларни қандай қилиб тирилтирасан).**

(**كَيْفَ تُحِي الْمَوْتَى** ўликларни қандай қилиб тирилтирасан) Бу саволда Иброҳим ﷺ Аллоҳнинг ўликларни тирилтиришини тан олиши, лекин шу ишнинг қандай амалга ошишини ўз кўзи билан кўрмоқчи эканлиги англашилиб турибди.

У ўликларнинг тирилтирилишига шубҳани ифодаламайди. Агар шубҳани билдирганида кайфа сўзи қўлланмаган бўларди. Бевосита истифҳомнинг ўзи қўлланарди. Ўликларни тирилтирасанми? Шунга бир мисол келтирадиган бўлсак, Зайд одамлар ўртасида қандай ҳакамлик қиляпти, дейилганда сўзловчи Зайднинг ҳакамлик қилаётганига шубҳа қилмаётган, шунчаки бу ишни у қандай бажараётгани билан қизиқаётган бўлади. Лекин агар у, Зайд одамларга ҳакамлик қиляптими, деса, Зайднинг ҳакамлик қилаётганига шубҳаланган бўлади.

(**كَيْفَ تُحِي الْمَوْتَى**) бу саволда Аллоҳ Таолонинг ўликларни тирилтира олишини тан олиш бор. Ундан мурод Иброҳим ﷺнинг шу ишнинг қандай амалга ошишини билмоқчилигидир.

Кайфа (қандай) сўзи орқали савол беришнинг ҳақиқий маъноси мана шу.

Бироқ бу сўз орқали мажозий маънода ҳам савол берилади. Масалан, кимдир бир оғир юкни кўтара оламан, деб даъво қилади. Сизнинг эса унинг кўтара олмаслигига ишончингиз комил. Шунда сиз унга, қани менга кўрсат-чи уни қандай кўтаришингни, дейсиз. Бу билан унинг кўтара олмаслигини айтмоқчи бўласиз.

Ҳақиқат мажоздан муқаддам, устун бўлишига қарамасдан, Аллоҳ Таоло барибир мажозга, Иброҳим ﷺнинг кўнглидан ўтиши мумкин бўлган маънога ўрин қолдирмасликни хоҳлади.

Аллоҳ, (أَوَلَمْ تُؤْمِنِ) **Ишонмайсанми?**), деди. Аллоҳ ишнинг моҳиятини билади. Лекин Аллоҳ Иброҳим عليه السلام бу саволни бераётган пайтда фақат ҳақиқий маънонигина кўзда тутганлигини намойиш қилиб қўйишни истади. Ҳақиқий маъно ўликларни тирилтириш тарзини ўз кўзи билан кўриши эди.

Шундай қилиб, Иброҳим عليه السلامнинг жавоби, орий рост, эй Раббим, Сенинг ўликларни тирилтира олишинга ишонаман, бунга мутлақо шубҳа қилмайман, бўлди.

(وَلَكِنْ لَيَطْمَئِنَّ قَلْبِي) **лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун)**

яъни, қалбим далолат йўли билан хотиржам бўлганидек, ўз кўзим кўриш йўли билан ҳам хотиржам бўлиши учун сўраяпман.

Аллоҳ марҳамат ила Иброҳим عليه السلامнинг сўраганини бажо келтириб, унга ўша ишни кўрсатди. Яъни, у кишига тўртта қушни тўплаб, уларни сўйишни, сўнгра бўлақларини ҳар хил тоғларга сочиб юборишни, ундан кейин эса уларни чақиришни буюриб, ана шунда бу бўлақлар қандай тўпланиб, Аллоҳнинг изни ила қушлар яна тирилишини кўришини айтди. Худди шундай бўлди ҳам.

(قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ الطَّيْرِ) **Аллоҳ айтди: «Тўртта қушни олгин»**

Агар шуни хоҳлаётган бўлсанг, бас ол. Бу ердаги фо ҳазф қилинган шартнинг жавоби учун келяпти. Яъни, агар истаётган бўлсанг, бас ол.

(فَصْرَهُنَّ) **«ўзинга тортиб, кесиб майдала»** бу сўз сулосий мужаррад бобида келяпти. Ундаги ҳамза касра билан ҳам ўқилган. Замма билан ўқилганда у кесиш, эгиш маъноларини англатади.

Касра билан ўқилганда эса фақат кесиш маъносини англатади. Фарро шундай деган.

Ҳар икки қироат ҳам мутавотир. Маъно эса бир. Улардан муҳками кесиш яъни, сўйиш маъносинигина англатганидир.

(ثُمَّ أَدْعُهُنَّ) **шундан сўнг уларни чақиргин)** яъни, уларни чақир.

(يَأْتِيَنَّكَ سَعْيًا) **дарҳол келадилар)**. Ҳол ўрнида келяпти. (سَعْيًا) яъни, оёқлари билан югуриб. Бу сўз қушни учишига нисбатан қўлланмайди.

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي كُلِّ سُنبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ وَاللَّهُ يُضْعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾ (261) الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتْبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى هُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿262﴾

*билгилки, Аллоҳ шубҳасиз қудратли ва ҳикматлидир*) яъни, Ўз ишига голибдир, етук ҳикмат эгасидир, ҳар ишга қодирдир. Махлуқотларнинг баҳонаи сабаблари У Зотга таъсир ўтказолмайди. У Зот бандалари устидан голибдир, халлоқдир, алимдир.



– „261. Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошогиди ютадан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир. 262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргашитирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуг ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар“: [2:261-262]

Қуръони Каримнинг мана шу пораси имон ва куфр мавзуси билан бошланади, дегандик.

﴿فَمَنْهُمْ مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَّنْ كَفَرَ﴾

Кейин Аллоҳ Таоло Аллоҳ берган ризқдан инфоқ қилишни фарз қилинганини айтганди.

Шундан кейинги оятлар имон, мўминлар ва Аллоҳ Таоло мўминларнинг Дўсти экани, кофирларнинг дўсти эса тоғут эканини, ундан сўнг эса имонга далолат қилувчи аломатлар, ўликларнинг тирилтирилишини сўзлайди.

Шулардан сўнг мана бу икки муборак оятларда Аллоҳ Таоло инфоқ – сарф-харажат хусусида гапиради. Бу Қуръони Каримнинг бошланишидаги иккинчи мавзу эди.

1. Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлида яъни, жиҳод йўлида инфоқ қилган кимсаларнинг шаънини баён қиляпти. Қуръони Каримда Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиш юқорида айтиб ўтганимиздек, жиҳод йўлида инфоқ қилиш маъносида келади. Аллоҳ Таоло мана шундай инфоқ қилувчиларнинг шаънини баён қиляпти. Уларнинг шаъни жуда буюқдир. Уларга қилган инфоқларига нисбатан бир неча баробар қилиб, етти юз мартадан бошлаб, ниҳоясини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган даражада кўп қилиб қайтарилади.

﴿وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

(Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир).

﴿أَنْتَ سَعَى سَنَابِلِ فِي كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ﴾ *ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган*). Бир неча баробарлик тасвирини гавдалантириш. Гўё нақд кўриниб тургандек. Бу ерда маъқулни (ақл билан топиладиган нарсани) маҳсусга (ҳис орқали сезиладиган нарсага) ташбеҳи санъати қўлланыпти. Яъни, савобдаги бир неча баробарлик экиндаги бир неча баробарликка ўхшатиляпти.

(*سنبله*) бу сўз экиндаги бошоқ маъносини англатади. Ундаги нун аслий, шунинг учун у рубоий бобидан бўлиб, вазни икки лом билан белгиланади.

Ўстириш феълининг исноди донга берилаётгани мажоздир. Чунки у ўстирувчи эмас, фақат шу ишга бир сабабчидир. Ҳақиқий Ўстирувчи эса Аллоҳ Таолодир. Демак, бу ерда исноднинг донга берилиши мажозийдир.

Юқоридаги инфоқнинг жиҳод йўлидаги инфоқ эканини бир неча саҳобалар томонидан ривоят қилинган мана бу ҳадис ҳам таъкидлайди. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَرْسَلَ بِنَفَقَةٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَقَامَ فِي بَيْتِهِ فَلَهُ بِكُلِّ دِرْهَمٍ سَبْعُ مِائَةِ دِرْهَمٍ وَمَنْ غَزَا بِنَفْسِهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَنْفَقَ فِي وَجْهِ ذَلِكَ فَلَهُ بِكُلِّ دِرْهَمٍ سَبْعُ مِائَةِ أَلْفِ دِرْهَمٍ ثُمَّ تَلَا هَذِهِ آيَةَ وَاللَّهُ يُضَاعَفُ لِمَنْ يَشَاءُ»

«Аллоҳнинг йўлида нафақа юбориб, ўзи уйида қолган одам учун ҳар бир дирҳамига етти юз дирҳам берилади. Ўзи ҳам Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиб, шу йулда

**нафақа ҳам берган киши учун ҳар бир дирҳамига етти юз минг дирҳам берилади».**<sup>58</sup>

(وَاسِعٌ) Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир) (وَاسِعٌ عَلَيْهِ) бандаларига берадиган савоби ва эҳсони кўп.

(بِالْمَعْرِفَةِ) инфоқ қилгувчининг ниятини, ихлосини билувчи.

2. Аллоҳ Таоло ўтган оятда Аллоҳ йўлида инфоқ қилгувчининг савобини айтганди. Ундаги матн умумий маънода келганди.

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

(Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли) бу муборак оятда эса ўша олдинги оят хосланиб келяпти. Яъни, ажр, савоб фақат Аллоҳ йўлида инфоқ қиладиганлар, қилган инфоқлари ордидан миннату озорни эргаштирмайдиганлар учундир. Яъни, инфоқлари холис Худо учун бўлганларга улуг ажрлар, савоблар бордир. Улар ўзларининг келажигидан қўрқмайдилар, қўлдан кетган нарса учун хафа бўлмайдилар. Улар учун бутун амният бордир: Бу дунёда яхши ҳаёт, охирада эса қилган гуноҳларининг мағфират этилиши билан сийланурлар.

﴿هُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

(Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар замгин бўлмайдилар).

(يُتَّقُونَ) молларини Аллоҳ йўлида сарфлайдиган зотлар) яъни, жиҳод йўлида.

﴿لَا يَتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى﴾

(Сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган) бу сўз аслида кесиш, узиш маъноларини англатади. (حِيلَ مَنِينَ) минин (миннатли) арқон), дегани заиф, нимжон, узилиб кетай деб турган арқон, деганидир. Бу ерда бу сўз нафақадаги риёдан, фахрланишдан киноя бўлиб келяпти.

(58) Ибн Можа: 2751. Дуррул Мансур: 2/37. Сарвари олам ﷺ шу гапни айтганларидан кейин “Аллоҳ Ўзи истаган кишига янада кўп қилиб бераверади”, оятини тиловат қилдилар.

(*أَذَى* **озор**) эса инфоқ қилувчининг ўзи қиладиган бир ёмонликдир. Масалан, инфоқ қилишдан кўзлаган мақсади амалга ошмай қолса, қандайдир акс таъсирланади. Жанг учун бирор жиҳоз ёки қурол-аслаҳа беради-да, давлат шу ишини мужоҳидлар олдида намойиш қилишини истайди. Давлат намойиш қилмай қолса, акс таъсирланиб, ишни бузади, яхшилигини ёмонликка айлантириб юборади.

Муборак оятдаги хослаш

﴿ثُمَّ لَا يُتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مِّنَّا وَلَا أَذَى﴾

(*Сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган*) шундай васф билан келганки, унда Аллоҳнинг йўлидаги нафақада Аллоҳ уни қабул қилиши ва унга ўша айтилган мукофотни бериши учун тўла ихлос бўлиши шартлиги ўз ифодасини топган. Ҳа, нафақа холис Худо учун бўлиши, унга ҳеч қандай миннату озорлар аралашмаслиги лозим.

Ана шунда улар Аллоҳ Ўз дўстларига тайёрлаб қўйган улғу мукофотга ноил бўлурлар.

﴿إِنِّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

– „*Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар гамгин бўлмайдилар*“. [10:52]



## Учинчи пора, бешинчи қисм, иккинчи чорак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

﴿قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا أَذَىٰ ۗ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ﴾ ﴿١٣٢﴾ يَتَّيْهَا  
الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَبْطُلُوا صَدَقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَىٰ كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ  
وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ  
فَتَرَكَهُ صَلْدًا ۖ لَا يَقْدَرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ  
الْكَافِرِينَ ﴿١٣٣﴾ وَمَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَتَشْيِئًا مِّنْ  
أَنْفُسِهِمْ كَمَثَلِ جَنَّةٍ بِرَبْوَةٍ أَصَابَهَا وَابِلٌ فَفَاتَتْ أَكْلَهَا ضِعْفَيْنِ فَإِن لَّمْ يُصِبْهَا  
وَابِلٌ فُطِلٌ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١٣٤﴾ أَيُّودٌ أَحَدَكُمُ أَن تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ  
نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ لَهُ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَأَصَابَهُ الْكِبَرُ  
وَلَهُ ذُرِّيَةٌ ضِعْفَاءُ فَاَصَابَهَا إِعْصَارٌ فِيهِ نَارٌ فَاحْتَرَقَتْ ۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ  
الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿١٣٥﴾ يَتَّيْهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا  
كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ وَلَسْتُمْ  
بِعَٰذِيهِ إِلَّا أَنْ تُعْمِضُوا فِيهِ ۖ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿١٣٦﴾ الشَّيْطٰنُ يَعدُّكُمْ  
الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَآءِ ۗ وَاللَّهُ يَعدُّكُمْ مَغْفِرَةً مِّنْهُ وَفَضْلًا ۗ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿١٣٧﴾  
يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَآءُ ۖ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا ۗ وَمَا  
يَذَكَّرُ إِلَّا ءَأُولَآءِ الْأَلْبَآبِ ﴿١٣٨﴾ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُمْ مِّنْ نَّذْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ  
يَعلَمُهُ ۗ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴿١٣٩﴾ إِن تَبَدُّوا الصَّدَقَاتِ فَنِعِمَّا هِيَ ۗ وَإِن

تُخْفُوهَا وَتُؤْتُوهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَيُكَفِّرُ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئَاتِكُمْ وَاللَّهُ

بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٦٦﴾

– „263. Яхши гап ва кечирши — кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ. Аллоҳ беҳожат ва ҳалимдир. 264. Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиши учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро унинг (риёкорнинг) мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмғир теккан-да қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундай риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунда топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди. 265. Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотларнинг мисоли худди адирликдаги шаррос қуйган ёмғир теккач, хосилини икки баробар қилган боққа ўхшайди. Энди агар унга шаррос қуйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилади. Аллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир. 266. Сизлардан биронтангиз тағларидан дарёлар оқиб тургувчи, хурмою узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боғи бўлиб, кексайиб нимжон болалари билан қолган пайтида ўша боғини ўтли бўрон уриб, ёниб битишини истайдими? Шундай қилиб, тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади. 267. Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиши учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини танламангиз! Ва билингизки, албатта Аллоҳ беҳожат ва ҳамду санога лойиқ зотдир. 268. Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбагал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳши ишларга буюради. Аллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билгувчидир. 269. У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақки, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар. 270. Инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни шубҳасиз Аллоҳ билади. Ва (инфоқ-эҳсон қилмайдиган) золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи

йўқдир. 271. Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбагалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир“.

[2:263-271]

**Тафсир:**

﴿قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا أَذَىٰ ۗ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ﴾ ﴿٢٦٣﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَبْطُلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَىٰ كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۗ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ فَتَرَكَهُ صَلْدًا ۖ لَا يَقْدُرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾ ﴿٢٦٤﴾ وَمَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَتَثْبِيتًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ كَمَثَلِ جَنَّةٍ بِرَبْوَةٍ أَصَابَهَا وَابِلٌ فَفَاتَتْ أَكْلَهَا ضِعْفَيْنِ فَإِن لَّمْ يُصِبْهَا وَابِلٌ فَطُلٌّ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾ ﴿٢٦٥﴾ أَيُّودٌ أَحَدَكُمُ أَن تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ لَهُ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَأَصَابَهُ الْكِبْرُ وَهُوَ ذُرِّيَّةٌ ضُعَفَاءُ فَأَصَابَهَا إِعْصَارٌ فِيهِ نَارٌ فَاحْتَرَقَتْ ۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ﴾ ﴿٢٦٦﴾

— „263. Яхши гап ва кечирши — кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ. Аллоҳ беҳоҷат ва ҳалимдир. 264. Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охираат кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро унинг (риёкорнинг) мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдик, унга шаррос қуйган ёмғир теккан-да қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундай риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиймат кунда топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди. 265. Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотларнинг мисоли

*худди адирликдаги шаррос қуйган ёмғир теккач, хосилини икки баробар қилган боққа ўхшайди. Энди агар унга шаррос қуйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилади. Аллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир. 266. Сизлардан биронтангиз тағларидан дарёлар оқиб тургувчи, хурмою узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боғи бўлиб, кексайиб нимжон болалари билан қолган пайтида ўша боғини ўтли бўрон уриб, ёниб битишини истайдими? Шундай қилиб, тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади “.*

[2:263-266]

### **Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:**

1. Аллоҳнинг йўлида қилинадиган нафақа холис Худо учун қилиниши, уларга миннату озорлар эргаштирилмаслиги лозимлигини баён қилувчи ўша оятлардан кейин Аллоҳ Таоло мана бу оятларда мусулмонларга Аллоҳнинг наздида озор ва миннатли садақадан кўра яхши сўз ва дуо яхшироқ эканини таъкидлаяпти. Бу ердаги садақа умумий маънода бўлиб, фарз садақага ҳам, нафл садақага ҳам тааллуқлидир.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг ўша миннату озорлар аралашган садақадан беҳожат эканини, ҳалим эканини, миннат қилганлар ва озор етказганларнинг жазосини дарров беравермаслигини баён қилиш билан якунляпти.

(قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ *яхши гап*) чиройли, яхши гап. Яхши сўзи билан хосланаётгани учун бу мубтадо накра бўлиб келяпти. Чунки бирор сифат билан хосланган накра маърифа ҳукмида бўлади.

(حَلِيمٌ *ҳалимдир*) юқорида айтиб ўтганимиздек, дарров жазо беравермайди. (Тавба қилишини кутади).

2. Кейин Аллоҳ Таоло мўминларга хитоб қилиб, садақаларни миннат ва озор билан зое кетказиб юбормасликларини тайинляпти. Бу фақатгина олдинги икки оят такрорининг ўзи эмас. Ҳар бир оят ўзига хос янги маънога эга. Олдинги оятда бу ажр, мукофот миннат ва озорсиз нафақа қилгувчиларга эканлиги айtilган бўлса,

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنَّا وَلَا أَدَىٰ هُمْ

أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

– „Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун

**Парвардигорлари хузурида улуг ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар“.** [2:262]

иккинчи оятда

﴿قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا أَذَى﴾

**(Яхши гап ва кечириш — кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ)** икки ҳолатдан яъни, озорли садақа билан яхши гапдан қайси бири афзаллиги кўрсатиляпти.

**(берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!)**. Бу оят эса озор ва миннат садақани чиппакка чиқариб юборишини баён қиляпти.

Биринчи оятда ажрга эришишнинг шарти миннат ва озорнинг бўлмаслиги эканлиги айтиляпти.

Иккинчи оятда миннатли ва озорли садақадан кўра яхши гапнинг афзаллиги баён қилиняпти.

Учинчи оятда эса миннат ва озор садақани йўққа чиқариши кўрсатиляпти. Биринчи оятдан жиҳод йўлида қилинган закот ёки садақа ўрнига ўтаверадия лекин унинг савоби бўлмайди, деган маъно тушунилиши мумкин эди. Мана бу охирги оят

﴿لَا تُبْطَلُوا صَدَقَتِكُمْ﴾

**(берган садақаларингизни йўққа чиқарманг!)** миннатли ва озорли садақанинг ўрнига ўтмаслигини айтиб, мазкур тушунмовчиликка барҳам берапти. Яъни, бундай ҳолатдаги садақанинг ботиллигини ифодалаяпти.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло молини холис Худо учун, охират учун эмас, риё учун, хўжакўрсинга сарфлайдиган кимсага бир масал зарб қиляпти. Бундай тарздаги нафақа силлиқ тош устидаги тупроқ кабидир. Қаттиқ ёмғир ёғса, ҳаммасини ювиб кетади. Яъни, бундай нафақанинг ҳеч қандай қадри ҳам, қиймати ҳам йўқ. Унинг эгаси Аллоҳдан ҳеч қандай ажр, мукофот олмайди. Бундай нафақа эгасига бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фойда бермайди.

Аллоҳ Таоло оятни кофирларнинг Аллоҳ томонидан бўлган бир ҳидоят устида эмасликларини, балки очиқ залолатда эканликларини баён қилиш билан яқунляяпти.

﴿لَا تُبْطَلُوا صَدَقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ

بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

**(Молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!)** яъни, эй мўминлар, миннат ва озор туфайли садақаларингизни бекор, фойдасиз қилиб юборманглар. Мунофиқлар Аллоҳга ва охират кунига ишонмаганлари туфайли ўзларининг нафақаларини риё билан йўққа чиқарадилар. Сизлар ҳам ўшаларга ўхшаб қолманглар.

**(كَمَثَلِ صَفْوَانٍ مисоли бир силлиқ тошга ўхшайди)** яъни, улкан силлиқ тош.

**(عَلِيَّهِ تَرَاتِبٌ устини чанг-тупроқ қоплаб олган)** яъни, ундан озгина нарса ҳам.

**(فَأَصَابَهُ، وَإِلَيْهِ унга шаррос қуйган ёмғир теккан-да)** яъни, қаттиқ ёмғир.

**(فَتَرَكَهُ، صَلْدًا қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган)** яъни, силлиқ, устида ҳеч нарса йўқ.

**(لَا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар)** яъни, риё учун қилган сарфларига савоб топа олмайдилар. Бу нафақаларидан мутлақо фойдаланолмайдилар. Қайтариб ҳам ололмасдан бу дунёда ҳам зарар қиладилар, чунки уни қўлдан бой бериб бўлган бўладилар, савоб ҳам ололмасдан охиратда ҳам зарар қиладилар, чунки риё учун қилинган нафақага савоб берилмайди.

3. Аллоҳ Таоло холис Худо учун, Аллоҳнинг ризосини истаб, нафақа қилганларга ҳам бир масал зарб қияпти. Уларнинг нафақалари ҳамма ҳолатларда ҳам мева берадиган боққа ўхшайди. Агар ёмғир кўп ёгса, ҳосили ҳам кўп бўлади. Агар у қадар кўп ёгмаса ҳам ўша одатдаги мева ҳосилини бераверади.

Бу холис Худо учун қилинган садақанинг оз ёки кўплигидан қатъий назар, Аллоҳнинг наздида пок, тоза ҳисобланиши ва қабул қилиниши учун зарб қилинган масалдир.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг ҳамма нарсани кўриб туришини, амалнинг холис ёки нохолислигини билишини айтиш билан яқунляпти.

﴿وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

(Аллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир).

﴿يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَتَثِيئًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ﴾

(Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиганлар).

(*ابْتِغَاءً* истаб) яъни, Аллоҳнинг ризосини талаб қилиб. Бу ибора ҳол бўлиб келяпти. Шунинг учун у насб ҳолатида.

(*تَثِيئًا* мустаҳкам ишонч билан). Унга атф қилиниб, бу ҳам ҳол бўлиб келяпти. Мана шу гап мафъулун лиажлиҳи бўлгани учун насб бўляпти, деган гапдан кўра рожихроқ. Негаки, агар мафъулун лиажлиҳиликка биноан насб бўладиган бўлса, олдинги сўз ҳам мафъулун лиажлиҳи бўлиб, унга атф қилинган бўлади. Лекин бунда мақсад қилинган маънога зид бўлиб қолади. Негаки, мўминлар олдин ҳақиқат устида собит бўлмай, кейин шу собитликка эришиш учун инфоқ қилаётганлари йўқ. Улар инфоқ қилишдан олдин ҳам собит эдилар. Ёки шу қилаётган нафақалари Аллоҳ рози бўладиган жойга тушишда собит бўлишини исташиб, бу ишни қилдилар. Ҳар иккиси ҳам бу сўзнинг мафъулун лиажлиҳиликдан кўра, ҳолликка биноан насб бўлиши рожихроқлигига қаринадир.

(*حَنَّةٍ كَمَثَلِ جَنَّةٍ بَرْتَوْءٍ* мисоли худди адирликдаги боққа ўхшайди) жаннат, боғ.

(*رَتَوءٍ*) сўзи сал тепаликроқ жойда жойлашган сертупроқ, серҳосил ер, деган маънони англатади.

(*أَصَابَهَا وَابِلٌ* шаррос қуйган ёмғир теккач) яъни, қаттиқ ёмғир.

(*فَأَتَتْ أَكْهَأُ* хосилини қилган) яъни, мева берди, ҳосил берди.

(*ضَعْفَيْنِ* икки баробар) яъни, бошқа жойларга нисбатан икки баробар кўп мева берди, ҳосил берди.

(*فَإِنْ لَّمْ يُصِيبَا وَابِلٌ فَطَلٌّ* энди агар унга шаррос қуйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилади) яъни, шудрингга ўхшаб кетадиган озгина ёмғир. Шунинг ўзи ҳам одатдаги ҳосилни беришга кифоя қилади.

Агар қаттиқ ёмғир ёғса, ҳосилни икки баробар кўп беради. Кўп ёмғир ёғмаса ҳам, одатдаги ҳосилни бераверади. Яъни, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳосил беради.

4. Кейин Аллоҳ Таоло ўз садақаларини миннату озор билан йўққа чиқарадиган кимсалар учун олдинги икки масалдан бошқа яна бир масал зарб қияпти.

Биринчи масалда, ўз молини риё учун, хўжакўрсинга сарфлайдиган мунофиқ тасвирланганди.

Иккинчи масалда бундай нафақанинг силлиқ тош устидаги тупроққа ўхшаши, агар қаттиқ ёмғир ёгса, ундан асар ҳам қолмаслиги айтилганди.

Мана бу оятдаги учинчи масалда эса у шундай тасвирланади: Бир улкан боғ эгаси бўлиб, у ўз боғидан фойдаланиб, эҳтиёжларини қондириб юрарди. Ёши бир жойга бориб қолганида унга ёрдам берадиган балоғат ёшига етган зурриёди ҳам йўқ эди. Мана шу пайтда унинг боғи ёниб кетди. У эса қариб қолгани туфайли энди боғини тузата олмайди. Зурриёди ҳам ҳали кичик бўлиб, унга ёрдам беролмайди. Мана бу жожевий мусибат!

Демак, ўз садақаларини миннату озор билан йўққа чиқарган кимса ўзининг тирикчилик манбаи унга энг муҳтож бўлиб турган бир пайтида ёниб кетган кимсага ўхшайди.

Бу масал ҳис этиладиган масалдир. Ҳеч қандай молу фарзанд асқотмайдиган, Аллоҳнинг олдига саломат қалб билан боришдан бошқа нарса фойда бермайдиган кунда кишининг ўзи қилган садақаларидан фойдалана олмасдан ўз боғидан унга энг муҳтож бўлиб турган бир пайтида ажраган кимсага ўхшаб туришини бир тасаввур қилинг!

Бу масал шунингдек, яхши ишни қилиб-қилиб, пировардда ёмон ишни қилган ва шу билан яхши амалини куйдириб юборган, чиппаққа чиқарган кишига ҳам тушади.

Бухорий Убайд ибн Умайрдан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб бир куни Пайғамбар ﷺнинг саҳобаларига, мана бу

﴿أَيُّدُ أَحَدِكُمْ أَنْ تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ﴾

**(Сизлардан биронтангизга хурмою узумлари бор боғ бўлишини истайдими?)** ояти кимлар ҳақида нозил бўлган, деди. Улар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари билувчироқ, дейишди. Умар бу жавобдан ғазабланиб, биламиз ёки билмаймиз, денглар, деди. Шунда Ибн Аббос, эй мўминлар амири, бу ҳақда менинг ўз фикрим бор, деди. Умар, гапир, эй жиян, тортинма, ўзингни паст олма, деди. Шунда Ибн Аббос, бу бир ишга зарб қилинган масалдир, деди. Умар رضي الله عنه қайси ишга, деб сўради. Ибн Аббос, бир киши Аллоҳга тоат қилишда бой бўлади. Кейин унга Улуғ ва Буюк Аллоҳ шайтонни юборади. У шайтоннинг гапига кириб,

якши амалини куйдириб юборади. Яна бир ривоятда, ажали яқинлашиб, умри тугай деб қолганда ҳаётини бадбахтларнинг ишини қилиш билан якунлайди. Умар رضي الله عنه Ибн Аббоснинг бу фикрига рози бўлди (қаршилик билдирмади)». <sup>59</sup>

(*سِيزْلَارْدَان بِيْرَنْتَانْغِيْزِ اِسْتَايْدِيْمِي؟*). Бу ердаги ҳамза инкор ҳамзаси.

(*يٰۤاَصٰبٰهَآ اِعْصَاۤءُ*). Чирпирак бўлиб самога ўрлайдиган шамол. Чанг-тўзонни тик ушлаб турадиган қаттиқ шамол. У довул, бўрон ҳам, деб юритилади.

Ўт бу самум, гармсел яъни, қаттиқ иссиқ.

Аллоҳ Таоло оятни бу зарб қилинган масаллар ҳақида тадаббур қилиб, улардан ибрат-эслатма олишга ундаш билан якунляпти. (*يٰۤاِتِيْهَا الَّذِيْنَ ءَاْمَنُوْۤا اَنْفِقُوْۤا مِنْ طَيِّبٰتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا اَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْاَرْضِ وَلَا تَيَمَّمُوْۤا الْخَبِيْثَ مِنْهُ تُنْفِقُوْنَ وَلَسْتُمْ بِاِحْدِيْهِ اِلَّا اَنْ تَغْمِضُوْۤا فِيْهِ وَاَعْلَمُوْۤا اَنَّ اللّٰهَ غَنِيٌّ حَمِيْدٌ*) الشَّيْطٰنُ يَعْذُكُمُ الْفَقْرَ وَيَاْمُرْكُمْ بِالْفَحْشَآءِ وَاللّٰهُ يَعْذُكُمُ مَّغْفِرَةٌ مِّنْهُ وَفَضْلًا وَاللّٰهُ وَاَسْعَ عَلِيْمٌ يُوْتِي الْحِكْمَةَ مَن يَّشَآءُ وَمَن يُوْتِ الْحِكْمَةَ فَقَدْ اُوْتِيَ خَيْرًا كَثِيْرًا وَمَا يَذَّكَّرُ اِلَّا اُولُو الْاَلْبَابِ وَمَا اَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ اَوْ نَدَرْتُمْ مِّنْ نَّدْرٍ فَاِتٰتِ اللّٰهُ يَعْزُمُهٗ وَمَا لِلظَّالِمِيْنَ مِّنْ اَنْصَارٍ اِنْ تَبَدُّوْۤا الصَّدَقٰتِ فَنِعِمَّا هِيَ وَإِنْ تُخْفُوْهَا وَتُوْتُوْهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَيُكَفِّرْ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئٰتِكُمْ وَاللّٰهُ بِمَا تَعْمَلُوْنَ خَبِيْرٌ

– „267. Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини

(59) Бухорий: 4538.

**танламангиз! Ва билингизки, албатта Аллоҳ беҳожат ва ҳамду саного лойиқ зотдир. 268. Шайтон сизларни (агар инфоқ-эхсон қилсангиз) камбагал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳи ишларга буюради. Аллоҳ сизларга ўз тарафидан магфират ва фазлу карам (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билгувчидир. 269. У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақки, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар. 270. Инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни шубҳасиз Аллоҳ билади. Ва (инфоқ-эхсон қилмайдиган) золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. 271. Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбагалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир“.** [2:267-271]

Оятлар ҳамон инфоқ қилиш оқимида давом этипти. Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлида қилинган инфоқ миннатсиз ва озорсиз бўлиши лозимлигини, акс ҳолда Аллоҳнинг наздида қабул қилинмаслигини баён қилганидан кейин:

1. Аллоҳ Таоло бу муборак оятда нафақа (закот) нарсанинг ёмон жойидан эмас, яхши жойидан бўлиши лозимлигини айтпти.

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنفِقُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ﴾

**(Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-показаларидан инфоқ-эхсон қилингиз!).**

Бу муборак оятда киши молининг ёмон жойидан инфоқ қилишдан (закот беришдан) қайтариляпти. Бу тақиқ кейинги оятдаги

﴿الشَّيْطٰنُ يَعِدُّكُمْ اَلْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَآءِ﴾

**(Шайтон сизларни (агар инфоқ-эхсон қилсангиз) камбагал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳи ишларга буюради),** деган қарина билан қатъий тақиқдир. Бу мантуқнинг ишорат далолати билан мафҳуми молининг ёмон жойидан инфоқ қиладиган (закот берадиган) киши шайтоннинг гапига кирган бўлишини ифодалайди ва бу унинг қатъийлигини кўрсатувчи қаринадир. Яъни, мазкур тақиқ ҳаромликни ифодалайди.

Модомики, молнинг ёмон жойидан қилинган нафақа (берилган закот) ҳаром экан, демак, мазкур оятда гап вожиб

нафақа – закот устида боряпти. Аллоҳнинг йўлида яъни, жиҳод йўлида қилинган нафақа ҳам (сарф ҳам) ва бошқа кишининг устидаги фарз нафақалар ҳам шу қабилдандир. Яъни, уларни молнинг ёмон жойидан бериш ҳаромдир.

Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳанифдан қилинган Аллоҳ Таолонинг мана шу

﴿وَلَا تَيَّمُّوا الْحَيْثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ﴾

(*Эҳсон қилиш учун паст-нопокларини танламангиз!*), деган ояти ҳақидаги ривоятда, у жаърур ва ҳабиқдир (хурмонинг энг сифатсиз навидир), **«Бас, Аллоҳнинг пайғамбари ﷺ уларнинг садақага (яъни, хурмодан олинадиган закотга) олинишини тақиқладилар»**, дейилган.<sup>60</sup> Бу иккиси хурмонинг энг сифатсиз навларидандир.

Мана бу ривоят Убайда Салмондан қилинган: Али رضي الله عنهдан Аллоҳ Таолонинг

﴿يَتَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَلَا تَيَّمُّوا الْحَيْثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ﴾

(*Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун паст-нопокларини танламангиз!*), деган ояти ҳақида сўраган эдим, у, бу оят фарз қилинган закот хусусида нозил бўлган, киши хурмосини яхши, ёмонга ажратиб, яхшисини бир тарафга қўярди, закот йиғувчи келганида унга ёмон жойидан берарди, шунда Аллоҳ Таоло мана шу

﴿وَلَا تَيَّمُّوا الْحَيْثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ﴾

деган оятни нозил қилди, деди.<sup>61</sup> Нафл садақа эса гарчи киши уни ҳам молининг яхши қисмидан бериши афзал бўлса-да, лекин биз уни ёмон жойидан берган киши гуноҳкор бўлади, дея олмаймиз. Негаки, нафл садақа кишининг бўйнидаги вожиб эмас. Бироқ, бу ишда масаланинг Аллоҳнинг қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги тарафига ҳам қараш лозим. Негаки, Аллоҳ покдир ва пок нарсанигина қабул қилур.

(60) Насойй: 2446. Абу Довуд: 1369. Муватта: 537.

(61) Термизий: 2987. Мустадрак: 2/284. Дуррул Мансур: 2/49. Тафсири Табарий: 3/83.

Бу оят кишининг ўз бўйнидаги ҳақни адо этиши хусусида сўзляпти. Киши ўз бўйнидаги ҳақни молининг яхши жойидан бериши, адо этиши вожиб. Шунинг учун Аллоҳ Таоло уларнинг ўзларига тегишли ҳақни олишлари ҳақида бир масал зарб қияпти. Агар улардан бировининг бошқаси бўйнида бирор ҳақи бўлганида, ёмон жойидан бериладиган бўлса, уни олмас эди-ку?

﴿وَلَسْتُمْ بِأَخْذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ﴾

(**Фақат кўз юмиб туриб оладиган**) яъни, улар ўша ёмон жойидан берилган нарсани фақат кўрмай қолсаларгина оладилар.

Бу ерда закотни адо этишда молнинг ёмон жойидан беришни инкор қилиш, бу иш учун дакки бериш бор. Ахир ўзларининг ҳақларини олишда ёмон жойидан берилишига рози бўлмаган одамлар қандай қилиб Аллоҳнинг ҳаққини беришда ёмон жойидан берилишига рози бўлсинлар?

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида Ўзининг улардан беҳожат Зот эканини, уларнинг садақаларидан фойдаланмаслигини, аксинча, қилган ишлари учун уларга жазо ёки мукофот беришини баён қияпти.

﴿وَمَا تَقْدِمُوا لِأَنْفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ نَجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ﴾

(**Ўзингиз учун нима яхшилик қилган бўлсангиз, уни Аллоҳ ҳузуринда топасангиз**) шуни ҳам баён қияптики, Аллоҳ махлуқотлари томонидан уларга берган неъматлари учун ҳамд эшитишга ҳақли Зотдир. Аллоҳнинг ҳаққини молининг ёмон жойидан адо этган киши Аллоҳга ҳамд айтган бўлмайди. Ахир унга ризқни Ўша Аллоҳ берган эмасми?!

﴿وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ﴾

(**Ва билингизки, албатта Аллоҳ беҳожат ва ҳамду санога лойиқ зотдир**).

(**Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан инфоқ-эхсон қилингиз!**). Бу ерда мўминларга хитоб қилиниб, уларга закотни молларининг яхши жойидан беришлари тайинланяпти.

(**Инфоқ-эхсон қилингиз!**) закот беринглар.

(**Касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизалари**). Топган молларнинг яхши жойидан.

(**كَسَبْتُمْ كАСБ ҚИЛИБ ТОПГАНИНГИЗ**) яъни, олди-сотди, ижара, тижорат, ширкат, мерос, совға, васият каби йўллар билан топган молларингизни покланглар, закотини беринглар. У «Тижорат, пуллар ва ҳайвонлар» закотини ўз ичига олади.

(**وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ** **Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан**). Бу экинлар ва мевалар закотини ўз ичига олади. Ҳадисда: «**Хурмо, майиз, буғдой, арпа**», дейилган. Ҳаммасининг ўзига хос нисоби ва шартлари бор.

(**وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ** **тахламангиз!**). Яъни, закотни молларингизнинг ёмон жойидан чиқариб берманглар.

(**الْخَبِيثِ** **паст-нопок**) бу сўз ҳаром маъносида эмас, молнинг ёмон қисми маъносида. Чунки молнинг ёмон жойидан эмас, яхши жойидан закот чиқариш ҳақидаги хитоб мўминларга қаратилляпти.

﴿مَا كَسَبْتُمْ﴾

(**Касб қилиб топган нарсаларингиз**) ва

﴿وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ﴾

(**Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан**), деган гаплар бунга қаринадир. Мўминнинг топгани ҳаром бўлмайди.

﴿الَّذِينَ آمَنُوا﴾

(**Мўминлар**) хитоби билан келиши унинг топгани ҳалоллигини кўрсатади. Бу ерда

﴿وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ﴾

(**Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан**), деган гап ҳам бор. Бу ердаги феълнинг исноди Аллоҳга берилаётгани унинг асли ҳалол эканини ифодалайди.

Демак, бу ердаги маъно шуки, Аллоҳ Таоло мўминларга молларининг ёмон жойларидан эмас, яхши жойларидан закот чиқаришни буюряпти.

﴿وَلَسْتُمْ بِأَخَذِهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ﴾

(*Улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган*) яъни, улар ўша ёмон жойидан берилган нарсани фақат кўрмай қолсаларгина оладилар.

(*أَنْ تَغْمِضُوا فِيهِ* улардан ўзингиз кўз юмиб туриб) кўз юмишнинг икки хил маъноси бор. Бири индамаслик, ён бериш маъноси бўлса, иккинчиси кўрмай қолиш маъносидир. Рожиҳ гап шуки, бу ерда кўрмаслик маъносида келяпти. Чунки оят мана бундай оқимда кетяпти: Одамлар ўзларининг ҳақлари молнинг ёмон жойидан берилишига рози бўлмаганларидек, Аллоҳ Таоло ҳам Ўзининг ҳаққи молнинг ёмон жойидан адо этилишини қабул қилмайди. Фақат одамлар ўша ёмон жойни кўрмай қолишлари ҳам мумкин. Аллоҳ эса ҳамма нарсани кўриб туради.

Агар (*تَغْمِضُوا* ўзингиз кўз юмиб туриб) сўзи индамаслик, ён бериш маъносида дейилса, оятдан Аллоҳ молнинг ёмон жойидан чиқарилган закотни қабул қилмайди, фақат кечирсагина қабул қилади, деган маъно чиқиб қолади. Лекин оятдан кўзланган мақсад бу эмас. Оятдан кўзланган мақсад Аллоҳнинг ёмон жойдан чиқарилган закотни қабул қилмаслигидир.

Бинобарин, (*إِلَّا أَنْ تَغْمِضُوا فِيهِ*) улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб) сўзи уни кўрмасангизлар, ундаги айбни билмасангизлар маъносида келяпти. Аллоҳ Таоло ишнинг моҳиятини билмасликдан пок бўлгани эътибори билан бу ердаги истисно У Зотга тегишли эмас. Демак, ундаги маъно қуйидагича бўлади:

Худди сизлар ўзларингизнинг ҳақингиз молнинг ёмон жойидан берилишига рози бўлмаганингиз каби Аллоҳ Таоло ҳам молнинг ёмон жойидан берилган закотни қабул қилмайди. Аллоҳ Таоло ҳамма нарсани кўриб туриши эътибори билан бу ердаги истисно У Зотга тегишли эмас. Демак, Аллоҳ Таоло ҳар қандай ҳолатда ҳам молнинг ёмон жойидан чиқарилган закотни қабул қилмайди.

2. Аллоҳ Таоло кейинги оятда баён қиляптики, шайтон ўзининг дўстларини ҳар доим камбағал бўлиб қолишдан қўрқитиб, уларга молларидан инфоқ қилмасликни, закот бермасликни, мабодо мажбур бўлиб қолсалар, қашшоқлашиб кетмаслик учун молнинг ёмон жойидан чиқариб беришни васваса қилади. Уларга ўз дунёларини сақлаб қолиш учун Аллоҳга исён қилишни чиройли қилиб кўрсатади. Натижада улар Аллоҳнинг азобига дучор бўладилар, шайтоннинг ваъдаси уларни ҳалокатга олиб боради.

﴿يَعِدُهُمْ وَيُمَنِّيهِمْ وَمَا يَعِدُهُمُ الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا﴾

– „(Шайтон) уларга ваъдалар берур, хомхаёлларга мубтало қилур. Охир-оқибатда шайтон берган ваъдалар фақат ёлгон-сароб бўлиб чиқар“ [4:120]

Мана шу шайтоннинг ваъдаси: қашшоқлик ва фаҳш.

Аллоҳ Таоло эса Ўзининг фазли ва мағфиратини ваъда қилади. Аллоҳ Таоло шайтоннинг камбағалликни ваъда қилишига муқобил тарзда Аллоҳ бойликни ваъда қилади, демади. Негаки, Аллоҳнинг ваъдаси ҳар икки дунё зафарини ўз ичига олади. Бу ҳам шу дунёдаги яхшиликни ва ҳам охиратдаги яхшиликни ваъда қилишдир. Ҳалол, позика ризқ ва гуноҳлару хатолардан мағфират. Бир сўз билан айтганда ҳар икки дунё яхшилигини ваъда қилиш.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида Ўзининг эҳсони ҳам, мағфирати ҳам кенг бўлган, ким савобга ва ким азобга лойиқлигини биладиган Зот эканини баён қиляпти.

﴿وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

(Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билгувчидир).

(الْفَقْرُ الْعَيْشُ الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمْ الْفَقْرُ) шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади) яъни, сизларни агар инфоқ қиладиган бўлсангизлар, камбағал бўлиб қоласизлар, деб кўрқитади. Бу ўтган оятдаги молнинг ёмон жойидан инфоқ қилиш сабабини янгитдан баён қилишдир.

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا هَذِهِ السُّبُلَ فَتَفْسَدُوا سُلُوكَكُمْ وَأنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ) ва сизларни фаҳш ишларга буюради) яъни, бахиллик, садақа қилмаслик каби фаҳш, ёмон ишларга. Бу сўз шунингдек зино, ҳаромга сарфлаш, рибо ва бошқа гуноҳларни ҳам ўз ичига олади.

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا هَذِهِ السُّبُلَ فَتَفْسَدُوا سُلُوكَكُمْ وَأنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ) Аллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам (бойлик) ваъда қилади) яъни, ҳар икки дунё зафарини. Охиратда гуноҳларнинг мағфират этилиши ва Аллоҳнинг ризосига эришиш бўлса, бу дунёда яхши ризқ ва бировга муҳтож бўлмаслик. Амал қилгувчиларнинг ажри нақадар яхши!

Араб тилида ваъда сўзи мутлақ айтилганда яхшиликка нисбатан қўлланади. Агар қайдлаб айтиладиган бўлса, башорат сўзи каби унинг яхшиликка ёки ёмонликка нисбатан қўлланаётгани ўша қайдга қараб бўлади.

Бу оятда ваъда икки йўлга қайдланяпти.

(الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ) *шайтон сизларни кўрқитади*) яъни, ёмонликни.

(وَاللَّهُ يَعِدُكُمْ) *Аллоҳ сизларга ваъда қилади*) яъни, яхшиликни.

Ибн Масъуд ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ لِلشَّيْطَانِ لَمَّةً بَابِنِ آدَمَ وَلِلْمَلِكِ لَمَّةً، فَأَمَّا لَمَّةُ الشَّيْطَانِ فإِيعَادُ بِالشَّرِّ وَتَكْذِيبُ بِالْحَقِّ، وَأَمَّا لَمَّةُ الْمَلِكِ فإِيعَادُ بِالْخَيْرِ وَتَصْدِيقُ بِالْحَقِّ، فَمَنْ وَجَدَ ذَلِكَ فَلْيَعْلَمْ أَنَّهُ مِنَ اللَّهِ، فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ، وَمَنْ وَجَدَ الْآخَرَ فَلْيَتَّعِزَّ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ»

«Одам боласининг кўнглига шайтон ҳам бир ўй-хаёл солади, фаришта ҳам бир ўй-хаёл солади. Шайтон солган ўй-хаёл ёмонликка буюриш ва ҳақиқатни ёлғонлатиш бўлса, фаришта солган ўй-хаёл яхшиликка буюриш ва ҳақиқатни тасдиқлатишдир. Уни (фаришта солган ўй-хаёлни) топган одам уни Аллоҳ томонидан билиб, Аллоҳга ҳамд айтсин. Наригисини (шайтон солган ўй-хаёлни) топган одам Аллоҳдан шайтондан паноҳ беришини сўрасин».

Кейин Пайғамбар ﷺ мана бу оятни ўқидилар:

﴿الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ﴾

(*Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбагал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳши ишларга буюради*).<sup>62</sup>

(لَمَّة) сўзи кўнгилга солинган ўй-хаёлдир. Барча яхши ўй-хаёллар фариштадан, ёмон ўй-хаёллар эса шайтондандир.

3. Аллоҳ Таоло бу муборак оятда ҳикмат Аллоҳ Таолонинг ўзи хоҳлаган бандасига берадиган энг буюк неъматларидан бири эканлигини баён қиляпти. Ҳикмат бу гапда ҳам, амалда ҳам хато қилмаслик, гадаббуру тафаккурни пухта қилишдир. Аллоҳ кимга бу неъматни берган бўлса, у Яратувчисини танийди, Унинг шариатига эргашади ва шу билан кўп яхшиликларга ноил бўлади.

Бу оятнинг ўтган оятдан, хусусан, ундаги Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ وَلَسْتُمْ بِآخِذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ﴾

(*Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини танламангиз!*), деган гапидан

(62) Термизий: 2914. Дуррул Мансур: 2/65. Тафсири Табарий: 2/88.

кейин келишида Аллоҳнинг йўлида молининг ёмон жойидан инфоқ қиладиганлар ҳикматдан Мосуво эканликларига ишора бор. Агар уларда ҳикмат бўлганида ўзлари учун рози бўлмаган нарсани Аллоҳга раво кўриш мумкин эмаслигини англаган бўлардилар. Модомики, ўзлари ўз ҳақларини олишда фақат яхши жойдан берилишини истар эканлар, Аллоҳнинг ҳам фақат яхши жойдан чиқарилган закотни қабул қилиши батариқи авло эканини англашлари керак. Агар уларда ҳикмат бўлса, албатта.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида Аллоҳнинг оятларидан фойдалана биладиганлар ақлларини ишлатадиган, ибрат-эслатма оладиган ақл соҳиблари эканини баён қиляпти.

﴿وَمَا يَدَّكُرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

**(Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар).**

﴿يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ﴾ **У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради)** яъни, уни бандалари орасидан Ўзи истаган кимсага беради.

﴿الْحِكْمَةَ﴾ сўзи аслида ажрим қилиш, илму амалдаги пухталиқ ва хато қилмасликни ҳамда нодонликдан йироқ бўлишни англатувчи ҳукм сўзидан олинган. Демак, тўғри фикрлайдиган, гапю амалини пухта, хатосиз қиладиган ҳар бир одам ҳикмат соҳиби бўлади. Шунинг учун араблар бу сўзни мана шу аслий маъносида ҳам, ундан келиб чиқадиган бошқа муштарак маъноларда ҳам қўллашган. Керакли маънони оқим белгилаб беради.

Шундай қилиб, бу сўз Аллоҳ Таолони таниш маъносида ҳам, Қуръон маъносида ҳам, Қуръонни тадаббур қилиш маъносида ҳам, пайғамбарлик маъносида ҳам, суннат маъносида ҳам, илм, ҳукм, фиқҳ ва бошқа маъноларда ҳам қўлланган.

Рожих гап шуки, ﴿يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ﴾ **У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради)** оятидаги ҳикмат сўзи аслий маънода қўлланыпти, яъни, у тўғри фикрлаш, сўзда ва амалда хато қилмаслик маъносида келяпти. Бундай дейишимга асосим шуки, олдинги

﴿وَلَسْتُمْ بِأَخَذِيهِ إِلَّا أَنْ تُعْمِضُوا فِيهِ﴾

**(Улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган),** деган оятда агар улар тўғри фикрлайдиган, сўзда ва амалда хато қилмайдиган одамлар бўлганида ўзларига раво кўрмаган

нарсани Аллоҳга аллақачон раво кўрмаган бўлардилар, деган ишора бор. Уларда айнан мана шу ҳикмат йўқлиги туфайли молларининг ёмон жойидан Аллоҳнинг ҳақини – закотни бердилар. Ҳолбуки, ўзларининг ҳақлари мана шундай ёмон жойдан берилишига рози бўлмас эдилар.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло кимга ҳикмат берилган бўлса, унинг учун ҳар икки дунё яхшилигига йўл очилганини баён қияпти. Тўғри фикрлаш, сўзда ва амалда хатога йўл қўймаслик одамни Аллоҳнинг тавфиқи ила ҳар икки дунё яхшилигига эриштиради. Ҳикматли одам Аллоҳнинг Китобидан ҳам, Пайғамбар ﷺнинг суннатларидан ҳам тўғри фойдаланиб, қўлидан келганича яхшилик қилишга интилади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ: رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ تَعَالَى مَالًا فَسَلَطَهُ عَلَى هَلَكْتِهِ فِي الْحَقِّ، وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ تَعَالَى الْحِكْمَةَ فَيَقْضِي بِهَا وَيُعَلِّمُهَا»

**«Фақат икки нарсагагина ҳасад қилса бўлади: Бир кишига Аллоҳ Таоло мол-дунё берган бўлса ва у бу бойликни ҳақиқат йўлида сарфласа. Яна бир кишига Аллоҳ Таоло ҳикмат берган бўлса ва у бу ҳикматнинг ҳақини адо этиб, уни бошқаларга ўргатса».**<sup>63</sup> Бу ерда бу сўз Қуръонни ва суннатни тадаббур қилиш, англаш маъносида келяпти.

4. Аллоҳ Таоло фарз қилинган садақани (закотни) ва уни миннату озорсиз, риёсиз, молнинг ёмон жойидан эмас, яхши жойидан адо этишни баён қилганидан кейин энди бу оятда банда бир сабаб билан (яъни, назр туфайли) ўзига ўзи фарз қилиб олган нафақага – сарфга ҳам вафо қилиши вожиблигини баён қияпти.

Аллоҳ фарз қилган нафақа-сарф ҳам

﴿وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ﴾

**(Инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз)** ёки банда ўзига ўзи вожиб қилиб олган нафақа-сарф ҳам

﴿أَوْ نَذَرْتُمْ مِّنْ نَّذْرٍ﴾

**(ва назр қилган ҳар бир назрингизни)** ўз ўрнига сарфланиши шарт. Ўз ўрнига сарфламаганларни Аллоҳ Таоло аламли

<sup>(63)</sup> Бухорий: 71, 1320. Муслим: 135. Термизий: 1859.

азобдан огоҳлантиради. Бу ваид риё аралашган, миннату озор етказилган, молнинг яхши жойидан эмас, ёмон жойидан ажратилган, гуноҳ иш учун қилинган сарфларнинг ҳаммасига алоқадор. Шу билан бирга у назрга вафо қилмаганларга ҳам, закотни беришдан бахиллик қилганларга ҳам тегишлидир.

Мана шуларнинг ҳаммасига Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг азобидан қутқарадиган зот топилмайдиган бир кунда бўладиган азобни ваъда қиляпти. Улар золимлардир. Негаки, нарсаларни ўз ўрнига қўймаптилар.

﴿وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ﴾

(*золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир*) бу ваид мазкур оятдаги нафақа ва назр худди бажарилмаслигига жазо тайинланадиган закот ва ўз қарамоғидагиларни боқиш каби вожиб нафақа эканига далолат қилувчи қаринадир.

(*шубҳасиз Аллоҳ билади*) Аллоҳ Таолонинг уларнинг ҳаммасини жазолашидан киноя. Унда Аллоҳ фарз қилган ишларга ва назрларга вафо қилишда Аллоҳга итоатсизлик қилганлар учун ваид бор. Ма сўзи шарт маъносида бўлиб, унинг жавобига фо қиряпти.

Насоий Имрон ибн Ҳусойндан чиқарган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«التَّذْرُ نَذْرَانِ، فَمَا كَانَ مِنْ نَذْرٍ فِي طَاعَةِ اللَّهِ فَذَلِكَ اللَّهُ تَعَالَى وَفِيهِ الْوَفَاءُ، وَمَا كَانَ مِنْ نَذْرٍ فِي مَعْصِيَةِ اللَّهِ فَذَلِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَلَا وَفَاءَ فِيهِ فَيُكْفَرُ مَا يُكْفَرُ الْبَيْمِينِ»

**«Назр икки хил бўлади. Бири Аллоҳга итоат қилиш борасида қилинган назр. Бундай назрга вафо қилинади. Иккинчиси Аллоҳ Таолога гуноҳ қилиш борасидаги назр. Бундай назрга вафо қилинмайди. Унга худди қасам каби каффорат тўланади».**

3. Аллоҳ Таоло охирги оятда модомики, риё аралашмаётган экан, садақани ошкор қилиш яхши эканини, агар яширин қилинса, янада яхшироқ эканини баён қиляпти.

Аллоҳ садақалар сабабли уларнинг айрим гуноҳларини каффорат қилишини айтиб, суюнчли хабар берапти.

﴿إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ أَلْسِفَاتِ﴾

– „Албатта, яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур“.

[11:114]

Аллоҳ Таоло уларнинг барча қилаётган ишларидан Хабардор. Ҳеч нарса Аллоҳдан махфий эмас. У Зот садақа қилаётган кишининг ичидаги ниятини ҳам, ихлосини ҳам билади. Каттаю кичик ҳамма иш У Зотнинг назаридан четда қолмайди.

﴿إِنْ تَبَدُّوا الصَّدَقَاتِ﴾ *Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз*). Бу

оят олдинги оятнинг баёнидир. Яъни, бу ерда фақирга закот бериш ёки вожиб бўлган назрни беришни ошкор қилиш ёки махфий қилиш мақталапти. Лекин Аллоҳнинг наздида уни ошкор қилишдан кўра махфий қилиш яхшироқ эканлиги ҳам айтиляпти. Махфий қилинганда берувчи учун риёдан, олувчи учун эса ноқулайликдан узоқроқ бўлади.

Мана шу

﴿إِنْ تَبَدُّوا الصَّدَقَاتِ فَبِعَمَّا هِيَ﴾

*(Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши)* ояти олдинги

﴿وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ نَفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُمْ مِنْ نَذْرٍ﴾

*(Инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни)* оятининг баёни бўлгани учун ўртадаги атоф қилувчи ҳарф олиб ташланган.

Модомики, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу оят баён бўлиб келаётган экан, демак унда айтилган садақалар олдинги оятда айтилган нафақа ва назрдир, яъни, фақирларга берилиши вожиб бўлган нафақа, фарз қилинган закот ва фақирларга берилиши вожиб бўлган назрдир.

Шу ерда бир масала туғилади. У Аллоҳ Таолонинг

﴿وَتَوَاتُوهَا الْفُقَرَاءُ﴾

*(фақир-камбагалларга берсангиз)* деган гапидир. Инфоқ қилувчининг ўз қарамоғидаги камбағал одамга яширин тарзда инфоқ қилишини ёки вожиб бўлган назрни камбағалга яширин беришни тушуниш мумкин. Яъни, бундай ишлар бевосита амалга оширилади.

Лекин закот берувчининг иши қандай бўлади? У закотини камбағалга бевосита берса ҳам бўладими ёки олдин давлатга бериши, кейин давлатнинг ўзи камбағалга бериши керак бўладими?

Абу Юсуф «Хирож» китобида шундай дейди: «Пул закотини закот берувчи давлатга бермасдан бевосита камбағалларга бериши мумкин. Бу иш халифанинг изни билан бўлади». Бунга

далил Пайғамбар ﷺ пул закотини камбағалларга беришга рухсат этганлар, шундай ишлар қилинганда индамаганлар.

Халифа кишининг пул закотини камбағалга ўзи бевосита беришига рухсат этиши мумкин. Ана шунда унга

﴿وَإِنْ تَخَفَوْهَا وَتَوْتُوها الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ﴾

**(Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир)** ояти тўғри келади. Чунки шарт феъли (تَخَفُوهَا) эмас, балки

﴿تَخَفُوهَا وَتَوْتُوها الْفُقَرَاءَ﴾

дир. Агар садақа (закот) инфоқ қилувчи томонидан камбағалга бевосита берилаётганда уни махфий қилиш афзалроқ.

Бу гаплар инфоқ қилувчининг бевосита ўзи фақирга бериши мумкин бўлган пул закотига алоқадор гаплардир.

Ҳайвонлар ва экинлар закотлари каби пул закотидан бошқа ишларда эса инфоқ қилувчининг бевосита ўзи камбағалларга бериши мумкин эмас. У садақалар волийсига ёки садақа (закот) йиғувчига берилади. Бундай ҳолат яшириш афзаллиги ҳақидаги оятга тўғри келмайди. Алдов, яшириш каби ноўрин ишлар содир бўлмаслиги учун бундай ҳолатда ошкоралик йўлини тутиш афзалдир. Зеро, ҳукмларни бажаришда халифага бўлган итоатни яширишдан кўра ошкора қилиш афзалроқдир.

Имом Аҳмад Абу Умомадан ривоят қилишича, Абу Зар Пайғамбар ﷺдан, эй Аллоҳнинг пайғамбари, қайси садақа афзал, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ,

﴿صَدَقَةٌ سِرًّا إِلَىٰ فَقِيرٍ أَوْ جَهْدٌ مُّقْبَلٌ﴾

**«Фақирга яширин қилинган садақа ёки йўқсилнинг қийналиб қилган садақаси»**, дедилар. Кейин юқоридаги оятни ўқидилар.<sup>64</sup>

Саҳиҳ ҳадисда келади:

﴿سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ ... - وَمِنْهُمْ - وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّىٰ لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا صَنَعَتْ يَمِينُهُ﴾

**«Етти тоифа одамни Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ қунида Ўз соясига олади... Улардан бири ўнг қўли қилган ишни чап қўли билмайдиган даражада махфий**

(64) Аҳмад: 5/178, 179. Ибн Ҳиббон: 2/76.

**садақа қилган кишидир»**. Бу ердаги садақа мутлақ маънода келяпти. Унга фарз садақа ҳам, нафл садақа ҳам кираверади.

Хулоса қилиб айтганда, камбағалга бевосита бериладиган садақанинг фарз ёки нафл бўлишидан қатъий назар, махфий қилингани афзалроқ. Лекин халифага ёки унинг ходимларига топшириладиган фарз закотнинг эса махфий қилинганидан кўра ошкора қилингани афзалроқ. Айрим саҳобалардан қилинган мана бу ривоятнинг мазмуни шу бўлса ҳам ажаб эмас: «Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Нафл садақанинг яширин қилингани ошкора қилинганидан етмиш баробар афзалроқ. Фарз садақанинг ошкора қилингани яширин қилинганидан йигирма беш баробар афзалроқ». Бу ердаги фарз садақадан мурод ўша Ислом давлатига бериладиган закотдир. Уни билдириб бериш афзалдир. Чунки ҳукмларни бажаришда халифага бўлган итоатни кўрсатиб қилиш афзалроқдир.

(*فَبِعَمَّا هِيَ*) мақтов феъли. Мозий, фатҳага мабний.

Асли (*نعم*) бўлиб, унга ма киритилгани учун мим сукун қилинган ва икки сокин бир жойда келиб қолгани туфайли айнга касра берилган.

Ма калимаси накра томма. Тамйизлик эътибори билан насб ҳолатида. (*نعم*) феълининг фоили остидаги мустатир замир бўлиб, у ўзидан кейинги тамйиз билан тафсирланаётган садақаларга қайтади.

(*هِيَ*) Муаххар мубтадо бўлиб, садақаларни ошкор қилишга қайтади. Унинг муқаддам хабари ўзидан олдинги жумлайи феълийя, яъни, мақтов феъли ўз фоили билан. Яъни, уни ошкор қилиш нақадар яхши. Лекин бу ерда музоф ҳазф қилиниб, унинг ўрнига музофун илайҳ ўтирган. Мақтов садақаларга эмас, айтиб ўтганимиздек уларни ошкор қилишга алоқадор.

Мақтовнинг садақаларга эмас, садақаларни ошкора қилишга алоқадорлигига далил ихфо (яширин қилиш)нинг унга атф бўлаётгани ва яхшилик иснодининг унга берилаётганидир. (Ўзбекча қилиб айтганда биринчи жумлага уюшиб келаётган кейинги жумлада гап яшириш ҳақида бораётган экан, демак, биринчи жумлада ҳам гап ошкора қилиш устида кетаётган бўлади).

﴿وَأِنْ تَحَفُّوهَا وَتَوْتُوهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ﴾

(*Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир*) бу ерда иснод садақаларга эмас,

махфий қилишга берияпти. (Изоҳ: Зайд урди, дейилганда урди феълининг исноди Зайдга берилган бўлади. Яъни, урди сўзи Зайдга таяниб турибгина ўзидаги маънони англата олади. Иснод сўзи таянтириш, суянтириш маъноларини англатади). Маътуф нима бўлса, маътуфун алайҳ ҳам ўша бўлади.

﴿إِنْ تَبَدُّوا الصَّدَقَاتِ فَنِعِمَّا هِيَ﴾

(Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши) яъни, садақани ошкора қилиш мақтовга сазовор иш, лекин уни яшириб қилиш ундан ҳам яхшироқ.

(*فَنِعِمَّا هِيَ* жуда яхши) маҳаллан жазм ҳолатидаги жумла, биринчи шартнинг яъни,

﴿إِنْ تَبَدُّوا الصَّدَقَاتِ﴾

(Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз)нинг жавоби.

(*فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ*) бу ўзингиз учун янада яхшироқдир) маҳаллан жазм ҳолатидаги жумла, иккинчи шартнинг яъни,

﴿إِنْ تَخْفَوْهَا وَتُوْتُوهَا الْفُقَرَاءَ﴾

(агар махфий қилиб, фақир-камбагалларга берсангиз)нинг жавоби.

(*وَيُكْفِّرُ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئَاتِكُمْ*) ва қилган гуноҳларингизга каффорат

бўлади). Бу ерда (مِن) зоида (қўшимча) бўлиши ҳам, табъизийя (баъзи маъносида) бўлиши ҳам мумкин. Агар зоида бўлса, оят Аллоҳ ҳамма гуноҳларни каффорат қилади, деган маънода бўлади. Агар табъизийя бўлса, Аллоҳ гуноҳларнинг айримларини каффорат қилади, деган маънода бўлади.

Лекин яна бир қироат ҳам бор. Унда каффорат қилиш феъли учинчи шахсда эмас, биринчи шахс кўплигида ва жазм ҳолатида келган. Бу қироатга кўра (жазм ҳолатидалигини назарда тутяпман), гуноҳларни каффорат қилиш садақаларни махфий қилиш шартига жавоб бўлади. Яъни, гуноҳларни каффорат қилиш садақани махфий қилишнинг натижаси бўлади. Агар (مِن) зоида бўлса, жумла агар сизлар садақаларни махфий қилсангизлар (*سَيِّئَاتِكُمْ* гуноҳларингиз)нинг ҳаммаси каффорат қилинади, деган маънода бўлади. Агар (مِن) табъизийя бўлса,

жумла агар сизлар садақаларни махфий қилсангизлар, айрим гуноҳинглар каффорат қилинади, деган маънода бўлади. Энди садақаларнинг махфий қилиниши ҳамма гуноҳларнинг каффорат қилинишини тақозо этмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ердаги (مِنْ) фақат таъбъизийя бўлади. Яъни, бу қироат муҳкам маънони ифодалайди. У ҳам бўлса, (مِنْ) ҳарфининг таъбъизийялигидир.

Биринчи қироатга келсак,

﴿وَيُكَفِّرُ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئَاتِكُمْ﴾

жумласидаги (يُكَفِّرُ) феъли раф ҳолатида бўлгани туфайли олдинги шартга жавоб бўлиб келаётган маҳаллан жазм ҳолатдаги феълга атф бўлаётгани йўқ. Бу жумла жумлаи истиънофия бўляпти. (Бу гап янги гап бўляпти). Бу ҳолда у Аллоҳнинг ҳамма ёки айрим гуноҳларни каффорат қилиши ҳақидаги хабар бўлади. Бу қироатда икки хил маъно бор. Агар (مِنْ) зоида бўлса, бу гапдан гуноҳларнинг ҳаммаси каффорат қилиниши, агар (مِنْ) таъбъизийя бўлса, гуноҳларнинг айримлари каффорат қилиниши тушунилади. Бошқачароқ қилиб айтганда бу қироат муташобихдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, феъл жазм ҳолатида ўқилган қироат (مِنْ)нинг фақат таъбъизийя эканлигини ифодалайди. Модомики, ҳар икки қироат ҳам мутавотир бўлиб, маъно бир экан, муҳкамнинг муташобих устидан ҳукмронлиги эътибори билан бу ердаги (مِنْ) таъбъизийя бўлади.

Яъни, садақани камбағалларга яширин ҳолда бериш ҳамма гуноҳларни каффорат қилмайди, уларнинг айримларинигина каффорат қилади, холос. Аллоҳнинг тақдири ва ҳикматига кўра ҳам шу маъно муносиброқ.

Бу ерда мана шу маъно рожиҳдир. Унда ўзига хос бир ҳикмат бор. Токи, бандалар Аллоҳ Таолодан қўрқишга, Аллоҳга яқинлаштирадиган яхши ишларни қилишга ҳарис бўлсинлар. Токи, садақани махфий қилиб, бўлди, энди ҳамма гуноҳларим каффорат қилинди, дея ишониб қолмасинлар ва шу ишларига таяниб, Аллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан ошмасинлар. Агар садақалар гуноҳларнинг айримларинигина каффорат қилишини

англасалар (Аллоҳнинг тақдири ва илмида шундай), ҳар икки дунё саодатига эришиш учун савобни қўпайтириб, гуноҳни озайтиришга ҳарис бўладилар. Бундай саодатга эришиш энг буюк ғалабадир, муваффақиятдир.

*وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ* (Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир) яъни, садақангларни ошкора қиласизларми, яширин қиласизларми, ҳаммасидан Огоҳ. Аллоҳга юзланишда ихлосинглар қанча, садоқатинглар қанча, ҳаммасини билади. У Зотдан ҳеч нарса махфий эмас.



## Учинчи пора, бешинчи қисм, учинчи чорак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

﴿۱﴾ لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ وَلٰكِنَّ اللّٰهَ يَهْدِي مَن يَشَاءُ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِن خَيْرٍ فَلَأَنفُسِكُمْ ۗ وَمَا تُنْفِقُونَ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللّٰهِ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِن خَيْرٍ يُّوفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ ﴿۲﴾ لِلْفُقَرَاءِ الَّذِينَ أَحْصَرُوا فِي سَبِيلِ اللّٰهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا فِي الْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ الْجَاهِلُ أَغْنِيَاءَ مِنَ التَّعَفُّفِ تَعْرِفُهُمْ بِسِيمَاهُمْ لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ إِحْفَافًا ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِن خَيْرٍ فَإِنَّ اللّٰهَ بِهِ عَلِيمٌ ﴿۳﴾ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُم بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿۴﴾ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ۗ ذٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا ۗ وَأَحَلَّ اللّٰهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا ۗ فَمَن جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّهِ فَآنتَهَىٰ فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللّٰهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿۵﴾ يَمْحَقُ اللّٰهُ الرِّبَا وَيُرْبِي الصَّدَقَاتِ ۗ وَاللّٰهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ كَفَّارٍ أَثِيمٍ ﴿۶﴾ إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿۷﴾ يٰٓأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللّٰهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿۸﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللّٰهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَإِن تُبْتِغُوا فَلََكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلَمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ ﴿۹﴾ وَإِن كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ ۗ وَأَن تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿۱۰﴾ وَآتَقُوا يَوْمًا تَرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللّٰهِ ثُمَّ تُوَفَّىٰ

كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٧٢﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَعْتُمْ  
 بَدِينٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَآكُتُبُوهُ ۖ وَلَيَكْتُبَنَّكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ ۚ وَلَا يَأْب كَاتِبٌ  
 أَن يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ ۚ فَلْيَكْتُبْ وَلْيَمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ  
 وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا ۚ فَإِن كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ  
 أَن يَمِلَّ هُوَ فَلْيَمْلِكْ وَلِيَّهُ بِالْعَدْلِ ۚ وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِدَيْنِ مِّن رِّجَالِكُمْ ۖ فَإِن لَّمْ  
 يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّن تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَن تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا  
 فَتُذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَىٰ ۚ وَلَا يَأْب الشُّهَدَاءُ إِذَا مَا دُعُوا ۚ وَلَا تَسْمَعُوا أَن تُكْتَبُوهُ  
 صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَىٰ أَجَلِهِ ۚ ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهَدَةِ وَأَدْنَىٰ أَلَّا تَرْتَابُوا  
 ۖ إِلَّا أَن تَكُونَ تِجْرَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَّا تَكْتُبُوهَا ۗ  
 وَأَشْهِدُوا إِذَا تَبَايَعْتُمْ ۚ وَلَا يُضَارَّ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ ۚ وَإِن تَفَعَّلُوا فَإِنَّهُ فُسُوقٌ بِكُمْ ۗ  
 وَاتَّقُوا اللَّهَ ۖ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٧٣﴾

- „272. Уларни ҳидоят қилиш сизнинг зиммангизда эмас (эй Муҳаммад). Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўқис қайтарилади. 273. (Садақот-эҳсонлар) Аллоҳнинг йўлида тўсилган (яъни ўзларини ушлаган), бирор ерга сафар қилишга қодир бўлмайдиган, қаноатлари сабабли, билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган фақир-камбагаллар учундир. Уларнинг фақирликларини сиймоларидан билиб оласиз. Улар тиланиб туриб олмайдилар, қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Аллоҳ уни билгувчидир. 274. Мол-дунёларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурида улуг ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 275. Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунда қабрларидан) турмайдилар,

магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Бай (олди-сонди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топирилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 276. Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жиноятчини севмайди. 277. Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурда ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайгамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан кўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди. 282. Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан кўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё оғиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса, ёки (қар, соқовлиги ё тил билмаслиги сабабли айтиб туриб) ёздиршига қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин! Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни — бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади— гувоҳ қилинлар! Гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганда бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглар. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка

яқинроқ бўлган (ҳукмдир). Лекин агар (ўртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангизда, сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг! Ва на котиб, на гувоҳга зарар етмасин. Агар шундай қилсангиз (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз), бу Аллоҳга итоатсизлигингиздир. Аллоҳдан кўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир“. [2:272-282]

### Тафсир:

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَن يَشَاءُ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِن خَيْرٍ فَلِأَنفُسِكُمْ ۗ وَمَا تُنْفِقُونَ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِن خَيْرٍ يُّوفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ﴾ ﴿٢٧٢﴾ لِلْفُقَرَاءِ الَّذِينَ أَحْصَرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا فِي الْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ الْجَاهِلُ أَغْنِيَاءَ مِنَ التَّعَفُّفِ تَعْرِفُهُمْ بِسِيمَاهُمْ لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ إِحْكَافًا ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِن خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾ ﴿٢٧٣﴾ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾ ﴿٢٧٤﴾

– „272. Уларни ҳидоят қилиш сизнинг зиммангизда эмас (эй Муҳаммад). Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўқис қайтарилади. 273. (Садақот-эҳсонлар) Аллоҳнинг йўлида тўсилган (яъни ўзларини ушлаган), бирор ерга сафар қилишга қодир бўлмайдиган, қаноатлари сабабли, билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган фақир-камбагаллар учундир. Уларнинг фақирликларини сиймоларидан билиб оласиз. Улар тиланиб туриб олмайдилар, қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Аллоҳ уни билгувчидир. 274. Мол-дунёларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузуринида улуг ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар“. [2:272-274]

1 – Инфоқ қилиш хусусидаги оятлар давом этади. Лекин Аллоҳ Таоло уларнинг орасида шундай бир оятни келтирадики, юзаки қаралганда унинг инфоқ қилиш мавзусига алоқаси йўқдек туюлади.

Маълумки, фасиҳ араб тилида гап ўз изидан чиқиб кетмайди. Агар гапнинг орасига олдинги қисми билан кейинги қисми уланмайдиган бирор бўлак кириб қолса, бундан бир мақсад назарда тутилган, бу ерда бир боғлиқликни яшириб кетган бўлади. Унинг бу боғлиқликни очиқ аймасликдан кўзлаган мақсади тингловчининг диққатини шу ишга тортиш бўлади. Токи, тингловчи унинг тагига етиш учун бош қотирсин. Мана шу услуб билан тингловчининг диққатини тортиш тил ажойиботларидандир.

Мана бу муборак оят ҳам худди шундай. Унинг олдинги бўлаги инфоқ қилиш хусусида, кейинги қисми ҳам инфоқ қилиш хусусида, ўртада эса бу гап турибди. Юзаки қаралганда унинг гапдаги олдинги ва кейинги бўлақларга алоқаси йўқдек туюлади. Шунинг учун унинг моҳиятини, нима учун айнан шу жойга қўйилганини, бундан Аллоҳ нимани мақсад қилганини англаш учун бош қотириш лозим.

Бу муборак оят хусусида тадаббур қилар эканмиз, бизга шу нарса аён бўладики, биз одамларни ҳидоятлашга, Исломга киритишга мукаллаф эмасмиз. Бу иш бизнинг қўлимиздан келмайди ҳам. Аллоҳ Ўзи истаган одамни ҳидоят қилади. Биз эса Исломга даъват этамиз, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарамиз. Агар хўп, десалар, бу Аллоҳнинг фазли. Зеро, ҳамма одамларни ҳидоятга бошлашга ёлғиз Аллоҳгина қодирдир.

﴿وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدًىهَا وَلَكِنْ حَقَّ الْقَوْلُ مِنِّي لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ

الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ﴾

– *„Агар Биз хоҳласак, албатта ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз ҳақ-собит бўлгандир: «Мен жаҳаннамни (кофир) жин ва (динсиз) одамларнинг барчаси билан тўлдирурман»*. [32:13]

Шу маъно устида тадаббур қилар эканмиз, оят ўртасида келган бу бўлакнинг олдинги ва кейинги бўлақларга қандай алоқаси бор экан, деган саволга дуч келамиз. Олдинги бўлак ҳам инфоқ хусусида, кейинги бўлак ҳам инфоқ хусусида, ўртада эса бу бўлак турибди.

Инсоннинг ўзи ёқтирган бирон бир қариндошиними, дўстиними Исломга киритишга ҳарис бўлиши табиий. Шу табиийлик уни ўша ёқтирган одамни Исломга киритишда мажбурлаш чораларини, услубларини қўллашга ундаб юбориши ҳам мумкин. Мана шундай услублардан бири молни ишга солишдир. Ўша одамни Исломга киритиш учун сарфлаб турган харажатини тўхтатиб қўяди. Ёки Исломга кирсанг, кейин сарфлайман, деб шарт қўяди. Аллоҳ мусулмонларни мана шундай қилишдан, яъни, сарф-харажатни тўхтатиб қўйиш (иқтисодий босим ўтказиш) орқали қариндошларни, дўстларни ва бошқаларни Исломга киритишга мажбурлашдан қайтаряпти.

Бу муборак оят хусусида тадаббур қилинса, қуйидаги икки иш аён бўлади:

Биринчидан, Исломга кириш, ҳидоят топиш мажбурланиш билан, зарурат туфайли эмас, қаноат ҳосил қилиш, ихтиёрий танлаш, рози бўлиш билан бўлади.

Иккинчидан, қариндошларга ёки бошқаларга қилинаётган сарф-харажат одамларни Исломга киритишга восита сифатида қўлланмаслиги лозим. Мана шу оятнинг нозил бўлиш сабаби хусусидаги айрим ривоятлар ҳам шу фикримизни қувватлайди. Ибн Жарир Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилади: “Мусулмонлар мушрик қариндошларига нафақа ажратмасдилар. Шунда мана шу оят нозил бўлди.

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدْنُهُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ﴾

**(Уларни ҳидоят қилиш сизнинг зиммангизда эмас (эй Мухаммад). Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади),** яъни, қариндошлари мушрик бўлганлари учун уларга сарф-харажат қилмасдилар. Ибн Аббосдан қилинган яна бир ривоятда бундай дейилади: “Бир қанча ансорларнинг Қурайза ва Назир қабилалари билан қариндошчиликлари бор эди. Уларнинг мусулмон бўлишларини исташиб, атайин уларга садақа (сарф-харажат) қилишдан ўзларини олиб қочардилар. Шунда мана шу оят нозил бўлди.

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدْنُهُمْ﴾

**(Уларни ҳидоят қилиш сизнинг зиммангизда эмас (эй Мухаммад)).**

Бу ривоятда садақа қилиш борди-келди қилиш, нафақа ажратиш маъносида келяпти. Чунки садақа Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун қилинадиган амал ҳисобланиб, уни мусулмондан бошқасига қилиш жоиз эмас.

Яна Ибн Жарир Саид ибн Жубайрдан ривоят қилади: Улар то мана шу оят нозил бўлгунига қадар ўзларининг мушрик қариндошларига нафақа ажратишдан сақланардилар.

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ﴾

Қуртубийнинг айрим муфассирлардан олиб айтишича, Абу Бакр Сиддиқнинг қизи Асмо бобоси Абу Қўхофа билан бордикелди қилмоқчи бўлган, кейин у кофир бўлгани учун бу ишдан бош тортган. Шунда мана шу оят нозил бўлган.

Шунга кўра, оятлар оқими асосий эътибор нафақани одамларни Исломга мажбурлаб киритиш учун восита қилмасликка қаратилган ҳолда бир маромда кетяпти.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, одамларни Исломга киритишга мажбурламаслик дегани уларни шаръий ҳукмларга риоя қилишга ҳам мажбурламаслик дегани эмас. Ислом давлати томонидан шаръий ҳукмлар уларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Шундай қилиш фарзидир.

Буни

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ﴾

– „*Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир*“. [2:256]

деган оятнинг тафсирида айтиб ўтдик. Ўшанга мурожаат қилинсин.

Аллоҳ Таоло инфоқ қилиш хусусидаги оятларни яқунлар экан, бу муборак оятда инфоқ қилишга алоқадор бошқа бир ҳукмларни баён қилади. Юқорида инфоқ қилиш миннатдан, озордан холи бўлиши, риё учун қилинмаслиги, молнинг ёмон жойидан ажратилмаслиги ҳақида баён қилинганди.

Энди бу муборак оятда Аллоҳ Таоло холис Худонинг юзи учун инфоқ қилган киши ҳеч нарса йўқотмаслигини, бу иши учун савоб олишини, бу дунёда ҳам, охиратда унинг ажри тўла қилиб берилишини баён қиляпти.

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ﴾

Пайғамбар ﷺ га қилинган хитоб у кишининг Умматига қилинган хитобдир. Яъни, сиз уларни мажбурлаб ҳидоятга бошлашга мукаллаф эмассиз. Таклиф сўзи (عَلَيْكَ) дан олинган. Ҳидоят бу Ислом.

(﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ﴾ *балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади*). Яъни, Аллоҳ ҳамма одамларни ҳидоятга

бошлашга Қодир. Лекин У Зотнинг ҳикмати уларнинг ўз ихтиёрларига ташлаб қўйишни тақозо этди.

﴿فَمِنْهُمْ مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَّنْ كَفَرَ﴾

– „**Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам**“.[2:253]

(﴿فَمِنْهُمْ مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَّنْ كَفَرَ﴾ қандай яхшилик (мол) инфоқ-эхсон қилсангизлар, **бас, ўзингиз учундир**)даги (مَا) шартийя (مِنْ) таъбизийя. Яъни, (خَيْرٍ) яхшиликнинг бир қисми. Чунки агар яхшилик инфоқ билан бирга келса, мол маъносида бўлади. Агар инфоқ билан бирга келмаса, унинг мол бўлиши зарурат бўлмайди, бошқа маънода келиши ҳам мумкин.

﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ﴾

– „**Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (қиёмат кунида) ўшани кўрур**“.[99:7]

(﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ﴾) яъни, у ўзларингиз учундир. Ундан охиратда ўзларингиздан бошқа ҳеч ким фойдаланмайди. Фо шартнинг жавобига кирапти.

(﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ﴾) **фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эхсон қилингиз!**) яъни, агар сизлар холис Аллоҳнинг юзини умид қилиб инфоқ қилаётган бўлсангизлар, унинг савоби фақат ўзларингизга тегади.

(﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ﴾) Инфоқ қилмайсизлар. Бу ерда вов ҳолиядир, бинобарин, жумла ҳам ҳолиядир. (﴿أَتَّبِعَاءَ﴾) Мафъулун лиажлиҳи.

(﴿وَجِهَ ٱللَّهِ﴾) Аллоҳ Таолонинг зотидан киноя. Мана шундай қўллашда ихлос холис Аллоҳ учун бўлиши ўз аксини топади. Масалан, буни Зайд учун қилдим, десангиз, уни Зайд учун ҳам, бошқаси учун ҳам қилганингиз тушунилаверади. Агар буни Зайднинг юзи учун қилдим, десангиз, уни фақат Зайд учунгина қилганингиз тушунилади.

Шу билан (﴿أَتَّبِعَاءَ﴾) холис Ягона Аллоҳ учун, деган маънода келяпти.

қилган ҳар бир *وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ يُؤْتِ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ*)

**яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўлатўкис қайтарилади**) жумлайи шартийянинг баёни.

﴿وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَا نَفْسِكُمْ﴾

**(Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эхсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир)**, ўзларингиз учун, деган гапнинг баёни. Яъни, қилган инфоқинглар дунёю охиратда ўзларингизга қайтади, мутлақо зулм кўрмайсизлар. Зеро, тўла қилиб қайтарувчи Зот ҳукм қилгувчиларнинг энг Афзали бўлган Аллоҳ Таолодир. Бу дунёда молинглар баракали бўлади, охиратда эса улуғ ажрга ноил бўласизлар. Пайғамбар ﷺ айтганларидек:

«اللَّهُمَّ اجْعَلْ لِمُنْفِقٍ خَلْفًا وَلِمُمْسِكٍ تَلْفًا»

**«Эй Аллоҳим, мунфиққа халаф бер, мумсикка талаф»**. (Мунфиқ – инфоқ қилгувчи. Халаф – ўринбосар. Яъни, берган молининг ўрнини яна тўлдириб қўй. Мумсик – бахил. Талаф – талафот).

2 – Шундан сўнг Аллоҳ Таоло баён қияптики, садақа энг аввало фақат жиҳод билангина банд бўлиб, тирикчилик учун вақт топа олмаётганларга берилади. Улар қаноатли бўлганлари учун ўзларича сўрамайдилар. Агар ташқи қиёфаларида озиш ёки кийимларининг нураб кетиши каби ҳолатлар кузатилмаса, уларнинг муҳтожлигини ҳеч ким сезмайди. Чунки улар бировдан нарса тамаъ қилмаслик учун ўзларини худди беҳожатдек тутиб юрадилар.

Мана шундай кишиларга қилинган нафақага ажру савоб жуда улуғ бўлади. Аллоҳ садақа қилувчининг нияти холислигини билувчи Зотдир.

(لِلْفُقَرَاءِ) маҳзуф мубтадонинг хабари. Яъни, фақирларга қилган садақанглар. Лом мутааддийга айлантириш учун келяпти. Яъни, садақа қилувчи садақаси фақирларга тегишига ҳарис бўлсин.

﴿الَّذِينَ أَحْصَرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

Фақирларки Аллоҳнинг йўлида жиҳод сабабли кесилиб қолганлар яъни, фақат Аллоҳ йўлидаги жиҳод билангина банд бўлганлар.

(لَا يَسْتَطِيعُونَ صَرْبًا فِي الْأَرْضِ) **бирор ерга сафар қилишига қодир бўлмайдиган**). Яъни, жиҳод билан банд бўлганлари сабабли ер

юзида ризқ қидириб, тирикчилик учун ҳаракат қилиб юролмайдилар.

Ҳаср сўзи ман қилиш маъносини англатади. Жиҳод билан банд бўлгани ёки жиҳодда бир жароҳат олгани туфайли ризқ қидиришга вақти бўлмайдиган ёки қурби етмайдиган, тирикчилик ўтказиш учун ҳаракат қила олмайдиган ҳар бир одамга бу оят тўғри келаверади.

Шунингдек, Пайғамбар ﷺнинг замонларида «аҳли суффа», деб номланган кишилар ҳам шу оятга киради. Улар касалликлари ва жиҳод билан банд бўлганлари туфайли ризқ қидира олмасдилар. Пайғамбар ﷺ юборган ҳар бир сарийда (қўшинда) жиҳодга чиқардилар. Ибн Аббос رضي الله عنه шундай деган.

Нафақани энг аввало мана шу икки тоифа кишиларга бериш лозим бўлади. Негаки, қолганларнинг ризқ қидиришларига, тирикчилик учун ҳаракат қилишларига ҳеч қандай монe йўқ.

*(الَّتَعْفُفِ) أَحْسَنُهُمُ الْجَاهِلُ أَعْيَاءَ مِنْ التَّعْفُفِ) қаноатлари сабабли, билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган).* Яъни, қаноатлари туфайли. (من) сабабни билдириб келяпти. Қаноат бир нарсани олишга қодир бўла туриб, уни тарк қилиш, ундан юз ўгириш.

*(تَعْرِفُهُمْ بِسَمِيئِهِمْ) уларнинг фақирликларини сиймоларидан билиб оласиз).* Яъни, баданларидаги очлик аломати ва афтодаҳоллик.

*(لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ إِحْفَافًا) Улар тиланиб туриб олмайдилар)* яъни, оёқ тираб туриб олмайдилар. Бу сўз бермагунича кетмай туриб олиш маъносини англатади. Кўрпасининг ортиқча қисмини менга ёпди, дегани ўзидаги ортиқча нарсдан менга берди, деганидир. Бу сўз асли лиҳоф, ўраниш, ёпиниш сўзидан олинган. Гўё тиланчи тиланавериб, тиланавериб, одамларни ўзига ёпиниб олгандек бўлади.

*(وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ) қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Аллоҳ уни билгувчидир)* яъни, бунинг учун сизларга мукофот беради. Бу инфоқ қилишга тарғибдир.

1. Шундан кейин Аллоҳ Таоло ўз молларини ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар қандай пайтда ҳам Аллоҳнинг йўлида инфоқ-эҳсон қилишдан қизганмайдиган, бахиллик қилмайдиганлар учун улуғ ажру савоблар борлигини, улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқлигини, уларнинг хафа бўлмасликларини баён қилади.

(*кечаю кундуз, яширин ва ошкора*) ҳар қандай ҳолатда ва ҳамма вақтда. Бу ерда кеча кундуздан, махфийлик ошкоралиқдан олдинда келиши билан махфийликнинг ошкоралиқдан кўра афзалроқ экани айтиляпти.

﴿فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

Буни шарҳи юқорида ўтди.

Ибн Саъд «Табақот»да зикр қилишича, бу оят Аллоҳнинг йўлига ажратилган отларнинг емлари хусусида нозил бўлган.

Ибн Саъд «Табақот»да ўз санади билан Язид ибн Абдуллоҳ ибн Урайбдан, у бобосидан, у Урайбдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ Аллоҳ Таолонинг

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً﴾

деган ояти ҳақида:

﴿هُمُ أَصْحَابُ الْخَيْلِ﴾

«**У от эгаларидир**», деганлар.<sup>65</sup>

Шу мавзудаги охирги сўз: Аллоҳ Таоло олдинги оятларда Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақанинг ажри етти юз баробаргача кўпайишини, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандасига янада кўпроқ қилиб бераверишини, Аллоҳ (фазлу карами) Кенг, Алим (ҳамма нарсани биладиган) Зотлигини баён қилди.

Ундан кейин Аллоҳ Таоло нафақанинг қабул бўлиш шартларини баён қилди:

– Миннатсиз ва озорсиз бўлсин:

﴿لَا تَبْطُلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى﴾

(*берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!*).

– Риё аралашмасин

﴿كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِثَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ

صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تَرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ فَتَرَكَهُ صَلْدًا ۖ لَا يَقْدُرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّمَّا

كَسَبُوا ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾

<sup>(65)</sup> Дуррул Мансур: 2/100. Ибн Саъд: 7/433.

*(Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб... Зеро унинг (риёкорнинг) мисоли ҳудди бир устини чанг-тунроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдик, унга шаррос қуйган ёмғир теккан-да қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундай риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунинда топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди).*

– Молнинг ёмон жойидан ажратилмасин

﴿وَلَا تَيْمَمُوا الْحَيْثَ﴾

**(Паст-нопокларини танламангиз!).**

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло нафақа ва борди-келдини қариндошлар ва бошқаларни мажбурлаб Исломга киритиш воситаси сифатида ишлатмасликни, Исломга кириш қаноат ҳосил қилиш ва эркин танлаш билан бўлишини баён қилди.

﴿لَيْسَ عَلَيْكَ هُدَاهُمْ﴾

**(Уларни ҳидоят қилиш сизнинг зиммангизда эмас (эй Муҳаммад)).**

Шунингдек, Аллоҳ Таоло кишининг қилган инфоқ-эҳсон агар холис Худо учун қилинган бўлса, ўзига қайтишини, шунга кўра, энг буюк мукофотга ноил бўлиш учун уни кўпайтириш лозимлигини баён қилди.

﴿وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَا نَنْفِسْكُمْ ؕ وَمَا تُنْفِقُونَ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ وَمَا تُنْفِقُوا

مِنْ خَيْرٍ يُوفِّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَظْلَمُونَ﴾

**(Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўқис қайтарилади).**

Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлида қилинган ҳамма ҳолатлар ва ҳамма вақтдаги яхши нафақалар ҳақидаги бу оятларни яқунлади. Токи, киши оламлар Парвардигори ҳузуридаги буюк ажрга эришсин. Токи, у қиёматга қадар келажагидан хотиржам бўлсин. Токи, ўтган гуноҳларини Аллоҳ кечиришини ўйлаб, кўнгли таскин топсин. Токи, ҳар икки дунё саодатига ноил бўлсин. Мана шу энг буюк зафардир.

﴿فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

(Улар учун Парвардигорларининг хузурида улуг ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар).

Мана шуларнинг ҳаммаси холис Худонинг юзи учун қилинган, ҳалол, пок, Аллоҳнинг йўлида қилинган нафақа ҳақидаги гаплардир.



﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢٧٥﴾ يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا وَيُرْبِي الصَّدَقَاتِ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ كَفَّارٍ أَثِيمٍ ﴿٢٧٦﴾ إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٧﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٧٨﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُبْتِغُوا فَلَکُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِکُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ ﴿٢٧٩﴾ وَإِن کَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَن تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّکُمْ إِن کُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٨٠﴾ وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٨١﴾﴾

– „275. Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунда қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насихат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топишилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 276. Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ

**қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жиноятчини севмайди. 277. Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиған фойдани олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди “.** [2:275-281]

Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлида ҳалол, пок инфоқ қилувчиларнинг ажру савобларга ноил бўлишларини баён қилганидан кейин энди бу оятларда ҳаромга, Аллоҳ ва Пайғамбар ﷺ га гуноҳ қилишга сарфлайдиганларнинг оқибатини баён қиляпти.

Аллоҳ бу оятларда рибони, судхўрликни зикр қилиб, унинг нақадар катта гуноҳлигини, уни қилган одамга азоб жуда қаттиқ бўлишини баён қиляпти.

1. Аллоҳ Таоло судхўр ҳақида бир масал зарб қиляпти. У туришида ҳам, юришида ҳам, ўтиришида ҳам худди жин чалган жиннига ўхшайди. Бир текис бўлолмай, тинимсиз қалқиб туради. Чунки у рибони савдони, олди-сотдини рибо билан хил, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, Аллоҳ рибони ҳаром, савдони эса ҳалол қилди.

Кейин Аллоҳ Таоло жоҳилият пайтида бўлиб ўтган рибо гуноҳини кечиришини айтиб, мўминларга рибо ҳаром қилингани ҳақидаги бу оят нозил бўлганидан кейин Аллоҳга ва Пайғамбар ﷺ га итоат этиб, рибодан тийилишларини, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиб олган кимсага аламли азоб бўлишини, бундай одам дўзах эгаларидан бўлиб, у ерда абадий қолиб кетишини баён қиляпти.

(**الَّذِينَ يَأْكُلُونَ آَرَؤًا**) судхўр бўлган кимсалар), яъни, уни оладиган кимсалар. Бу гап ундан фойдаланадиган ҳаммага

тегишлидир. (يَاكُلُونَ) Қуръони Каримда ёмонлашга далолат қилиш учун ҳам қўлланган.

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا﴾

– „*Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!*“ [4:10]

﴿وَالَّذِينَ كَفَرُوا يَتَمَتَّعُونَ وَيَأْكُلُونَ كَمَا تَأْكُلُ الْأَنْعَامُ وَالنَّارُ مَثْوًىٰ لَهُمْ﴾

– „*(Мана шу ҳаёти дунёнинг ўткинчи лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар ва дўзах уларнинг жойлари бўлур!*“ [47:12]

(تُورْمَائِدِيلَار) яъни, қиёмат кунда.

﴿إِلَّا كَمَا يُقَوْمُ الَّذِينَ يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ﴾

**қўйган телба каби турадилар**) яъни, улар қабрларидан қайта тирилиб чиқиб келаётганларида худди бу дунёдаги жин чалган одамдек, гандираклар чиқиб келадилар. Бу уларнинг ўша кундаги шармандалигидир. Бу гап рибонинг тақиқланиши қатъийлигини кўрсатади. Унинг ҳаромлигини яна бир бор таъкидлайди.

(مِنَ الْمَسِّ) яъни, жиннилик. Фалончини жин чалиб кетибди, дейилганда шу сўз ишлатилади. (حبط) сўзи тик бўла олмаслик, кўр туядек гандираклар маъносини англатади.

﴿يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾ **шайтон гандираклариб қўйган телба каби**)нинг тафсири хусусида бир қанча ривоятлар ворид бўлган. Рожих гап шуки, инсон телба бўлиб қолган пайтида унга шайтон ўзининг васвасалари орқали кўпроқ таъсир кўрсатади. Бир неча ишларни унинг хаёлига солади. Натижада у гандираклар қолади.

Шайтоннинг ўзи уни йиқитади, жинни қилади, деган гапга келсак, оят бундай демаяпти. Аллоҳ Таоло, шайтон уни телба қилиб, гандиракларатади, демаяпти. Балки,

﴿يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾

**(шайтон гандираклариб қўйган телба каби)**, дейилапти. Яъни, у телбалиги туфайли шайтон уни гандиракларатади. Хуллас, олдин у телба бўляпти, кейин уни шайтон гандиракларатапти.

Шунингдек,

﴿يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾

киноя ва мажоз деган гап ҳам бор. Улар йиқилган одам ҳақида уни жин чалди, деган иборани ишлатишади. Бундай дейдиганлар жиннилик билан жин сўзларининг ўзаги бир, деб билдилар. Бу гап ҳам маржухдир. Чунки ҳақиқий маънони қўллаш узрли бўлиб қолгандагина, мажозий маънога мурожаат қилинади. Бу ерда эса ҳақиқий маънони қўллаш узрли бўлаётгани йўқ. Шайтон мажнуннинг миясига ҳар хил хаёлларни солиши ва шу билан унинг гандираклаши мумкин. Мана шу шайтоннинг уни гандираклатгани бўлади. Бундай мажозий маънога таъвил қилганлар шайтоннинг инсонни жинни қилишига йўл берилмаган, деб ҳисоблаганлари туфайли шахсни шайтоннинг ўзи йиқитади, шайтоннинг ўзи уни жинни қилади, дейдиганларга раддия билдириш учун шундай қилган бўлишлари ҳам мумкин.

﴿وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِّنْ سُلْطَانٍ﴾

– „(Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди“ [14:22]

Ҳар иккисининг гапи ҳам маржухдир. Рожиҳ гап юқорида биз айтиб, баён қилиб ўтган гапдир.

Қизиғи шундаки, ҳар икки гуруҳ тафсириларида бир-бирларини диндан чиққанликда айблашгача борганлари кузатилади. Ҳолбуки, оят ҳар иккисининг ҳам фикрини қатъий айтмаган.

Мен ҳам шу оятнинг тафсирига оид исро ва меърож ҳодисаси ҳақида келган мана бу ҳадисдан бошқа биронта ҳам саҳиҳ ҳадис топмадим. Бу ҳадис ҳам улардан бирортасининг ҳам фикрини қатъий тасдиқламаган. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«فَانطَلَقَ بِي جِبْرِيلُ فَمَرَرْتُ بِرِجَالٍ كَثِيرٍ كُلٌّ مِنْهُمْ بَطْنُهُ مِثْلَ الْبَيْتِ الصَّخْمِ ... إِلَى أَنْ يَقُولَ: فَإِذَا أَحَسَّ بِهِمْ أَصْحَابُ تِلْكَ الْبُطُونِ قَامُوا فَتَمَيَّلَ بِهِمْ بَطُونُهُمْ فَيُضْرَعُونَ، ثُمَّ يَقُومُ أَحَدُهُمْ فَيَمِيلُ بِهِ بَطْنُهُ فَيُضْرَعُ ... إِلَى أَنْ يَقُولَ: قُلْتُ: يَا جِبْرِيلُ، مَنْ هَؤُلَاءِ؟ قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ»

«Кейин мени Жаброил олиб кетди. Куп кишиларнинг олдидан ўтдим. Ҳар бирининг қорни катта уй каби эди.

**...Ҳалиги қориндорлар уни сезиб қолсалар, ўринларидан турардилар ва қоринлари уларни эгиб юбориб, йиқилардилар. Кейин улардан бири турарди (туришга уринарди) ва уни ҳам қорни эгиб юбориб, йиқилиб тушарди. ... Мен, эй Жаброил ﴿﴾, улар кимлар, деб сўрадим. Улар судхўрлар, телбалигидан шайтон уни гандираклатаётган кишиларга ўхшаб турадилар, деб жавоб берди Жаброил ﴿﴾».<sup>66</sup> Бу ерда қоринлари оғирлигидан эгилиб, йиқилиб тушадиган судхўрлар жинниликдан шайтон уни гандираклатадиган кимсага ўхшатиляпти.**

Шунга биноан, улардан бирортасининг фикрини қатъий тасдиқлайдиган биронта ҳам оят ёки ҳадис йўқ.

Модомики, иш шундоқ экан, яъни, бу оятни тафсир қилувчи шаръий ҳақиқат йўқ экан, демак, тилга мурожаат қилишдан бошқа йўл қолмайди. Қуръон араб тилида нозил бўлган. Тилга мурожаат қилинганда бизнинг фикримиз рожиҳлиги ойдинлашади. Биз улар жинниликни туфайли уни шайтон гандираклатаётган кимсага ўхшайди, дедик. Яъни, шайтон гандираклатишидан олдин унинг жинни бўлганини айтдик. Хуллас, киши олдин қайсидир сабаб билан жинни бўлган, кейин эса уни шайтон ўзининг васвасалари билан гандираклатган.

Кишини шайтоннинг ўзи йиқитгани, яъни, жинни қилгани йўқ. Агар шундай бўлганда бу муборак оят жар қилувчи (من) ҳарфи билан эмас, (ـ) ҳарфи билан келган бўларди. Чунки жар қилувчи (ـ) ҳарфи ёпиштиришни ифодалайди. Яъни, унга жинниликни шайтон ёпиштирган, деган маъно чиқарди. Айни пайтда бу ерда киноя ва мажозга ҳам, яъни, шайтонни ўзининг ҳақиқий маъносидан мажозий маъносига кўчиришга ҳам ҳожат йўқ. Чунки уни ҳақиқий маъносида қўллаш узрли эмас.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам айтамикки, биз шуни рожиҳ, деб биламик, лекин бу гапимизни қатъий қилиб айтмаймик, кимки тил қоидаларига таяниб, Қуръон ва суннат ҳукмларига асосланиб, бундан рожиҳроқ гап айтса, ўшанга эргашилади.

Бу масал ҳис этиладиган, ўта даҳшатли масал. Унда судхўрликнинг нақадар оғир гуноҳлиги ўз аксини топган. Ҳамма муфассирлар гарчи зарбул-масал борасида ихтилоф қилишган бўлса-да, мана бу натижа борасида муттафақдирлар.

---

(66) Аҳмад: 2/353, 363. Ҳорис ибн Усома муснади: 1/17. Ибн Можа: 2/763, 2273 рақам.

Аллоҳ Таоло имон билан ўтган биродарларимизнинг ўз тафсилларида қилган хатоларини мағфират айласин. Ёрдам Сўралувчи Аллоҳдир.

﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا﴾

(«*Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?*»), яъни уларнинг гуноҳларининг қаттиқлиги учун ёмон мисол қилиб келтирилган Аллоҳ Таолонинг мана бу қавлидир:

﴿الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾

(*шайтон гандираклатиб қўйган телба каби*). Бунга сабаб уларнинг рибони ҳалол санаб, рибони байга ўхшаган деб эътибор қилишлари. Бунда уларга дунё ва охиратда етадиган хорлик ва азобга далолат қиладиган нарса бор.

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

(*Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган*). Бу улар рибо билан байни баробар қилганликлари учун Аллоҳ Таоло тарафидан уларга берилган раддияни ўз ичига олган янги жумладир.

﴿فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّهِ﴾

(*Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насихат етгач*), яъни кимгаки рибонинг ҳаромлиги ҳақидаги насихат етган бўлса. «*من*» шарт калимаси бўлиб, «*جاء*»дан муаннаслик аломати туширилганига сабаб чунки «*الموعظة*» муаннаси ҳақиқий эмас, балки у «*وعظ*» маъносидадир. Шунинг учун феъл музаккар келтирилган.

«*فَأَنتَهَى*» калимаси «*جاءه*»га атф қилинган. «*فَأَنتَهَى*» калимаси «*فو*» билан келганлиги қайтарув етган пайтда панд-насихат олишнинг тез, дарҳол бўлишига далолат қилади.

(«*فو*» шартнинг жавоби. «*فَلَهُ مَا سَلَفَ*» у ҳолда аввал ўтгани ўзига)

Бундан мурод ҳаром қилинишдан аввал тўла қилиб олганларини ундан қайтариб олинмайди. Ҳаром қилинишдан аввал берган, лекин ҳали қайтариб олмаган маблағларига мана бу оят татбиқ қилинади:

﴿فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

(*дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз*).

(*وَأْمُرُهُ إِلَى اللَّهِ* **ва унинг иши Аллоҳга** (*топишилади*)), яъни, унинг келажакдаги иши Аллоҳга ҳавола. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу унинг рибодан қайтиши қанчалигини билади.

(*وَمَنْ عَادَ* **ва ким** (*судхўрликка*) **қайтса**), яъни, ким рибо байга ўхшайди, деб аввалги ҳолатига қайтса, яъни рибони ҳалол санаса.

(*فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ*) **ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар**), чунки у рибони ҳалол дейишга қайтиши билан кофир бўлади ва Исломдан қайтган бўлади. Кофир эса дўзахда абадий қолади.

2. Сўнгра Аллоҳ Субҳанаҳу кейинги оятда судхўрнинг ва садақа қилувчининг оқибатини баён қиляпти. Аллоҳ Таоло рибо молига бу дунёда барака бермайди, унинг соҳибига охиратдаги аламли азобни ваъда қиляпти.

Аллоҳ Субҳанаҳу садақа қилувчига барака бериб, охиратда унга жуда катта ажрни ваъда қиляпти.

Кейин Аллоҳ Таоло оятни кофирларни ёмон кўришини баён қилиш билан тугатяпти. Бунда рибо ҳалол дейишга ва уни бай билан тенглаштиришга қайтаётганлар гуноҳкор кофирлар эканлигига огоҳлантириш ишораси бор.

(*يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا*) **Аллоҳ судхўрликнинг** (*фойдасини*) **йўқ қилади**) яъни, рибонинг баракасини кетказади, агарчи кўп бўлса ҳам. Ибн Масъуд Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«*إِنَّ الرِّبَا وَإِنْ كَثُرَ فَعَابِقَتُهُ إِلَى قُلٍّ*»

**«Албатта рибо гарчи кўп бўлса ҳам, унинг оқибати озликка олиб боради** (яъни барака йўқ бўлади)».<sup>67</sup>

«*اخفق*»: камайиш ва йўқ бўлиш. «*محاق القمر*», яъни ойнинг кичрайиб боришлиги.

(*وَيُرِي الصَّدَقَاتِ*) **ва садақаларнинг** (*фойдасини*) **зиёда қилади**) яъни, Аллоҳ Таоло дунёда садақа молига барака бериб ўстиради, охиратда эса унинг савобини бир неча баробар қилиб беради. Муслим ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ айтдилар:

(67) Ибн Можа: 2270. Аҳмад: 1/395, 424.



4. Тўртинчи оятда мўминларга Аллоҳ Таолодан тақво қилишларига бўлган хитоб бор. Яъни рибодан қайтиш билан Аллоҳнинг азобидан ўзларини сақласинлар. Сўнгра Аллоҳ Субҳанаҳу оятнинг охирида сизлар имон келтирган Ислом буни сизларга вожиб қилади, деб баён қиляпти.

(يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا **эй мўминлар**) мўминларга хитоб.

(اتَّقُوا اللّٰهَ **Аллоҳдан қўрқингиз**) яъни ўзингизни Аллоҳнинг азобидан сақланг.

(وَذَرُوْا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا) **ва судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз**)

яъни, рибонинг ҳали олмаган қисмини тарк қилинглр, олманглр, балки берган маблағинглрни ўзинигина олинглр. Бунинг маъноси ҳаром қилинишдан аввал олган маблағларидан фойдалари улардан талаб қилинмайди.

(اِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِيْنَ) **агар чиндан мўмин бўлсангизлар**) бу араб

тилидаги бир услуб бўлиб, мухотабни ундан талаб қилинаётган нарсани амалга оширишга қизиқтиришдир. Хитоб мўминлар учун бўлиб, улар имон келтирган Ислом уларга рибони тарк этишни вожиб қилишини эслатиш билан тугади. Бу худди бир одамни бир ишни қилишга қўзғашлик учун «агар эркак бўлсанг, мана бу ишни қил» дейишингизга ўхшайди. Ҳолбуки сиз унинг эркаклигини биласиз. Гўё бу билан сиз унга эркаклигини эслатиб, эркаклик бу ишни қилишингни вожиб қилади, деб айтасиз.

5. Бундан кейин Аллоҳ Таоло сизлар икки ишни орасидасизлар деб баён қиляпти.

а) Аллоҳ Таолонинг буйруқларини маҳкам ушланглр ва рибодан тавба қилиб, унга қайтманглр. Сизлар берган маблағингизни фойдасини олмай ўзинигина олишингиз вожиб. Шунда сизлар зулм қилмайсизлар ва сизларга ҳам зулм қилинмайди. Яъни сизлардан қарз олганлардан ортиқча олишлик билан уларга зулм ҳам қилмайсизлар ва улар тарафидан сизларга ўз молларингизни бермай ёки унинг муддатини чўзишлик билан ҳам зулм қилинмайсизлар.

б) Ёки рибони олишингиз билан сизлар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Унинг Росули ﷺга душман бўласизлар. Бу рибо еювчиларга жуда катта таҳдид ва рибо жиноятининг жуда хунуклигини баёнидир. Аллоҳ ва Росулига қарши урушга ким қодир?!

Ривоят қилинишича, бу оят нозил бўлганда Сақиф қабиласи шундай дейишди: Биз Аллоҳ ва Росулига қарши урушишга

қодир эмасмиз. Ибн Абу Ҳотам Муқотилдан ривоят қилишича, Сақиф қабиласи Бану Муғийрадан риболарини талаб қилишган эди. Муқотил айтди: бу оят Бану Амр ибн Умайр ибн Авф Сақафий ва унинг биродарлари ҳақида нозил бўлди. Уларнинг Бану Махзум қабиласидаги Бану Муғийрада риболари бор эди. Улар жоҳилиятда Бану Муғийра билан қарз олди-берди қилишарди. Исломдан кейин Сақиф Бану Муғийрадан ўз рибосини талаб қилди. У жуда катта мол эди. Бану Муғийра айтди: Аллоҳга қасамки Исломда рибо бермаймиз. Аллоҳ ва Росули мусулмонлардан у нарсани бекор қилди. Уларнинг бу ишларидан Муоз ибн Жабал – Макка фатҳидан кейин Росулulloҳ ﷺ томонидан волий этиб тайинланган Итоб ибн Усайд бўлиши ҳам мумкин – хабар топди. У Росулulloҳ ﷺга бу ҳақда мактуб ёзди. Шунда Аллоҳ Таоло:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا﴾

*(Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз).*

Росулulloҳ ﷺ унга шундай, деб мактуб юборди:

«أَنْ أَعْرَضَ عَلَيْهِمْ هَذِهِ آيَةُ فَإِنْ فَعَلُوا فَلَهُمْ رُؤُوسُ أَمْوَالِهِمْ وَإِنْ أَبَوْا فَأَذْنَبُ مِنْ اللَّهِ وَرَسُولِهِ»

**«Уларга бу оятни рўбарў қилинг. Агар улар бунга итоат қилишса уларга ўз моллари берилади. Агар бош тортишса, уларга Аллоҳ ва Росули тарафидан уруш эълон қилинг».**<sup>69</sup>

Абу Яъло Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилди: Бу оят тушган вақтда Сақиф биз юқорида зикр қилган гапини айтди: Биз Аллоҳ ва Росули ﷺга қарши урушишга қодир эмасмиз.

6. Аллоҳ Субҳанаҳу ўтган оятда рибонинг қатъий ҳаромлигини баён қилиб, рибо шарти билан қарз берганлар фақат ўз молларинигина олишини ва улар зулм ҳам қилмасликларини ва уларга ҳам зулм қилинмаслигини баён қилгандан кейин Аллоҳ Субҳанаҳу берган маблағни талаб қилиш қандай бўлишлигини зикр қилди. Гоҳо қарздор камбағаллик ҳолатида бўлиб, қарз берувчидан олган молини қайтариб беришга қодир бўлмай қолади.

Бу ояти карима камбағал қарздорнинг ҳолати ўнглиниб, қарзни беришга қодир бўлгунга қадар муҳлат бериш билан муолажа қилди. Кейин Аллоҳ Таоло қарз берувчиларни муҳлат

<sup>(69)</sup> Дуррул Мансур: 2/107. Тафсири Табарий: 3/107.

беришдан кўра яхшироқ нарсани қилишга чақирди. Яъни улар берган молларининг ҳаммасини ёки баъзисини кечиб юборишсин. Шунда уларга ўзлари эришган яхшилик ва ажр сабабли дунё ва охиратдаги яхши оқибатлар бўлади.

Жоҳилиятда камбағал қарздор қарзини тўлаш учун ўзи сотилиб, қул бўлиб кетарди. Бундай камбағалнинг қарзини тўлайдиган даражада бемалол бўлгунига қадар муҳлат берилиши Аллоҳнинг мана шу буюк Ислом орқали кўрсатган яна бир марҳамати эди. Бугина эмас. Қарз эгалари муҳлат беришдан ташқари қашшоқларга садақа қилишга, қарзларининг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб юборишга ундалганлар. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин!

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ﴾

(Агар (қарздор) **ночор бўлса, бойигунча кутинг!**), бу ердаги ноқис феъл томма яъни, ўзича тўла маънони билдириб келяпти. Яъни, агар бирор камбағал топилиб қолса, то у қарзини тўлай оладиган даражага етгунига қадар унга муҳлат беринглар.

(**عُسْرَةٍ** **ночор**) яъни, пули йўқлигидан, танг аҳволдаги. Танг аҳволда қолган қўшинга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

(**مَيْسَرَةٍ** **бойигунча**) осонлик, яъни, пулнинг борлиги.

Ноқис феълнинг томма бўлиб келаётгани эътибори билан муҳлат бериш рибога қарз бериб, кейин ўзининг сармойясини талаб қилаётган кимсагагина эмас, балки модомики, қарздор камбағал экан, ҳамма қарз берганларга тегишлидир.

Агар бу гап рибога берилган сармоя ҳақида бораётган бўлганида оят (وَإِنْ كَانَ ذَا عُسْرَةٍ) бўларди. Мана шунда ноқис феълнинг остида бир замир бор бўлиб, у рибога берилган сармойяни қайтариши талаб қилинаётган қарздорга қайтган бўларди. Лекин оят бундай эмас. Балки у

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ﴾

(Агар (қарздор) **ночор бўлса**) бўлиб келяпти. Яъни, агар камбағал қарздор топилиб қолса. Бу камбағаллик сифатига эга бўлган ҳамма қарздорга тўғри келаверади.

(ذُو عُسْرَةٍ)нинг шарт оқимида накра келаётгани ҳам шу фикримизни қувватлайди. Негаки, у ом, умумий маънода бўлиб, ҳамма қарздорларни ўз ичига олади.

У гарчи Ислом келиб, бекор қилгунига қадар рибо билан шуғулладиганлар ҳақида нозил қилинган бўлсада, барибир эътибор лафзнинг умумийлиги эмас, сабабнинг хусусийлигига қаратилади. Ислом рибони ҳаром қилиб, сармойнинг ўзинигина вожиб қилди. (Сармойнинг ўзигина қайтариладиган бўлди). Калбий ривоят қилишича, бу оятнинг нозил бўлиши мана бундай юз берганди: Бану Муғийра Бану Умайрга, биз бугунги кунда камбағалмиз, то мевалар пишгунига қадар бизга муҳлат беринглар, дейишди. Бану Умайр кўнмади. Шунда мана шу оят нозил бўлди. Бу олдинги оят тафсирида айтиб ўтганимиз Бану Муғийра билан Бану Умайр ўртасидаги рибо қиссасининг давоми. Яъни, бу оят улар ўртасидаги рибо сармойсини талаб қилиш ҳақида нозил бўлган.

Лекин айтиб ўтганимиздек, лафзнинг умумийлиги эмас, сабабнинг хусусийлиги эътиборлидир. (ذو عسرة) умумий маънодаги лафздир. Шунинг учун у рибода бўладими, бошқада бўладими, ҳамма камбағал қарздорларга тўғри келаверади.

(فَنظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ) бойигунча қутинг!) фо шартнинг жавобига қиряпти. (وَإِن كَانَ ذُو عَسْرَةٍ) яъни, муҳлат бериш. У мубтадо, хабари эса ҳазф қилинган. Яъни, муҳлат бериш сизларга вожибдир.

Бу ердаги муҳлат бериш вожибликни ифодалаяпти. Чунки Аллоҳ Таолонинг ундан кейинги

(وَأَن تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир) деган гапи биринчи ишнинг

﴿وَإِن كَانَ ذُو عَسْرَةٍ فَنظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ﴾

ундан кейин (تَصَدَّقُوا)нинг зикр қилиниши билан вожибликни ифодалаётганини кўрсатади. Негаки, бир ишга буюриб, унинг ортидан шу иш типига бошқа бир ишни буюрилувчининг ўз ихтиёрига ташлаш биринчи ишнинг вожиблигини, фарзлигини кўрсатади. Масалан, бировга, мана бу бетни ёз, кейингисини эса ўзинг биласан, десангиз, унга биринчи бетни ёзиш вожиб бўлади. Усул фанининг қариналар бобида шундай дейилган. Камабағалга муҳлат беришдан ташқари яна садақа ҳам қилиш берган қарзининг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб юбориш билан бўлади.

(وَأَن تَصَدَّقُوا) муҳлат беришдир, дейилмайди. Негаки, у атф қилиниб келяпти. Яъни, у ортиқча яна бир ишдир. Муҳлат

бериш ва яна бошқа бир иш. Масалан, закотни адо эт ва садақа қил, дейилганда талаб қилинган нарса закотнинг адо этилиши бўлса, ўз ихтиёри билан қилинадиган бошқа бир иш ҳам, яна садақа қилиш ҳам бор бўлади.

(**اِذَا**)нинг (**اِنْ**)нинг (**اِذَا** билсангизлар) ҳазф қилинган (**اِنْ**)нинг (агар маъносидаги (**اِنْ**) сўзининг) жавоби. Яъни, агар сизлар камбағалнинг оғирини енгил қилиб, унинг қарзидан бир қисмини олиб ташлаган одам учун Аллоҳ Таоло тайёрлаб қўйган кўп яхшиликларни ва улкан ажру савобни билганингларда эди, шу ишни қилишга ошиққан бўлардинглар. Мана шу тақдирдаги шарт маъносидаги (**اِنْ**)нинг жавобидир.

Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Рибъийдан тивоят қилган ҳадисда Абу Ясар айтишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَنْظَرَ مُعْسِرًا أَوْ وَضَعَ عَنْهُ أَظْلَهُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى فِي ظِلِّهِ»

**«Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан (унинг қарзидан) олиб ташласа, Аллоҳ Таборака ва Таоло унга Ўз соясидан жой беради».**<sup>70</sup> Яна бир ривоятда

«يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ»

**«Унинг соясидан узга соя йуқ кунда»**, деган ибора ҳам бор.

Имом Аҳмад Ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَرَادَ أَنْ يُسْتَجَابَ دَعْوَتُهُ وَأَنْ تُكْشَفَ كُرْبَتُهُ فَلْيَفْرَجْ عَنِ مُعْسِرٍ»

**«Ким дуосининг ижобат бўлишини ва гами аришини истаса, камбағалнинг оғирини енгил қилсин».**

Имом Аҳмад Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَنْظَرَ مُعْسِرًا أَوْ وَضَعَ لَهُ وَقَاهُ اللَّهُ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ»

**«Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан (унинг қарзидан) олиб ташласа, Аллоҳ уни жаҳаннам оловидан сақлайди».**

Шу нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, муҳлат берилиши лозим бўлган камбағал хусусида айрим фикхий қарашлар бор. Улар орасидаги рожиҳи шуки, бундай камбағал ўзининг асосий эҳтиёжларига етадиган молидан бошқа маблағи бўлмаган фақирдир. Асосий эҳтиёжлар озуқа, кийим ва

(70) Аҳмад: 1/327.

маскандир (яшаш жойидир). Чунки ўзининг асосий эҳтиёжларини қондиришга етадиган моли бўлмаган киши фақир дейилади. Агар ундан ортиқ моли бўлса, уни фақир дейилмайди. Демак, моли асосий эҳтиёжларини қондиришдан ортиб қолмайдиган кишига муҳлат бериш вожибдир.

Муъсирдан, камбағалдан мурод одатдаги эҳтиёжларига етадиган молидан ортиқча маблағи бўлмаган киши эмас. Машина, хизматкор, ҳар хил кийимлар, турли хил ейимликлар одатдаги эҳтиёжлар сирасига киради. Яъни, улар яшаш учун зарур бўлган озуқа, авратни беркитиш учун зарур бўлган кийим ва туриш учун зарур бўлган маскандан ортиқча эҳтиёжлардир. Озуқа ва кийимларнинг бир қатори билан ҳам кун ўтказса бўлади. Агар кишининг машинами, ерми ёки бошқами, асосий эҳтиёжларидан ортиқча моли бўлса, ундан қарзини тез беришини талаб қилиш ва унга муҳлат бермаслик мумкин.

Қарз берган одам бундай кишининг устидан қозига арз қилишга ва ўзининг ҳаққини ундаги ўша моллардан ундириб олишга ҳақли.

7. Бу охирги оятда Аллоҳ Таоло бизга охират кунини, бир кун келиб Аллоҳга қайтиш ва ҳисоб бериш борлигини, ҳар ким экканини ўришини, адолат тантана қилишини, яхшилик қилган яхшиликка, ёмонлик қилган ёмонликка дуч келишини эслатапти.

﴿لَا ظُلْمَ أَلْيَوْمَ﴾

– „*Бу кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас*“.

[40:17]

﴿ثُمَّ تَوَفَّىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

*(Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди).*

(*وَاتَّقُوا يَوْمًا*) кундан кўрқингиз!) яъни, бу дунёда ёмонлик қилишдан тийилиш ва яхши амалларни кўпайтириш билан ўзларингизни ўша кундаги азобдан сақланглар.

Бу оятнинг рибо ҳақидаги оятлар ортидан қўйилишидаги ҳикмат рибонинг нақадар оғир жиноятлигини, бу жиноятнинг Аллоҳнинг ғазабига ва жаҳаннамга олиб боришини кўрсатиш бўлса, ажаб эмас. Ким Аллоҳнинг ғазабидан сақланмоқчи бўлса

﴿اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا﴾

*(Аллоҳдан кўрқингиз ва судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз),* ким қиёмат кундаги азобдан ўзини асрамоқчи бўлса,

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ﴾

**(Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз!)** рибо аталмиш бу мудҳиш жиноятни тарк қилсин, Аллоҳ ва Пайғамбар ﷺ билан уруш қилмасин. Токи, ёшларни қарига айлантириб юборадиган ўша кунда Аллоҳга Аллоҳ ундан рози бўлган ҳолида йўлиқсин ва қудратли, одил подшоҳдан мукофотини тўла қилиб олсин. Бу оят Қуръони Каримдаги нозил бўлган охирги оятдир.

Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»идаги судхўр бобида айтади: ...

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

**(Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир эсонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди),** Ибн Аббос айтишича, бу оят Пайғамбар ﷺ га нозил бўлган охирги оятдир.

Ибн Жарир Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Қуръонда нозил қилинган охирги оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

оятидир». Ибн Журайж айтади: Айтишларича, Пайғамбар ﷺ шундан кейин тўққиз кун яшаган эканлар. Бу оят шанбада нозил қилинган бўлса, Пайғамбар ﷺ душанба куни вафот этганлар.

Ибн Абу Ҳотам Саид ибн Жубайрдан ривоят қилади: Бутун Қуръондан нозил бўлган охирги оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

оятидир. Пайғамбар ﷺ шу оят нозил қилинганидан кейин тўққиз кун яшадилар ва душанба куни вафот этдилар.

Ибн Мурдавайҳ Саид ибн Жубайрдан, у Ибн Аббосдан ривоят қилади: Қуръондан нозил қилинган охирги оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ﴾

оятидир.

Қуртубий айтишича, Абу Солиҳ Ибн Аббосдан ривоят қилади: Қуръондан охирги нозил бўлган оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

оятидир. Жаброил ﷺ Пайғамбар ﷺ га, эй Муҳаммад, уни Бақара сураси икки юз саккизинчи оятнинг бошига қўйинг, деган.

Қуртубий яна бошқа бир ривоятда айтишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«اجْعَلُوهَا بَيْنَ آيَةِ الرَّبِّ آيَةِ الدِّينِ»

«Уни рибо ояти билан қарз ояти ўртасига қўйинглар». <sup>71</sup>

Бу гап Бухорий Ибн Аббосдан қилган ривоятга зид эмас. Унда, Пайғамбар ﷺ га нозил қилинган охирги оят рибо оятидир, дейилганди. У Аҳмад Умардан қилган ривоятга ҳам зид эмас. Унда, охирги нозил бўлган оят рибо оятидир, дейилганди.

Ибн Можа ва Ибн Мурдавайҳ Умардан ривоят қиладилар: Қуръондаги охирги нозил бўлган оятлардан бири рибо оятидир. Бу икки гапни келиштириш мумкин. Рибо оятлари нозил бўлганидан кейин охирги оят нозил бўлган. У

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

оятидир. Бу гаплар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Ҳадисларни қандай бўлса, ўшандайлигича тушунадиган бўлсак, улардан охирги нозил бўлган оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

оятидир ва охирги нозил бўлган оятлардан бири рибо оятидир, деган маъно чиқади. Бу гап имом Аҳмад ривоятида ҳам, Ибн Можа ривоятида ҳам, Ибн Мурдавайҳ ривоятида ҳам очиқ кўриниб турибди.

Энди Бухорийда келган, охирги нозил бўлган оят рибо оятидир, деган гапга келадиган бўлсак, у охирги нозил бўлган оятлардан, деган ибора ишлатилган бошқа ривоятларга ҳамл қилинади. Шунингдек, ундан олдин рибо оятлари нозил бўлиб, ундан кейин

(71) Тафсири Қуртубий: 3/375.

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

ояти нозил бўлган, деган маъно ҳам чиқади. Шу билан охириги нозил бўлган оят рибо ояти ва

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

ояти, деган гап ўз тасдиғини топади.

Ўтган гаплардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, охириги нозил бўлган оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

оятидир. У Пайғамбар ﷺнинг буйруғи билан Қуръони Каримда рибо оятдан кейин икки юз саккизинчи оятнинг бошига қўйилган.



### **Рибо ҳақида**

Бақара сурасидаги рибо оятлари ниҳоясига етгач, энди мана шу муҳим мавзу ҳақида бироз тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Аллоҳдан тавфиқ сўраган ҳолимда айтаманки:

1. Рибо сўзининг луғавий маъноси умуман ортиқчалиқдир. Масалан, нарса ўсди, дейилганда унинг ортгани англашилади. Муслим ривоят қилган мана бу ҳадис ҳам шундан: Абдурраҳмон ибн Абу Бакр айтди: «Аллоҳга қасамки, бир луқма олишимизга унинг тагидан олган луқмамиздан кўпроқ ўсиб чиқарди». <sup>72</sup> Бу ерда гап Пайғамбар ﷺ баракали бўлишини сўраб, дуо қилган таом устида кетяпти.

Араблар қиладиган рибо кўпинча мана бундай тарзда рўй берарди: Қарзни тўлаш муддати келгач, қарз берган одам қарздорга, қарзингни берасанми ёки яна ўстирасанми, дерди. Шундай қилиб, муддат узайиши билан мол ҳам ортиб бораверарди. Талаб қилинган мол ўша сармоя бўларди. Янги муддат учун яна янги ортиқча маблағ тўланарди. Қарзнинг кўпайишига сабаб унинг вақтида тўланмагани сабаб бўларди. Мана шуни улар рибо, деб ҳисоблардилар ва раво деб билардилар.

2. Бу рибо сўзининг луғавий маъноси. Унинг икки турли шаръий маъноси ҳам бор.

---

(72) Муслим 3833.

Биринчиси насия рибоси. Унинг сабаби муддат билан боғлиқ бўлади. Яъни, насия бу кечиктиришдир. Араблар шу иш билан шуғулланардилар. (Тўлов маълум бир муддатга кечиктирилгани туфайли қарзнинг ортиши). Шариат бу луғавий номни ўз ўрнида қолдирди ва уни рибо деб эътибор қилди. Кейин унга янги бир шаръий маъно ҳам берди. У муайян хилли нарсаларни ўзининг хилига сотиш ёки ўз хилининг ярмига сотиш, лекин олди-сотди қўлга қўл бўлмасдан (яъни, бир вақтда бўлмасдан) маълум муддатдан кейин бўлишидир. Олинадиган миқдор сотилган миқдорнинг айнан ўзи бўладими, ундан озроқ бўладими, ҳар хил бўладими, фарқи йўқ. Яъни, насия рибоси шаръий ҳақиқат жиҳатидан икки турли бўлади:

Тўлов кечиктирилгани туфайли қарзнинг ортиши.

Рибога оид олти хил нарсани навлари бир хил ёки ҳар хил бўлишидан қатъий назар, қўлга қўл қилмасдан, (олди-сотди бир вақтда бўлмасдан) олдинма кейин қилиб сотиш.

Иккинчиси ортиқлик рибоси. Унинг сабаби муддат эмас, ортиқлик бўлади. Унда мана шу турдаги нарсалардан бири ўз хилига бир вақтнинг ўзида олди-сотди қилинадию лекин тенгма-тенгга эмас, кўпроқ миқдорига сотилади.

Бу олти тур нарсалар олтин, кумуш, буғдой, арпа, хурмо ва туздир. Бунга асосимиз Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилинган савдо ва қарз ҳақидаги саҳиҳ ҳадислардир.

3. Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ مِثْلًا بِمِثْلِ يَدًا بِيَدٍ فَمَنْ زَادَ أَوْ اسْتَزَادَ فَقَدْ أَرَبَى الْآخِذُ وَالْمُعْطَى فِيهِ سَوَاءٌ»

**«Олтинга олтин, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз миқдори бир хил ва қўлга қўл бўлсин. Ким кўпроқ ёки озроқ қилса, демак, у рибо қилибди. Бу ишда олувчи ҳам, берувчи ҳам баробар».**

Абу Довуд Убода ибн Сомитдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ تَبْرَهَا وَعَيْنَهَا وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ تَبْرَهَا وَعَيْنَهَا وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ مُدًى بِمُدًى وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ مُدًى بِمُدًى وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ مُدًى بِمُدًى وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ مُدًى بِمُدًى فَمَنْ زَادَ أَوْ اِزْدَادَ فَقَدْ أَرَبَى، وَلَا بِأَسْ بِيَعِ الذَّهَبُ بِالْفِضَّةِ وَالْفِضَّةُ أَكْثَرُهُمَا يَدًا بِيَدٍ، وَأَمَّا نَسِيئَةٌ فَلَا وَلَا بِأَسْ بِيَعِ الْبُرُّ بِالشَّعِيرِ وَالشَّعِيرُ أَكْثَرُهُمَا يَدًا بِيَدٍ وَأَمَّا نَسِيئَةٌ فَلَا»

«Олтинга олтин қуймаси ҳам, ясалгани ҳам, кумушга кумуш қуймаси ҳам, ясалгани ҳам, буғдойга буғдой миқдорга миқдор, арпага арпа миқдорга миқдор, хурмога хурмо миқдорга миқдор, тузга туз миқдорга миқдор, ким кўп ёки оз қилса, демак, у рибо қилибди. Олтинни кумушга сотишда кумуш кўпроқ олинса ҳечқиси йўқ, фақат қўлга қўл бўлсин, насия сотиш эса мумкин эмас. Буғдойни арпага сотишда арпа кўпроқ олинса ҳечқиси йўқ, фақат қўлга қўл бўлсин, насия сотиш эса мумкин эмас».<sup>73</sup>

(مدى) сўзи ўлчов бирлиги. (биз уни миқдор деб таржима қилдик). (نر) сўзи олтин ёки кумушнинг дирҳам ёки динар зарб қилинмасидан олдинги қуйма ҳолати. Бирлиги (نرة) бўлади. (عين) сўзидан мурод эса зарб қилинган дирҳам ёки динар. Пайғамбар ﷺнинг

«تَرُهَا وَعَيْنَهَا سَوَاءٌ»

«Қуймаси ҳам, ясалгани ҳам баробар», деган гаплари шу маънода.

Доруқутний Али رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الدِّينَارُ بِالذِّينَارِ وَالذَّرْهَمُ بِالذَّرْهَمِ لَا فَضْلَ بَيْنَهُمَا، مَنْ كَانَتْ لَهُ حَاجَةٌ بِوَرَقٍ فَلْيُصْرِفْهَا بِذَهَبٍ وَإِنْ كَانَتْ لَهُ حَاجَةٌ بِوَرَقٍ هَاءَ بِهَاءٍ»

«Динорга динор, дирҳамга дирҳам, улар ўртасида ортиқлик йўқ. Кимга пул керак бўлса, уни олтинга майдаласин. Агар унга олтин керак бўлса, уни пулга майдаласин. Фақат мана сизга, мана сизга бўлсин». Яъни, олди-берди бир вақтнинг ўзида бўлсин.

Шундай қилиб, кимдир маълум навдаги хурмони ёқтириб қолса, ўзининг хурмосини бошқа нарсага сотиб, кейин ўша нарсага ўзи истаётган хурмони сотиб олиши мумкин. Лекин хурмога хурмо оладиган ёки сотадиган бўлса, миқдорга миқдор ва қўлга қўл бўлиши вожиб.

Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Билал رضي الله عنه бир хурмони олиб келди. Пайғамбар ﷺ ундан, буни қаердан олдинг, деб сўрадилар. Билал, ўзимиздаги хурмо ёмон навли эди, Пайғамбар ﷺ есинлар деб, унинг икки соясига (соя ўлчов

<sup>(73)</sup> Абу Довуд: 2907. Насоий: 4487.

бирлиги) бир соя мана бу хурмони олдим, деб жавоб берди. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«أَوْهٖ، عَيْنُ الرَّبِّ لَا تَفْعَلُ، وَلَكِنْ إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَشْتَرِيَ التَّمْرَ فَبِعْهُ بِيَعِ آخَرَ ثُمَّ اشْتَرِ

بِهِ»

«Ўҳ, айна рибонинг ўзи бўлибди, бундай қилма, агар хурмо сотиб олмоқчи бўлсанг, ўзингдагини бошқа нарсага сот, кейин ўшанга сотиб ол», дедилар.<sup>74</sup> Яна бир ривоятда:

«هَذَا الرَّبِّا فَرُدُّوهُ ثُمَّ يَبِعُوا تَمْرَنَا وَاشْتَرُوا لَنَا مِنْ هَذَا»

«Бу рибодир, уни қайтаринглар, кейин бизнинг хурмойимизни сотиб, ўшандан бизга сотиб олинглар», деганлар.<sup>75</sup>

Бу ҳадис рибо савдоси фосид эмас, ботил эканига, яъни, уни бекор қилиш вожиблигига далилдир. Бунда рибога оид ортиқча қисм қайтарилишига мажбур қилинмайди, балки битим бутунлай бекор қилинади.

Пайғамбар ﷺ Билолга рибога оид ортиқча қисмни қайтариб олишни буюрмадилар. Балки ундан савдони бекор қилишни, сотиб олган ҳамма хурмони қайтариб беришини, ўзи сотган ҳамма хурмони қайтариб олишини, шундан кейин хурмосини дирҳамларгами, динорларгами сотиб, пулини ўша ернинг ўзида олиб, ўша пулга бошқа хурмони сотиб олишни буюрдилар.

Ўҳ сўзи киши хафа бўлиб ёки оғриб кетган пайтида айтиладиган сўз. Яъни, Билол رضي الله عنه қилган иш қаттиқ инкор қилиняпти.

Мана шу ҳадислардан аён бўладики, мазкур олти хил нарсанинг савдосида қўлга қўл бўлиши, яъни, бир вақтда бўлиши, шунингдек бири иккинчисидан кўп бўлмаслиги лозим. Агар бири иккинчисидан кўп бўлса, рибо бўлиб қолади. Бу рибо ортиқлик рибосидир.

Шунинг учун олтин савдоси билан шуғулланувчилар олтинга олтин ёки кумушга кумуш савдосида уларнинг навларига қараб, бирини оз, яна бирини кўп қилишлари дуруст бўлмайди. Бундай қилиш ортиқлик рибосига киради. Лекин улар олтинни кумушга ёки бошқа бир пулга истаган нархларида алмаштиришлари мумкин. Фақат савдо бир вақтнинг ўзида бўлиши лозим. Шу олти хил нарсалардан бир хил турдагилари савдоси бўладими (масалан, олтинни олтинга), ҳар хил турдагилари савдоси

(74) Бухорий: 2145. Муслим: 2985.

(75) Муслим: 2986.

бўладими (масалан, олтинни кумушга), олди-берди бир вақтнинг ўзида бўлиши шарт. Акс ҳолда яъни, олди-берди бир вақтда бўлмаса, у насия рибоси бўлиб қолади.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, бу олти тур нарсалар (олтин, кумуш, буғдой, арпа, хурмо, туз) мазкур ҳадисларда ҳужжат билан келган. Бу сўзлар жомид исмлар бўлиб, уларнинг мафҳуми йўқ. Уларнинг сабаблари ҳам кўрсатилмайди. Шунинг учун уларга бошқа нарсалар қиёс қилинмайди.

4. Аллоҳ Таоло мана шу олти турдаги нарсаларнинг миқдори бир хил бўлиши ва бир вақтнинг ўзида бўлишидан салам савдосини истисно қилди. Салам савдосида пул нақд бўлади. (У пул, олтин, кумуш ёки бошқа нарса бўлиши мукин). Товар эса насия бўлади. Бу савдо салаф савдоси, деб ҳам юриртилади. Бу савдо жоиздир. Ундаги олди-берди кейинроққа қолдирилиши мумкин. Яъни, товар билан пул бир вақтнинг ўзида бўлиши шарт эмас. Бу ишда пул ёки товар ўша олти турдаги нарсалардан бўлса ҳам, рибо ҳисобланмайди. Яъни, масалан, пул олтин бўлиб, кейинга қолдирилаётган товар буғдой ёки арпа бўлса ҳам бу иш рибо дейилмайди. Бунга асос салам савдоси ҳақида ворид бўлган далиллардир.

а) Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُوبُوهُ﴾

– „Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!“ [2:282]

Салам қарздир. Чунки икки эвазнинг бири нақд, иккинчиси, товар эса насия. Бу оят салам савдоси ҳақида нозил бўлган. Уни Аллоҳнинг изни ила шу оят тафсирида баён қиламиз.

б) Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Пайғамбар ﷺ Мадинага келган пайтларида улар икки уч йиллик мевалар устида салаф савдосини қилардилар. Шунда Пайғамбар ﷺ,

﴿مَنْ أَسْلَفَ فَلْيَسْلِفْ فِي كَيْلٍ مَّعْلُومٍ وَوَزَنٍ مَّعْلُومٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مَّعْلُومٍ﴾

«Ким салаф савдосини қиладиган бўлса, уни аниқ ўлчов, аниқ вазн ва аниқ муддатга қилсин», дедилар.<sup>76</sup>

в) Бухорий Муҳаммад ибн Мужолиддан ривоят қилади: Мени Абдуллоҳ ибн Шаддод ва Абу Бурда Абдуллоҳ ибн Абу Авфонинг олдига бориб, Пайғамбар ﷺнинг замонларида

(76) Бухорий: 2085, Муслим: 3010, Насоий: 3004, Ибн Можа: 2271.

саҳобалар буғдой устидан салаф савдоси қилардиларми, йўқми, шуни сўраб билиб келишга юбордилар. Абдуллоҳ, биз деҳқонлар Шом аҳли билан буғдой, арпа, ёғ устидан аниқ ўлчов ва аниқ муддатга салаф савдосини қилардик, деди. Мен бу ишда нимага асосланардинлар, деб сўрадим. У, бу ҳақда сўрамас эдик, деб жавоб берди.<sup>77</sup> Кейин мени улар Абдурраҳмон ибн Авфнинг олдига юбордилар. Ундан сўраган эдим, у, Пайғамбар ﷺнинг замонларида саҳобалар салаф савдосини қилардилар. Уларнинг экини бўлганми, йўқми, сўрамагандик, деб жавоб берди.

Маълум бир озуқа устидаги салам савдосида аниқ ўлчаш ёки тортиш билан муайян миқдордаги нақд пулга кейинроқ бериладиган нарса сотилади. Модомики, шаръий шартларга риоя қилинар экан, бу савдо дуруст савдодир.

Бу савдо рибога оид турдаги нарсалардаги олди-бердининг насия қилинмаслигидан мустаснодир. Шунингдек, у ўзингда бўлмаган нарсани сотишнинг ҳаромлигидан ҳам мустаснодир. Чунки салам савдосидаги сотувчи ҳали товарга эга бўлмай туриб, уни сотади.

Яна бир истисно ҳолати ҳам бор. У дарахтдаги хурмолар савдосига тегишли. Бунда хурмоси йўқ одам дарахтдаги хурмо мевасини маълум миқдордаги хурмога сотиб олади. Яъни, ўзидаги мавжуд хурмога дарахтдаги хурмо мевасини сотиб олади. Бу ерда гарчи ҳар икки синф ҳам (дарахтдаги хурмо, ҳўл хурмо, қуритилган хурмо) бир-бирига ўхшаса ҳам ўлчаш ёки тортиш ҳар хил бўлса ҳам дуруст бўлаверади. Чунки бу ҳолат истисноий ҳолатга киради. У Пайғамбар ﷺнинг мана бу ҳадислари билан истисно қилинган:

«رَخَّصَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَيْعَ الْعُرْيَا»

**«Пайғамбар ﷺ дарахт устидаги хурмолар савдосига рухсат берганлар».**<sup>78</sup> (عُرْيَة) сўзидан мурод устидаги меваси ейилиши учун сотиб олинадиган хурмо дарахти.

5. Шунингдек, рибо қарзда ҳам бўлади. Қарздаги рибо фақат юқоридаги нарсалардагина эмас, ҳамма нарсада бўлади. Чунки Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

(77) Бухорий: 2088.

(78) Бухорий: 2041, Муслим: 2841. Термизий: 1222, 1234. Насоий: 4456.

«كُلُّ قَرْضٍ جَرٌّ نَفْعًا فَهُوَ رَبًّا»

«**Ҳар бир фойда келтирадиган қарз рибодир**». <sup>79</sup> Бу ерда қарз сўзи қайдланмасдан, мутлақ келяпти. Демак, у ҳамма нарсага тегишли. Бухорий ўзининг «Тарих»ида Анас رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا أَقْرَضَ فَلَا يَأْخُذْ هَدِيَّةً»

«**Агар қарз берган бўлса, ҳадя олмасин**». <sup>80</sup> Шунинг учун қарз тўланаётган пайтдаги ҳар қандай ортиқлик рибо ҳисобланади. Лекин қарзни яхшироқ нави билан қайтарса бўлади. Масалан, эски бир динорни қарз олган одам янги динор билан қайтариши, ёки бир туяни қарзга олган одам ундан кўра яхшироқ туя билан қайтариши дуруст. Фақат шундай қилиш шартлашилмаган бўлиши керак. Хуллас, шундай қилиш рибога кирмайди. Пайғамбар ﷺ бир туяни қарзга олиб, закот туялари келган пайтда ҳалиги туянинг эгасига ўзиникидан кўра яхшироқ туяни бериб:

«أَجُودُكُمْ أَجُودُكُمْ قَضَاءً»

«**Сизларнинг энг яхшинглар (қарзни) энг яхши адо қиладиганинглар**», деганлар. <sup>81</sup>

Шунга кўра, рибо мазкур олти турдаги нарсаларда ва қарзда бўлади. Қарздаги рибо фақат шу олти турдаги нарсаларгагина эмас, ҳамма нарсага тегишлидир.

6. Рибо жуда қаттиқ ҳаромдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

– „**Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган**“. [2:275]

Яна айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿۲۰۷﴾ فَإِن

لَمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا

تُظْلَمُونَ وَلَا تَظْلَمُونَ ﴿۲۰۸﴾

(79) Насойнинг Сунани Кубро китоби: 5/350, у киши бу ҳадис мавқуф, деган, Ҳорис ибн аби Усома: 1/500, Тадхисул ҳабир: 3/34, Насбур роя: 4/60.

(80) Байҳақий: 5/350.

(81) Байҳақий: 5/350, аввалги ҳадиснинг охири.

(Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайгамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз), у Аллоҳ ва Росулига қарши уруш очишдир. Шунингдек, Пайғамбар ﷺнинг ҳадисларида ҳам рибонинг жуда қаттиқ ҳаромлиги баён қилинган.

Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«اجْتَنِبُوا السَّعَ الْمُؤَبَّاتَ وَفِيهَا: وَآكَلِ الرَّبَا»

**«Етти ҳалок қилгувчидан ўзингизни олиб қочинг. Улар орасида судхўрлик ҳам бор».**<sup>82</sup>

Абу Довуд Ибн Масъуддан ривоят қилади:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ آكَلِ الرَّبَا وَمَوْكَلَهُ وَكَاتِبَهُ وَشَاهِدَهُ»

**«Пайғамбар ﷺ: “Рибони еганни ҳам, едирганни ҳам, ёзганни ҳам, унга гувоҳ бўлганни ҳам лаънатладилар».**<sup>83</sup>

Доруқутний Абдуллоҳ ибн Ҳанзаладан (бу зотни фаришталар ювган) ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَدَرِهِمْ رَبًّا أَشَدُّ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى مِنْ سِتِّ وَثَلَاثُونَ زَيْتَةً فِي الْخَطِيئَةِ»

**«Рибо билан келган бир дирҳам Аллоҳнинг наздида хатолик борасида ўттиз олти марта зино қилгандан ҳам қаттиқроқдир».**<sup>84</sup>

Ҳоким Ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الرَّبَا ثَلَاثَةٌ وَسَبْعُونَ أَبَا أَيْسَرُهَا أَنْ يَنْكِحَ الرَّجُلُ أُمَّهُ. وَإِنْ أَرَبَى الرَّبَا عَرَضُ الرَّجُلِ الْمُسْلِمِ»

**«Рибонинг етмиш уч боби бор. Уларнинг энг енгил кишининг ўз онасини никоҳ қилиб олиши(га тенг). Рибонинг ҳам рибоси мусулмон кишининг таклифидир».**<sup>85</sup>

Хўш, у қандай жиноят бўлдики, уни қилган одам Аллоҳ ва Росулига қарши уруш очган ҳисобланса? У қандай жиноят

(82) Бухорий: 2560, 6351, Муслим: 129.

(83) Абу Довуд: 2795. Термизий: 1127. Ибн Можа: 2268. Аҳмад: 1/83, 87, 3/304.

(84) Тафсири Қуртубий: 3/364.

(85) Мустадрак: 2/37. Дуррул Мансур: 1/364. Мажмауз завод: 4/116.

бўлдики, уни содир этган одам ўттиз олти марта зино қилгандан ҳам қаттиқроқ гуноҳ қилгандек ёки ўз онасини никоҳлаб олгандек бўлса? У рибодир. Рибоки, жамиятларни парчалайди, уларни очкўзлик, мустамлакачилик, қонларни сўриш чоҳига йиқитади, одамларни қул қилиш даражасигача олиб боради. Ажабланарли жойи шундаки, у қадимда ҳам мавжуд бўлган, ҳозир ҳам мавжуд. Шакллар турлича бўлса-да, одамларни қул қилиш, энг ёвуз, энг разил, энг жирканч воситаларни қўллашдан ҳам тап тортмаслик, юртлару одамларни барбод қилиб бўлса ҳам дунё кўпайтириш ортидан итдек югуриш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайди.

Исломдан олдинги жоҳилият даврида судхўрлар рибодан одамларни қул қилиш воситаси сифатида фойдаланардилар. Судхўр муддат ортгани сайин қарзни ҳам ошириб бораверарди. Ҳатто қарздор қарзини тўла олмайдиган даражага бориб қоларди. Шу билан у ўзини сотишга мажбур бўларди-да, сотиладиган, сотиб олинадиган, хорланадиган, хўрланадиган қулга айланарди. Пулдорлар қулларини кўпайтириш, уларнинг турар жойларини тортиб олишда бошқа воситалар қаторида рибодан ҳам фойдаланардилар.

Демак, рибо одамларни қул қилиш, уларнинг қонини сўриш, улар устидан ҳукмрон бўлиб олиш воситаларидан бири эди.

Йиллар давомида жамиятлар ривожланганига қарамасдан, шу кунгача рибонинг мана шу белгиси ҳамон мавжуд. Ҳозирда одамларни қул қилиш, улар устидан ҳукмрон бўлиб олиш воситалари, усуллари янада хилмахиллашган.

Бизнинг асримизга келиб, рибонинг ўз ташкилотлари, муассасалари қад кўтарди. Бу вабодек даҳшатли иллат шу қадар кенг тарқалдики, рибога асосланган молиявий муассасаси, банки, пул жамғармаси бўлмаган бирон минтақа қолмади. Худди Пайғамбар ﷺ ўзларининг мана бу муборак ҳадисларида бизнинг замонамизни гапириб бераётгандеклар:

«يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ يُأْكَلُونَ الرِّبَا، فَمَنْ لَمْ يَأْكُلْهُ أَصَابَهُ مِنْ عِبَارِهِ»

**«Одамлар бошига шундай замонлар келадики, рибони ейдилар, (судхўр бўладилар), уни емаган одамга ҳам унинг чанги, ғубори юқади».** Бу ҳадисни Насоий Абу Ҳурайра дан чиқарган.

Капиталистик ғарб жаҳоннинг аксар мамлакатларини, агар ҳаммасини бўлмаса, ғарб мамлакатларидаги марказий банклар чархига илаштириб олган. Бу иш бевосита ҳам, яъни, расмий банклар билан бевосита алоқа боғлаш билан ҳам, билвосита

ҳам, яъни, Халқаро Банк ва Халқаро Валюта Фонди орқали ҳам юз бериб келяпти. Судхўрлик низоми ўша мамлакатларнинг кўз ўнгида, марказий банкларида ва бошқа савдо банкларида ўрнатилади. Кейин эса бу мамлакатлардаги ижрочиларга нисбатан капиталистик давлатлардан олинган қарзларга боғланадиган шундай сиёсатлар йўлга қўйилганки, айнан улар (сиёсатлар) бу диёрлардаги иқтисодий инқирознинг дастлабки қадамлари бўлади. Зеро, рибо туфайли қарзлар кўпайгандан кўпайиб бораверади. Бориб-бориб, устига қўйилган фойдалар сармоянинг ўзидан ҳам бир неча баробар ортиб кетади. Ана шунда қарздор давлат ғарбнинг ўлжасига айланиб, ўзи ҳам, ғарбнинг малайлари ҳам юртнинг бойликларини қуртдек сўриб, кемириб, уни сўйилаётган ҳайвон ҳолатига олиб келиб қўядилар.

Шундан кейин иккинчи қадам ташланади. Ишни Халқаро Валюта Фонди ўз қўлига олиб, ўзича иқтисодни ўнгламоқчи бўлади. У ишни одамларни эзишдан, нархларни кўтаришу солиқларни оширишдан бошлайди. Токи, бу тузоққа илиниб қолган давлат иқтисодий йўналишни ўнглаш шаҳодатномасини қўлга киритсин ва у орқали асл қарзларни тўлаш муддатини узайтирсин. Бунинг учун эса янги риболи янги қарзлар олсин. Бир сўз билан айтганда қаттол жамғарма сиёсатига қарзларни тўлаш муддатини яна янги қарзлар қўшиш билан янги муддатларга чўзиш учун бўйсунилади.

Диёрлару одамларни қул қилиш воситаси сифатида қўлланаётган бу ифлос, разил рибо сиёсати иқтисодий ислохотлар каби камроқ таъсир қиладиган номлар билан номланыпти. Аслида эса унинг номи иқтисодий ислохот эмас, иқтисодий инқирозни тезлаштиришдир. Улар рибо номини ҳам ўзгартириб, кўнгилга енгилроқ ботадиган «фойда» сўзи билан алмаштириб қўйганлар.

Бу бир томондан. Иккинчи томондан ўша капиталистик давлатлар ва уларнинг банклари, савдо ширкатлари бошқа диёрларни ўз бойликларини капиталистик ғарб банкларига қўйишларига мажбурлаш учун йўлдан уриш, таҳдид қилиш воситаларини қўллайптилар. Токи, ўз иқтисодининг филдираги ўша диёрларнинг маблағлари ҳисобига энг катта тезлик билан айлансин. Кейин у диёрларнинг тоқатлари етмай қолса, моллари музлатилади, ўзларининг пуллари билан ўзларининг қонлари сўрила бошлайди. Бу майдондаги кўпгина таниқли давлатлар билан шундай ишлар қилинди.

Биз риболи қарзларнинг шахсларга таъсири ҳақида тўхталмаган бўлсак, бундан бу таъсирнинг озлиги келиб

чиқмайди. Шахслар риболи қарз олавериб, охири бошлари қарздан чиқмай қолади. Қарз устига олинадиган рибо кўпаяверади, асл сармоя эса боягидек тураверади. Натижада қарзни тўлаш оғирлашади. Унинг рибоси шахсни эзиб ташлайди. Айниқса, агар шахс камбағал бўлса, (камбағаллар кўпчиликни ташкил қилади) қамалиши ва ҳаёти танг аҳволда қолиши аниқ.

Бу рибонинг бевосита кўрсатадиган таъсири. Яъни, диёрларнинг елкаларига қарзлар, қарзлар устига эса рибо юкланиб, уларга яна оғир бўлади. Тоқати етмай қолган давлатнинг эса моллари музлатиб қўйилади.

Энди рибонинг билвосита таъсири ҳақида тўхталсак. Рибо ўша банкларнинг қандай қилиб бўлмасин, ҳар қандай разил воситани қўллаб бўлса ҳам фойда олишига омил, сабабчи бўлади. Банклар аввало ўзи учун, қолаверса, сармоядорларга рибо бериш учун ҳар қандай разил воситани қўллашдан ҳам тоймайдилар. Капиталистик гарб ва унинг аравасида юрган юртлардаги турли хил бузғунчиликлар савдоси учун авж олаётган ўша бозор фикримизнинг далилидир.

Бошқа томондан сармоядорлар ўз сармояларини диёрлару одамларга фойдаси тегадиган лойиҳаларга сарфлаб, улардан ҳалол, пок фойда олиш ўрнига судхўр бўлиб қўя қоладилар.

Биз мусулмонлар диёрида катта рол ўйнаётган судхўрликка асосланган капиталистик тузум ортида ётган ифлос, ёвуз ғаразлар ҳақида тафсилотга киришмадик. Ҳозирги кундаги яҳудий ва капиталист кофирлар табақаларининг маккор раҳбарлари хусусида ҳам тўхталиб ўтирмадик. Мусулмонлар диёрларида йўлга қўйилган рибога оид маккор иқтисодий сиёсатлар ҳақида ҳам оғиз очмадик. Халқаро банк ва халқаро валюта жамғармаларининг мусулмонларни, нафақат мусулмонларни, балки тузоғига илинган бошқа давлатларни ҳам бўғадиган сиёсатлари ҳақида ҳам сўзламадик. Негаки, бу ишлар тафсилоти тафсиримиз мавзусига кирмайди. Рибога асосланган бу тузумнинг хатарлиги ҳақидаги айтиб ўтган гапларимиздан мақсад одамларга рибонинг Аллоҳга ва Пайғамбар ﷺга қарши уруш очиш эканининг, жамиятни зиндон ҳам баттарроқ бузадиган иллат эканининг бир учини англатиш эди.

Модомики, Умматнинг иқтисодий ҳаётини рибо тузуми бошқарар экан, у иқтисодий саодатга ҳам, иқтисодий барқарорликка ҳам эриша олмайди.

Шу ўринда кимлардир мана бундай дейишлари мумкин: Одамлар орасидаги иқтисодий алоқалар ҳеч қачон тўхтаб

қолмайди, улар орасида кимдир бой, пули кўп бўлади, энди агар у молини банкка қўйиб, фойда олиб турмаса, унинг моли ишламасдан бекор туриб қолади-ку. Бу бир жиҳатдан.

Иккинчи жиҳатдан улар орасида камбағаллар, қарзларини уза олмаётган муҳтожлар ҳам бор. Рибо оладиган банкларнинг мавжудлиги уларни кейинроқ бериладиган фойда эвазига бўлса ҳам ҳозирда бўлиб турган қарзларидан халос қилади-ку.

Гоҳида шахслар қандайдир ишларни йўлга қўйиш учун маблағга муҳтож бўладилар ва банклардан қарз олиб мавжуд ҳолатларини ўнглаб оладилар-да, кейинроқ қарзни фоизи билан тўлаб қўядилар.

Ҳозирги мавжуд рибога асосланган иқтисодий тузумсиз бу муаммолар қандай ҳал этилади?

Бу муаммоларнинг ечимини Ислоом кишининг қалби таскин топадиган, қаноат ҳосил қиладиган тарзда, етарлича баён қилиб қўйган. Унга амал қилган одам ҳаётнинг ҳамма жабҳаларидаги иқтисодий хотиржамликни ҳис этади. Бойликлардан унумли, одамларни қул қилишу диёрларни вайрон этишсиз ҳам фаровон ҳаётни кафолатлайдиган тарзда фойдалана билади.

У латиф (лутфу марҳаматли), хобир (ҳамма нарсадан хабардор), ҳаким (ҳар бир ишни бир ҳикмат билан қиладиган), алим (ҳамма нарсани биладиган) Зот томонидан юборилган диндир. У Зот махлуқотларини нима ўнглашини ҳам, уларни дунёю охираат саодатига нима олиб боришини ҳам яхши билади.

Хўш, Ислоом бу муаммоларни қандай ҳал қилади? Энди мана шунинг баёнига киришамиз.

1. Ислоом мол тўплашни, хазина қилишни ҳаром қилди. Молни кераксиз тўплаш мумкин эмас. Уни саноат, зироат, тижорат ёки бошқа соҳаларда ишлатиш лозим. Токи, бойлик жамиятда ҳаракатда бўлиб турсин. Ундан эгаси ҳам, уни ишлатаётганлар ҳам, закот чиқариш эътибори билан камбағаллар ҳам, ҳамма фойдалансин.

Бинобарин, бойликни керакли ишларда ишлатмасдан, бекордан бекор тўплаш, хазина қилиш Ислоомда ҳаром.

﴿وَالَّذِينَ يَكْتُمُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ

الِيمِ﴾

– „Эй мўминлар, ўша донишмандлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ (йўл) билан ейдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни

**босиб уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хуш хабарини» етказинг!**“. [9:34]

Бу бойлар ҳақидаги гап.

2. Хўш, энди ким фақир ва муҳтож ҳисобланади.

а) Ислому қарзни рибосиз беришга ундайди ва икки марта қарз беришни бир марта садақа қилиш билан тенглаштиради.

﴿قَرْضُ مَرَّتَيْنِ يَعْدِلُ صَدَقَةً مَرَّةً﴾

**«Икки марта берилган қарз бир марта қилинган садақага тенг».**<sup>86</sup> Бу ҳадисни Баззор Ибн Масъуддан, у

Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилганлар.

б) Агар қарздор камбағал бўлиб, қарзини тўлай олмаса, Ислому унга муҳлат беришни вожиб қилади.

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ﴾

(Агар (қарздор) **ночор бўлса, бойигунча кутинг!**), қарзнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб, уна садақа қилиш эса мандубдир.

﴿وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ﴾

(садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир).

в) Қарздорга қарзини узиб олиши учун байтулмолдан, закотдан улуш ажратади.

﴿إِنَّمَا الصَّدَقَتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَمِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمَوْلَاةِ فَلَوْلَهُمْ وَفِي

الرِّقَابِ وَالْغَرَمِينَ﴾

– „Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Ислому) ошно қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга“ . [9:60]

г) Ишлашга руҳсат берган, унинг ҳукмларини осон қилган, унга ундаган, муҳтож одамга уни вожиб қилган.

﴿فَأَمْشُوا فِي مَنَآكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ﴾

– „Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (сайр-саёҳат қилиб ё тижорат билан, ёки деҳқончиликни касб қилиб) **юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқ-рўзидан енглар**“ . [67:15]

(86) Тафсири Табарий: 16/25, 17/85. Тафсири Қуртубий: 3/359.

«إِنَّ مِنَ الذُّنُوبِ مَا لَا يُكْفَرُهَا إِلَّا الْهُمُومَ فِي طَلَبِ الرِّزْقِ»

**«Шундай гуноҳлар борки, уларга фақат ризқ талабидаги қайгуларгина каффорат бўлади».**<sup>87</sup>

1. Шундан сўнг давлатнинг роли келади:

а) Ҳамма фуқароларни озуқа, кийим бош ва маскандан иборат бўлган асосий эҳтиёжлар билан давлат таъминлайди. Бу иш учун давлатга келаётган даромаддан ёки нафақа қилиши вожиб бўлган одамларнинг нафақаларидан маблағ ажратади. Булар мавжуд бўлмаса, байтулмолдан сарфлайди.

«وَالسُّلْطَانُ وَلِيٌّ مِّنْ لَا وَليَّ لَهُ»

**«Султон валийси йўқ одамнинг валийсидир».**<sup>88</sup>

б) Шунингдек, давлат олтин, темир, мис, фосфат, нефт, газ ва бошқа қаттиқ ҳамда суюқ маъданлардан иборат бўлган омма мулкани ҳам бошқариб, уларни ҳамма мусулмонларга етказиб бериб туради.

в) Хирож, жизя, ўлжалар ва бошқалардан иборат бўлган давлат мулки ҳам давлатнинг қўлида бўлиб, ундан бойларга эмас, фақат камбағалларга беради.

﴿حَتَّىٰ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

– „Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун“. [59:7]

г) Лойиҳачилар учун ҳам давлат рибосиз қарз беради. Деҳқонларга эса ер шундоқ берилади. Шу билан одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига йўл очиб беради. Хулафои рошидинлар шундай қилганлар.

д) Агар байтулмолда маблағ тугаб қолган бўлса, камабағалларнинг эҳтиёжларини қондириш учун давлат мусулмон бойларга солиқ солади. Бу ишни Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилган.

Сўзимиз якунида айтамизки:

Модомики, бойга ўз молини тўплаб, хазина қилиш ҳаром экан, модомики, уни ҳар хил лойиҳаларга ишлатиши ва ундан одамлар фойдаланишлари, бу ишнинг жамиятга иқтисодий таъсир кўрсатиши, унинг закотидан камбағалларнинг фойдаланишлари керак экан;

(87) Сархасийнинг Мабсут китоби: 30/258. Муҳаммад ибн Хасаннинг Касб китоби.

(88) Аҳмад: 6/47, 165. Муватта: 1053.

Модомики, камбағал ўзининг асосий эҳтиёжларини меҳнат билан, валийнинг инфоқи билан, давлатнинг байтулмолдан ажратган маблағи билан қондириши мумкин экан;

Модомики, қарздорга қарзини узиб олишига муҳлат берилар ва қарзнинг ҳаммаси ёки бир қисмидан кечилиб, унга садақа қилинар экан;

Лойиҳачига лойиҳасини амалга ошириши учун рибосиз қарз берилар ёки шундоқ бекорга маблағ берилар экан;

Модомики, жуда кўп миқдордаги омма мулкни мусулмонларга тақсимлаб берар ва давлат мулкидан бойларни қўйиб, камбағалларга маблағ ажратар ва шу билан бойликнинг фақат бойлар қўлидагина қўлма қўл бўлиб қолишининг олдини олиб турар экан;

Модомики, Ислом эҳтиёж қондирилишини саргузаштлару кутишларга ташлаб қўймасдан, камбағалларнинг эҳтиёжларини қондириш ва жиҳод учун байтулмолдаги маблағ етмай қолган пайтда мусулмон бойларга солиқ солар экан;

Модомики, шундай ишлар амалга оширилар экан, агар бойларнинг пулини рибо билан кўпайтириб бериб турадиган, камбағалларга рибога қарз бериб турадиган банклар бўлмаса, бойлар нима қиладию камбағаллар нима қилади, деган саволнинг ҳеч ҳам ҳожати қолмайди.

Муаммо шундаки, бугунги кундаги етакчи тузумлар инсон томонидан ўйлаб топилган ўта қабиҳ ва тубан капиталистик, социалистик тузумлардир.

Улардан бири – капитализм шахсий мулкчиликнинг тизгинини бутунлай қўйиб юборди. Ундан бошқасини тан олмади. Молни ҳар қандай тубан, разил, маънавиятларни поймол этадиган, жамиятни вайрон қиладиган воситалар билан йиғишга кенг йўл очиб берди. Уларда ҳаётнинг мазмуни рибо бўлиб қолди. Шу билан ширкатлар, банклар пайдо бўлди. Улар ҳатто ҳукуматни ҳам ўз назоратига оладиган даражага етди. Уларнинг домига тушган диёрлару одамлар қул қилинди.

Яна бири – социализм эса шахсий мулкчиликни батамом тақиқлаб, мулкни фақат давлатнинг ўзига қамаб қўйди. Очкўз-юҳолар ширкатлардан партия раҳбарлигига ўтиб олдилар-да, одамларнинг бойликларини ўзлаштириб, мана шундай моғор босган иқтисодий низомлари билан ер юзини бузғунчиликка тўлдирдилар.

Булар қаёқдаю оламлар Павардигори томонидан қўйилган низом қаёқда. Бу низомда ишлар ўз ўрнига қўйилган. Махлуқотларга нима тўғри келишини Холиқнинг Ўзи жуда яхши билади. Шу билан:

- Шахсий мулкчилик ҳам бўлди.
- Омма мулкчилиги ҳам бўлди.
- Давлат мулкчилиги ҳам бўлди.

Шуларнинг ҳаммаси шариат ҳукмларига қараб, бири иккинчисига зулм қилмасдан бир тартибда, ҳақим, хобир, одил Зот тарафидан қўйилган низомда юрди. Унда ҳалол, пок мол қўйидаги жойларга сарф қилинди:

- Аллоҳ Таолонинг фарзлари адо қилинди
- Кишининг ўзига ва қарамоғидагиларга берилиши керак бўлган фарз нафақа адо қилинди
- Фарздан кейин ундан камбағалларга, мискинларга, муҳтожларга садақа, эҳсон қилинди
- Бу ишлар бузгунчиликсиз, бузилишсиз амалга оширилди.

﴿وَأَتَّبِعْ فِيمَا ءَاتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ ۖ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا ۗ وَأَحْسِنَ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ ۖ وَلَا تَبْغِ الْفَسَادَ فِي الْأَرْضِ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ﴾

– „*Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузгунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузгунчиларни суймас*“. [28:77]

Хуллас, бу иқтисодий низом Аллоҳ ва Росули билан урушиш, гуноҳу фаҳш ишларга эмас, аксинча, Аллоҳ ва Росулига итоат этадиган, кучли, азиз, ҳақим, хобир Зот томонидан қўйилган, башариятни саодатга эриштирадиган, дунё ҳаётини охират неъматларига олиб борувчи ширин, қулай йўлга айлантирадиган, очкўзликка, рибога, бошқаларни қул қилишларга барҳам берадиган низомдир.

Ҳақ мана шудир. Ҳақдан кейин фақат залолат бор. Ҳамд бутун оламлар Парвардигори Аллоҳгадир.



﴿يٰٓأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَىٰٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ ۚ وَلْيَكْتُبَ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ ۚ وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ ۗ فَلْيَكْتُبْ

وَلِيْمَلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلَيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ، وَلَا يَخْسَ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمِلَّ هُوَ فَلْيَمْلِلْ وَلِيْهُ بِالْعَدْلِ وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّن تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَنْ تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى وَلَا يَأْبَ الشُّهَدَاءُ إِذَا مَا دُعُوا وَلَا تَسْمُوا أَنْ تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَىٰ أَجَلِهِ ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمٌ لِلشَّهَادَةِ وَأَدْنَىٰ أَلَّا تَرْتَابُوا إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجْرَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَّا تَكْتُبُوهَا وَأَشْهِدُوا إِذَا تَبَايَعْتُمْ وَلَا يُضَارَ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ وَإِنْ تَفَعَّلُوا فَإِنَّهُ فَسُوقٌ بِكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٧﴾

– „Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё оғис (ёш бола ё жуда кекса) бўлса, ёки (қар, соқовлиги ё тил билмаслиги сабабли айтиб туриб) ёздиришига қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин! Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни — бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади— гувоҳ қилинглар! Гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганда бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглар. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир). Лекин агар (ўртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангизда, сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг! Ва на котиб, на гувоҳга зарар етмасин. Агар шундай қилсангиз (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз), бу

**Аллоҳга итоатсизлигингиздир. Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир“.** [2:282]

Аллоҳ Таоло Аллоҳ йўлида нафақа қилиш, миннат қилмаслик, озор бермаслик, риё аралаштирмаслик, молнинг ёмон жойидан эмас, яхши жойидан ажратиш, бу ишда холис Аллоҳнинг юзини умид қилиш каби ишларни ва кечаю кундузи, ошкораю яширин қилинган яхши амаллар учун ажру савоблар бўлишини баён қилди.

Шундан кейин Аллоҳ Таоло рибо ҳақида гапириб, унинг жуда катта жиноятлигини, жуда қаттиқ ҳаромлигини, уни қилган одам фойда олиб, ўзгаларга зулм қилмаслигини, ўзининг сармоясини қайтариб олиб, ўзи ҳам зулм қўрмаслигини баён қилди.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло қарздорга муҳлат бериш, қарзнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиш билан унга садақа қилиш ҳақида гапирди.

Кейин муқимлик ва мусофирликда бўладиган дайнга, қарзга алоқадор ҳукмларни баён қилди.

Аллоҳ Таоло қарз муомаласини қилмоқчи бўлган мўминларга бу ишни ёзиб қўйишларини, унга икки кишини ёки бир киши ва икки аёлни гувоҳ қилишларини буюриб, шундай қилишлари Аллоҳга итоат ва қарзларининг сақланишига кафолат бўлишини билдирди. Уларни шундай қилишга ундади. Бунда қилинаётган қарз муомаласининг катта ёки кичик бўлиши аҳамиятсиздир. Агар нақд савдо бўлса, бундай оворагарчиликнинг ҳожати йўқ.

Шунингдек, Аллоҳ Таоло гувоҳларга, қарзни ёзиб бораётганларга озор беришни, яъни, уларга босим ўтказиб, воқеаларни ўзгартириб ёзишга мажбур қилишни ҳаром қилди. Уларни бу борада шариат қонунларига бўйсунушга буюриб, Ўзининг ҳамма нарсадан хабардорлигини, ғайбни ҳам, шаҳодатни ҳам билишини баён қилди.

﴿وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

**(Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир).**

Мўминларга хитоб.

**эй мўминлар бир-бирларингиз билан маълум вақтга қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!** агар қарз муомаласини қилсангизлар.

(الدّين) сўздан мурод барча икки эваздан бири нақд бўлиб, иккинчиси насия бўлан савдодир. Қарз ҳам шунга киради. Бир

киши бошқасига мол беради ва олган одам маълум муддатдан кейин уни қайтаради. Товар берилади, унинг пули эса кейинроқ тўланади. Бамисоли харидор қарз олгандек бўлади. Мана шу ҳам дайн дейилади. Салам, салаф муомалалари ҳам шу қабилдандир. Пул тўланади ва кейинроқ товар берилади. Хуллас, шуларнинг ҳаммаси (دين) сўзининг маъноларидир.

(بَدَيْنِ) (إِذَا تَدَايَنْتُمْ) га таъкид. Унга (فَأَكْتَبُوهُ) даги замирнинг қайтиши алоҳида маъно касб этади. Агар (بَدَيْنِ) айтилмасдан «إِذَا تَدَايَنْتُمْ إِلَى أَجَلٍ» дейилганда (فَأَكْتَبُوهُ) нинг ўрнига «فَاكْتَبُوا الدَّيْنَ» дейилган бўларди. Бу муборак оятнинг тартибида ажиб бир гўзаллик борки, уни сўз санъатидан бохабар завқли кишиларгина илғай оладилар.

(إِلَى أَجَلٍ مُّسَمًّى) яъни, маълум вақтга.

Бухорий Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилади: «Гувоҳлик бераманки, муайян муддатга кафолатланган салаф савдосини Аллоҳ ҳалол қилган ва унга рухсат берган». Ибн Аббос шу гапни айтганидан кейин оятни тиловат қилди. Салаф ҳам, салам ҳам бир маънода.

Ибн Жарир ривоятида Ибн Аббос رضي الله عنه,

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدَيْنٍ﴾

**(Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз)** ояти маълум ўлчовдаги ва маълум муддатга белгиланган салам савдоси ҳақида нозил бўлган, деган.

Оятнинг салам савдоси хусусида нозил бўлиши унинг бошқа дайнларга ҳам алоқадор бўлишига монелик қилмайди. Чунки (دين) сўзи оятда мутлақ маънода келган, маълум муддатдан бошқа ҳеч нарса билан қайдланмаган. Демак, Аллоҳ Таоло салам савдосида бўладими, бошқада бўладими, ҳар бир дайн ёзиб борилишини буюряпти.

(فَأَكْتَبُوهُ) Аллоҳ томонидан бўлган ёзишга буюриш. Буюриш талабни ифодалайди. Бу буйруқ хусусида ҳар хил гаплар ворид бўлган. Уни вожиб деганлар ҳам, мандуб деганлар ҳам, мубоҳ деганлар ҳам бор. Уни мубоҳ деганлар унда фақат дунёвий фойда кўрсатилганлигини назарда тутганлар. Яъни, даинни сақлаш ва тортишувлардан узоқ бўлиш учун ёзмагандан кўра ёзган яхшироқ.

Буйруқдаги аслик талаб қилишдир. Ундаги шаръий ҳукмнинг фарзлиги, мандублиги ёки мубоҳлигини қарина белгилаб беради. Бу муборак оят ҳақида тадаббур қиладиган бўлсак, қуйидагилар аён бўлади:

а) Талабнинг қатъийлигини кўрсатувчи қарина йўқ. Масалан, ёзилмасликка жазо тайинланиши каби қатъийликни ифодаловчи омиллар мавжуд эмас. Демак, ёзиш фарз эмас.

б) Ёзмасликдан кўра ёзишни рожиҳ қиладиган қариналар бор.

﴿وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ﴾

*(Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин).*

﴿فَلْيَكْتُبْ وَلْيَمْلِكِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا﴾

*(Албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин!).*

﴿وَلَا تَسْأَلُوا أَنْ تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا﴾

*(Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, ёзиб қўйишдан эринманглар).*

﴿ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ﴾

*(Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ).*

﴿وَأَقْوَمُ لِلشَّهَادَةِ وَأَدْنَىٰ أَلَّا تَرْتَابُوا﴾

*(Гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир)).*

Мана шуларнинг ҳаммаси ёзмасликдан кўра ёзиш рожиҳроқ эканини кўрсатади.

Лекин уларнинг айримлари рожиҳлик дунёвий мақсадаллигини ифодалайди. Чунончи:

﴿وَأَقْوَمُ لِلشَّهَادَةِ وَأَدْنَىٰ أَلَّا تَرْتَابُوا﴾

*(Гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир)).* Бу ҳақ талашишнинг олдини олиш учун ёзган афзал. Негаки, у гувоҳларнинг гапини тасдиқлайди ва уларнинг ишини осонлаштиради.

Агар шунинг ўзи билангина чекланадиган бўлсак, у фақат йўл кўрсатишни ўз ичига олувчи мубоҳликнигина ифодалаган бўларди. Лекин уларнинг (қариналарнинг) айримлари рожиҳлик

савоб яъни, мандублик учунлигини ифодалайди. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ذَلِكَمَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ﴾

**(Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ).**

Мана шу ёзишнинг мандублигига қаринадир. Бинобарин, маъно қуйидагича бўлади:

Мўминлар учун ўрталарида бўлиб турган, тўланиши маълум муддатга қолдирилаётган қарз савдосини ёзишлари мандубдир.

Энди тўланишига маълум муддат белгиланмаган дайнга келадиган бўлсак, уни ёзиш мандуб эмас, мубоҳдир. Мубоҳлигига икки асос бор:

Биринчидан, оят мандуб қарз савдосининг ёзилишини муайян муддат билан қайдлаяпти. Бу бир тавсифдир. Унинг мафҳуми ҳам бор ва унга амал қилинади. Яъни, оятда баён қилинган ёзишга буюриш муайян вақт белгиланмаган қарз савдосини ўз ичига олмайди.

Иккинчидан, кейинги оятда Аллоҳ Таоло мана бундай деяпти:

﴿فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمْنَتَهُ﴾

– „**Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин**“.

[2:283]

Яъни, бу ҳолат – қарз берувчининг ҳам, олувчининг ҳам бир-бирдан хавфсирамасликлари, бир-бирига ишонишлари оятда баён қилинган ёзишга буюришдан мустаснодир. Бундай ҳолатда ёзиш мубоҳдир. Истаса ёзади, истамаса ёзмайди.

Кимдир бирон одам билан қарз савдосини қилиб, унинг тўланишига аниқ муддат белгиламаса, масалан, унга, истаган пайтингда берасан, деса, бу иш Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا﴾

– „**Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз**“.

[2:283]

деган гапига киради. Чунки у қарз олаётган одамга ишонгани учун истаган пайтингда берасан, дейди.

Шундай қилиб оят қуйидагича талқин қилинади:

а) Шаръий ҳукм шуки, тўланишига муайян вақт белгиланган қарз савдосини ёзиш мандубдир.

б) Қарз олувчи ҳам, берувчи ҳам бир-бирларига ишониб қилинган қарз савдосини ёзиш мубоҳдир. Истасалар ёзадилар, истамасалар ёзмайдилар.

Тўланишига аниқ муддат белгиланмаган қарз савдоси ҳам шунга киради. Негаки, бу ҳам уларнинг бир-бирларига ишонишларини кўрсатади.

Оят қарзнинг тўланишига муддат белгилаш ҳукмини баён қилмаяпти. Бу қарз савдосига алоқадор ҳолатларга қараб бўлади. Ҳар бир ҳолатнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади. Масалан, салам савдосида муддатни белгилаш шарт. Муддат белгилангандагина салам савдоси битими тўғри битим ҳисобланади. Шунинг учун бу савдода муддат аниқ бўлиши вожиб. Масалан, пули берилади-да, товар, дейлик, буғдой фалон вақтда олинади, деб муддат аниқ айтилади. Бухорий ва Муслим Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилган юқоридаги ҳадисда шунга ишора бор. Унда айтилишича, Пайғамбар ﷺ Мадинага келганларида улар икки, уч йилга салаф савдосини қилардилар. Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ أَسْلَفَ فِي ثَمَرٍ فَلْيَسْلِفْ فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزَنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

**«Бир мева борасида салаф савдосини қилган одам аниқ ўлчовда, аниқ вазнда ва аниқ муддатга қилсин».**

﴿وَلْيَكْتُبْ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ﴾

**(Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин!)** Бу ердаги ( — ) ё (وَلْيَكْتُبْ)га ёки (كَاتِبٌ)га тааллуқлидир.

Агар биринчига тааллуқли бўлса, ёзувчи адолат билан ёзсин, деган маъно чиқади. Яъни, бу ерда талаб қилинаётган иш ёзувчининг адолат билан ёзиши бўлади. Унинг ўзи одил, яъни, мусулмон бўладими, йўқми, аҳамияти бўлмайди. Асосий эътибор унинг ёза олишига қаратилади.

Агар иккинчига, яъни, ( — ) котиб сўзига тааллуқли бўлса, адолатли ёзувчи ёзсин, деган маъно чиқади. Яъни, ёзувчининг адолатли бўлиши, яъни, мусулмон бўлиши, очиқ фосиқ бўлмаслиги, ёзиш борасида Аллоҳдан тақво қилиши, нимани ёзаётганини билиши ва ишни пухта бажариши талаб қилинаётган бўлади.

Жар қилувчи ҳарфнинг иккинчига яъни, котиб сўзига тааллуқлилиги рожиҳдир. Бунга қарина ундан кейин келган

﴿وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ﴾

**(Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин)** деган гапдир. Фақат адолатли мусулмонгина ёзишдан бош

тортмайди. Чунки у ўзининг ёзишни билиши Аллоҳнинг фази ва марҳамати эканини англайди.

Шунга кўра, бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Ораларингдаги муомалани бир одил, яъни, очиқ фосиқ бўлмаган, тўғри ёзишига ишониладиган мусулмон ёзин.

(بَيْنَكُمْ)нинг айтилаётгани эса ёзувчининг ҳар икки тарафдан танланган бўлиб, улардан бирининг тарафига ўтиб кетмаслигига далолат қилиш учундир. Яъни, ёзувчи бетараф бўлиши (بَيْنَكُمْ) ёзиши лозим.

﴿وَلَا يَأْتِ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ﴾

Ёзувчи ёзишдан бош тортмасин. Бу ердаги бош тортиш макруҳликни ифодалайди. Чунки ёзишдан бош тортишни тақиқлашнинг қатъийлигини кўрсатадиган қарина йўқ. Шунинг учун у ноқатъий тақиқ, яъни, макруҳдир.

(الله билдирган ёзишдан) яъни, ёзишдан бош тортмасдан Аллоҳ унга ёзишни билдириб қўйгани учун шукрона сифатида бошқаларга ёрдам берсин. Бу ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, ёзувчининг Аллоҳнинг ўзига ёзиш неъматини ато этганини идрок қила оладиган, адолатли мусулмон бўлиши кераклигига яна бир қаринадир. Демак, қарз олувчи ҳам, берувчи ҳам ўзларига бир адолатли ёзувчи топиб, ёздирсинлар.

(فَلْيَكْتُبْ) ёзишга буюриш. Аллоҳ Таоло ундан олдинроқ (أَنْ يَكْتُبَ) дегани эътибори билан бу иш мандубдир. Яъни, у олдин ҳеч нарсани билмас эди, Аллоҳ унга билдирди. Бас, шундай экан, бошқаларнинг эҳтиёжи тушиб турган пайтда уларга ёрдам берсин.

(وَلْيَمْلِكِ الَّذِينَ عَلَيْهِ الْحَقُّ) *Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин*) бу ҳам мандуб. Чунки ёзиш шунга асосланган.

(فَلْيَكْتُبْ وَلْيَمْلِكِ الَّذِينَ عَلَيْهِ الْحَقُّ) *албатта ёзин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин*) унга тақвони эслатилаётгани мандубликни таъкидлайди.

﴿وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ، وَلَا يَبْخَسَ مِنْهُ شَيْئًا﴾

(*Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан кўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин!*).

(وَيَمْلِلِ **ёздирсин**) яъни, ёзувчига нимани ёзишини айтиб туриш.

(الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ **зиммасида қарзи бўлган киши**) яъни, қарз олаётган одам. Айнан у яна ҳам ишонч зиёда бўлиши учун ёзувчига нима ёзишини айтиб туради. Қарздорнинг қарзни тан олиши қарз берувчининг даъвосидан кўра кучлироқдир. Шунга кўра, ёзувчига нима ёзишини қарздор айтиб туради.

(وَلَيَقْفِ اللَّهَ رَبُّهُ) **парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин**) унга Аллоҳдан тақво қилиш эслатиляпти ва у тўғри сўзлашга, ҳақпарвар бўлишга ундаляпти.

(وَلَا يَبْخَسُ مِنْهُ شَيْئًا) **ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин!**) яъни, ҳақиқатни бирозгина ҳам кемтик қилиб қўймасин. (شَيْئًا) иборасининг айтилиши ва унинг накра келиши ҳақиқатнинг озгина қисми ҳам яширилмаслигига далолат қилади.

(فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا) **Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз бўлса**) яъни, агар қарздор (سَفِيهًا **ақлсиз**) бўлса. (سفيه) сўзи ақли ожиз, нодон, тили ёмон деган маъноларни англатади. Бу ерда тили ёмон маъносида келяпти. Агар ёзувчига айтиб туриш унинг ўзига қўйиб берилса, ёмон гап ҳосил бўлади.

Бу сўз сўкишиш маъносида ҳам қўлланади. Оғзи бепошна сўкишгани одам тополмабди, деган мақол бор.

(أَوْ ضَعِيفًا) **ё ожиз**) яъни, фикри ожиз, ишларни тартибга сололмайдиган, тушунтириб гапиролмайдиган. Агар айтиб туриш унинг ўзига қўйиб берилса, чаламан-чакки гапириб, гапнинг маъносини бузиб юборади.

(أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُجِلَّ هُوَ) **ёки (айтиб туриб) ёздиршига қодир бўлмаса**) яъни, тилидаги бир дудуқлик сабабли равшан гапира олмайдиган. Ибн Аббос  шундай деган.

Юқорида айтиб ўтганларимиз биз рожиҳ деб билган гаплардир. Чунки оят қуйидагиларни ифодалайди:

а) Айтиб туришдан тақиқланган кишиларнинг дайн муомаласи қилишлари тақиқланмаган. Чунки оят

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بَدَيْنَ﴾

(Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз), деб бошланяпти. Уларнинг қарз савдосини қилишлари шаръан саҳиҳдир. Шунга кўра,

﴿سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمِلَّ هُوَ﴾

(ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса бўлса), ёки (айтиб туриб) ёздиришга қодир бўлмаса), деган гапнинг тафсирида битим тузиб бўлмайдиган сағир, телба ёки савдойи кабиларнинг бўлиши дуруст эмас.

б) Шунингдек бу тоифалардаги кишиларнинг йўқ бўлишлари ҳам, ўзлари қатнашмасликлари ҳам мумкин, деган гап ҳам маржўҳдир. Чунки оятда айтиб туришга қодир бўлмаган қарз олувчининг ҳам бўлиши, қатнашиши рожиҳлиги кўриниб турибди.

﴿وَلْيُمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْعًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي

عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمِلَّ هُوَ فَلْيُمْلِلْ وَلِيَّهُ بِالْعَدْلِ﴾

(Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан кўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса, ёки (айтиб туриб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин!).

в) У тоифани ёки иккитасини бир маънода деб тафсир қилиб бўлмайди. Чунки оят уларнинг уч тоифа одамлар эканини кўрсатяпти. Ҳар бир тоифа бошқасидан алоҳидадир.

﴿سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمِلَّ هُوَ﴾

г) Тафсирнинг луғатдан асоси бўлиши керак.

Шуларга биноан, мен ўзимнинг айтган гапим рожиҳ, деб биламан.

Мана шу уч тоифанинг ёзувчига айтиб туриши тақиқланади. Уларнинг ўринларига валийлари айтиб турадилар.

Бу пайтда валий, вакил ўз ваколатидаги одам номидан ҳақни сўзлаши, ҳаққа андак нарсани ҳам қўшиб ёки ҳақдан андак нарсани ҳам олиб ташламаслиги лозим. Фақат ҳақни гапириши унга қарздорнинг ўрнини босиш ҳуқуқини беради.

(فَلْيَمْلِكْ وَرِيهٗ بِاَلْعَدْلِ) **унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин!**

(وَرِيهٗ) бу ердаги замир қарздорга қайтади. Ундан мурод қаздорнинг валийсидир.

(بِاَلْعَدْلِ) айтиб туришга қайтади. Шариатда ота, ўғил, ака, ука ёки бошқа шариат белгилаган одамлар валий бўладилар. Валий тайинланганидан кейин айнан мана шу валий адолат билан, яъни, ҳақни айтиб, рост сўзлаб айтиб туриши керак бўлади.

﴿وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِدَيْنِ مِّن رِّجَالِكُمْ فَإِن لَّمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَآمْرَأَتَانِ مِمَّن

تَرَضَوْْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَن تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكِّرَ إِحْدَاهُمَا الْآخَرَ﴾

**(Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни – бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади – гувоҳ қилинлар!).**

Аллоҳ Таоло баён қиляптики, ҳар икки тараф ҳам ёзишга икки кишини ёки бир киши, икки аёлни гувоҳ қилишлари лозим бўлади. Аёллардан бири айрим воқеаларни унутган бўлса, иккинчиси эслатиб туриши учун улар иккита бўлишлари керак.

Гувоҳлар ҳам адолатли бўлишлари лозим.

﴿مِّن رِّجَالِكُمْ﴾

**(икки эркак кишини)** ва

﴿وَمِمَّن تَرَضَوْْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ﴾

**(сизлар рози бўладиган)** шунга далолат қилади. Модомики, хитоб бошданоқ мўминларга қаратилган экан, гувоҳлар ҳам ўша мўминлар маъқул кўрадиган кишилар бўлишлари керак. Бундан улар ҳам мусулмон, адолатли бўлишлари кераклиги чиқади. Яъни, уларнинг ташқи кўринишларида мусулмонликлари кўриниб туриши, фосиқлик – Ислому ҳукмларига зид иш қилиш ҳолатлари эса очиқ кўринмаслиги лозим бўлади. Улар мана шу тавсифлар билан гувоҳлиги қабул қилинадиган адолатли одамларга айланадилар.

(بِرَجُلٍ وَآمْرَأَتَانِ) **бир эркак ва икки аёл**) мубтадоликка биноан раф ҳолда, (وَأَمْرَأَتَانِ) **икки аёл**) эса унга атф бўляпти. Хабар ҳазф қилинган. Яъни, агар икки киши бўлмаса, бир киши ва яна бир кишининг ўрнига ўтирадиган икки аёл. Бу гап шунингдек,

бошқа эркаклар бор ёки йўқлигидан қатъий назар, бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги қабул қилинишини ифодалайди. Яъни, гувоҳга муҳтож одам бир эркак ва икки аёлни олиб келиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда келсалар ҳам ўрин ўтаверади. Бундан бошқа эркаклар топилмай қолгандагина бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги ўтади, деган маъно чиқмайди. Агар шундай бўлганда оятда (فإن لم يكن رجلا ن فرجل وامرأتان) дейилган бўлиб, ундаги (كان) томма бўларди, яъни, агар топилмаса, деган маънода бўларди. Лекин бу ерда (كان) томма эмас, ноқис бўлиб келяпти, яъни, бу ердаги гапдан агар олиб келинган икки гувоҳ икки киши бўлмаса, бир киши ва яна бир кишининг ўрнига ўтирадиган икки аёл бўлсин, деган маъно чиқяпти.

﴿أَنْ تَضِلَّ إِحْدَهُمَا فَتُزَكَّرَ إِحْدَهُمَا الْأُخْرَى﴾

(**Бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади**) яъни, икки аёлнинг гувоҳлиги бир кишининг гувоҳлиги ўрнига ўтади. Негаки, улардан бири воқеаларнинг қайсидир қисмини унутган бўлса, иккинчиси эслатиб туради.

(**унутиб адашса**) маҳаллан насб бўлиб, мафъулун лиажлиҳидир.

Бу ердаги (**бири**) сўзининг такрорланиб келиши хатога йўл қўйилишини уларнинг фақат биттаси билангина хослаб қўйиш хаёлидан эҳтиётлантириш учун муболага бўляпти. Бундан мақсад бири унутса, иккинчиси эслатиб туришидир.

(**унутса**) яъни, унутса. Гувоҳлик беришдаги адашиш унинг қандайдир бир қисмини унутиб, бошқа бир қисмини айтиш билан бўлади. Шу билан киши ҳайрон бўлиб, адашиб қолади. Гувоҳликни умуман унутиб қўйган одамга нисбатан, эса адашиш сўзи ишлатилмайди.

Шу нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, молиявий муносабатларда Аллоҳ Таоло аёл кишининг гувоҳлиги мана шу тарзда, яъни, бир кишининг ўрнига икки аёл ўтирадиган тарзда бўлишини тайинлади.

﴿فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّن تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَنْ تَضِلَّ

إِحْدَهُمَا فَتُزَكَّرَ إِحْدَهُمَا الْأُخْرَى﴾

**(Ва сизлар рози бўладиган икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни – бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади – гувоҳ қилинглари!).**

Оятда кўрсатилишича, молиявий муносабатларда аёлларнинг унутиб қўйиш эҳтимоллари эркакларникига нисбатан кўпроқ бўлади. Эҳтимол бунга сабаб уларнинг бундай муносабатларга кам қатнашганликларидир. Улар молиявий муносабатларда эркакларга нисбатан анча кам қатнашадилар. Шунинг учун бири унутган нарсани иккинчиси эслатиб қўйиши эътибори билан улардан иккитасининг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг бўляпти. Негаки, эркак молиявий муносабатлар, ҳолатлар, воқеаларнинг ҳаммасини кузатиб боради. Аёл эса ундай эмас. Шунинг учун у ўзи каби яна бир аёл билан бирга бўлгандагина бир эркакнинг гувоҳлигичалик гувоҳ бўла олади. Бунинг сабаби молиявий муносабатларда қатнашиш борасида эркак билан аёлнинг бир-биридан фарқ қилишига бориб тақалади. Зеро, гувоҳлик ҳеч қандай тушунмовчилик аралашмаган очиқ қатнашишга асосланиши лозим.

Туғилиш, эмизиш каби фақат аёлларгина қатнашадиган ишларда битта аёлнинг гувоҳлиги ўтиши ҳам шу фикримизни қувватлайди.

**(وَلَا يَأْتِ الشَّهَادَةَ إِذَا مَا دُعُوا) гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганда бош тортмасинлар!**) яъни, гувоҳлар қарз савдосини ёзилишига гувоҳ бўлишга чақирилсалар, рози бўлсинлар, рад этмасинлар. Бу ердаги тақиқ макруҳликни ифодалайди. Чунки унинг қатъийлигини кўрсатадиган қарина йўқ. Демак, у қатъий бўлмаган тақиқдир.

Яъни, қарз савдосининг ёзилишига гувоҳ бўлишга чақирилган кишининг келмаслиги макруҳдир.

**(وَلَا تَسْتُمُوا أَنْ تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَىٰ أَجَلِهِ) хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглари)** яъни, дайн миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, уни ёзишни малол олманглари. Бу гапда ёзишга тарғиб бор.

**(ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ) мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ)** яъни, одилроқ.

**(وَأَقْوَمُ لِلشَّهَادَةِ) гувоҳлик учун тўғрироқ)** Унинг учун исботланганроқ.

(وَأَدْنَىٰ أَلَا تَرْتَابُونَ) Шак-шубҳадан йироқроқ.

Мана шуларнинг ҳаммаси

﴿ذٰلِكُمْ اَقْسَطُ عِنْدَ اللّٰهِ وَاَقْوَمٌ لِّلشَّهَادَةِ وَاَدْنٰى اَلَا تَرْتَابُوْنَ﴾

(Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир)) юқорида айтиб ўтганимиздек қаринадир.

﴿اَلَا اَنْ تَكُوْنَ تَجْرَةً حَاصِرَةً تُدِيرُوْنَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ اَلَّا تَكْتُبُوْهَا﴾

(Лекин агар (ўртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангизда, сизлар учун гуноҳ йўқдир) узилган истисно. Бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Лекин агар ораларингдаги ҳозир бўлиб турган қўлга қўл савдони ёзмасангизлар ҳам бўлаверади. Яъни, уни ёзиш ҳам ёзмаслик ҳам мубоҳдир.

(وَأَشْهَدُوا إِذَا تَبَايَعْتُمْ) ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг!). У ҳозир бўлиб турган савдога қайтади. Бу ердаги буйруқ мубоҳликни ифодалайди. Чунки унда қариналар йўқ ва бу иш қурбат (Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш) ҳам эмас. Мавжуд бўлиб турган савдога гувоҳ бўлиш мубоҳдир.

(وَلَا يُضَارَّ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ) ва на котиб, на гувоҳга зарар етмасин).

Улардан ҳеч бирига озор берилмайди. Озор бериш ёлғонни ёзишга ёки ёлғонга гувоҳлик қилишга мажбурлаш бўладими, босим ўтказиш бўладими, унинг елкасига ҳам ниманидир юклаб қўйиш бўладими, фарқи йўқ. Гувоҳлар билан чиройли муомала қилиш, улар учун енгил бўладиган йўлни тутиш лозим.

Бу ердаги ёзувчи ёки гувоҳларга зарар қилиш ҳаромликни ифодалайди. Бунга қарина

(وَإِنْ تَفَعَّلُوا فإِنَّهُ فُسُوقٌ بِكُمْ) агар шундай қилсангиз (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз), бу Аллоҳга итоатсизлигингиздир) деган гапдир. Бу бир тавсиф бўлиб, зарар қилишдан тақиқлаш қатъийлигини яъни, бу ишнинг ҳаромлигини ифодалайди.

(وَاتَّقُوا اللَّهَ) *Аллоҳдан қўрқингиз!*). Яъни, ўзларингизни Аллоҳнинг газабидан, азобидан сақланглар ва У Зотдан қўрқинглар.

(وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ) *Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради*) яъни, сизларга шариат ҳукмларини ўргатади. Бас, уларга амал қилинглар.

(وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ) *Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир*) Аллоҳ Таолога ҳеч нарса махфий эмас. У Зот ишларнинг моҳиятларини билади ва сизларга қилган амалларингизга яраша жазо ёки мукофот беради.

Бу ерда далолат лафзи такрорланиб келди, дейилмайди.

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

Зеро, бу қуруқ такрорнинг ўзи эмас. Балки улардан ҳар бири Аллоҳ Таолони улуғлашдан ташқари яна ўзича бир мустақил маънога эга. Кишини тақвога ошно қилган ҳам, бандаларга илм берадиган ҳам, одамлар билмаган нарсаларини билиб олишлари учун уларда табиий ва ақлий хусусиятларни, қобилиятларни яратиб қўйган ҳам, махлуқотларнинг илмли бўлишларидаги Соҳиби миннат ҳам Аллоҳдир.

Оятнинг якунида ҳамма нарсани қамраб олган азалий илмнинг фақат Аллоҳгагина хослиги билдириляпти. Еру осмондаги заррадек нарса ҳам У Зот назаридан четда эмас.

Шунинг учун У Зотнинг номи такрорланиб келиши (اللَّهُ) қуруқ такрорнинг ўзи эмас. Балки, уларнинг ҳар бири ўзича мустақил маънога эга. Айни пайтда у ақлларни лол қолдирувчи буюклик шодасидаги бошқа маънолар билан ҳам тутшиб кетади. Еру осмонларни яратган, ҳар бир нарсага бир миқдор тайин қилган Аллоҳ ҳар қандай нуқсондан Покдир!



Учинчи пора, бешинчи қисм, тўртинчи чорак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ  
﴿۱﴾ وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهْنُمْ مَّقْبُوضَةٌ ۖ فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا  
فَلْيُؤَدِّ الَّذِي اؤْتُمِنَ اؤْتُمْنَهُ ۖ وَلْيَتَّقِ اللّٰهَ رَبَّهُ ۗ وَلَا تَكْتُمُوا الشّٰهَدَةَ ۗ وَمَنْ يَكْتُمْهَا  
فَاِنَّهُ ءَاثِمٌ قَلْبُهُ ۗ وَاللّٰهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِیْمٌ ﴿۲﴾ ۝ ۱۰۰ ۝ ۱۰۱ ۝ ۱۰۲ ۝ ۱۰۳ ۝ ۱۰۴ ۝ ۱۰۵ ۝ ۱۰۶ ۝ ۱۰۷ ۝ ۱۰۸ ۝ ۱۰۹ ۝ ۱۱۰ ۝ ۱۱۱ ۝ ۱۱۲ ۝ ۱۱۳ ۝ ۱۱۴ ۝ ۱۱۵ ۝ ۱۱۶ ۝ ۱۱۷ ۝ ۱۱۸ ۝ ۱۱۹ ۝ ۱۲۰ ۝ ۱۲۱ ۝ ۱۲۲ ۝ ۱۲۳ ۝ ۱۲۴ ۝ ۱۲۵ ۝ ۱۲۶ ۝ ۱۲۷ ۝ ۱۲۸ ۝ ۱۲۹ ۝ ۱۳۰ ۝ ۱۳۱ ۝ ۱۳۲ ۝ ۱۳۳ ۝ ۱۳۴ ۝ ۱۳۵ ۝ ۱۳۶ ۝ ۱۳۷ ۝ ۱۳۸ ۝ ۱۳۹ ۝ ۱۴۰ ۝ ۱۴۱ ۝ ۱۴۲ ۝ ۱۴۳ ۝ ۱۴۴ ۝ ۱۴۵ ۝ ۱۴۶ ۝ ۱۴۷ ۝ ۱۴۸ ۝ ۱۴۹ ۝ ۱۵۰ ۝ ۱۵۱ ۝ ۱۵۲ ۝ ۱۵۳ ۝ ۱۵۴ ۝ ۱۵۵ ۝ ۱۵۶ ۝ ۱۵۷ ۝ ۱۵۸ ۝ ۱۵۹ ۝ ۱۶۰ ۝ ۱۶۱ ۝ ۱۶۲ ۝ ۱۶۳ ۝ ۱۶۴ ۝ ۱۶۵ ۝ ۱۶۶ ۝ ۱۶۷ ۝ ۱۶۸ ۝ ۱۶۹ ۝ ۱۷۰ ۝ ۱۷۱ ۝ ۱۷۲ ۝ ۱۷۳ ۝ ۱۷۴ ۝ ۱۷۵ ۝ ۱۷۶ ۝ ۱۷۷ ۝ ۱۷۸ ۝ ۱۷۹ ۝ ۱۸۰ ۝ ۱۸۱ ۝ ۱۸۲ ۝ ۱۸۳ ۝ ۱۸۴ ۝ ۱۸۵ ۝ ۱۸۶ ۝ ۱۸۷ ۝ ۱۸۸ ۝ ۱۸۹ ۝ ۱۹۰ ۝ ۱۹۱ ۝ ۱۹۲ ۝ ۱۹۳ ۝ ۱۹۴ ۝ ۱۹۵ ۝ ۱۹۶ ۝ ۱۹۷ ۝ ۱۹۸ ۝ ۱۹۹ ۝ ۲۰۰ ۝ ۲۰۱ ۝ ۲۰۲ ۝ ۲۰۳ ۝ ۲۰۴ ۝ ۲۰۵ ۝ ۲۰۶ ۝ ۲۰۷ ۝ ۲۰۸ ۝ ۲۰۹ ۝ ۲۱۰ ۝ ۲۱۱ ۝ ۲۱۲ ۝ ۲۱۳ ۝ ۲۱۴ ۝ ۲۱۵ ۝ ۲۱۶ ۝ ۲۱۷ ۝ ۲۱۸ ۝ ۲۱۹ ۝ ۲۲۰ ۝ ۲۲۱ ۝ ۲۲۲ ۝ ۲۲۳ ۝ ۲۲۴ ۝ ۲۲۵ ۝ ۲۲۶ ۝ ۲۲۷ ۝ ۲۲۸ ۝ ۲۲۹ ۝ ۲۳۰ ۝ ۲۳۱ ۝ ۲۳۲ ۝ ۲۳۳ ۝ ۲۳۴ ۝ ۲۳۵ ۝ ۲۳۶ ۝ ۲۳۷ ۝ ۲۳۸ ۝ ۲۳۹ ۝ ۲۴۰ ۝ ۲۴۱ ۝ ۲۴۲ ۝ ۲۴۳ ۝ ۲۴۴ ۝ ۲۴۵ ۝ ۲۴۶ ۝ ۲۴۷ ۝ ۲۴۸ ۝ ۲۴۹ ۝ ۲۵۰ ۝ ۲۵۱ ۝ ۲۵۲ ۝ ۲۵۳ ۝ ۲۵۴ ۝ ۲۵۵ ۝ ۲۵۶ ۝ ۲۵۷ ۝ ۲۵۸ ۝ ۲۵۹ ۝ ۲۶۰ ۝ ۲۶۱ ۝ ۲۶۲ ۝ ۲۶۳ ۝ ۲۶۴ ۝ ۲۶۵ ۝ ۲۶۶ ۝ ۲۶۷ ۝ ۲۶۸ ۝ ۲۶۹ ۝ ۲۷۰ ۝ ۲۷۱ ۝ ۲۷۲ ۝ ۲۷۳ ۝ ۲۷۴ ۝ ۲۷۵ ۝ ۲۷۶ ۝ ۲۷۷ ۝ ۲۷۸ ۝ ۲۷۹ ۝ ۲۸۰ ۝ ۲۸۱ ۝ ۲۸۲ ۝ ۲۸۳ ۝ ۲۸۴ ۝ ۲۸۵ ۝ ۲۸۶ ۝ ۲۸۷ ۝ ۲۸۸ ۝ ۲۸۹ ۝ ۲۹۰ ۝ ۲۹۱ ۝ ۲۹۲ ۝ ۲۹۳ ۝ ۲۹۴ ۝ ۲۹۵ ۝ ۲۹۶ ۝ ۲۹۷ ۝ ۲۹۸ ۝ ۲۹۹ ۝ ۳۰۰ ۝ ۳۰۱ ۝ ۳۰۲ ۝ ۳۰۳ ۝ ۳۰۴ ۝ ۳۰۵ ۝ ۳۰۶ ۝ ۳۰۷ ۝ ۳۰۸ ۝ ۳۰۹ ۝ ۳۱۰ ۝ ۳۱۱ ۝ ۳۱۲ ۝ ۳۱۳ ۝ ۳۱۴ ۝ ۳۱۵ ۝ ۳۱۶ ۝ ۳۱۷ ۝ ۳۱۸ ۝ ۳۱۹ ۝ ۳۲۰ ۝ ۳۲۱ ۝ ۳۲۲ ۝ ۳۲۳ ۝ ۳۲۴ ۝ ۳۲۵ ۝ ۳۲۶ ۝ ۳۲۷ ۝ ۳۲۸ ۝ ۳۲۹ ۝ ۳۳۰ ۝ ۳۳۱ ۝ ۳۳۲ ۝ ۳۳۳ ۝ ۳۳۴ ۝ ۳۳۵ ۝ ۳۳۶ ۝ ۳۳۷ ۝ ۳۳۸ ۝ ۳۳۹ ۝ ۳۴۰ ۝ ۳۴۱ ۝ ۳۴۲ ۝ ۳۴۳ ۝ ۳۴۴ ۝ ۳۴۵ ۝ ۳۴۶ ۝ ۳۴۷ ۝ ۳۴۸ ۝ ۳۴۹ ۝ ۳۵۰ ۝ ۳۵۱ ۝ ۳۵۲ ۝ ۳۵۳ ۝ ۳۵۴ ۝ ۳۵۵ ۝ ۳۵۶ ۝ ۳۵۷ ۝ ۳۵۸ ۝ ۳۵۹ ۝ ۳۶۰ ۝ ۳۶۱ ۝ ۳۶۲ ۝ ۳۶۳ ۝ ۳۶۴ ۝ ۳۶۵ ۝ ۳۶۶ ۝ ۳۶۷ ۝ ۳۶۸ ۝ ۳۶۹ ۝ ۳۷۰ ۝ ۳۷۱ ۝ ۳۷۲ ۝ ۳۷۳ ۝ ۳۷۴ ۝ ۳۷۵ ۝ ۳۷۶ ۝ ۳۷۷ ۝ ۳۷۸ ۝ ۳۷۹ ۝ ۳۸۰ ۝ ۳۸۱ ۝ ۳۸۲ ۝ ۳۸۳ ۝ ۳۸۴ ۝ ۳۸۵ ۝ ۳۸۶ ۝ ۳۸۷ ۝ ۳۸۸ ۝ ۳۸۹ ۝ ۳۹۰ ۝ ۳۹۱ ۝ ۳۹۲ ۝ ۳۹۳ ۝ ۳۹۴ ۝ ۳۹۵ ۝ ۳۹۶ ۝ ۳۹۷ ۝ ۳۹۸ ۝ ۳۹۹ ۝ ۴۰۰ ۝ ۴۰۱ ۝ ۴۰۲ ۝ ۴۰۳ ۝ ۴۰۴ ۝ ۴۰۵ ۝ ۴۰۶ ۝ ۴۰۷ ۝ ۴۰۸ ۝ ۴۰۹ ۝ ۴۱۰ ۝ ۴۱۱ ۝ ۴۱۲ ۝ ۴۱۳ ۝ ۴۱۴ ۝ ۴۱۵ ۝ ۴۱۶ ۝ ۴۱۷ ۝ ۴۱۸ ۝ ۴۱۹ ۝ ۴۲۰ ۝ ۴۲۱ ۝ ۴۲۲ ۝ ۴۲۳ ۝ ۴۲۴ ۝ ۴۲۵ ۝ ۴۲۶ ۝ ۴۲۷ ۝ ۴۲۸ ۝ ۴۲۹ ۝ ۴۳۰ ۝ ۴۳۱ ۝ ۴۳۲ ۝ ۴۳۳ ۝ ۴۳۴ ۝ ۴۳۵ ۝ ۴۳۶ ۝ ۴۳۷ ۝ ۴۳۸ ۝ ۴۳۹ ۝ ۴۴۰ ۝ ۴۴۱ ۝ ۴۴۲ ۝ ۴۴۳ ۝ ۴۴۴ ۝ ۴۴۵ ۝ ۴۴۶ ۝ ۴۴۷ ۝ ۴۴۸ ۝ ۴۴۹ ۝ ۴۵۰ ۝ ۴۵۱ ۝ ۴۵۲ ۝ ۴۵۳ ۝ ۴۵۴ ۝ ۴۵۵ ۝ ۴۵۶ ۝ ۴۵۷ ۝ ۴۵۸ ۝ ۴۵۹ ۝ ۴۶۰ ۝ ۴۶۱ ۝ ۴۶۲ ۝ ۴۶۳ ۝ ۴۶۴ ۝ ۴۶۵ ۝ ۴۶۶ ۝ ۴۶۷ ۝ ۴۶۸ ۝ ۴۶۹ ۝ ۴۷۰ ۝ ۴۷۱ ۝ ۴۷۲ ۝ ۴۷۳ ۝ ۴۷۴ ۝ ۴۷۵ ۝ ۴۷۶ ۝ ۴۷۷ ۝ ۴۷۸ ۝ ۴۷۹ ۝ ۴۸۰ ۝ ۴۸۱ ۝ ۴۸۲ ۝ ۴۸۳ ۝ ۴۸۴ ۝ ۴۸۵ ۝ ۴۸۶ ۝ ۴۸۷ ۝ ۴۸۸ ۝ ۴۸۹ ۝ ۴۹۰ ۝ ۴۹۱ ۝ ۴۹۲ ۝ ۴۹۳ ۝ ۴۹۴ ۝ ۴۹۵ ۝ ۴۹۶ ۝ ۴۹۷ ۝ ۴۹۸ ۝ ۴۹۹ ۝ ۵۰۰ ۝ ۵۰۱ ۝ ۵۰۲ ۝ ۵۰۳ ۝ ۵۰۴ ۝ ۵۰۵ ۝ ۵۰۶ ۝ ۵۰۷ ۝ ۵۰۸ ۝ ۵۰۹ ۝ ۵۱۰ ۝ ۵۱۱ ۝ ۵۱۲ ۝ ۵۱۳ ۝ ۵۱۴ ۝ ۵۱۵ ۝ ۵۱۶ ۝ ۵۱۷ ۝ ۵۱۸ ۝ ۵۱۹ ۝ ۵۲۰ ۝ ۵۲۱ ۝ ۵۲۲ ۝ ۵۲۳ ۝ ۵۲۴ ۝ ۵۲۵ ۝ ۵۲۶ ۝ ۵۲۷ ۝ ۵۲۸ ۝ ۵۲۹ ۝ ۵۳۰ ۝ ۵۳۱ ۝ ۵۳۲ ۝ ۵۳۳ ۝ ۵۳۴ ۝ ۵۳۵ ۝ ۵۳۶ ۝ ۵۳۷ ۝ ۵۳۸ ۝ ۵۳۹ ۝ ۵۴۰ ۝ ۵۴۱ ۝ ۵۴۲ ۝ ۵۴۳ ۝ ۵۴۴ ۝ ۵۴۵ ۝ ۵۴۶ ۝ ۵۴۷ ۝ ۵۴۸ ۝ ۵۴۹ ۝ ۵۵۰ ۝ ۵۵۱ ۝ ۵۵۲ ۝ ۵۵۳ ۝ ۵۵۴ ۝ ۵۵۵ ۝ ۵۵۶ ۝ ۵۵۷ ۝ ۵۵۸ ۝ ۵۵۹ ۝ ۵۶۰ ۝ ۵۶۱ ۝ ۵۶۲ ۝ ۵۶۳ ۝ ۵۶۴ ۝ ۵۶۵ ۝ ۵۶۶ ۝ ۵۶۷ ۝ ۵۶۸ ۝ ۵۶۹ ۝ ۵۷۰ ۝ ۵۷۱ ۝ ۵۷۲ ۝ ۵۷۳ ۝ ۵۷۴ ۝ ۵۷۵ ۝ ۵۷۶ ۝ ۵۷۷ ۝ ۵۷۸ ۝ ۵۷۹ ۝ ۵۸۰ ۝ ۵۸۱ ۝ ۵۸۲ ۝ ۵۸۳ ۝ ۵۸۴ ۝ ۵۸۵ ۝ ۵۸۶ ۝ ۵۸۷ ۝ ۵۸۸ ۝ ۵۸۹ ۝ ۵۹۰ ۝ ۵۹۱ ۝ ۵۹۲ ۝ ۵۹۳ ۝ ۵۹۴ ۝ ۵۹۵ ۝ ۵۹۶ ۝ ۵۹۷ ۝ ۵۹۸ ۝ ۵۹۹ ۝ ۶۰۰ ۝ ۶۰۱ ۝ ۶۰۲ ۝ ۶۰۳ ۝ ۶۰۴ ۝ ۶۰۵ ۝ ۶۰۶ ۝ ۶۰۷ ۝ ۶۰۸ ۝ ۶۰۹ ۝ ۶۱۰ ۝ ۶۱۱ ۝ ۶۱۲ ۝ ۶۱۳ ۝ ۶۱۴ ۝ ۶۱۵ ۝ ۶۱۶ ۝ ۶۱۷ ۝ ۶۱۸ ۝ ۶۱۹ ۝ ۶۲۰ ۝ ۶۲۱ ۝ ۶۲۲ ۝ ۶۲۳ ۝ ۶۲۴ ۝ ۶۲۵ ۝ ۶۲۶ ۝ ۶۲۷ ۝ ۶۲۸ ۝ ۶۲۹ ۝ ۶۳۰ ۝ ۶۳۱ ۝ ۶۳۲ ۝ ۶۳۳ ۝ ۶۳۴ ۝ ۶۳۵ ۝ ۶۳۶ ۝ ۶۳۷ ۝ ۶۳۸ ۝ ۶۳۹ ۝ ۶۴۰ ۝ ۶۴۱ ۝ ۶۴۲ ۝ ۶۴۳ ۝ ۶۴۴ ۝ ۶۴۵ ۝ ۶۴۶ ۝ ۶۴۷ ۝ ۶۴۸ ۝ ۶۴۹ ۝ ۶۵۰ ۝ ۶۵۱ ۝ ۶۵۲ ۝ ۶۵۳ ۝ ۶۵۴ ۝ ۶۵۵ ۝ ۶۵۶ ۝ ۶۵۷ ۝ ۶۵۸ ۝ ۶۵۹ ۝ ۶۶۰ ۝ ۶۶۱ ۝ ۶۶۲ ۝ ۶۶۳ ۝ ۶۶۴ ۝ ۶۶۵ ۝ ۶۶۶ ۝ ۶۶۷ ۝ ۶۶۸ ۝ ۶۶۹ ۝ ۶۷۰ ۝ ۶۷۱ ۝ ۶۷۲ ۝ ۶۷۳ ۝ ۶۷۴ ۝ ۶۷۵ ۝ ۶۷۶ ۝ ۶۷۷ ۝ ۶۷۸ ۝ ۶۷۹ ۝ ۶۸۰ ۝ ۶۸۱ ۝ ۶۸۲ ۝ ۶۸۳ ۝ ۶۸۴ ۝ ۶۸۵ ۝ ۶۸۶ ۝ ۶۸۷ ۝ ۶۸۸ ۝ ۶۸۹ ۝ ۶۹۰ ۝ ۶۹۱ ۝ ۶۹۲ ۝ ۶۹۳ ۝ ۶۹۴ ۝ ۶۹۵ ۝ ۶۹۶ ۝ ۶۹۷ ۝ ۶۹۸ ۝ ۶۹۹ ۝ ۷۰۰ ۝ ۷۰۱ ۝ ۷۰۲ ۝ ۷۰۳ ۝ ۷۰۴ ۝ ۷۰۵ ۝ ۷۰۶ ۝ ۷۰۷ ۝ ۷۰۸ ۝ ۷۰۹ ۝ ۷۱۰ ۝ ۷۱۱ ۝ ۷۱۲ ۝ ۷۱۳ ۝ ۷۱۴ ۝ ۷۱۵ ۝ ۷۱۶ ۝ ۷۱۷ ۝ ۷۱۸ ۝ ۷۱۹ ۝ ۷۲۰ ۝ ۷۲۱ ۝ ۷۲۲ ۝ ۷۲۳ ۝ ۷۲۴ ۝ ۷۲۵ ۝ ۷۲۶ ۝ ۷۲۷ ۝ ۷۲۸ ۝ ۷۲۹ ۝ ۷۳۰ ۝ ۷۳۱ ۝ ۷۳۲ ۝ ۷۳۳ ۝ ۷۳۴ ۝ ۷۳۵ ۝ ۷۳۶ ۝ ۷۳۷ ۝ ۷۳۸ ۝ ۷۳۹ ۝ ۷۴۰ ۝ ۷۴۱ ۝ ۷۴۲ ۝ ۷۴۳ ۝ ۷۴۴ ۝ ۷۴۵ ۝ ۷۴۶ ۝ ۷۴۷ ۝ ۷۴۸ ۝ ۷۴۹ ۝ ۷۵۰ ۝ ۷۵۱ ۝ ۷۵۲ ۝ ۷۵۳ ۝ ۷۵۴ ۝ ۷۵۵ ۝ ۷۵۶ ۝ ۷۵۷ ۝ ۷۵۸ ۝ ۷۵۹ ۝ ۷۶۰ ۝ ۷۶۱ ۝ ۷۶۲ ۝ ۷۶۳ ۝ ۷۶۴ ۝ ۷۶۵ ۝ ۷۶۶ ۝ ۷۶۷ ۝ ۷۶۸ ۝ ۷۶۹ ۝ ۷۷۰ ۝ ۷۷۱ ۝ ۷۷۲ ۝ ۷۷۳ ۝ ۷۷۴ ۝ ۷۷۵ ۝ ۷۷۶ ۝ ۷۷۷ ۝ ۷۷۸ ۝ ۷۷۹ ۝ ۷۸۰ ۝ ۷۸۱ ۝ ۷۸۲ ۝ ۷۸۳ ۝ ۷۸۴ ۝ ۷۸۵ ۝ ۷۸۶ ۝ ۷۸۷ ۝ ۷۸۸ ۝ ۷۸۹ ۝ ۷۹۰ ۝ ۷۹۱ ۝ ۷۹۲ ۝ ۷۹۳ ۝ ۷۹۴ ۝ ۷۹۵ ۝ ۷۹۶ ۝ ۷۹۷ ۝ ۷۹۸ ۝ ۷۹۹ ۝ ۸۰۰ ۝ ۸۰۱ ۝ ۸۰۲ ۝ ۸۰۳ ۝ ۸۰۴ ۝ ۸۰۵ ۝ ۸۰۶ ۝ ۸۰۷ ۝ ۸۰۸ ۝ ۸۰۹ ۝ ۸۱۰ ۝ ۸۱۱ ۝ ۸۱۲ ۝ ۸۱۳ ۝ ۸۱۴ ۝ ۸۱۵ ۝ ۸۱۶ ۝ ۸۱۷ ۝ ۸۱۸ ۝ ۸۱۹ ۝ ۸۲۰ ۝ ۸۲۱ ۝ ۸۲۲ ۝ ۸۲۳ ۝ ۸۲۴ ۝ ۸۲۵ ۝ ۸۲۶ ۝ ۸۲۷ ۝ ۸۲۸ ۝ ۸۲۹ ۝ ۸۳۰ ۝ ۸۳۱ ۝ ۸۳۲ ۝ ۸۳۳ ۝ ۸۳۴ ۝ ۸۳۵ ۝ ۸۳۶ ۝ ۸۳۷ ۝ ۸۳۸ ۝ ۸۳۹ ۝ ۸۴۰ ۝ ۸۴۱ ۝ ۸۴۲ ۝ ۸۴۳ ۝ ۸۴۴ ۝ ۸۴۵ ۝ ۸۴۶ ۝ ۸۴۷ ۝ ۸۴۸ ۝ ۸۴۹ ۝ ۸۵۰ ۝ ۸۵۱ ۝ ۸۵۲ ۝ ۸۵۳ ۝ ۸۵۴ ۝ ۸۵۵ ۝ ۸۵۶ ۝ ۸۵۷ ۝ ۸۵۸ ۝ ۸۵۹ ۝ ۸۶۰ ۝ ۸۶۱ ۝ ۸۶۲ ۝ ۸۶۳ ۝ ۸۶۴ ۝ ۸۶۵ ۝ ۸۶۶ ۝ ۸۶۷ ۝ ۸۶۸ ۝ ۸۶۹ ۝ ۸۷۰ ۝ ۸۷۱ ۝ ۸۷۲ ۝ ۸۷۳ ۝ ۸۷۴ ۝ ۸۷۵ ۝ ۸۷۶ ۝ ۸۷۷ ۝ ۸۷۸ ۝ ۸۷۹ ۝ ۸۸۰ ۝ ۸۸۱ ۝ ۸۸۲ ۝ ۸۸۳ ۝ ۸۸۴ ۝ ۸۸۵ ۝ ۸۸۶ ۝ ۸۸۷ ۝ ۸۸۸ ۝ ۸۸۹ ۝ ۸۹۰ ۝ ۸۹۱ ۝ ۸۹۲ ۝ ۸۹۳ ۝ ۸۹۴ ۝ ۸۹۵ ۝ ۸۹۶ ۝ ۸۹۷ ۝ ۸۹۸ ۝ ۸۹۹ ۝ ۹۰۰ ۝ ۹۰۱ ۝ ۹۰۲ ۝ ۹۰۳ ۝ ۹۰۴ ۝ ۹۰۵ ۝ ۹۰۶ ۝ ۹۰۷ ۝ ۹۰۸ ۝ ۹۰۹ ۝ ۹۱۰ ۝ ۹۱۱ ۝ ۹۱۲ ۝ ۹۱۳ ۝ ۹۱۴ ۝ ۹۱۵ ۝ ۹۱۶ ۝ ۹۱۷ ۝ ۹۱۸ ۝ ۹۱۹ ۝ ۹۲۰ ۝ ۹۲۱ ۝ ۹۲۲ ۝ ۹۲۳ ۝ ۹۲۴ ۝ ۹۲۵ ۝ ۹۲۶ ۝ ۹۲۷ ۝ ۹۲۸ ۝ ۹۲۹ ۝ ۹۳۰ ۝ ۹۳۱ ۝ ۹۳۲ ۝ ۹۳۳ ۝ ۹۳۴ ۝ ۹۳۵ ۝ ۹۳۶ ۝ ۹۳۷ ۝ ۹۳۸ ۝ ۹۳۹ ۝ ۹۴۰ ۝ ۹۴۱ ۝ ۹۴۲ ۝ ۹۴۳ ۝ ۹۴۴ ۝ ۹۴۵ ۝ ۹۴۶ ۝ ۹۴۷ ۝ ۹۴۸ ۝ ۹۴۹ ۝ ۹۵۰ ۝ ۹۵۱ ۝ ۹۵۲ ۝ ۹۵۳ ۝ ۹۵۴ ۝ ۹۵۵ ۝ ۹۵۶ ۝ ۹۵۷ ۝ ۹۵۸ ۝ ۹۵۹ ۝ ۹۶۰ ۝ ۹۶۱ ۝ ۹۶۲ ۝ ۹۶۳ ۝ ۹۶۴ ۝ ۹۶۵ ۝ ۹۶۶ ۝ ۹۶۷ ۝ ۹۶۸ ۝ ۹۶۹ ۝ ۹۷۰ ۝ ۹۷۱ ۝ ۹۷۲ ۝ ۹۷۳ ۝ ۹۷۴ ۝ ۹۷۵ ۝ ۹۷۶ ۝ ۹۷۷ ۝ ۹۷۸ ۝ ۹۷۹ ۝ ۹۸۰ ۝ ۹۸۱ ۝ ۹۸۲ ۝ ۹۸۳ ۝ ۹۸۴ ۝ ۹۸۵ ۝ ۹۸۶ ۝ ۹۸۷ ۝ ۹۸۸ ۝ ۹۸۹ ۝ ۹۹۰ ۝ ۹۹۱ ۝ ۹۹۲ ۝ ۹۹۳ ۝ ۹۹۴ ۝ ۹۹۵ ۝ ۹۹۶ ۝ ۹۹۷ ۝ ۹۹۸ ۝ ۹۹۹ ۝ ۱۰۰۰ ۝

– „283. Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори — Аллоҳдан қўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким (гувоҳликдан бош тортиши билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳқордир. Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир. 284. Самовот ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошқор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва ўзи истаган кишини мағфират қилиб, ўзи истаган кишини азоблайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. 285. Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага имон келтирди ва мўминлар (ҳам имон келтирдилар). Аллоҳга,

*фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига имон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайгамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», дедилар. 286. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифторм айллама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хоҷамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни золиб қил! “.* [2:283-286]

### Тафсир:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهْنَ مَقْبُوضَةٌ ۗ فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا

فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمْنَتَهُ ۗ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ ۗ وَلَا تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ ۗ وَمَنْ يَكْتُمْهَا

فَإِنَّهُ إِثْمٌ قَلْبُهُ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٢٨٦﴾

– „283. Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори — Аллоҳдан қўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким (гувоҳликдан бош тортиши билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳқордир. Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир“.

[2:283]

Аллоҳ Таоло бу муборак оятда баён қиляптики, дайн муомаласини қилаётганлар сафарда бўлиб қолсалар ва сафар чоғида ёзадиган одам топа олмасалар, қарз берувчи қарз олаётган одамдан гаровга бирор нарсани олиши мумкин.

Агар бир-бирларига ишонсалар, ёзувчининг ҳам, гувоҳнинг ҳам, гаровнинг ҳам ҳожати йўқ. Қарз берувчининг ишончига кирган қарздор Аллоҳдан қўрқиб, қарз берган кишининг ҳаққини кўп сўратмасдан бериши, у қилган яхшилиқни унутмаслиги лозим.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло гувоҳликни яшириш оғир гуноҳлигини айтиб, уни яширмасликка ундайди. Оятнинг охирида эса Ўзининг ҳамма нарсани билишини, улар барибир ҳеч нарсани яшира олмасликларини, чунки Ўзининг ғайбларни

ҳам билгувчи Зот эканлигини, еру осмондаги заррадек нарса ҳам  
Унинг назаридан четда қолмаслигини баён қилади.

﴿وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

(Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир) бас, унга қараб сизларга жазо ёки мукофот беради.

(*Агар сафарда бўлсангиз*) яъни, мусофир бўлсалар.

(*гаров*) гаров сўзининг кўплиги. Аслида бу сўз масдар.

Масдар исми мафъул маъносида қўлланиши мумкинлиги эътибори билан бу ерда гаровга қўйилган нарса маъносида қўлланыпти.

(*қўл билан тутгудек*) гаровни қарз берувчига бериш ва унинг олишига яна бир далил.

(*ва котиб топа олмасангиз*) (берилган нарса эвазига) *қўл билан тутгудек гаров олинг!*) яъни, гаровга нарса беришдан мақсад сафарда, ёзувчи топилмай қолган пайтда қилинаётган қарз савдосини ҳужжатлаштиришдир. Чунки гаровга нарса қўйиш ёзиб ҳужжатлаштиришнинг ўрнини босади. Бинобарин, гаровга нарса қўйишнинг ҳукми мана шундай ҳолатда худди ёзиш каби мандуб бўлади.

Шу ерда бир савол туғилади: Модомики, муқимликда қарз савдосини ёзиш, сафарда, ёзувчи топилмай қолган пайтда эса гаровга нарса бериш мандуб экан, энди муқимликда ёзувчи топилиб турган пайтда ҳам гаровга нарса қўйиш мумкинми? Ёки сафарда ёзувчи топилиб турган пайтда ҳам гаровга нарса қўйиш мумкинми?

Бунга жавоб шуки, ҳа, шундай қилиш жоиз. Фақат бу пайтда гаровга нарса қўйишнинг ҳукми мандуб эмас, мубоҳ бўлади.

Бунга далил қуйидагича бўлади:

а) Аввало муқимликдаги ҳолат ҳақида гапирадиган бўлсак, Бухорий Оиша رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اشْتَرَى مِنْ يَهُودِيٍّ طَعَامًا إِلَى أَجَلٍ وَرَهْنَهُ دَرْعًا لَهُ مِنْ حَدِيدٍ»

«**Пайгамбар** ﷺ **бир яҳудийдан маълум муддатга** (пулини кейинроқ тўлайдиган бўлиб) **бир ейимлик сотиб олганлар ва ўзларининг темир совутларини гаров сифатида**

**қолдирганлар».**<sup>89</sup> Насойй Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда эса бундай дейилган:

«**تُؤْفَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَدِرْعُهُ مَرْهُونَةٌ عِنْدَ يَهُودِيٍّ بِثَلَاثِينَ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ لَأَهْلِهِ**»

**«Пайғамбар ﷺ вафот этган пайтларида у кишининг совутлари бир яҳудийда ўз оиласи учун сотиб олган ўттиз соъ (ўлчов бирлиги) арпага гаровда эди».**<sup>90</sup>

Пайғамбар ﷺнинг қилган ишлари талабни ифодалайди. Қатъий қарина ҳам, таржиҳ қилувчи қарина ҳам бўлмаганлиги ва бу иш қурбат (Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш) ҳам саналмаганлиги учун муқимликдаги гаровга қўйиш мубоҳ бўлади. Ёзишнинг имкони бор бўлган тақдирда ҳам ёзиш мандуб, гаровга қўйиш эса мандуб бўлаверади.

б) Сафардаги ҳолат хусусида тўхталадиган бўлсак, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهْنَ مَقْبُوضَةٌ﴾

**(Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг!)** сафарда ёзувчининг бўлмаслиги кўпинча учрайдиган ҳолат эътибори биландир. Яъни, у замонларда саводли одамлар кам бўлгани сабабли кўпинча сафарда ёзувчи топилмай қолган. Шунинг учун бу ердаги қайднинг (васфнинг)

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا﴾

**(ва котиб топа олмасангиз)** мафҳумига амал қилинмайди. Демак, ёзувчи топилиши ёки топилмаслигидан қатъий назар, гаровга нарса қўйиш жоиз. Фақат ҳукм ўзгаради, холос. Сафарда ёзувчи топилмай қолган пайтда гаровга нарса қўйиш ёзишнинг ўрнини босади ва шу сабабли у ҳам мандуб бўлади. Сафарда ёзувчи топилиб турган бир пайтда гаровга нарса қўйиш эса мубоҳдир.

Хулоса қўйидагича бўлади:

Муқимликда ёзиш мандуб, гаровга нарса қўйиш эса мубоҳ.

Сафар ҳолатида агар ёзувчи топилмаса, гаровга нарса қўйишнинг ҳукми мандублик бўлади. Агар ёзувчи топилса, унинг ҳукми мубоҳлик, ёзишнинг ҳукми эса мандублик бўлади.

(89) Бухорий: 2700.

(90) Насойй: 4572. Бухорий: 2759, 4197. Аҳмад: 1/46, 361. Ибн Ҳиббон: 13/262.

(فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا) **агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз**

яъни, қарз бераётган одам билан қарз олаётган одам сафарда ёки муқимликда бир-бирларига ишонсалар, қарз бераётган одам қарз олаётган одам хусусида яхши фикрда бўлиб, унинг омонатдорлигига, чўзмаслигига ишонса, бундай ҳолатда қарзни ёзиш, гаровга нарса қўйиш ёки гувоҳ чақириш билан ҳужжатлаштиришнинг ҳожати қолмайди. Ҳужжатлаштириш мубоҳ бўлиб қолади. Хоҳласа, қилади, хоҳламаса, қилмайди.

(فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا) **Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз**

фақат сафар ва гаровга қўйишгагина хос эмас. Негаки, гарчи у сафар билан бошланаётган оятда нозил қилинган бўлса-да,

﴿فَرَهْنٌ مَّقْبُوضَةٌ﴾

(**қўл билан тутгудек гаров олинг!**) деган жойга келиб маъно тўла бўляпти, яъни, ундан кейинги гапда худди олдингидагидек, сафар ва муқимликда ёзиш, гувоҳ чақириш ва гаровга нарса қўйиш каби дайнга алоқадор ҳукмлар айтиляпти.

Шу оятда

﴿وَلَا تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ﴾

(**Гувоҳликни яширмангиз!**) деган гапнинг айтилаётгани ҳам фикримизни қувватлайди. Сафарда гаровга нарса қўйиш ҳақида гапирилди, лекин гувоҳ чақириш хусусида ҳеч нарса айтилмади. У фақат муқимликдаги ҳолат устида кетаётган гапдагина айтилди. Шунга қарамасдан, сафар билан бошланган оятда

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَى سَفَرٍ﴾

(**Агар сафарда бўлсангиз**) дейилди. Шунга биноан, рожиҳ гап шуки,

﴿فَرَهْنٌ مَّقْبُوضَةٌ﴾

дан кейин келган гап олдинги сафар ва муқимликда бўладиган дайн мавзусига тегишлидир.

Маъно мана бундай бўлади: Агар қарз берувчи билан қарз олаётган одам ўртасида бир ишонч бўлиб, қарз берувчи қарз олувчининг омонатдорлигига, қарзни қайтаришни чўзмаслигига ишонса, муқимликда ҳам, сафарда ҳам ёзиш, гувоҳ чақириш, гаровга нарса қўйиш каби воситалар билан бу ишни ҳужжатлаштиришнинг ҳожати қолмайди. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا﴾

(Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз) деган гапида ўз аксини топган бундай ҳолатда ҳужжатлаштириш мандуб эмас, мубоҳ бўлиб, қолади.

(فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمْنَتَهُ) **омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин**) яъни, қарздор қарз берувчига олган қарзини қайтарсин. Бу ерда дайн омонат, деб номланяпти. Чунки қарз олаётган кишининг омонатдорлиги билан ҳужжатлаштиришдан беҳожат бўлиняпти.

Бу ердаги талаб вожибликни ифодалайди. Яъни, қарзни адо этиш вожиб. Бунга қарина (أَمْنَتَهُ) лафзи қаринадир. Омонатни адо этиш фарзидир.

﴿لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ﴾

«**Омонатдорлиги йўқ кишининг имони ҳам йўқ**».<sup>91</sup> ва бундан бошқа ҳадислар ҳам бор. Демак, бу ерда омонат сўзи қўлланяпти. У адо этилиши фарз бўлган тавсифдир. Бу ердаги қарзни омонатга ўхшатилиши ва талаб мавзусига омонатни адо қилиш қўйилиши (فَلْيُؤَدِّ) буйруқнинг фарзликни ифодалашига қаринадир.

(وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ) **Парвардигори – Аллоҳдан қўрқсин!**) у ҳақни инкор қилиш ёки уни адо қилмасликдан огоҳлантириляпти.

(وَلَا تَكْفُرُوا الشَّهَادَةَ) **гувоҳликни яширмангиз!**) гувоҳларга ҳам, қарз берувчига ҳам, қарз олувчига ҳам тегишли бўлган умумий хитоб. Яширмасинлар, ўзгартирмасинлар. Бу ердаги тақиқ қатъий тақиқдир. Унга қарина Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَنْ يَكْفُرْ فَإِنَّهُ إِثْمٌ قَلْبُهُ﴾

(**Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳқордир**), деган гапидир.

(إِثْمٌ)дан кейин (قَلْبُهُ)нинг зикр қилиниши гуноҳнинг нақадар катталигини кўрсатади. Бир иш қилиб бўлинганидан кейин уни ифодалашда ҳис этувчи аъзонинг ҳам қўшиб айтилиши маънони янада кучайтиради. Масалан, уни кўрдим, деган гапдан кўра

(91) Аҳмад: 3/154, 210.

уни ўз кўзим билан кўрдим, деган гапдаги маъно кучлироқ. Уни эшитдим, деган гапдан кўра уни ўз қулогим билан эшитдим, деган гапдаги маъно кучлироқ. Худди шунга ўхшаб, «ومن يكتمها فإنه» им ким уни беркитса, гуноҳкор бўлади», деган гапдан кўра

﴿وَمَنْ يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُ إِثْمٌ قَلْبُهُ﴾

(*Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳкордир*), деган гапдаги маъно кучлироқ. (Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир) *وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ*

яъни, сизларнинг яширину ошкора барча ишларингизни билади. Зеро, Аллоҳ Таолодан ҳеч нарса махфий эмас. У сизларнинг амалларингизни биладиган, ҳисоблайдиган ва уларнинг яхши ёмонлигига қараб, жазо ёки мукофот берадиган Зотдир.



﴿اللَّهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنْ تُبَدُوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاسِبْكُمْ بِهِ اللَّهُ فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾  
 ﴿٢٨٤﴾ ءَامَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٨٦﴾

– „284. Самовот ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. 285. Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага имон келтирди ва мўминлар (ҳам имон

келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига имон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайгамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажасамиз», дедилар. 286. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифторм айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни золиб қил! “. [2:284-286]

Мана бу уч оят Бақара сурасининг хотимасидир. Сура қайси мавзуда бошланган бўлса, ўша мавзуда ниҳояланяпти. Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, Муҳаммад ﷺ га ва бошқа пайгамбарларга нозил қилинган ҳукмларга имон келтириш.

Сураининг бошланишида мўминларнинг нажот топишлари айтилган бўлса, охирида ҳам саҳобалар тили билан айтганда фараж (кенглик, ғамларнинг ариши, бемалоллик), яъни, Аллоҳнинг диллардан ўтадиган гуноҳларни кечирishi, фақат зоҳирий амаллардангина ҳисоб олиши, Ўз раҳматининг бепоёнлиги, мўминларга раҳмли ва шафқатли экани ҳақидаги оят нозил бўлди.

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ﴾

(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир).

Ҳа, Аллоҳнинг фазлу марҳамати бепоён. Мўминларга раҳмли ва шафқатли бўлган Аллоҳ уларга қалбларни уйғотадиган, дилларни яйратадиган ўша машҳур дуони ўргатди.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ

عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ۗ وَاعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا

وَارْحَمْنَا ۗ أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ۝﴾

*(Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни голиб қил!)*

Бу буюк суранинг якунида келган мана шу уч оятда Буюк Аллоҳнинг мўмин бандаларига нисбатан фазлу марҳамати баён қилинган. Буюк арш Парвардигори Аллоҳ ҳар қандай нуқсондан покдир.

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:**

1. Аллоҳ осмонлару ернинг улар орасидаги нарсаларнинг Эгасидир. Ўзи истаганча иш тутади. Унинг ҳукмини ҳеч ким рад эта олмайди. Ошкора қилинган ишларни ҳам, дилдаги яширин ўйларни ҳам билади. Ҳар бир амалдан ҳисоб олади. Хоҳлаган одамини мағфират қилади, хоҳлаганини азоблайди. Аллоҳ ҳар ишга Қодирдир.

Муслим Ибн Аббосдан ривоят қилади:

﴿وَإِنْ تُبَدُّوْا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخَفُّوْهُ يُحَاسِبْكُمْ بِهِ اللهُ﴾

*(Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади)* ояти нозил бўлганда уларнинг дилларига олдин кирмаган нарсалар ҳам кирди. Шунда Пайғамбар ﷺ,

﴿قُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَسَلَّمْنَا. قَالَ: فَأَلْقَى اللهُ الْإِيْمَانَ فِي قُلُوْبِهِمْ فَأَنْزَلَ اللهُ تَعَالَى﴾

«Эшитдик, итоат этдик ва таслим бўлдик, деб айтинглар, дедилар. Ровий айтади: Бас, Аллоҳ уларнинг дилларига имонни ташлади ва

﴿لَا يُكَلِّفُ اللهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

*(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди)* оятини нозил қилди». <sup>92</sup>

Муслим ва Аҳмадлар Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан чиқарган бошқа бир ривоятда шундай дейилади: «Пайғамбар ﷺга

﴿وَإِنْ تُبَدُّوْا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

(92) Муслим: 180. Термизий: 2918. Аҳмад: 1/233. Ибн Ҳиббон: 11/458.

ояти нозил бўлгач, саҳобаларни унинг юки босди ва Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, бизга намоз, рўза, жиҳод, садақа каби тоқатимиз етадиган ишларни юкланг, Аллоҳ Таоло мана бу оятни нозил қилди, биз унга тоқат қила олмаймиз, дейишди. Шунда Пайғамбар ﷺ уларга, **сизлар аҳли китобларга ўхшаб,**

﴿سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا﴾

**(Эшитдик ва бўйсунмадик)** демоқчи бўляпсизларми, аксинча, сизлар

﴿سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ﴾

**(Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзинга қайтажаскмиз)** деб айтинглар, дедилар. Қавм бу гапни маъқуллаб, ўша гапни тилларидан чиқарганларидан кейин ортидан

﴿إِنَّمَا أَمْرٌ بِالرَّسُولِ﴾

ояти нозил бўлди. Улар шу ишни қилишгач, Аллоҳ Таоло уни насх қилиб,

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

оятини нозил қилди». <sup>93</sup>

Мана шу икки оятдан кўриниб турибдики,

﴿وَإِن تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تَخَفُوهُ يُحَاسِبْكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

ояти

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

ояти билан насх қилинган. Бу гап инсоннинг дилидаги ўйларидан ҳисоб олинишига доир гап.

﴿أَوْ تَخَفُوهُ يُحَاسِبْكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

а) Бу ерда, қандай қилиб хабар насх қилинади,

﴿وَإِن تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تَخَفُوهُ يُحَاسِبْكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

(93) Муслим: 179. Аҳмад: 1/332.

ояти хабар сийғасида келяпти-ку, дейилмайди. Негаки, у гарчи хабар сийғасида келаётган бўлса-да, унда қилмаслик талаби ҳам, яъни, зоҳирий амалларингиз ҳам, ботиний амалларингиз ҳам фақат яхшилик бўлсин, Аллоҳ зоҳирий ишларингиздан ҳам, ботиний ишларингиздан ҳам ҳисоб олади, дейиляпти. Лўндароқ қилиб айтганда, унда ёмонликни ошкора қилишдан ҳам, кўнгилдан ўтказишдан ҳам қайтариляпти. Шунинг учун саҳобалар ундан ёмонликни ошкора ҳам қилманглар, дилинглардан ҳам ўтказманглар, деган таклиф (буйруқ) маъносини уққанлар. Шунинг учун бу оят, яъни, дилдан ўтган ўй учун ҳам ҳисобга тортилиш уларга огирлик қилган. Чунки улар кишининг хаёлидан ҳар хил ўйлар ўтаверади, Аллоҳдан қўрқиш ва жаннатни эслаш уларни амалга оширишдан қайтаради, деб ҳисоблардилар. Дилдан ўтган ўй учун ҳам ҳисобга тортилиш улар учун жуда огир бўлиб туюлган.

Шунга кўра, оятдаги хабар сийғаси (дарак гап) – жумалаи шартийя қилмасликка буюриш маъносида келяпти. Яъни, унда зоҳирий ёки ботиний бўлишидан қатъий назар, ёмон ишни қилишдан ва ёмон гапни айтишдан қайтариляпти.

Бу оят Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَابِرُونَ يَغْلِبُوا مِائَتِينَ﴾

– „Агар сизлардан йигирмата сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (душманни) енгар!“ [8:65]

деган ояти кабидир. Бу ерда ҳам хабар сийғаси – жумлаи шартийя буйруқ маъносида келяпти. Яъни, бу оятдан сизлардан биттангиз кофирлардан ўнтаси билан жанг қилсин, деган маъно англашиляпти. Кейин бу оят

﴿الَّذِينَ خَفَفَ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعَلِمَ أَنَّ فِيكُمْ ضَعْفًا فَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةٌ صَابِرَةٌ

يَغْلِبُوا مِائَتِينَ﴾

– „Энди Аллоҳ сизларнинг (юкингизни) енгил қилди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, сизлардан юзта сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (кофирни) енгар“ [8:66]

ояти билан насх қилинган. Яъни, бир киши улардан иккитасини енга олади.

б) «Шунингдек, кишининг ичида, кўнглида яширган нарсаси ақидага алоқадор бўлса, Аллоҳ уни бу тўғрида ҳисоб қилади. Бу ҳукм боқийдир. Насх эса ҳукмни бекор қилиш демакдир. Шунга биноан, бу ерда насх йўқ, балки бу оят шаръий ҳукмлар ҳақидаги

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

оятй билан хосланияпти», дейилмайди.

Негаки,

﴿وَإِنْ تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخَفُّوهُ يُحَاسِبْكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

оятй ақида ҳақида эмас, шаръий ҳукмлар ҳақидадир. Бунга қарина оят якунидаги

﴿فَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ﴾

(*Ўзи истаган кишини мағфират қилади*), деган иборадир. Мағфират ақидага тегишли эмас. Чунки дилга шак-шубҳа кириши куфрдир. Аллоҳ ширкни кечирмайди.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ﴾

– „*Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур*“. [4:48]

Зоҳирий ёки ботиний ишларнинг мағфират қилиниши эҳтимоли борлиги бу оятнинг ақида ҳақида эмас, шаръий ҳукмлар ҳақида нозил бўлганини кўрсатувчи ҳужжатдир.

г) Шунингдек, оятни насхдан четлатишга уринишнинг ҳечам ҳожати йўқ. Масалан, у гувоҳликни ошкора ё махфий қилишга алоқадор ёки очиқча ёмонлик қилишинглар ё яширин ёмонлик қилишингларга алоқадор,

﴿وَإِنْ تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

(*Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг*), дегани гувоҳликни ёки ёмонликни ошкора қилиш маъносида бўлиб,

﴿أَوْ تُخَفُّوهُ﴾

(*хоҳ яширинг*), дегани эса гувоҳликни ёки ёмонликни яширин қилиш маъносидадир, дейишга ҳожат йўқ. Чунки бу ердаги мавзу ошкора ёки яширин қилиш мавзусидир.

﴿تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

﴿أَوْ تُخَفُّوهُ﴾

﴿مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

деган гап шуни кўрсатади. Лекин агар бир гап ёки иш ошкора ёки яширин қилинса, у

﴿وَإِنْ تُبَدُّوْا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

деган гапга тегишли бўлиб қолади. Чунончи, бир кишидан гувоҳлик қилиш сўралса ва у рад этса ёки гапнинг бир қисмини яшириб, қолган қисмини гапирса ёки ўзгартирса, ўрин алмаштирса, бу иш

﴿أَوْ تَخْفَوْهُ﴾

деган гапга эмас,

﴿وَإِنْ تُبَدُّوْا﴾

деган гапга тегишли бўлади. Чунки оятдаги махфий қилиш сўз ёки амал билан ошкор қилмасликдир. Бунга қарина

﴿فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

**(Ичингиздаги)** деганидир. Шунинг учун

﴿أَوْ تَخْفَوْهُ﴾

деган гапни бундай тафсир қилиб бўлмайди. Модомики, лафз таъвилсиз ҳам шундоқ кўриниб турган экан, насхни четлатиш учун оятни узоқ маъно билан таъвил қилиш дуруст эмас. Бу бир томондан. Иккинчи томондан юқорида айтиб ўтганимиз бу оятнинг нозил бўлиши ҳақидаги ривоятларда бу оятнинг насх қилингани айтилган. Кўп сонли саҳобалар  ҳам шу гапни айтганлар.

г) Агар

﴿مَا فِي أَنْفُسِكُمْ﴾

**(Ичингиздаги нарсани)** деган гапдан мурод кўнгилга келадиган ўй бўлса, Аллоҳ бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани таклиф қилган бўлиб қолади, чунки дилдаги ўйларни қамраб бўлмайди, яъни, оят насх бўлишидан олдин тоқат қилиб бўлмайдиган нарсани таклиф қилиш бўлиб қолади, деган гап ҳам айтилмайди.

Негаки, оятдаги махфий қилиш кўнгилга келадиган ўйларга эмас, дилга бир ёмонликни тугишга алоқадордир. Масалан, кимдир дилида ўғирлик ё зино қилмоқчи ёки кимнидир сўкмоқчи бўладию лекин уни амалда бажармайди. Мана шу дилга тугилган ишлар бўлиб, инсон уларни қамраб олишга

қодир. Демак, оятдан тоқат қилиб бўлмайдиган ишни таклиф қилиш маъноси чиқмайди.

Оят насх бўлишидан олдин Аллоҳ Таолонинг шу ишлар учун (гарчи улар амалга оширилмаган бўлса-да), ҳисоб олишини ифодаларди. Шунинг учун мусулмонлар буни оғир кўрдилар. Чунки нафс ёмонликка буюрувчидир. Бундай ўйлар гоҳида кишининг дилига келади, лекин у Аллоҳдан қўрқиб, уларни қилмайди. Агар очиқчасига қилинмаган ишлар учун ҳам жазо бор бўлса, уни кўтариш оғир.

Лекин агар фақат очиқ қилинган иш ёки айтилган гап учунгина ҳисоб берилса, осонроқ бўлади. Гоҳида бир ёмонликни кўнглига тугадию лекин Аллоҳнинг газабидан, жаҳаннам азобидан қўрқиб, фикридан қайтади ва у ишни қилмайди. Демак, мусулмонларга ҳали очиқ қилмаган ишлари ёки айтмаган гаплари фақат дилларидан ўтгани учунгина жазоланишлари, ҳисобга тортилишлари оғирлик қилган.

Аллоҳ уларнинг дуоларини ижобат қилиб, уларга раҳм қилиб, бу оятни насх қилди. Бундан буён таклиф, ҳисоб ва жазо банданинг очиқ қилган ишига нисбатан қўлланадиган бўлди. Дилида ўйлаган ёмон иши ёки гапи учун эса у ҳисоб бермайдиган бўлди.

Пайғамбар ﷺнинг мана бу саҳиҳ ҳадислари ҳам шу маънони таъкидлайди:

«إِنَّ اللَّهَ تَجَاوَزَ عَنْ أُمَّتِي مَا حَدَّثَتْ بِهِ نَفْسَهَا مَا لَمْ تَفْعَلْ أَوْ تَتَكَلَّمْ»

**«Модомики, Умматим очиқ бир ишни қилмаган ёки бир гапни айтмаган экан, унинг кўнглидан ўтган ёмонликни Аллоҳ кечиради».**<sup>94</sup>

Муслим Абу Ҳурайра йўлидан чиқарган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كُتِبَتْ لَهُ حَسَنَةٌ وَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كُتِبَتْ لَهُ عَشْرًا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ وَمَنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا لَمْ تُكْتَبْ وَإِنْ عَمِلَهَا كُتِبَتْ»

**«Ким бир яхшиликни қилмоқчи бўлсаю қилмаса, унга бир яхшилик ёзилади. Ким бир яхшиликни қилмоқчи бўлса ва қилса, унга ўнтадан етти юз мартагача кўпроқ яхшилик ёзилади. Ким бир ёмонликни қилмоқчи бўлса, лекин қилмаса, унга ёмонлик ёзилмайди. Ким бир ёмонликни қилмоқчи бўлса ва қилса унга ёзилади».**

(94) Бухорий: 5269. Муслим: 201, 202.

Демак, оят насх бўлишидан олдин, киши ўғирлик қилиш, зино қилиш, кимгадир тажовуз қилиш каби бирор ёмонликни ўйласа, лекин уни сўзда ҳам амалда ҳам бажармаса-да, барибир ҳисобга тортилади, деган маънони англаган. Насх қилинганидан кейин эса фақат иш ёки сўз очиқ бажарилганидан кейингина банда ҳисобга тортиладиган бўлган. Дилидан ўтган ёмонликни эса Аллоҳ кечирган. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳаматидир.

Шунинг учун ҳам мусулмонлар унинг насх қилинишини ўзлари учун фараж (кенглик, бемалоллик) деб эътибор қилишди. «То Аллоҳ фаражни нозил қилгунича», деган гап Аллоҳ Таолонинг

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди), деган ояти хусусида айтилганди.

(﴿فَيَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ﴾ *Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди*), Аллоҳ Таоло мағфиратни жазодан олдинга қўйяпти. Негаки, У Зотнинг раҳмати ғазабидан муқаддамдир. Бу билан мўминлар мағфират сўрашга, Аллоҳга яқинлик қилишга, Аллоҳнинг ғазабидан, азобидан қўрқишга ундаляптилар.

(﴿وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾ *Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир*) У Зот бандалари устидан Голибдир. Унинг ҳукмини ҳеч ким рад эта олмас. Агар кечирса, бас, У Кечиримли, Раҳмли Зотдир. Агар азобласа, бас, Азиз ва Ҳакимдир.

2. Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва у кишига эргашган мўминларни эъозлаб, бизга уларнинг Аллоҳга, У Зотнинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига қатъий имон келтирганларини хабар қиляпти. Бу Пайғамбар ﷺнинг ва у кишининг изидан борган мўминларнинг қилган ишига Аллоҳнинг гувоҳлиги, демакки, уларнинг ўзларини эъозлашидир.

Аллоҳ уларни имонлари содиқ ва ихлослари қаттиқ бўлгани учун, Аллоҳга қулоқ солганлари ва итоат этганлари учун, бир куни Аллоҳга қайтиб боришларига имон келтирганлари учун, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан умидвор бўлганлари учун, шу билан бирга Аллоҳнинг ҳамма пайғамбарларига ишонганлари ва уларни бир-бирларидан ажратмаганлари учун эъозлади. Аллоҳнинг пайғамбарлари пайғамбарликлари жиҳатидан бир-

бирларидан фарқ қилмайдилар. Лекин Аллоҳ уларга айрим имтиёзлар ҳам берган. Масалан, Муҳаммад ﷺнинг рисолатини якуний рисолат қилиб, у билан олдинги пайғамбарларнинг шариатларини насх қилган. Буни

﴿تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ﴾

– „*Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик*“.

[2:253]

ояти билан

﴿لَا تُفَرِّقْ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ﴾

(*Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз*) ояти ўртасида зиддият йўқлигини шарҳлаган пайтимизда айтиб ўтгандик. Ўшанда кейинги оят пайғамбарлик жиҳатидан фарқланмаслик ҳақида, дегандик. Демак, пайғамбарлар пайғамбарлик жиҳатидан бирдирлар, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Аллоҳ Таоло Ўзининг Китобида мана шундай баён қилди. Пайғамбар ﷺ ўзларининг суннатларида мана шундай баён қилдилар. Мўминлар эса у кишининг изларидан бориб, қулоқ солдик, итоат этдик, Парвардигоро, мағфиратингни сўраймиз, қайтиб бориш Ўзингадир, дедилар. Олдин эса Аллоҳ Таоло айтганидек,

﴿كُلٌّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَآ تُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ﴾

(*Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига имон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз»*) дегандилар. Улар мўминлардир, содиқлардир, қулоқ соладилар, итоат этадилар, аҳли китобларга, кофирларга ўхшаб

﴿سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا﴾

– „*Эшитдик ва бўйсунмадик*“.

[2:93]

демайдилар. Шунингдек, улар ҳар лаҳза Аллоҳдан мағфират сўрайдилар, охиратга, ўзларининг осмонлару ерни яратган Зотга қайтишлари аниқлигига имон келирадилар.

(*Пайғамбар имон келтирди*) *﴿ءَامَنَ الرَّسُولُ﴾* Яъни, қатъий

тасдиқлади ва аниқ ишонди.

Абу Авона ўзининг «Муснад»ида Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилади: «мана бу

﴿ءَامَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ﴾

(Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага имон келтирди) оят нозил бўлгач, уни Пайғамбар ﷺ ўқиётди, Парвардигоро, Сендан мағфират сўраймиз, деган жойига борганларида Аллоҳ Таоло, сени мағфират қилдим, деди».

(Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага) Яъни, Қуръони Карим.

(وَالْمُؤْمِنُونَ) ва мўминлар (ҳам имон келтирдилар)) Пайғамбар ﷺ га атф қилинапти.

(كُلُّ ءَامِنٍ) имон келтирган ҳар бир киши) яъни, улардан ҳар бири. Бу оят шунга далолат қиляптики, имон жамойй бўлмайди, улардан ҳар бирига алоҳида тегишли бўлади. Шунинг учун оятдаги имон келтириш феъли кўпликда эмас, бирликда келяпти. Аллоҳ Таоло замирни муфрад келтириб, (ءَامِنٍ) деяпти. Чунки имон улардан ҳар бирига алоҳида тегишлидир.

(وَالْمُؤْمِنُونَ)нинг (الرَّسُولُ)га атф қилиниши (وَالْمُؤْمِنُونَ) мубтадо, яъни, вов истеънофия (янги гап бошлаш), деган гапдан кўра рожиҳроқ. Негаки, Пайғамбар ﷺнинг нозил бўлган нарсага — Қуръонга имон келтиришлари асл бўлиб, мўминлар у кишига тобедирлар, яъни, Пайғамбар ﷺнинг даъватлари билан улар ҳам имон келтирганлар. Пайғамбар ﷺга Қуръоннинг ваҳи қилиниши мўминларнинг Қуръонга имон келтиришларидан олдинги ишдир. Лекин агар вов истеънофия бўлса, маъно мана бундай бўлиб қолади:

﴿ءَامَنَ الرَّسُولُ﴾

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّ ءَامِنٍ﴾

Пайғамбар ﷺнинг имонлари ҳақида жумлайи феълийя билан, мўминларнинг имонлари ҳақида эса жумлайи исмийя билан хабар бериб қолинарди. Жумлайи исмийя ифода жиҳатидан жумлайи феълийядан кучлилигини эътиборга оладиган бўлсак, бу гап Қуръон олдин Пайғамбар ﷺга нозил бўлиб, кейин унга саҳобалар имон келтирганларига тўғри келмай қолади.

Шунинг учун (رَبِّهِ)дан кейин тўхтагандан кўра, (الْمُؤْمِنُونَ)дан кейин тўхташ (вақф қилиш) рожиҳроқ.

(كُلُّ اِمْنٍ *имон келтирган ҳар бир киши*) Мубтадо ва хабардан ташкил топган янги гап. (كُلُّ) (الْمُؤْمِنُونَ)га таъкид бўлмайди.

Чунки бу сўз ўзи таъкидлаб келаётган сўзга изофа қилингандагина таъкид бўлади. Бу ерда эса ундай эмас. Шунинг учун бу жумла айтиб ўтганимиздек, мубтадо ва хабардан ташкил топган янги гап (жумлайи истеънофийя) бўлади.

(سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا) *Эшитдик ва итоат этдик*) яъни, қулоқ солдилар (хўп, дедилар). Олдин қулоқ солиниб, кейин итоат этилгани учун қулоқ солиш итоат эйтишдан олдин келяпти.

(عَفْرَانِكَ رَبَّنَا) *Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз*) яъни, мағфират қил. Гуфрон сўзи масдар бўлиб, мағфулун мутлақ ўрнида келяпти, яъни, ўзининг феълидан ноиб бўляпти.

(وَالَيْكَ اَلْمَصِيرُ) *Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз*) яъни, ўлим ва қайта тирилиш билан қайтиш.

3. Бақара сурасининг якунида ўша мўминлар фараж, деб номлаган маъно мавжуд. Аллоҳ Таоло фақат очиқ қилинган ишлар ва айтилган сўзлардангина ҳисоб олади. Очиқ қилинмасдан кўнгилдан ўтган ўйларни эса кечиради.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ва мўминлар тилидан сўзлатиб, Аллоҳдан унутиб ва билмасдан қилган ишларимиз учун бизни азобламаслигини, бизга оғирлик қиладиган ишларни юкламаслигини, тоқатимиз кўтармайдиган ишларни буюрмаслигини, бизни Ўз афви ва мағфирати ила ўраб, кофирлар устидан ғолиб этишини сўраттиряпти. Ундан кейин эса Аллоҳнинг Пайғамбар ﷺ ва мўминлар қилган дуоларни ижобат қилиши хурсандлиги турибди. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмли, Саховатли Зотдир.

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا اِلَّا وُسْعَهَا﴾

(*Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди*) яъни, Аллоҳ фақат қўлдан келадиган ишларга буюради. Қўлдан келиш тоқатнинг охириги чегарасигача бориш эмас. Аллоҳ Таоло бизга буюрган намоз, рўза каби амаллар учун тоқатимизнинг охириги палласигача сарфлашимиз шарт

эмас. Биз бундай амалларни бизга буюрилганидан ҳам кўпроқ қилиб бажара оламиз. Лекин Аллоҳ бизга тоқатимизнинг охирги нуқтасигача кетадиган амалларни эмас, қўлимиздан келадиган амалларни буюрди.

(لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أُكْتَسِبَتْ) *(ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир)* яъни, очиқ қилинган ишлар учун ҳисоб олади. Яхши бўлса, мукофот, ёмон бўлса, жазо беради. (Кўнгилдан ўтган ўйларни эса кечиради).

Ибн Жарир Ибн Аббос дан ривоят қилади:

﴿لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أُكْتَسِبَتْ﴾

Қўл, тил ва оёқ амали.

Бу оят мусулмонлар учун фараж бўлди. Чунки Аллоҳ Таоло уларнинг дилларидан ўтадиган ўйларни кечирди. Зеро, Аллоҳ уларга фақат қўлларидан келадиган ишларнигина буюрди. Уларни фақат ташқи амалларидангина ҳисоб олади. Дилларидаги шаръий ҳукмларга алоқадор бўлган ўйларни кечирди. Эътиқод эса қатъий тасдиқ бўлиб, унинг ўрни қалбдир. Агар унга шак-шубҳа аралашса, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳисоб олинади ва жазо берилади. Ақидадан бошқа шаръий ҳукмларга алоқадор ишларда эса Аллоҳ дилдан ўтадиган ўйларни кечирди.

﴿لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أُكْتَسِبَتْ﴾

Юқорида айтиб ўтганимиздек,

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أُكْتَسِبَتْ﴾

ояти Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِنْ تُبَدُّوْا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخَفُّوْهُ يُحَاسِبِكُمْ بِهِ اللَّهُ﴾

деган оятини насх қилади.

(لَهَا مَا كَسَبَتْ) Яъни, қилган яхши амали ўзининг фойдасига.

(وَعَلَيْهَا مَا أُكْتَسِبَتْ) яъни, қилган ёмон амали ўзининг зарарига.

Оятда яхшиликка нисбатан касб сўзи, ёмонликка нисбатан эса иктисоб сўзи хосланяпти (қўлланяпти). Бунинг ўзига хос мазмуни бор: Ифтиол бобидаги иктисоб сўзи қаттиқ берилиш маъносини ифодалайди. Ёмонлик шаҳватларга, истак-хоҳишларга алоқадор бўлгани учун нафс унга қаттиқроқ



﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ﴾

(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан таишқари нарсага тақлиф қилмайди), деган гапи билан насх қилди.

Муслим ривоят қилади: «Улар шундай қилишгач, Аллоҳ Таоло уни насх қилди. Улуғ ва Буюк Аллоҳ

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا

إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا﴾

(Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан таишқари нарсага тақлиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!) оятини нозил қилди. У Зот хўп, деди.

﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا﴾

(Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама!) У Зот хўп, деди.

﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ﴾

(Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!) У Зот хўп, деди.

﴿وَأَعْفُ عَنَّا وَآغْفِرْ لَنَا وَأَرْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

(Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни голиб қил!) У Зот хўп, деди». Яна бир ривоятда У Зот, қилдим, деди.<sup>96</sup>

Бу Аллоҳнинг фазилидир. У Зот бизга нима деб дуо қилишни ўргатди ва Ўзининг ижобат қилиши ҳақидаги суюнчли хабарни берди. «Хўп, деди ёки қилдим, деди». Яъни, ижобат қилдим.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا﴾

(Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!) Бу унутиб ёки билмасдан

(96) Муслим: 179. Аҳмад: 1/332.

қилинган ишлар учун жазоламаслигини сўраб, Аллоҳга тазарру қилиш.

Мана шундан кўриниб турибдики, оятдаги унутиш ва хато қилиш оқибати гуноҳ бўладиган амаллардир. Аллоҳга

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا﴾

(*Парвардигоро, бизни азобингга гирифторм айлама!*), деб дуо қилинаётгани шуни кўрсатади. Яъни, бу ердаги унутиш ва хато қилиш Пайғамбар ﷺнинг мана бу ҳадисларидаги унутиш ва хато қилиш эмас:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأَ، وَالنِّسْيَانَ، وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ﴾

**«Аллоҳ Умматимдан билмасдан қилинган, унутиб қилинган ва мажбурланиб қилинган (амалларнинг гуноҳи)ни олиб ташлади».**<sup>97</sup> Бу ҳадисни Ибн Можа чиқарган. Ҳадисда бу ишлар учун жазо тайинланмаслиги кўрсатилляпти. Хўш, бу қандай юз беради?

Амални унутиш аслида беҳосдан, ўйланмаган ҳолда тарк қилишдир. У икки хил бўлади:

Биринчидан, унутиш бевосита юз беради. Масалан, одам рамазон ойида рўзалигини унутиб, нимадир еб, ичиб қўяди. Ёки кимдир хотираси заифлашгани туфайли ўқиган Қуръонини ё берган ваъдасини эсидан чиқариб юборади. Бу каби унутишларга жазо йўқ. Улар Пайғамбар ﷺнинг **«Умматимдан олиб ташланди...»**, деган ҳадисларига киради. Аллоҳ бундай унутиш учун жазоламайди.

Иккинчидан, унутиш кишининг ўз ихтиёри билан содир бўлади. Масалан, кимдир ўз ишлари билан овора бўлиб намоз вақтини ўтказиб юборади. Ёки кимдир ҳеч қандай касал бўлмаса ҳам, эътиборсизлигидан келиб чиқиб, ёдлаган Қуръонини эсидан чиқаради. Яна кимдир ўзининг ишлари билан овора бўлиб, ваъдасини унутади. Бундай унутишлар учун жазо бор. Улар оятда айтилган ўша дуога алоқадор унутишлардир.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا﴾

(*Парвардигоро, бизни азобингга гирифторм айлама!*).

Хато (билмасдан қилинган иш) ҳам икки турли бўлади:

Биринчиси, беҳосдан қилинган хато. Масалан, булутли кунда кимдир кун ботди, деб ўйлаб оғзини очиб юборади. Кимдир саҳрода ёмғирли кунда қиблани аниқлай олмай бошқа тарафга

(97) Ибн Ҳиббон: 16/202. Ҳоким бу ҳадис саҳиҳ деган. Ибн Можа: 2043.

қараб бомдод намозини ўқийди. Қуёш чиққанидан кейин ўзининг бошқа тарафга қараб намоз ўқиганини англайди. Яна кимдир зеҳни пастлиги ёки тили норавонлиги туфайли тўғри қироат қила олмайди. Яна кимдир бир хато ишни тўғри, деб қилади. Масалан, саҳродан кимдир келиб, Пайғамбар ﷺ билан намоз ўқийди ва намознинг ичида туриб, аксириб юборган одамга, саломат бўлинг, деб юборади. Бундай дейиш намозни бузишини билмайди. Чунки шаҳардан узоқда яшагани ва ўргатадиган одам бўлмагани туфайли ҳали бу ҳақда эшитмаган бўлади. Мана шу каби ишлар Пайғамбар ﷺнинг **«Умнатимдан олиб ташланди...»**, деган ҳадисларига киради.

Иккинчиси, кимдир атайин тескари иш қилади. Яъни, ўз ихтиёри билан шариатга зид иш қилади. Масалан, рамазонда кун ботишидан олдин билиб туриб, оғзини очиб юборади ёки зарур шаръий ҳукмларни ўрганишга қодир бўла туриб ўрганмайди-да, билиб туриб, Аллоҳ тақиқлаган ишларни қилаверади.

Банда Павардигорига айнан мана шундай хатолари учун азобламаслигини сўраб дуо қилади.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا﴾

**(Парвардигоро, бизни азобингга гирифторм айлама!)**, деган муборак оятдаги хато сўзи мана шундай маънони англатади. Бу оятнинг якунидан ҳам кўриниб турибди.

﴿وَأَعْفُ عَنَّا﴾

**(Бизларни афв эт).**

Муохаза сўзи азоблаш маъносини билдиради. Гарчи у муфоала бобида келган бўлса-да, азоблаш фақат бир томондан, Аллоҳ томонидан бўлади.

Бу муборак оятда Аллоҳ Таолога бизни унутганимиз яъни, бошқа ишлар билан машғул бўлиб, У Зотнинг буйруқларини бажармаганимиз, аниқроқ қилиб айтганда ўзимиз бепарволик қилганимиз учун ҳам, қасдан қилган хатоларимиз учун азобламаслигини сўраб илтижо қилиш бор.

Бу муборак оятда ифодаланган, азобланишга олиб борадиган унутиш ва хато мана шу. Бундан бошқа хато ва унутиш учун Аллоҳнинг марҳамати ила азоб йўқ. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأَ، وَالنَّسْيَانَ، وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ»

**«Аллоҳ Умматимдан билмасдан қилинган, унутиб қилинган ва мажбурланиб қилинган (амалларнинг гуноҳи)ни олиб ташлади».**

Мана шу ерда бир савол туғилади: Агар бу оятда ифодаланаётган хато ва унутиш гуноҳ бўладиган бўлса, Муслимнинг ҳадисдаги Аллоҳнинг ижобат қилишини қандай тушунамиз? Бундан биз бу гуноҳлар учун жазоланмаймиз, деган маъно чиқадими?

Аллоҳ Таолонинг ижобат қилиши Пайғамбар ﷺ тафсир қилиб берганларидек, дуо қилиб сўраган истакларимизни амалга ошириб беришидир, яъни, гуноҳларимизни ўчириб, бизни мағфират қилиши ё биздан бир ёмонликни даф қилиши ёки ухровий савобимизни кўпайтиришидир. Термизий Абу Ҳурайра йўлидан чиқарган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ رَجُلٍ يَدْعُو اللَّهَ بَدْعَاءٍ إِلَّا اسْتَجِيبَ لَهُ فِيمَا أَنْ يُعَجَّلَ لَهُ فِي الدُّنْيَا، وَإِمَّا أَنْ يُدْخَرَ لَهُ فِي الْآخِرَةِ، وَإِمَّا أَنْ يُكْفَرَ عَنْهُ مِنْ ذُنُوبِهِ بِقَدَرٍ مَا دَعَا مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةٍ رَحِمٍ أَوْ يَسْتَعْجِلَ، قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ يَسْتَعْجِلُ؟ قَالَ: يَقُولُ دَعْوَتُ رَبِّي فَمَا اسْتَجَابَ لِي»

**«Қайси бир киши Аллоҳга бирон бир дуо қилса, модомики, гуноҳ иш учун, қариндошчиликни узиш учун қилмас ёки пошилтирмас экан, дуоси ижобат бўлиши аниқ - ё сўраган нарсаси шу дунёнинг ўзида тезда берилади ё охиратига захира қилиб қўйилади ёки қанчалик дуо қилган бўлса, шунчалик гуноҳлари каффорат қилинади. Шошилтириши қандай бўлади, эй Аллоҳнинг пайғамбари, деб сўрашган эди, Парвардигоримга дуо қилдим, лекин У ижобат қилмади, дейишидир»**, деб жавоб бердилар Пайғамбар ﷺ. Жобир йўлидан қилинган яна бир ривоятда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ أَحَدٍ يَدْعُو بَدْعَاءٍ إِلَّا آتَاهُ اللَّهُ مَا سَأَلَ أَوْ كَفَّ عَنْهُ مِنَ السُّوءِ مِثْلَهُ مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةٍ رَحِمٍ»

**«Қайси бир одам бирон бир дуо қилса, модомики, гуноҳ учун ёки қариндошчиликни узиш учун қилмас экан,**

**Аллоҳ унинг сўраганини беради ё ундан бир ёмонликни даф қилади».**

Аллоҳ Таолонинг

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ﴾

– „**Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди**“.[40:60]  
Ва

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ﴾

– „**Бандаларим Сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуоғўйларнинг дуосини ижобат қиламан**“.  
[2:186]  
деган оятлари ҳам шу қабилдандир.

У ижобатни мўминлар дуоси билан боғлайди. Шуларнинг ҳаммаси Пайғамбар ﷺ айтиб ўтган ижобат маъносида. Шунинг учун ижобат Аллоҳ Таолонинг фазлидандир. Биз афв сўраб, мағфират сўраб, кофирлар устидан ғалаба сўраб, унутиб ва билмасдан қилган хатоларимиз учун бизни азобламаслигини, жазоламаслигини сўраб, устимизга оғир юкларни юкламаслигини сўраб, дуо қиламиз ва шуларнинг ҳаммасида дуойимиз ижобат бўлишига аниқ ишонамиз. Чунки Пайғамбар ﷺнинг ҳадисларида Аллоҳ Таолонинг Ўзи бу ҳақда суюнчли хабар берган. **«Хўп, деди»**. Бу ижобат Аллоҳ Таолонинг дуода сўралган нарсани амалга ошириб бериши, яъни, гуноҳларимизни кечириб, кофирлар устидан ғолиб қилиши ҳам ё биздан бирор ёмонликни даф қилиши ҳам ёки дуойимизни охиратимиз учун захира қилиши ҳам бўлиши мумкин. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмли, Саховатли Зотдир. Ижобат шу дунёнинг ўзида бўлиши шарт эмас. У юқорида айтиб ўтилган тарзда бўлиши ҳам мумкин.

﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا﴾

(**Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама!**), (إِصْرًا)

Одамни оғир аҳволга солиб қўядиган қийин ишни, оғир юкни. Ҳар бир буюрилган оғир иш иср ҳисобланади.

﴿وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ﴾

– „Улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди“. [7:157]

Бу ерда худди Бану Исроил ва бошқаларга юклаганидек, бизнинг устимизга ҳам оғир ишларни юкламаслигини сўраб, Аллоҳга дуо қилиняпти. Уларга тавба учун бир-бирларини ўлдириш ишини юклаганди. Аллоҳ бу дуони ижобат қилиб, бизга тавба йўлини осон қилиб беряпти. У Бану Исроилда бўлгани каби бир-биримизни ўлдириш эмас, кўнгилни холис Худога боғлаб, гуноҳни тарк қилиш, гуноҳ қолдирган доғларни тозалаш ва қайтиб унга яқинлашмаслик, холос.

(رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ) **Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!**) яъни, эй Парвардигор, худди олдинги умматларга юборганингдек, бизга тоқатимиз етмайдиган ой тутилиши (ер ютиши), ҳайвонга айланиш, вайрон бўлиш ва яшин уриш каби балоларни юборма.

Аллоҳ Таоло бизга ўзимизга оғирлик қиладиган ишларни юкламаслигини сўраб дуо қилишни ўргатганидан кейин тоқатимиз етмайдиган ишлар учун бизни жазоламаслигини сўраб ҳам дуо қилишни ўргатди. У Раҳмли ва Шафқатли Зотдир.

(وَأَعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَأَرْحَمْنَا) **Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни)**

**мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла!**) Олдинги дуо каби Аллоҳ Таоло бунди Парвардигоро сўзи билан бошламади. Чунки бу уч дуо олдинги уч дуога муқобил тарзда келяпти. Кейингилар олдингиларга ҳам атф ва ҳам натижа бўляпти. Авф этиш унутиб ва билмасдан қилинган иш учун азобламасликнинг, мағфират қилиш агар устимизга оғир ишлар юкланадиган бўлса, уларни яхши бажара олмаслигимизнинг муқобилидир.

Раҳмат эса тоқатимиз кўтара олмайдиган ишлар учун жазоланишимизнинг муқобилидир.

(أَنْتَ مَوْلَانَا) **Ўзинг хожамизсан!**) яъни, Подшоҳимиз, Хожаимиз,

Бошқарувчимиз. Бу сўз аслида масдар бўлиб, ундан фоил ирода қилиняпти. Яъни, Сен бизнинг Хожаимизсан, денглар, деган маънода.

(فَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ) **Бас, бу кофир қавам устига Ўзинг бизни**

**ғолиб қил!**) Фо сабабни ифодалаб келяпти. Чунки Аллоҳдан нусрат сўраб дуо қилишнинг сабаби Аллоҳнинг Хожа, Подшоҳ, Бошқарувчи Зот эканлигидир. Масалан, сен сахийсан-ку, менга

саховат кўрсат ёки сен паҳлавонсан-ку, қўшнингни ҳимоя қил, дейсиз.

Имом Аҳмад Абу Зардан чиқарган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«أُعْطِيَتْ خَوَاتِيمُ سُورَةِ الْبَقَرَةِ مِنْ كَنْزٍ تَحْتَ الْعَرْشِ وَلَمْ يُعْطَهُنَّ نَبِيٌّ قَبْلِي»

**«Менга Бақара сурасининг охирлари Аршнинг остидаги кондан берилди. Улар мендан олдинги бирон пайғамбарга берилмаган».**

Имом Аҳмад Ҳузайфа йўлидан чиқарган ҳадисда мана бундай дейилган:

«... وَأُعْطِيَتْ هَذِهِ الْآيَاتِ مِنْ آخِرِ الْبَقَرَةِ مِنْ كَنْزٍ تَحْتَ الْعَرْشِ لَمْ يُعْطَهَا نَبِيٌّ قَبْلِي»

**«...Бақара сурасидаги бу охирги оятлар менга Арш остидаги кондан берилди. Улар мендан олдинги бирон пайғамбарга берилмаган».**



## Бақара сурасининг хотимаси

Энди мана шу сура ҳақида сўнги сўзни айтамеиз. Бу сура ақида ва шариатга тегишли Ислом ҳукмларининг ҳаммасини бўлмаса ҳам аксариятини қамраб олган.

Унда мўминлик, кофирлик ва мунофиқлик моҳияти очиб берилган. Сўнг кофирларга қарши Аллоҳнинг маъбудликда ҳам, парвардигорликда ҳам ягоналигига, шерикдан, боладан, ўхшашдан, хотиндан Пок эканига ҳужжатлар келтирилган. Кейин Аллоҳнинг каломи бўлган, бирон жойига биронта ноҳақлик аралашмаган Қуръон мушрикларни беллашувга чақирган. Унинг мислини инсон зоти ярата олмаган, бундан кейин ҳам ярата олмайди.

Бу сурада Одам ни ер юзига Халифаликка тайёрлаш баён қилинган. Аллоҳ у кишини энг гўзал суратда яратди. Унга соғлом ақл ва тоза табиат ато этди. Шу билан у ўзини яратган Зотга имон келтирди ва Унга ибодат қилди, дуо қилди. Кейин Аллоҳ унга нарсаларнинг номларини ўргатди. Бошқачароқ қилиб айтганда у Парвардигордан фикрлашга, янги фикрлар келтириб чиқаришга замин бўлгувчи собиқ маълумотларни олди. Шундай қилиб, унинг зурриёти нарсалар хусусида тафаккур қилди, ҳақиқатни аниқлади, Аллоҳнинг пайғамбарларини кутиб олишга ҳозирлик кўрди. Хуллас, ҳар ким экканини ўрадиган бўлди, юзнинг қийшиқлигига ойнадан ўпкалашнинг ҳожати қолмади.

Кейин Аллоҳ Таоло пайғамбарларни Аллоҳнинг оятлари билан мубашшир ва назир қилиб, яъни, мўминларга Аллоҳнинг розилиги ва жаннатлар ҳақидаги суюнчли хабарни етказувчи қилиб, кофирларни эса Аллоҳнинг ғазаби ва интиқомидан огоҳлантирувчи қилиб юборди.

Бу сурада яҳудлар, уларнинг хиёнатлари, макру ҳийлалари, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, ўзларига нозил бўлган китобларни ўзгартириб юборганлари, динни савдога қўйганлари, Аллоҳнинг оятларини арзимас баҳога сотганлари, Пайғамбар га қарши тил бириктирганлари, одамларни имон йўлидан тўсганлари, ўзлари пасткаш, мунофиқ, хоин, бевафо одамлар экани, уларга хорлик ва мискинлик ёзилгани ҳамда кофирларга хор қилгувчи азоб борлиги баён қилинган.

Кейин бу сурада аслий ва фаръий шаръий ҳукмлар, зулм, зулмнинг турлари, масжидлардан тўсиш, гувоҳликни беркитиш, илмни яшириш зулмлари, намоз, закот, рўза, ҳаж, жиҳод, никоҳ, талоқ, ийло, эмизиш, Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш, рибо,

дайн, афв, мағфират, раҳмат мавзуларида гап боради. Аллоҳ (ҳамма нарсани) Қамраб олувчи Билимдон Зотдир.

Ва ниҳоят хотима. Нақадар гўзал, нақадар ёқимли хотима! Аллоҳнинг нусрати. Нақадар ажойиб нусрат! Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас!

﴿أَنْتَ مَوْلَانَا فَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

*(Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни солиб қил!)*

Бу муборак суранинг фазли жуда буюк.

Имом Аҳмад ва имом Муслим (матн Муслимники) Абу Умомадан чиқарган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ أَقْرَأُوا الزُّهْرَاوِينَ الْبَقْرَةَ وَسُورَةَ آلِ عِمْرَانَ فَإِنَّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَأَنَّهُمَا غَمَامَتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا غَيَابَتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا فِرْقَانٌ مِنْ طَيْرٍ صَوَّافٍ تُحَاجَّانِ عَنْ أَصْحَابِهِمَا أَقْرَأُوا سُورَةَ الْبَقْرَةِ فَإِنَّ أَخْذَهَا بَرَكَةٌ وَتَرْكُهَا حَسْرَةٌ وَلَا تَسْتَطِيعُهَا الْبَطَلَةُ»

**«Қуръонни ўқинглар. У қиёмат кунда уни ўқиганларга шафеъ (шафоат қилгувчи) бўлиб келади. Икки заҳрони — Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқинглар. Бу икки сура қиёмат кунда икки булутдек бўлиб, икки соядек бўлиб, (соя солиб тургувчи) саф тортган қушлар тўдасидек бўлиб келадилар ва ўзларини ўқиганларга ҳужжат бўладилар. Бақара сурасини ўқинглар. Зеро, уни олиш баракадир, ташлаш эса ҳасрату надоматдир. Уни ўқиган одамга сеҳргарнинг таъсири ўтмайди».**

Заҳро сўзи нур сочувчи, ярақлаган маъноларини англатади. Ой ва қуёш маъносида ҳам қўлланади. Бақара ва Оли Имрон суралари икки заҳро, деб ҳам аталади.

Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Маъқал ибн Ясор йўлидан чиқарган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْبَقْرَةُ سَنَامُ الْقُرْآنِ وَذُرْوَتُهُ»

**«Бақара сураси Қуръоннинг ўрқачидир, чўққисидир».**



﴿وَأَخِرُ دَعْوَتِهِمْ أَنْ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

– „Охирги тилаклари эса бутун оламлар Парвардигори — Аллоҳга ҳамду сано айтишидир“ . [10:10]

«Эй Аллоҳим, Сен ҳар қандай нуқсондан Поксан, Сенга ҳамд айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сендан мағфират сўрайман. Сенга тавба қиламан».



1417 ҳижрийда Пайғамбар ﷺ туғилган кунларидан ўн уч кун ўтгач, Бақара сурасининг тафсирини тугатар эканман, шундай дедим:

Ёлғиз Аллоҳимнинг фазлу карами  
Рушду ҳидояти, мадади билан.  
Заҳро тафсирининг усулларини  
Тайсир айламоққа ноил бўлибман.

Энг буюк оятлар унда мужассам,  
Ўркач ҳам, чўққи ҳам унда жамулжам.  
Ҳамд айтай, ҳамд айтай ўтказмайин дам,  
Айтганнинг ҳамдини эшитар Эгам.

Бақара сурасининг тафсири 1417 ҳижрийнинг 25 робиул-аввалида 1996 милодийнинг ўнинчи августида ниҳоясига етди.  
Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин.

## МУНДАРИЖА

<b>Иккинчи пора, тўртинчи қисм, иккинчи чорак .....</b>	<b>4</b>
﴿يسألونك عن الخمر.....عزيز حكيم﴾ (219-220) тафсири.....	8
﴿ولا تنكحوا المشركات.....لعلهم يتذكرون﴾ (221) тафсири.....	17
﴿ويسألونك عن الحيض.....وبشر المؤمنين﴾ (222-223) тафсири.....	24
﴿ولا تجعلوا الله.....والله غفور حلِيم﴾ (224-225) тафсири .....	32
﴿للذين يؤلون.....فإن الله سمیع علیم﴾ (226-227) тафсири.....	36
﴿والمطلقات يتربصن.....لقوم يعلمون﴾ (228-230) тафсири.....	39
﴿وإذا طلقتم النساء.....وأنتم لا تعلمون﴾ (231-232) тафсири .....	63
<b>Иккинчи пора, тўртинчи қисм, учинчи чорак .....</b>	<b>68</b>
﴿والوالدات يرضعن.....أن الله غفور رحيم﴾ (233-235) тафсири.....	71
﴿لا جناح عليكم.....بما تعملون بصير﴾ (236-237) тафсири.....	80
﴿حافظوا على الصلوات.....ما لم تكونوا تعلمون﴾ (238-239) тафсири ..	84
﴿والذين يتوفون.....لعلكم تعقلون﴾ (240-242) тафсири.....	92
<b>Иккинчи пора тўртинчи қисм тўртинчи чорак .....</b>	<b>99</b>
﴿ألم تر إلى الذين خرجوا.....وإليه ترجعون﴾ (243-245) тафсири.....	102
﴿ألم تر إلى الملاء من بني.....إن كنتم مؤمنين﴾ (246-248) тафсири.....	107
﴿فلما فصل طالوت.....ذو فضل على العالمين﴾ (249-251) тафсири ....	113
﴿تلك آيات الله.....إنك لمن المرسلين﴾ (252) тафсири .....	116
<b>Учинчи пора, бешинчи қисм .....</b>	<b>119</b>
<b>Учинчи пора, бешинчи қисм, биринчи чорак.....</b>	<b>120</b>
﴿تلك الرسل فضلنا.....هم فيها خالدون﴾ (253-257) тафсири.....	124
﴿ألم تر إلى الذي حاج.....عزيز حكيم﴾ (258-260) тафсири .....	148
﴿مثل الذين ينفقون.....ولا هم يحزنون﴾ (261-262) тафсири .....	160
<b>Учинчи пора, бешинчи қисм, иккинчи чорак.....</b>	<b>164</b>
﴿قول معروف.....لعلكم تتفكرون﴾ (263-266) тафсири.....	166

﴿يا أيها الذين آمنوا.....والله بما تعملون خبير﴾	тафсири ....	173
<b>Учинчи пора, бешинчи қисм, учинчи чорак.....</b>	<b>189</b>	
﴿ليس عليك هداهم.....ولا هم يحزنون﴾	тафсири .....	192
﴿الذين يأكلون الربا.....وهم لا يظلمون﴾	тафсири .....	202
Рибо ҳақида .....		217
﴿يا أيها الذين آمنوا.....والله بكل شيء عليم﴾	тафсири .....	221
<b>Учинчи пора, бешинчи қисм, тўртинчи чорак.....</b>	<b>247</b>	
﴿وإن كنتم على سفر.....بما تعملون عليم﴾	тафсири .....	248
﴿الله ما في السماوات.....على القوم الكافرين﴾	тафсири ....	254
Бақара сурасининг хотимаси .....		274



